

ISSN 2181-8738

ВОДАЙНОМА

ОКТЯБРЬ-ДЕКАБРЬ
2016 ЙИЛ №2

Ижтимоий-тариҳий, илмий ва оммабол журнал



МУНДАРИЖА

«ВОДИЙНОМА»

ижтимоий-тарихий,
илмий ва оммабон журнал

Муассис: «Мерос» халқаро илмий-амалий
экспедиция жамоат фонди

Бош мұхарріп:

Рустамбек Шамсұтдинов
Таҳрір ҳайъаты:
Мирсодик Исҳоқов
Мұхаммаджон Исомиддинов
Ташманбет Кененсариев
Бахтиёр Расулов
Маъмуржон Сайдхонов
Поён Равшанов
Турсунбой Файзуллаев
Юсуфжон Аҳмадалиев
Масъул котиб:
Мұзробжон Абдуллаев
Мұхарріп:
Ҳалимжон Каримов
Техник мұхарріп:
Аҳрорбек Отаконов

Жамоатчилик кенгашы:

Дилмурод Қурунов
Боқижон Матбобоев
Маҳмуд Ҳасанов
Сойибжон Ҳошимов
Ўқтам Убайдуллаев
Эргаш Юсупов
Мансур Ҳўжаев
Абдуҳалим Эргашев

Андижон вилояти Матбуот ва ахборот бо-
шқармаси томонидан 2016 йил 18 майда
№ 04-049 рақам билан рўйхатга олинган
Нашр индекси: _____

Нашр учун масъул:
Р.Т.Шамсұтдинов

Босишига рухсат этилди: _____
Қоғоз бичими 60x84
Босма тобоги: 13,5
Оффсет босма.
Оффсет қоғози.
Адади: 500 дона.

Муқова дизайни ва оригинал макет
«Akademnashr NNM» МЧЖ томонидан
тайёрланган

«Akademnashr NNM» МЧЖ босмахонасида
чоп этилди
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
20А-мавзе 42-үй

ИСЛОМ КАРИМОВ ВА АНДИЖОН 2

ТАРИХШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК

Рустамбек Шамсұтдинов
Матбуот – муҳим тарихий манба 14

ҚАДИМГИ ДАВР

Бахтиёржон Сайфуллаев
Фарғона водийси ибтидоий тарихидаги етишмәётган бўғин 19
Бахтиёржон Абдуллаев
Қадимий Фарғона урбанизациясининг айrim хусусиятлари 25
Аблат Ҳўжаев
Қадимги Фарғона давлатининг илк пойтакти ҳақида 33

ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ

Шамсиддин Камолиддин
Сомонийларнинг тангаларидағи рамзлар 39

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ВА СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ

Ташманбет Кененсариев
Научные конференции по истории восстания туркестанцев против
царизма (на материалах Ферганской долины) 43
Рустамбек Шамсұтдинов, Аҳрорбек Отаконов
Водийдаги 1916 йилги миллий озодлик қўзғолони тарихига доир 46

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ

Абдураҳмон Исҳоқов
Истиқлол мўъжизаси 55

ТАРИХИЙ ШАҲСЛАР

Тошманбет Кененсариев
Қурмонжон доддоҳ. Қурмонжон доддоҳ фаолиятининг иккинчи
даври (1862 – 1876) 59
Тўрабек Жўрабеков 69
Абдуқодир Ўрзабеков 71

ҲУЖЖАТЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР

Миллий бошқарув учун кураш лавҳаларидан 75
Аризалар ва хатларда инсон тақдирни 85

ЭСДАЛИКЛАР, РИВОЯТЛАР ВА ЁЗИШМАЛАР

Мұхаммадхўжа Муҳиддинхўжа ўғли Хуруллохон эсдалигидан 91
Андрей Владимирович Трубецкой. Андижондан мактублар 94

ТАҢҚИД ВА ТАҚРИЗ

Алихонтўра Озарбайжон олимни талқинида 105



ИСЛОМ КАРИМОВ ВА АНДИЖОН

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг вафоти Андижон вилояти аҳолисини ҳам чуқур қайгуга солди. Минг-минглаб андижонликлар ушбу жудоликдан хабар топғанлари заҳоти вилоят, барча шаҳар ва туманлар марказлариға оқиб кела бошлишди. Барчанинг юзида қайғу, кўзида ёш, қалбида эса худди отадек меҳрибон бўлиб қолган азиз инсонига нисбатан чексиз меҳр мужассам эди. Андижон шаҳри марказидаги Бобур майдонига қўйилган Ислом Каримов портрети бир зумда анвойи гулларга бурканди. Вилоятдаги барча масжидларда жаноза намозлари ўқилди. Мотам тадбирларининг учинчи кунида Бобур номидаги миллий боғда мусулмончилик одатларига кўра элга ош берилиб, марҳум хотираси ёдга олинди. Бундай тадбирлар шу куни вилоятдаги барча шаҳар ва туманларда, меҳнат жамоаларида ҳам бўлиб ўтди.



Агар олис тарихимизга бир назар ташлайдиган бўлсақ, не-не подшолар, хонлар яшаб ўтмаган дейсиз бу заминда. Бироқ бизгача ёзиб қолдирилган манбаларда уларнинг ўлими эл-улуснинг изтиробига, сел бўлиб оққан кўз ёшларига сабаб бўлгани ҳақидаги маълумотларни деярли учратмаймиз. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг вафоти бутун мамлакатимиз, шу жумладан, Андижон вилояти аҳлини бирдек чуқур қайғуга солди. Йифламаган одам қолмади ҳисоб. Хўш, Президентнинг халқ орасида шунчалар обрў-эътибор қозонишининг боиси нима? Унинг ФЕНОМЕНИ нималарда кўринади? Шу нарса аёнки, ушбу саволлар атрофида тарихчиларимиз, сиёsatшуносларимиз ҳали кўп ва хўп ёзишади. Журналинизмнинг мазкур сони бош мақоласида Ислом Каримовнинг биргина Андижон вилояти аҳолиси ўртасида ҳурмат-эҳтиром қозонишига сабаб бўлган омилларнинг айrimларигагина тўхталиб ўтмоқчимиз. Бунинг учун И.Каримовнинг мустақилликнинг илк давридан бошлаб Андижон вилоятига қилган сафарлари чоғида вилоятни иқтисодий-ижтимоий ва маданий жиҳатдан ривожлантириш бўйича билдирган фикр-мулоҳазалари, чиқарган фармон ва қарорлари асос бўлиб хизмат қиласиди.

1991 йилнинг 1 сентябрида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг орадан икки ой ўтмасиданоқ Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов Андижон вилоятига ташриф буюрди. Ўшанда мустақилликни эндиғина қўлга киритган, бироқ Иттифоқ таркибидан ҳали тўла ажраб чиқмаган ёш давлатимиз ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий бўхронларни бошдан кечираётган давр эди. Президентимиз вилоят меҳнаткашлари билан учрашар экан, мустақилликнинг дастлабки даврида қийинчиликлар бўлиши муқаррарлигини, уларга ҳар томонлама тайёр туриш кераклигини, давлатимиз бундай пайтда аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ қатламини қўллаб-қувватлашини билдириди. Махсус фонд тузилиб, якка-ёлғиз ва қаровчисиз қолган

қариялар давлат тасарруфига олинди. Улар учун маҳсулотлар бепул берилди. Ҳали мустақиллигимиз эълон қилинмасидан туриб, яъни 1989 йили ёк Президент томонидан аҳолига ер участкалари ажратилган эди. Андижон вилоятida аҳоли ўта зич жойлашганлиги ҳисобга олинниб истиқоллнинг дастлабки йилларида ҳам ушбу жараён давом эттирилди. Муҳтоҷ оилалар 8 сотиҳдан иборат ер участкаларига эга бўлишиди.

Ўзбекистон Президенти ўз фаолиятининг илк дамларидан бошлаб халқ дардини ўзи-

«Бу қадими заминда (Андижонда) кўпни кўрган, ўзига, ўзининг кучи ва салоҳиятига ишонган, меҳнаткаш, ор-номусли одамлар яшайди. Андижон эли ўзининг қандай буюк зотларнинг авлоди эканини, қандай бебаҳо мерос соҳиби эканини яхши англайди. Бу замин дунёга Бобур Мирзо, Чўлпон каби улуғ инсонларни бергани билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз. Ҳеч қачон унутмайликки, биз – темурийлар, бобурийлар авлодимиз, бу авлод ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмаган ва қарам бўлмайди, кимнингдир ишораси, кўрсатмасига қараб ўз ҳаётини курмайди».

И.Каримов,
Ўзбекистон Республикасининг
биринчи Президенти

нинг дарди деб билди. Энг қийин пайтларда одамлар билан ёнма-ён туришга, иқтисодий қийинчиликми ёки табиий оғатми, бирга енгиб ўтишга одатланганди. 1992 йил баҳорида Қўрғонтепа, Пахтаобод, Избоскан туманларида рўй берган кучли сел ва тошқин оқибатида аҳолига, халқ хўжалигига жиддий зарар етди. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти бу хабарни эшитгани заҳоти зудлик билан Андижонга етиб келди. Жабр кўрган фуқароларнинг уйларида бўлиб, уларнинг кўнглини кўтарди. Мустақил Ўзбекистон фуқароси ҳеч



қачон ёлғиз қолмаслигини, ҳар бир инсон ҳақида республика хукумати, шахсан Президентнинг ўзи қайғуриши ва етарли ғамхўрлик кўрсатишини билдириди.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Андижон вилояти иқтисодий-ижтимоий ҳаётини юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси ҳақида сўз юритилганида, энг аввало, Асака автомобиль заводининг барпо этилиши тарихига тўхталмоқ лозим.

Ўзбекистон Президенти мустақилликнинг дастлабки йилларида вилоятда кўндаланг бўлиб турган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш устида жиддий бош қотирди. Андижонда аҳоли ўта зич жойлашган бўлиб, унинг ҳудуди мамлакат умумий ер майдонининг атиги 1 фоизини ташкил қилгани ҳолда, бу ерда республика аҳолисининг қарийб 9 фоизи яшарди. Ҳар бир квадрат километрга 509 киши тўғри келарди. Бу мамлакат ўртacha кўрсаткичидан 9 марта кўп демақдир.

1992 йил 3 июль куни Президент Жанубий Кореядаги «ДЭУ» корпорацияси раиси доктор

Ким У Жун ҳамроҳлигидан Тошкентдан Андижонга учиб келиб, меҳмонни Асакадаги трактор прицеплари заводига олиб борди. Унинг мақсади айнан шу ерда енгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил этиш эди. Сабаби, Асакада аҳоли ўта зич жойлашганлиги боис ишсизлик муаммоси ўткирлигини яхши биларди. Собиқ Иттифоқ даврида Асака туманини иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришга етарли эътибор берилмаган. Натижада ишсизлар кўпайиб, жиноятчилик ортган. Бу ерда томир отган айрим жиноий гуруҳларнинг зўравонлигидан халқ азият чекиб келарди. Шу боис И.Каримов эндинина мустақил бўлган республикамиз раҳбарлигига сайлангач Асакада давом этиб келаётган бедодликларни таг-томири билан йўқотиш ҳақида кўрсатма берди. Туман аҳолиси эркин нафас ола бошлади. Ана шунда юртбошимиз ушбу шаҳарда йирик саноат корхонасини, бўлгандა ҳам Марказий Осиёда қиёси йўқ улкан ишлаб чиқариш мажмуасини яратишни дилига тутиб қўйган эди.

Ўзбекистонда автомобиль ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил қилиш ҳақидаги икки томонлама меморандумга имзо чекилгач, 1994 йилнинг февраль ойида бошланган қурилиш-монтаж ишлари режадагидан 1 йил олдин – 1995 йилнинг декабрь ойида тўла якунланди. Натижада 1995 йил 25 март куни Асака автомобиль заводида «Дамас» русумидаги биринчи ўзбек автомобили ишлаб чиқарилди. Шу йилнинг 15 июнь куни «Тико», 25 июнь куни «Нексия» русумли автомобиллар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

1996 йил 19 июнь куни Асака шахрида «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов, «ДЭУ» корпорацияси раиси Ким У Жун иштирок этди. Эндиғина мустақил бўлганига қарамай, жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарувчи 28 та энг кучли давлат қаторидан ўрин эгаллаши Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги улкан галабаси эди. Заводнинг бош корхонаси ҳамда жойларда ташкил қилинган бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар минглаб ўзбек ёшларини ўз бағрига олди. Улар доимий иш жойига эга бўлдилар. Бу Президентнинг Асака халқи, қолаверса, Андижон вилояти аҳолисини ўйлаб қилинган оталарча ғамхўрлиги ифодаси эди.

Хуллас, қадимий ва навқирон Асака ҳамиша тилларда достон бўлиб қелган. Илгари Даван давлатининг учқур отлари, самовий аргумоқтар Асаканинг серсув, сўлим масканларида парваришланган бўлса, бугун бу шаҳарда мустақил Ўзбекистоннинг темир тулпорлари: «Ласетти», «Нексия», «Спарк», «Кобалт» каби турфа хил енгил автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда.

Ўтмишга назар солсак, Андижонга бундан 100 йил муқаддам биринчи марта енгил автомобиль Германиядан маҳаллий сармоядор Миркомилбой Мирмўминбоев томонидан келтирилган. Европа саёҳатидан қайтган Миркомилбойни зиёрат қилиш ва у Германиядан олиб қелган автомобилни кўриш учун одамлар қадами анчагача унинг

уидан узилмаган.

1916 йил 8 сентябрда Туркистон ҳарбий генерал-губернатори А.Н.Куропаткин Андижонга келганида уезд-شاҳар раҳбарларида биронта ҳам автомобиль бўлмаган. Шу боис А.Н.Куропаткин поезднинг юқ вагонларидан бирига автомобилини ортиб қелган. Уни Андижонда ўша автомобиль билан керакли жойларга олиб боришган. Қайтишда А.Н.Куропаткин автомобили яна поездда олиб кетилган.

50-йилларда ҳам Андижонда замонавий транспорт воситалари йўқ эди, борлари извош, яъни дилижон, қўқонарава, эшакара ва, велосипед бўлган. Аксарият одамлар яёв юарди.

Атига иккита Америкадан келтирилган автобус бўлиб, бутун Андижон шаҳри аҳолисига хизмат кўрсатган. Автобус қатнови йўналиши Андижон вокзали – Жоме масжиди – Сойгузар бўлган. Туманлар, қишлоқ ва даҳалараро автомобиль қатнови йўлга қўйил-

«Ишончим комилки, Ўзбекистонимизнинг ғалла мустақиллигини таъминлаш ишига андижонлик деҳқонларнинг қўшган ҳиссасини, мардлиги ва жасоратини халқимиз, тарихимиз ҳеч қачон унутмайди».

И.Каримов,
Ўзбекистон Республикасининг
биринчи Президенти

маган. Юқ ташувчи политурка «Зис», енгил машиналардан «Победа», «Волга», «Москвич» автомобиллари кейинчалик андижонликлар турмушига кириб келди.

Андижонликларга ҳам истиқлол бу борада буюк ўзгаришлар, улкан зафарлар келтириди. Ҳозирда Андижон шаҳрининг катта ва кичик кўчалари автомобиллар билан тўла. Бунда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.Каримовнинг хизмати беқиёсdir.

Иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш, ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги



ютуқлари учун мамлакатда биринчи бўлиб Андижон вилояти 2003 йили Ватанимизнинг юксак мукофоти – «Амир Темур» ордени билан тақдирланди.

Андижонликлар учун ҳам энг улуғ ва азиз неъмат, ҳеч нарса билан ўлчаб, солишириб бўлмайдиган бебаҳо бойлик тинчлик ва осо-ишишталиқ, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатликдир. Чунки тинчлик ва тотувлик бор жойда файзу барака, ўсиш-ўзгариш бўлади, ҳар қайси инсон ўз қалбидаги муқаддас орзу-интилишларни эркин рӯёбга чиқариш, фарзанд, невара-чевара ўстириш, уларнинг баҳту камолини кўриш имкониятига эга бўлади.

Мустақилликнинг ilk йилларида андижонликлар ҳам тек қараб турмай, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланишди. Буни биргина ғалла мустақиллигига қўшган салмоқли ҳиссасидан ҳам билиш мумкин. Вилоят деҳқонлари Президентнинг асосий таянчига айланishi. Краснодар ўлкасидан буғдойнинг

«Скифиянка», «Юна», кейинчалик «Крошқа», «Половчанка» каби навлари олиб қелиниб, улардан уруғлик тайёрлаш йўлга қўйилди. Кейинги йилдан улар республикамизнинг барча вилоятларига етказиб берила бошланди. Шу тариқа Андижонда ўзига хос ғалла ургучилиги мактабига асос солинди. Агар 1991 йили вилоядта бор-йўғи 12 минг гектар ерга буғдой экилган бўлса, 2004 йилга келиб ғалла майдонлари ҳажми 74 минг гектарга етди. Вилоят ғаллакорлари омилкорлик билан иш юритиб, ҳосилдорликни гектарига 32,2 центнердан 72,4 центнерга оширишди. Ушбу тажриба бутун республикамизга кенг ёйилиб, ғалла етишириш ҳажми юксалди. Натижада ўта қисқа вақт ичida Ўзбекистон ғалла мустақиллигига эришди. Президентимиз фидойи инсонларни қадрлашни биларди. Андижондан чиқкан Ўзбекистон Қаҳрамонлари: Қобилjon Обидов, Содиқjon Абдурасулов, Сиёсатхон Абдуллаева, Отахон Аламатов, Камолиддин Гопиров, Содиқjon Турдиев, Ҳасанбой Қосимов, Шукуржон Ма-



матқулов, Таваккал Топиболдиев мустақиллик йилларидағи жасоратли меңнати әвазига муносиб тақдирландылар.

И.Каримовнинг 1995 йили вилоятга қилган ташрифи чоғида унинг қимматли маслаҳатлари билан бошланган плёнка остига чигит экиш тажрибаси республикада пахта етиширишнинг «андижонча усули» сифатида тан олинди. Давлат раҳбари 1998 йилнинг июнь ойида Балиқчи туманидаги «Пахтакор» ширкат хўжалигига бўлган чоғида андижонликлар олдига янги пахта навларини яратиш, уни парваришиларнинг илмий асосланган технологияларини жорий этиш вазифаларини қўйди. Натижада андижонлик селекционер олимлар томонидан пахтанинг «Андижон-9», «Андижон-35», «Андижон-36», «Андижон-37» сингари юқори сифатли тола берувчи саноатбоп навлари ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бунинг натижасида дехқонларнинг моддий манфаатдорлиги ортди.

Мамлакат Президенти ҳар сафар Андижонга келар экан, бу ердаги ижобий янги-

ликларни, ташаббусларни кўриб баҳри-дили очиларди. У 1999 йил 17 декабрь қуни Андижон вилояти сайловчилари билан учрашуви чоғида буни алоҳида эътироф этган. «Андижонда бўлиш менга доимо катта мамнуният, куч-қувват багишлайди, – деган эди мамлакат раҳбари ўша учрашувда. – Ушибу қутлуг заминнинг ўзига хос сеҳри ва жозибаси бор. Негаки бу диёр бетакрор табиати, чапани, мард, ориятли, меҳнатсевар кишилари билан ҳар қандай одамни ўзига мафтун этади».

90-йиллар охирига келиб Президент ташаббуси билан мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди. Унга асосан жойларда академик лицей ва касб-хунар коллеклари қурилиши бошланди. Андижон туманинг Оқёр қишлоғида қурилаётган «Оқёр» агросаноат касб-хунар коллежи биноси ана шулардан бири эди. 1999 йили биринчи Президентимиз Андижонга қилган сафари чоғида айнан ушбу коллежда бўлиб, қурилиш ишларининг бориши билан танишди. Ўқувчиларга янада кенг қулай-





ликлар яратиш борасида таклиф ва кўрсатмаларини берди. Шу йили Андижонда янги типдаги 12 та касб-хунар коллекции бинолари фойдаланишга топширилди. Юргашимизнинг ушбу таълим муассасаларига бўлган эътибори шунчалик кучли эдики, 2003 йилги сафари чоғида яна «Оқёр» касб-хунар коллекция ташриф буюриб, бу ердаги ўқитиш жараёнлари, яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди. Таълим сифатини яхшилаш, ўқувчиларга камидаги 2-3 хил замонавий касбларни ўргатиш бўйича тавсиялар берди.

Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари бўлиб сайланган вақтдан бошлаб Ислом Каримов ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари қатори олий таълим ва илм-фан бутун республика бўйича бир маромда ривож топиши кераклигини, бу соҳада марказ ва чекка ўлка деган ибораларга чек қўйиш лозимлигини таъкидлаб, вилоятларда мазкур соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берди. Вилоятимизда 1931 йили асос солинган тўнгич олий ўқув юрти – Андижон давлат педагогика институти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 февралдаги фармонига кўра, ўша йилнинг 15 мартадан Андижон давлат университетига айлантирилди. Буюк Бобур номидаги университет Ислом Каримовнинг «Давлат Андижонга ёрдам бериши керак ва шарт!» деган фикри, даъвати ва амалий ёрдамидан баҳраманд бўлди. Президентнинг 2011 йил майидаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш тўғрисида»ги ПҚ-1533 сонли қарорига мувофиқ университетнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга бо млрд сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди. 2012 йилнинг ўзидаёқ қуриб битказилган 4 қаватли маҳобатли ўқув биноси нафақат университет, балки бутун шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Ҳам миллий, ҳам замонавий меъморчиликни ўзида муҗассам этган, ҳалқаро андозалар асосида қурилган бу бинода бўлгуси тарихшунос, маънавиятшунос, ҳуқуқшунос, руҳиятшунослар таҳсил олмоқдалар.

Совет даврида Фарғона водийси вилоятларидаги олий ўқув юртларининг биронтасида диссертация ҳимоя қиладиган ихтисослашган илмий кенгаш бўлмаган. 1993 йили университетда 2 та ихтисослашган илмий кенгашнинг (Ватан тарихи, яримўтказгичлар физикаси бўйича) очилиши жуда катта ижобий воқеа бўлди. Ватан тарихидан очилган ихтисослашган кенгашнинг 1993 – 1998 ва 2005 – 2006 йиллардаги фаолиятида йигирмага яқин номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Андижон, Тошкент, Наманган, Қарши, Урганч шаҳарларида олий ўқув юртларида масъул лавозимларда фаолият кўрсатган тарихчи олимлар айнан Андижон давлат университетидаги ихтисослашган кенгашда диссертация ҳимоя қилганлар.

Ислом Каримовнинг «Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди» деган доно фикри мустақиллик йилларида Андижон вилояти мисолида ҳам ўз исботини топаётганини жумлаи жаҳон эътироф этмоқда. Биринчи Президент Андижон вилоятига «Амир Темур» орденини топширишга бағишлиланган тантанали маросимда вилоят ёшларининг спорт соҳасидаги зафарларини шундай таърифлаган эди: «Андижон ҳақида гапирганда спорт ҳақида тўхтамасдан иложи йўқ, чунки вилоядада кейинги ўйларда том маънодаги спорт мактаблари шаклланиб бормоқда. Андижон спорт мактабининг ёрқин намояндалари – олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, жаҳон чемпиони Ўтқирбек Ҳайдаров, жаҳон кубоги голиблари Антонина Москолева ва Татьяна Левина каби ҳалқаро майдонларда Ўзбекистонимиз байрогини баланд кўтариб келаётган моҳир спортчиларимиз билан бутун ҳалқимиз ҳақли равишда фахрланади».

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Андижонда болалар спортини ривожлантиришга ҳамиша катта эътибор бериб келган. У янги спорт иншоотларини барпо этиш борасида керакли топшириқлар берар ва Андижонга қилган сафарлари чоғида уларнинг ижросини назоратдан ўтказарди. 2000 йиллар бошида қурилган Олимпия захиралари спорт

коллекции биноси ана шулардан бириди. Унинг ёпиқ манежи ўзининг мураккаб конструкциясига кўра Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳали иқтисодий муаммолар тўла ҳал этилмаган бир пайтда ушбу иншоотни қуриш учун 8 миллард сўмдан ортиқ маблаг ажратилганилиги юртбoshimizning узоқни кўзлаб иш тутганлигини кўрсатади. Шундай бўлди ҳам. Вақтлар ўтиб ушбу коллеждан Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткирбек Ҳайдаров сингари олимпиада ва жаҳон чемпионлари етишиб чиқди. Улар Ислом Каримов Президент бўлган мустақил Ўзбекистон ёшлари нималарга қодир эканлигини дунёга намойиш этишди.

2016 йили Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) XXXI ёзги олимпиадада бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси андижонлик Ҳасанбой Дўстматов олимпиада ўйинларининг финал мусобақасида колумбиялик боксчи Юберхен Мартинес Ривас устидан ғалабага эришиб олтин медални кўлга киритди.

Андижонлик Руслан Нуриддинов эса Ўзбекистон делегациясига иккинчи олтин медални тақдим этди. Оғир атлетика бўйича вазни 105 килограмгача бўлган эркаклар ўртасидаги мусобақада қатнашган Ўзбекистон вакилига тенг келадиган рақиб топилмади. Аввалига Руслан Нуриддинов даст кўтаришда 194 кг натижа қайд этди. Силтаб кўтаришда эса дастлабки икки уринишда 225 ва 230 килограмм оғирликни кўтариб олтин медални нақд қилиб қўйди. Сўнгти уринишда олимпия рекорди ҳисобланган 237 килограмм тошга буюртма берилди ва рекорд ўрнатилди.

Аёллар ўртасидаги 100 метрга брасс усулида сузиш баҳсларида ишторок этган спортчимиз Фотима Амилова жаҳон рекордини янгилади ва паралимпиада чемпионлигини кўлга киритди.

2004 йил 25 май куни ҳалқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан мамлакат раҳбари Андижон мамлакатининг ижтимоий-иктисодий ҳаётида, миллий тараққиётимизда ўзига хос ва ўзига мос ўрин тутадиган вилоятга айланганлигини таъкид-

лади. Мана шу давр мобайнида Андижон аҳли қандай муваффақият ва ютуқларга эришган бўлса, уларни шу элга мансуб бўлган мардлик, изланиш ва тадбиркорлик фазилатлари билан қўлга киритганини, бу юксак мэрралар фидокорона меҳнатнинг ҳақиқий белгиси ва самараси эканини ҳеч ким, ҳеч қачон инкор этолмаслигини билдириди.

«Менинг назаримда, бу ютуқларнинг асосий сири шундаки, Андижон аҳли доимо иноқ бўлиб, бир-бирига кўмак бериб, узоқни кўзлаб яшамоқда. Вилоятдаги барча ибратли ишлар замирида мана шундай ҳамжиҳатлик мужассам. Ва шубҳа йўқки, истиқболни, фарзандларининг баҳту соодатини ўйлаб яшаётган Андижон ҳалқи ҳеч қачон кам бўлмайди. Юрагимдаги бир гапни очиқ айтадиган бўлсам, мен сизларга ишонаман, сизларни яхши кўраман».

И.Каримов,
Ўзбекистон Республикасининг биринчи
Президенти

Президент андижонликларнинг мустақилликни мустаҳкамлашга кўшган ҳиссасини доимо эътироф этиш билан бирга уларни айрим хавф-хатарлардан доимо огоҳ бўлишга чақирган. «Андижон элининг ўзига хос хусусият-аломатлари бор, – деб айтган эди И.Каримов ушбу сессияда қилган маърузасида. – Вилоятдаги ҳар бир ҳудуднинг, айтайлик, Олтинкўл ёки Қўргонтепа, Асака ёки Избосканда яшайдиган одамларнинг ўзига яраша феъл-атвори, ўз тугилган жойи билан фаҳрланиш одати бор. Бунинг ёмон жойи йўқ, албатта. Лекин вилоят миқёсида туманларни бир-биридан устун қўймаслик, қарама-қарши қўймаслик керак. Маҳаллийчилик, уруг-аймоқчилик, гуруҳбозлик каби иллатлар ориятли Андижон аҳлига мутлақо ярашмайди».

Юртбошининг ушбу сўзлари Андижон аҳлини янада жипслаштиришга хизмат қилди.



Улар бир тан, бир жон бўлиб иқтисодий-ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларда янада фаолроқ иштирок эта бошлашди.

Президент Ислом Каримовнинг Андижон аёлларига бўлган ҳурмати бошқача эди. 2007 йилги ташрифи чоғида олтинқўллик фермер Сиёсатхон Абдуллаева билан суҳбатлашар экан, Андижон аёлларининг ҳаёти, орзуумидлари билан қизиқди. Давлатимиз томонидан уларнинг турмушини янада яхшилаш бўйича келгусида амалга ошириладиган режалар билан ўртоқлашди. Ўшанда у: «Андижон аёллари ҳеч кимдан қўрқмайди. Эркаклари ҳам уларга қулоқ солади», – деб айтган эди.

Кўп вақт ўтмай мамлакат Президенти уста пахтакор Сиёсатхон Абдуллаеванинг кўксига Ўзбекистон Қаҳрамони нишонини тақиб қўйди. «Умрим Андижон пахта далаларида ўтятни, – деди у Оқсанойдаги тантанали тадбирда сўз олиб. – Илгари меҳнатни биз қилардик, роҳатини бошқалар кўради. Мустақиллик шарофати туфайли ернинг ҳам, мулкнинг ҳам, даромаднинг ҳам эгасига айландик. Ҳақиқий мулкдор деҳқон бўлдик».

Президент И.Каримов ушбу заминда яшаб ўтган улуғ алломалар, шоиру фузалолар руҳига ҳурмат-эҳтиром бажо келтириш билан бирга уларнинг хотирасини абадийлаштиришдек эзгу ишларни амалга оширди. Унинг Андижон фарзанди, ажойиб саркарда, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурга ҳурмати бошқача бўлган. Шаҳарга Бобур ҳайкали ўрнатилган бўлиб, у Эски шаҳарда кўримсиз ҳолда турарди. Андижонга қилган навбатдаги ташрифи чоғида шаҳарга киравериш жойида Бобур майдонини барпо этиш ва бу ерга унинг ҳайкалини кўчириб келиш тақлифини билдириди. 2008 йили шоир таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан Бобур майдони тантанали равишда очилди. Вилоят марказига келган ҳар қандай меҳмон энди биринчи бўлиб Мирзо Бобурнинг улуғвор ҳайкалини кўради.

Мамлакат раҳбари қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш борасида доимо куйиб-ёнарди. Ана шу саъй-ҳаракатлар

натижасида 2009 йилнинг 3 августида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги тарихий қарори эълон қилинди. 2010 йили Асака туманинг Ниёзботир, Олтинқўл туманинг Иттифоқ, Шаҳрихон туманинг Абдубий қишлоқларида бо та намунавий уй қурилиб, тураржойга муҳтоҷ оиласлар уларга кўчиб ўтдилар. Президент ушбу уйларнинг бош меъмори эди. У Андижонга қилган сафарлари чоғида албатта мазкур уйларни бориб кўради. Кейинчалик қишлоқ қишиларига янада қулайлик яратиш мақсадида уларнинг лойиҳасига қатор ўзгартиришлар киритди. Жумладан, 2010 йил 26 май куни Иттифоқ масивида бўлиб, уста пахтакор Асалхон Расулова хонадонига ташриф буюрди. Бу ердаги шарт-шароитлар билан танишди. «Инсон уйни ўзини, фарзандларини эмас, етти пуштисини ўйлаб қуриши керак, – деди у хонадон соҳибаси билан қилган суҳбати чоғида. – Ҳовлиси озгина тор қўринади. Автомашина учун ётиқ жой керак. Менга қолса, ҳар битта уйда иккитадан автомобиль бўлишини хоҳлардим».

Президент Андижонга қилган сафари чоғида Хўжаобод савдо мажмуаси, ҳарбий қисм, болалар шаҳарчаси, Шўрбулоқ спорт мажмуасида бўлди. Сафар ниҳоясида вилоят аҳолисига миннатдорчилик билдириб шундай деди: «Биронта жой, кўча йўқки, қурилиши бўлмаса. Ўзгариши яққол кўриняпти, катта уйгониши десак ҳам бўлади. Халқ яшайдиган жойини обод қиляпти... Мен Президент бўлиб уларни бағримга босишим керак, елкамда кўтариш им керак. Андижоннинг руҳига руҳ қўшиши керак». Ушбу ташрифдан сўнг Президентнинг «Андижон шаҳрида футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Президент Ислом Каримов ушбу учрашувда кейинги навбатда қуриладиган намунавий уйларнинг ҳовлисини 4 сотихдан 6 сотихга кенгайтириш бўйича тегишли идора ва ташкилотларга аниқ топшириқлар берган эди.

Орадан бир йил ўтиб, 2011 йилнинг 1 октябринда Андижон туманидаги Ўриқзор массивида бўлганида ушбу топшириқнинг амалдаги ижросини кўздан кечирди. «Омад-97» фермер хўжалиги раҳбари Омадхон Ҳамидова хона-донига кириб, ҳовлининг кенгайтирилганлиги ўзбек оиласи учун айни муддао бўлганлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилди. Энди уларга иккита автомашина бемалол сиғади. Кириш йўлаклари кенгайтирилган. Ҳовлидан ариқча оқиб ўтадиган бўлган. Маълум йиллар ўтгач Президент ана шу учрашувни эслаб шундай дейди: «Мен 2011 йилнинг кузида Андижон туманининг Ўриқзор массивида барпо этилган ана шундай янги ҳовли-жойларнинг эгалари билан учрашганимда уларнинг юз-кўзидаги хурсандчиликни кўриб бу иморатлар ҳақиқатдан ҳам ҳалқимиз орзу қилган, унинг кўнглидаги уйлар эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилган эдим».

Президентнинг Андижонга қилган бу галги сафари таассуротларга ўта бой бўлди. Андижон шаҳридаги собиқ «Комил Яшин» кўчаси ўрнида янгидан барпо этилган «Ўзбекистон» шоҳкўчасини, унинг икки четида қад ростлаган тураржой ва маданий-маиший объектларни бориб кўрди. Бу юртбошининг 2010 йил 18 июнь куни чиқарилган «Андижон вилоятида тураржой массивлари учун 2011 – 2015 йилларда коммунал инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1355-сонли қарорнинг илк натижаси эди. «Катта сафарбарлик натижаси бу, – деди И.Каримов кўрганларидан руҳланиб, – Farb мамлакатларида юргандек бўляпман. Европадаманми ёки Ўзбекистоннинг қадимий марказида турибманми деб ҳайратга тушяпман. Бундай ишларни амалга ошириши ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди. Шунинг учун андижонликларга қойил қолиб, қурувчиларга миннатдорчилигини билдираман. Уларга қаратма айтмоқчиман: сизларга Оллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин, ҷарчаманглар!» Шу куни Президент Андижоннинг замонавий қиёфасини яратиш гоясини илгари сурди.

21 май куни бу ерда ташкил этилган «Ободлик кўнгилдан бошланади» фестива-

ли кўчанинг очилиш тантаналарига уйғуналашиб кетди. Тантанада иштирок этиш учун Андижонга ҳукумат вакиллари, таникли ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, хорижлик меҳмонлар ташриф буюришди. Янги кўчани томоша қилиш учун вилоятнинг барча ҳудудларидан минглаб одамлар оқиб кела бошлади. Гуллар билан безатилган равон кўчадан биринчи бўлиб янги модификациядаги ўзбек автомобиллари кортежи ўтди. Ранго-ранг мушаклар отилиб, йиғилганлар бу ерда қад ростлаган маҳобатли иншоотлар билан танишдилар.

«Ҳасад эмас, ҳавас қилиш керак Андижонга».

И.Каримов,
Ўзбекистон Республикасининг
биринчи Президенти

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти 2013 йилнинг 26 апрель куни ҳалқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қилган маърузасида Андижон аҳли ўз юртига бўлган меҳри ва садоқатини, гуур ва ифтихорини, ор-номусини юксак қадрлаб, ўз кучи ва қудратига ишониб яшайдиган ҳалқ эканлигини таъкидлади. Вилоятнинг 2006 – 2012 йиллардаги ривожланиш суръатларини таҳлил қилиб берди. Асакадаги «GM-Ўзбекистон» қўшма корхонаси фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтди. Машхур «Шевроле» бренди остида автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги саноатимиз ривожида янги тарихий босқич бўлганлигини қайд этди. Мутлақо янги платформалар негизида «Ласетти», «Спарк», «Кобальт» каби 8 хилдаги замонавий автомобиллар ишлаб чиқарилаётганлиги, уларнинг тури, технологик хусусияти яхшиланиб бораётганлигини таъкидлади.

Давлат раҳбари корхонада меҳнат қилаётган ёшларнинг иқтидори ва юксак қобилиятига юқори баҳо берар экан, шундай деди: «1996 йили бу ноёб ва улкан корхонани қуриши



га кишиганимизда юксак технологияларга асосланган бундай заводни ўзимизнинг одамлар бошқаришига ким ишонарди? Ўша пайтда четда туриб ўзбекистон энди автомобилсиз қолади, ўзбеклар фақат шофёр бўлиб ишлишга ярайди деган турли-туман тухмат гаплар ҳам бўлган эди. Бугун Асакадаги заводнинг энг замонавий автомобиллар ишлаб чиқараётганини кўриб, ўша одамларга: «Қалайсиз энди?» – десангиз, улар жим, лом-мим деб овоз чиқаролмайди. Ана шу заводни бугунги кунда ким бошқармоқда? Ким уни бутун дунёга машҳур қилмоқда? Ўзимизнинг истеъододли болаларимиз!»

Сессияда Андижон халқининг 80 фоизи тадбиркорлик ҳисобидан яшаётганлиги қайд этилди. Президент мамлакатда фермерлик ҳаракати энди бошланган пайтда фермерларга қарата: «Ҳеч нарсадан қўрқмасдан олдинга босаверинглар, ортингизда Президент турибди», – дея мурожаат қилган эди. Сессиядаги маъruzасида юртбоши ўзининг ушбу сўзларини яна бир бор такрорлар экан, тадбиркорларга қарата деди: «Дадил қадам босаверинглар, ортингизда Президент турибди!».

«Мен учун доимо яқин ва қадрдан бўлган Андижон аҳли зришган барча ютуқларни мен ҳамиша гўёки ўзимнинг ютуқларим деб қабул қиласман ва бу билан фахрланаман... Кўп йиллар, балки, юз йиллар ўтар, лекин сиз азизларнинг амалга оширган ишларингиз абадий сақланиб қолур.

И.Каримов,
Ўзбекистон Республикасининг
биринчи Президенти

Ислом Каримов мазкур сессияда Андижон тажрибасини бутун республикага кенг тарғиб этиш зарурлигини таъкидлади. «Эътиборли томони шундаки, – деди у, – бундай ижобий ўзгаришларни бугунги кунда бутун Андижон

вилоятида – қишлоқларда ҳам, шаҳарларда ҳам кўриш, кузатиш мумкин. Сизларнинг бундай ютуқлардан гууруланиб, лекин уларга маҳлиё бўлмасдан, яна янги марраларни эгалтаймиз, доимо олдинга интиламиз деган кайфият билан яшаётганингизни барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз. Шу борада бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: кимки бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни кўрмоқчи, улардан тўлиқ хабардор бўлмоқчи бўлса, биринчи галда, Андижонга келсин, ўзини андижонликман деб атайдиган одамларнинг меҳнати, ҳаёти, бугунги ютуқлари билан яқиндан танишсин».

Ўз бошидан ҳаётнинг иссиқ-совуғини кечирган андижонликлар Ўзбекистон Президентини мамлакатда ҳукм сурган тинчлик, осойишталик ва барқарорликнинг кафили сифатида эъзозлашарди. 2005, 2009 йилларда вилоятда рўй берган нотинчлик одамларга тинчлик нақадар улуғ неъмат эканлигини яна бир бор англатди. Республикамиз Президенти оғир пайтда кишиларга далда бериш, уларнинг кўнглини кўтариш, рўй берган мудҳиш воқеаларнинг асл сабабини аниқлаш мақсадида Андижонга етиб келди. Бобур майдонида юртнинг кайвони оқсоқоллари билан учрашиб, Андижоннинг ҳар жабҳада юксалиб бораётгани, халқнинг фикри, дунёқараси ўзгараётгани ҳақида гапирди. Мудҳиш воқеалардан сўнг кишилар ўзлари яшаб турган маҳаллаларда куну тун навбатчиликлар ташкил қилиб, биронта бегона шахснинг кўча оралашига йўл қўймадилар. Ёшлар тарбиясига, уларнинг юриш-туришига масъулият билан қарайдиган бўлишиди.

Ислом Каримов 2010 йилдаги Ўш воқеалиари пайтида узоқни кўра оладиган доно йўлбошли сифатида ташқи кучлар томонидан уюштирилган ва рўй бериши муқаррар бўлиб қолган урушнинг олдини олди. Унинг ушбу минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги улкан хизмати иирик сиёsatшунослар, етакчи давлат раҳбарлари томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Жумладан, 2016 йил 6 сентябрь



Россия Федерацияси Президенти В.И.Путиннинг И.А.Каримовга таъзияси.
2016 йил 6 сентябрь. Самарқанд. Ҳазрати Ҳизр қабристони

куни Самарқанд шаҳрига келишидан олдин Хитойда журналистлар билан бўлган учрашувда Ислом Каримовнинг қабрини зиёрат қилишини айтиб, Россия Федерацииси Президенти Владимир Путин Ўзбекистоннинг биринчи Президенти хотирасини ёдга олиб шундай деди:

Ислам Каримов очень много сделал для становления Узбекистана, как независимого государства. Он сохранил стабильность в стране. Он сохранил поступательное развитие. Новые люди придут, они будут решать, что делать дальше. Я очень надеюсь на то, что им удастся сохранить эту самую стабильность.

Должен вам сказать и человеческую сторону Ислама Каримова. У нас были очень добрые отношения. Он ко мне, ко мне лично очень по-доброму относился. Он был постарше, как вы знаете, и он ко мне все время по имени обращался, на

«ты», когда мы были вдвоем. И вот я считаю, что для Узбекистана это большая потеря, конечно. Вообще это беда, когда человек из жизни уходит. И я думаю, что я завтра обязательно заеду в Узбекистан для того, чтобы поклониться его памяти».

Андижонликлар шахарнинг марказий шоҳқўчасидаги энг баланд жойга бош ҳарфлар билан ёзилган «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» деган шиорни илиб қўйишган. Бу шиор бир неча йил олдин Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов томонидан ўртага ташланган эди. Гарчи у бугун орамизда бўлмаса-да, вилоят аҳли улуғ йўлбошчимиз ишини давом этирган ҳолда кенг кўламдаги ислоғотларда фаол қатнашиб, ўзларидан озод ва обод Ватан қолдирмоқдалар. Уларнинг жасоратли меҳнати эса тарих зарварақларига муҳрланмоқда.



МАТБУОТ – МУҲИМ ТАРИХИЙ МАНБА

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ

Рус ҳарбий шарқшунослик мактабининг машҳур вакили Андрей Евгениевич Снесарев (1865 – 1937) 1899 – 1904 йилларда Туркистонда яшаб ижод этган. Унинг «*Историки, как дети на берегу моря, бросаются на самые яркие камни, забывая про более скромные про песок, про глину*» деган фикри нақадар ҳаққоний ва тўғри эканига тўла ишонса бўлади. Ўзбекона айтганда, ноннинг ушоги ҳам нондир. Тарихчилар манбалар устида ишлар эканлар, улар манбаларнинг каттасию кичигини билишлари, таҳлил қилишлари талаб этилади. Бунга эътибор қаратмаслик тарихшунослик методологияси тамойилларига мутлақо жавоб бермайди. Тадқиқотчининг измида катта-катта, хилма-хил манбалар билан бир қаторда кичик-кичик ҳужжат ва материаллар ҳам бўлиши керак. Бунга амал қилмаслик тарихий воқеалар бузилишига олиб келиши мумкин. Биргина мисол. Ҳозиргача биринчи рус инқилобининг бошланиш нуқтаси 1905 йил 9 январдаги **Қонли якшанба** бўлгани айтилган, бунинг сабабчиси қилиб подшоҳ Николай II кўрсатилган, унга «**Қонхўр Николай**» деган ном қўйилган. Аслида, ўша куни Николай II Петрограддаги Қишики саройда эмас, Царское селода эди, тинч намойишчиларни ўқча тутиш ҳақида буйруқни унинг тогаси князь Владимир Александрович берган. Жамоатчиликда буйруқни императорнинг ўзи берган деган фикр туғилган ва у тарихда шундай ном билан қолганди. Бу фитначи Поп Георгий Гапон ва унинг гумашталарининг сиёсий «ўйини» бўлгани Николай II нинг кундалигида акс эттирилган. Кундалик 2011 – 2013 йилларда РОССПЭН нашриётидан (Дневники императора Николая

II, 1894 – 1918) чиққан. Унинг ҳар бир жилди икки қисмдан, ҳар бир қисми 65 босма табоқдан иборат. Ҳозирда мазкур кундалик Россия тарихининг айrim нуқталарига тузатишлар киритиш учун манба бўлиб хизмат қўлмоқда. Ҳақиқат кеч бўлса-да рўёбга чиқди. Ўша кундаликда 1902 йилги Андижон зилзиласи муносабати билан жабрланганларга Николай II ўз ҳисобидан 1902 йил 10 декабрда 50000 рубль, унинг аёли Александра Фёдоровна азият чекканларга оёқ кийим ва уст-бош сотиб олиш учун 10000 рубль ҳадя қилгани ҳам акс этган.

Бунга ўхшаш мисолларни тарихимида, жумладан, водий тарихи мисолида ҳам кўриш мумкин. Биз, тарихчилар, манбаларга ниҳоятда синчковлик билан қарамоғимиз, тарихий воқеалар ҳақидаги хилма-хил манбаларни излаш, қидириб топиш, ўрганиш, уларга танқидий қарашиб, ҳужжатлар, эсдаликлар, қўллэзмалар юзага келишидаги тарихий вазиятни таҳлил қилиш асосида иш кўрмоғимиз лозим.

Тарихий манбалар сифатида вақтли матбуот материалларидан ҳам кенг ва унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бу гўзал ва кўркам диёримизда кечган ўтмиш воқеалари шу қадар кенг кўламли ва хилма-хил кўринишдаки, уларсиз чинакам тарихимизни гавдалантириш амримаҳол. Айниқса, 70 йиллик қизил империя зулми остида яшаган ўзбек, қирғиз, тоҷик, уйғур, қорақалпоқ халқарининг ҳаёти, кураши, бунёдкорлик фаолияти, кўпдан-кўп фожиалари, қисмати, зулм, ҳақсизлик ва адолатсизлик қурбони бўлган юзлаб миллий арбоблар ҳақидаги бор ҳақиқатнинг тагига етишда ана шу вақтли матбуот материаллари ҳам муҳим манба вазифасини




ўтайди. Уларни синчковлик билан ўрганиш, таҳлил қилиш асносида тарихий ҳақиқатни маълум даражада рўёбга чиқариш мумкин. Тарихий воқеаларни ёритишида вақтли матбуотнинг ўрни ҳақидаги тадқиқот ишлари қаторида Холбек Ёдгоровнинг «Нурли йўл», Назира Абдуазизованинг 2 жилдлик «Миллий журналистика тарихи», Санобар Шодмонованинг «Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида» асарлари муҳим аҳамиятга эга (1).¹

Биз ҳозиргача тарихшунослигимизда муҳим тарихий манба сифатида кенг истеъмолга киритилмаётган газеталар хусусида фикр юритишни лозим топдик.

Фаргона водийсида биринчи бор 1914 йил з апрелдан «Садойи Фаргона» номли газета чиқарила бошланган. Унинг ташкилотчиси, муассиси таниқли жадидчи Обиджон Маҳмудов бўлган. Газета Кўқон шаҳрида босилган. 1915 йил 26 майдан тақиқлаб қўйилган. Газетанинг 122 сони чиққан, ундаги материал ва мақолалар муштариylарда чуқур таассурот қолдирган. Бу газета тарихи илмий ва адабий манбаларда анча кенг ёритилган. Шу боис биз 1916 йил 1 июлдан Андижон шаҳрида чиқа бошлаган рус тилидаги «Туркестанский голось» газетаси ҳақида тўхталмоқчимиз. Газета муҳаррири Анастасий Афанасьевич Чайкин Андижонда ҳовли-жойли, йирик асалариличик хўжалигига эга киши бўлган. Ўзаро ёрдам жамияти раиси, шаҳар ҳарбий саноат қўмитаси аъзоси эди. Газетанинг фаол ходими-ларидан бири Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев бўлган. Кейинчалик редакция таркибида 17 ёшли Усмонхон Эшонхўжаев ва Абдуллажон Йўлдошбоев ҳам фаолият кўрсата бошлаган. Бу газета Андижондаги рус демократлари билан маҳаллий тараққийпарварларнинг биргалиқдаги саъй-ҳаракатлари туфайли дунё юзини кўрган. Газетанинг номига эътибор берамиз. У «Туркестанский голось» деб номланган. 1914 йил февралида Тошкентда Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев ташаббуси билан ва унинг муҳаррирлигига «Садойи Туркистон»

газетаси чиқа бошлаган, 1915 йили газета ёпилган, шундан сўнг унинг муҳаррири чор маъмурлари томонидан Андижонга сургун қилинган ва шу жойда фаолият олиб борган. Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев «Садойи Туркистон»ни рус тилида «Туркестанский голось» номи остида чиқаришга муваффақ бўлгани ўз-ўзидан маълумдир. Айрим адабиётлардаги «1916 йил 1 июлдан бошлаб «Туркестанский край» газетаси ўрнига Андижонда «Туркестанский голось» газетаси чоп этила бошлаган»² деган фикр, бизнингча, асоссиз. Айни вақтда, муаллиф шундай ёзади: «Мазкур газета Петроград телеграф агентлиги хабарларини ҳамда ўзининг Москва ва Петрограддаги мухбирлари томонидан жўнатилган хабарларни чоп этган. «Туркестанский край» газетасида ёзилишича, Нью-Йорк, Париж, Лондон, Копенгаген ва Бухарест шаҳарларида ҳамда ўлка шаҳарларида «Туркестанский голось» газетаси ўз мухбирларига эга бўлган».³ Мазкур газета ходими Усмонхон Эшонхўжаев газетани шундай таърифлайди: «Бу газета бутун Туркистонда ўзининг инқилобий йўналиши жиҳатидан ягона газета эди».



Анастасий
Афанасьевич
Чайкин



Убайдуллахўжа
Асадуллахўжаев

¹ Ёдгоров X. Нурли йўл. – Тошкент: Ўзбекистон, 1968; Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. 2 жилдлик. – Тошкент: Шарқ, 2008; Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. – Тошкент: YANGI NASHR, 2011.

² Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. – Тошкент: YANGI NASHR, 2011. – Б.45.

³ Ўша жойда.



1917 йил 9 январда «Туркестанский голос» газетаси мұхаррири А.А.Чайкин з ой муддатта қамоқ жазосига ҳұм жазылған. 22 январда газетанинг 18-сони чиқиб, 24 январда Туркестон генерал-губернатори, генерал-адъютант А.Н.Куропаткин буйруғига биноан унинг фалияти тұхтатылған, үрнига «Туркестанское слово» газетаси А.А.Чайкиннинг рафиқаси А.А.Чайкина мұхаррирлиги ва ноширлигидә чиқарыла бошланған.⁴

Бир вақтлар «Андижанская правда» газетасининг фалияти тұхтатылған мархұм Кричицкийнинг құлида «Туркестанский голос» газетасининг айрим сонларини күрганман ва улардан «Андижанская правда» газетаси тарихини ёзишда қысман фойдаланғанман. Ҳозирда шу газетанинг 1916 – 1917 йилдарда нашр қилинған тахланмаси Андижонда ҳам, Тошкентде ҳам сақланмаган. Шу боис 2016 йил сентябрда Россия Федерациясига қылған

⁴ Шодмонова С. Туркестон тарихи – матбуот күзгусида. – Тошкент: YANGI NASHR, 2011. – Б.245 – 246.

илмий сафаримизда Санкт-Петербургда ҳамда Москва обласгининг Химки шаҳридаги Россия давлат кутубхонасида сақланыётган «Туркестанский голос» газетасининг 1916 йил 1 июля чөп этилған 1-сонидан 1917 йил 9 май сонигача, «Туркестанское слово» газетасининг 1917 йил 24 январда чиқкан 1-сонидан 1917 йил 22 февралдаги 23-сонигача тахланмалари мавжуд эканини билдік. Биз уни электрон шаклда Андижонга олиб келдік. Шунингдек, «Коллективчи» номидаги ўзбек газетаси тахланмасининг электрон вариантини ҳам көлтиридік.

«Туркестанский голос» газетаси саҳифаларида бундан 100 йил аввал император Николай II нинг Туркестондан фронт ва фронт ортидаги ишларга 240 минг кишини сафарбар қилиш ҳақидаги фармонига қарши күтарилған құзғолон бостирилғач зұравонлик билан мардикор олиш кампанияси күчайғанлиғи ва мардикорларни күзатиши, йүллардаги воқеалар ҳақида хабарлар беріб турилған. Газетада «Мардикорлар» мавзусига кенг үрин ажратылған. Унинг саҳифаларида, жумладан, «Мардикорлар талаби», «Ишчи туземецлар йүлда», «Ишчиларни жүннатиши», «Тузем ишчилари мактублари», «Үш эшелонини жүннатиши», «Жойлардан саломлар», «Йүлдан», «Бизнинг мухбиришим Абдулла Йүлдошқориевдан», «Ўзбек ҳарбий ишчиларининг йүлдан жүннатылған мактублари», «Паловни согинмоқдалар», «Ишчилар учун кетмөнлар», «Оренбургдан хатлар», «Ҳарбий суд», «Айрилиб қолғанлар», «Суд хабарлари», «Суд залида», «Рўзиохун Мұхаммадназарбоев иши бўйича», «Далварзин иши» сингари сарлавҳалар билан чөп этилған қатор хабар ва мақолалар босилған.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидә Андижонда рус тилида чиққан «Андижон уезд-шахар революцион комитети ва уезд-шахар партия комитети ахбороти», «Партия-вий икки ҳафталик», «Андижон советининг расмий бюллетени» газеталарининг айрим сонлари ҳам шу кутубхонада сақланған. Андижонда зо-йилларда нашр қилиниб турған «Пахта фронти» газетаси, Балиқчида 1930 – 1932 йилларда чиққан «Пахта ғалабаси» газе-



талари таҳланмалари ҳам мазкур кутубхонада сақланмоқда.

Маълумки, совет ҳокимияти оёқقا турган кундан динга ва уламоларга қарши беаёв кураш олиб борган. «Дин халқ учун афюн» деган шиор остида ислом ва бошқа динларга, миллий, диний қадриятларга қарши курашиш коммунистик мағкуранинг бош йўналишларидан бири бўлган. Халқни даҳрийликда тутишни таъминлаш мақсадида матбуот орғанларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилган, ҳатто махсус газеталар фаолият кўрсатган. Москва облости Химки шаҳридаги Россия давлат кутубхонасида 1931 йил январидан Самарқанд шаҳри Наримон юйаси 6-йуда нашр этила бошлигар «Худосизлар» номли газетанинг таҳланмаларини кўрдик. Газетанинг биринчи бетидаги «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» шиори билан ёнма-ён «Динга қарши кураш – социализм учун курашдир!» шиори қўйилган. Газетанинг «Худосиз» ном-



ли мақоласида: «Курашчан худосизлар имтифоқи марказий шўронинг фикр тарқатувчисидир», – деб ёзилган. Газетанинг 1931 йил 22 январдаги 2-сони биринчи бетида «Ленин миллионлар билан. Пролетар оммалари ва мустамлака мазлумлари кўнглида яшайди!» рукни остида «7 йил Ленинсиз» номли мақола берилган. Газетанинг шу бетида Лениннинг катта сурати ва унинг остида одамлар «Ленин йўлидан «сўлга» ва «ўнгга» бурилмасдан қаттиқ ўт очамиз», «Ленин ўлди – ленинизм ўлмас!» деган шиорлар билан турганлиги акс эттирилган.

Афсуски, мазкур газета материаллари советлар даврида атеизм тадқиқотчилари томонидан ўрганилмаган, илмий истеъмолга киритилмаган, шарҳланмаган. Бу газеталар мустақиллик йилларида ҳам мутахассислар эътиборидан четда қолмоқда.

Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистоннинг буюк ғалабага қўшган ҳиссасини кенгроқ ёри-



тиш учун 1941 – 1945 йиллардаги фронтларда ташкил этилган ва фаолият кўрсатган ўзбек тилидаги газеталар манба сифатида фойдаланилмай келингани ҳам ачинарли ҳолдир. Биргина Тошкентдаги Ойбек уй-музейида фронтда ўзбек тилида чиққан «Ватан шарафи учун» номли газета ҳақида кичик бир хабар бор, холос. Россия давлат кутубхонаси фондида ана шундай ўзбек газеталарининг бир қанча тахланмалари ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Шимоли-Ғарбий фронтнинг ўзбек тилидаги «**Ватан учун**» газетасининг 1942 йил октябрь – декабрь ойларида чиққан 1 – 7-, 10 – 18-сонлари, 1944 йил апрелида чиққан 27 – 28-сонлари мавжуд. Болтиқбўйидаги фронт нашрларидан бири ўзбек тилидаги «**Ватан учун**» газетаси бўлган. Унинг 1945 йил июль – декабрь ойларида чиққан 1 – 2-, 5 – 8-, 10 – 13-, 15 – 20-, 24 – 25-, 28 – 29-, 34 – 41-, 43 – 45-сонлари сақланиб қолган.

Биринчи Болтиқбўйи фронтида «**Душманга қарши олға**» газетаси чиқиб турган. Унинг 1944 йил январь – декабрь ойларидаги 2 – 4-, 7 – 14-, 19-, 21 – 23-, 24 – 34-, 36 – 43-, 45 – 47-, 53-, 55 – 56-, 58-, 60 – 61-, 63 – 64-, 68 – 70-, 73 – 77-, 80-, 83 – 92-, 94 – 102-сонлари тахланмаси мавжуд.

«**Совет танқчиси**» газетасининг 1943 йил январь – февраль ойлари 2 – 4-, 7 – 8-сонлари, 1944 йил 1 – 17-, 21 – 24-, 27 – 33-, 36-, 39 – 42-, 44 – 50-, 52-, 54 – 88-, 90 – 92-, 95 – 98-, 100 – 102 (195)-сонлари, 26 – 29-, 31 – 58-, 60 – 63 (259)-сонлари тахланмаси мавжуд.

«**Ватан шарафи учун**» газетасининг 1944 йил январь – декабрь ойлари 2 – 8-, 13 – 15-, 17 – 18-, 20-, 22-, 25 – 32-, 34-, 36 – 45-, 50-, 52 – 60-, 71-, 73-, 76 – 77-, 79 – 81-, 85 – 97-сонлари, 1945 йил январь – декабрь ойлари 1 – 19-, 21 – 66-, 68 – 70-сонлари тахланмаси мавжуд.

Хабаровскдан чиққан «**Бонг**» газетасининг 1944 йил 1 – 11-, 13 – 19-, 21-, 23 – 26-, 31-, 33 – 41-сонлари тахланмаси бор.

«**Сталин байробги**» газетасининг 1944 йил 1 – 27-, 29 – 36-, 38 – 39-, 42 – 43-, 47-, 50 – 52-сонлари тахланмаси сақланмоқда.

Ғарбий фронтдан ўзбек тилида чиққан «**Қизил аскар ҳақиқати**» газетасининг 1944

йил январь – декабрь ойларининг 1-, 8 – 9-, 11-, 15-, 17-, 19 – 25-, 27 – 28-, 33-, 39-, 41 – 43-, 46-, 50 – 57-, 59 – 63-, 67 – 68-, 70-, 75 – 86-сонлари, 1945 йил январь – июль ойлари 1 – 2-, 4 – 8-, 11 – 12-, 14 – 25-, 27 – 28-, 30 – 33-, 35 – 42-, 44 – 48-сонлари тахланмаси мавжуд.

Биринчи Белорусь фронтидан чиққан «**Қизил армия**» газетасининг 1944 йил январь – декабрь ойлари 2 – 3-, 5 – 12-, 14 – 18-, 19 – 21-, 22 – 33-, 35 – 47-, 49-, 52-, 53-, 56 – 58-, 60 – 61-, 64 – 65-, 69 – 79-, 81-, 82 – 85-, 87 – 89-, 92 – 101-сонлари, 1945 йил январь – декабрь ойлари 1-, 3 – 14-, 16 – 17-, 19 – 26-, 28 – 44-, 46 – 93-, 95 – 98-сонлари тахланмаси, Иккинчи Белорусь фронтидан чиққан «**Фронт ҳақиқати**» газетасининг 1944 йил май – ноябрь ойлари 33 – 44-, 46 – 47-, 49 – 54-, 56 – 59-, 63-, 65 – 71-, 73 – 82-, 86-сонлари, 1945 йил июль – декабрь ойлари 49 – 66-, 75 – 96-сонлари тахланмаси, Иккинчи Болтиқбўйи фронтидан ўзбек тилида чиққан «**Суворовчи**» газетасининг 1944 йил январь – декабрь ойлари 1-, 8-, 10 – 11-, 15-, 18 – 21-, 32 – 37-, 39-, 45 – 46-, 48 – 51-, 54 – 56-, 58 – 61-, 64-, 68 – 72-, 74-, 83 – 86-сонлари тахланмалари бор.

(Давоми келгуси сонда)

ФАРГОНА ВОДИЙСИ ИБТИДОЙ ТАРИХИДАГИ ЕТИШМАЁТГАН БЎҒИН

Бахтиёржон САЙФУЛЛАЕВ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач юртимизда ўзлигимизни англаш, тарихимизни билиш ва уни ҳаққоний талқин қилиш жараёни юз бермоқда. Мана бир неча йилдирки тарихий шаҳарларимизни ўрганишга бағишилаб халқаро илмий конференциялар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йилдаги Қўқон шаҳри инфратузилмасини қайтадан яратиш борасидаги қарори асосида 2011 йили Қўқон шаҳри ва унинг атрофида археологик тадқиқотлар олиб борилди.

Уч йўналишдаги изланишлар шаҳарнинг ёшини аниқлашга қаратилди. Йўналишлардан бири Қўқон ва унинг атрофида тош даврига оид ёдгорликларни қидириш ишларига бағишиланди.

Маълумки, Фарғона водийси ибтидоий даврларданоқ одам яшashi ҳамда хўжалик юритиши учун жуда қулай табиий шароитларга эга бўлган масканлардан биридир. Сўхдарёсининг юқори қисмларидан нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда энг қадимги маданий ёдгорликлар саналадиган Селунгур, Чашма каби илк палеолит даврига оид маконлар топиб ўрганилган. Улардан Селунгур ёдгорлиги оламшумул аҳамиятга молик маълумотларни берган. Бу ердан фанда фергантроп ёки Фарғона одами



1-расм. Фарғона водийсининг сўнгги палеолит даври ёдгорликлари харитаси

номи билан машҳур бўлган хомо эректусларнинг суюк қолдиқлари аниқланган, улар ҳозирда Марказий Осиёда маълум бўлган энг қадимги палеантропологик топилмалар ҳисобланади. Форнинг маданий қатламларидан ўша давр экологиясини тиклаш имконини берадиган муҳим қазилма ҳайвонлар ва ўсимликлар қолдиқлари топиб ўрганилган. Шунингдек, Селунгурнинг 8 та маданий қатламларидан 5000 дан зиёд тош буюмлар аниқланганки, улар Осиёда қадимги ашель маданияти номи билан машҳурдир. Ёдгор-



2-расм. Жонобод шагалли тепаликлари

ликнинг даврий санаси 1,5 миллион йиллар билан белгиланган.¹

Селунгур гори яқинидаги Чашма қишлоғидан йиғиб олинган тош буюмлар ҳам ўзига хос бўлиб, улар илк палеолит даврининг ўрталарига оиддир.²

Фарғона водийсида ўрта палеолиттага оид ёдгорликлар М.Р.Қосимов томонидан 1964 ва 1965 йилларда Чўнгара қишлоғи яқинидаги Сўх дарёсининг учинчи террасасидан ҳам то-


¹Исламов У.И. Первая нижнепалеолитическая пещерная стоянка в Ферганской долине // ОНУ. 1984. №8; Исламов У.И., Крахмаль К.А. Некоторые проблемы палеоэкологической реконструкции ашельской стоянки Сель-Унгур // ОНУ. 1990. №12; Исламов У.И. К выделению локальных вариантов мезолита Узбекистана // ИМКУ. 1975. №12; Исламов У.И. К вопросу о локальных вариантах эпохи мезолита и неолита Узбекистана // ИМКУ. 1974. №11; Исламов У.И., Крахмаль К.А. Древнепалеолитические орудия труда из Ферганской долины // ОНУ. 1987. №4; Исламов У.И., Оманкулов Т. Пещерная стоянка Сель-Унгур // ИМКУ. 1984. №19; Исламов У.И., Зубов А.А., Харитонов В.М. Палеолитическая стоянка Сель-Унгур в Ферганской долине // ВА. 1988. №80; Исламов У.И., Тимофеев В.И. Стоянки каменного века южной части Центральной Ферганы // ИМКУ. 1977. №13.

² Исламов У.И., Крахмаль К.А. 1987. Древнепалеолитические орудия труда из Ферганской долины // ОНУ. №4.

пилган. Бу жойдан тўртта манзил аниқланган. Йиғилган материаллар орасида ўзак тошлар, тош учириндилар ва пластиналар мавжуд (жами 31 та). Бундан ташқари, мустъе даври материаллари Сариқўргон қишлоғидан 2,5 км жануброқдаги иккита жойдан аниқланган. Бу ердаги қайроқли тепаликлардан, боохбоо m^2 майдондан 200 дан зиёд тош буюм йиғиб олинган. Шунингдек, Зартош ва Секитма қишлоқлари атрофидан ҳам тошдан ишланган нуклеуслар, пластиналар ва бошқа тош буюмлар топилган.³

Ўрта палеолит даврига оид материаллар Фарғона шаҳри атрофидаги адирликлардан ҳам топилган. Бу ердаги Карамкўл, Оқтош, Саурбулоқ ва бошқа олтита манзилгоҳ П.Т.Конопля томонидан ўтган асрнинг 50-йилларида аниқланган ва 200 га яқин тош буюмлар йиғиб олинган. Улар орасида тош ўзаклар (нуклеус-

³ Касымов М.Р. Новые исследования по палеолиту Ферганской долины в 1964 г. // ИМКУ. №7; Касымов М.Р. Результаты



3-расм. Жонобод шагалли тепаликлари тош буюмлари:
1-тишисимон ретушшли қурол, 2-тошпичок,
3-тошпичок бўлаги

лар) ва тош қуроллар мавжуд.⁴ Кейинчалик М.Р.Қосимов Карамкўл манзилгоҳида тадқиқотларни давом эттирган ва бу ердан олтита тош буюмни аниқлаган, улар орасида классик типдаги пайкон ҳам мавжуд. Ушбу олим Фарғонадан 10 км шимоли-шарқда жойлашган Қалъача манзилгоҳини ҳам очиб ўрганган. Бу ердаги Қувасой бўйлаб чўзилган бешта манзилгоҳдан ташқи томони ўта емирилган ва патинизациялашган кремнийли сланец ҳамда роговикдан ишланган 150 тача тош буюм аниқланган.⁵

Мезолит (ўрта тош) даврига оид бир қатор ёдгорликлар Фарғона вилоятининг Сўх тумани ҳудудларидан топилган ва улар фанда Обишир маданияти номи билан машҳурdir.⁶ Кейинчалик ушбу мезолит даври

⁴ Ранов В.А., Несмиянов С.А. Палеолит и стратиграфия антропогена Средней Азии. – Душанбе, 1973.

⁵ Қасымов М.Р. Новые исследования по палеолиту Ферганской долины в 1964 г. // ИМКУ. 1966. №7.

⁶ Исламов У.И. К выделению локальных вариантов мезолита

жамоалари Марказий Фарғонадаги ўзига хос неолит маданияти шаклланишига замин ҳозирлаган.⁷

Кўриниб турибдики, Фарғона водийси ҳудудидан тош даврининг барча босқичларига оид ёдгорликлар аниқланган. Бироқ ушбу ҳудудлардан ҳанузгача палеолит даврининг сўнгги босқичига (40 – 12-мингийилликлар) оид ёдгорликлар топилмаган эди.

2011 йилнинг кўзида ЎзР ФА Археология институтининг Кўқон палеолитчилар гуруҳи Яипан туманидаги Жонобод қишлоғининг юқори чеккасида жойлашган қайроқли-тошлек ҳудудларда археологик қидирав ишлари олиб борди (2-расм). Маълум бўлишича, ушбу қайроқли-тошлеклар ҳали қуруқлик пайдо бўлгунига қадар вужудга келган. Бу ердан топилган чиганоқлар қолдиқлари ҳам фикримизни тасдиқлайди. Қадимда Кўқон ва унинг атрофи сув билан қопланганлиги ва айнан ушбу қайроқли тепаликлар унинг соҳили бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Қадимги тош даврида яшаган ибтидоий одамлар эса ушбу соҳилларга ташриф буюриб, овчилик, термачилик, терига ва суякка ишлов бериш ишлари билан шуғулланганлар. Афтидан, қайроқли тепаликларда уларнинг мавсумий манзилгоҳлари ҳам бўлган, бироқ кейинги даврлардаги қор-ёмғир сувлари тепаликларни тез-тез ювиб турганлиги туфайли бу ерда мавжуд ибтидоий маконлар пастликларга оқизиб кетилган бўлиши мумкин. Ушбу тошлеклардаги табиий тошларнинг аксарияти шундай оқизишлар туфайли бир-бирига урилиши ва термик таъсирлар оқибатида парчаланиб кетган. Аммо, таъкидлаш жоизки, ушбу тепаликлардаги тошлар орасида ибтидоий одамларнинг тош қуроллар ясами учун яроқли бўлганлари ҳам талайгина. Буларга кремнийлашган тог жинслари, қайроқтошлар, базальт тошлар ва бошқаларни киритиш мумкин. Энг муҳими бу ердаги тош уюмлари орасидан палеолит даври одамлари томонидан ишлов берилган тош буюмларнинг

Узбекистана // ИМКУ. 1975. №12.

⁷ Исламов У.И., Тимофеев В.И. Стоянки каменного века южной части Центральной Ферганы // ИМКУ. 1977. №13.





4-расм. Сарықұргон 1-топилмажай

топилиши бўлди. Шундай қилиб, Жонобод қишлоғининг юқори қисмидан тошдан ясалган, терига, ёғочга ҳамда сүякка ишлов бериш учун мўлжалланган тиҳсимон ретушли тош қуроллар (3-расм, 1), ҳайвон сүякларига ишлов берадиган тош пичноқлар (3-расм, 2, 3) ва кескичлар (3-расм, 4) топилди. Ушбу тош буюмлар ишланиш техникасига кўра сўнгги палеолит даври бошлари, яъни милоддан аввалги 40-мингийилликлар билан саналаниши мумкин. Демак, Фарғона тарихида биринчи марта Кўқон атрофидан сўнгги палеолит даврига оид археологик материаллар аниқланди.


Сўнгги палеолит даври инсоният тарихидаги дастлабки замонавий типдаги одамлар (лот. *хомо сапиенс* *сапиенс*) пайдо бўлган тарихий босқичдир. Айнан ана шу даврда яшаган аждодларимиз ўз маданий ва ҳаёттий тажрибаларини бойитиб бориб, кейинги тамаддуналарнинг шакланиши учун замин

ҳозирлаганлар. Тарихимизнинг сўнгти палеолит босқичи кўпгина янгиликларнинг бошланиш даври бўлиб, унда дастлабки санъат, диний тасаввурлар, оила ҳамда ижтиомий ташкилотларнинг илдизлари шаклланади. Тошга ишлов бериш юқори даражада тараққий топади.


Учкўприк туманига қарашли Сарықурғон қишлоғи худудидан оқиб ўтадиган Сўх дарёсининг ўнг қирғоги террасаларида (узоқ вақт мобайнида дарё ўзани ҳосил қиласидан зинасимон соҳиллар) ҳам қидирув ишлари олиб борилди (4-расм). Натижада дарёнинг учинчи террасасидан сўнгти палеолит даврида яшаган аждодларимиз томонидан ишлов берилган ўнлаб тош буюмлар йиғиб олинди. Ушбу буюмлар асосан қора ёки кулранг базальт тошлардан ва кремнийлашган тоғ жинсларидан ишланган нуклеуслар, тош қирғиччалар ва кескичлардан иборатdir. Таъкидлаш жоизки, юқорида тилга олинган



5-расм. Сариқұргон манзилгоҳи тош буюмлари.
1-шаки зарб майдонлы нуклеус, 2-нуклеус кескич



7-расм. Сариқұргон-1 манзилгоҳи тош буюмлари.
1-тош бигиз, композит қурол (қарғын-қырғичча).




6-расм. Сариқұргон-1 манзилгоҳи тош буюмлари.
1-конуссимон нуклеус, 2-қырғичча

тош буюмларнинг барчаси сүнгги палеолит даври учун характерли бўлиб, бу Қўқон атрофидан топилган ушбу даврга оид иккинчи ёдгорлик эди. Мазкур ёдгорликка Сариқұргон-1 номи берилди.

Сариқұргон-1 манзилгоҳидан йигилган тош буюмлар қорамтири ва қулранг базальт тош жинсларидан ишланган. Улар орасида икки зарб майдонли нуклеуслар (5-расм, 1), нуклеус кескичлар (5-расм, 2), конуссимон нуклеуслар (6-расм, 1), қырғиччалар (6-расм, 2), тош бигизлар (7-расм, 1) ҳамда композит қуроллар (7-расм, 2) мавжуд. Фарғонанинг тош даврига оид асосий ёдгорликлари Сўх дарёси террасалари ҳамда унга туташ сойлардаги ғор маконларда жойлашганлиги дарёning ўта қадимийлигини, унинг атрофида ибтидоий одамлар яшashi ва ўзига хос маданият яратиши учун қулай палеоэкологик шароитлар мавжуд бўлганлитини исботлайди.



8-расм. Чодак топилмажои



9-расм. Чодак манзилгоҳи. Пластина

10-расм. Чодак манзилгоҳи. 1-нуклеус, 2-пластина

ҚАДИМИЙ ФАРГОНА УРБАНИЗАЦИЯСИННИГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бахтиёржон АБДУЛЛАЕВ,
тарих фанлари номзоди

Урбанизация ибораси фанда икки хил талқин қилинади. Биринчисида бу жараён индустриал шаҳарнинг жамият тараққиётига таъсири деб белгиланса, иккинчисига кўра, маданий-тарихий тараққиётнинг турли босқичларида шаҳарларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни ҳамда уларнинг ҳар хил шароитларда амалга оширилишини билдиради (Зоны и этапы урбанизации. – М., 1989. – С.3). Мазкур мақола водий шаҳарсозлигининг илк давларидан бошлаб илк ўрта асрларга-ча бўлган жараённи ёритади.

Урбанизация жараёнларининг асосини ташкил қилувчи шаҳарсозликка оид водий ёдгорликлари охирги 80 йил мобайнида қўплаб олимлар (А.Н.Бернштам, Ю.А.Заднепровский, В.И.Спришевский, Е.А.Давидович, Т.Г.Оболдуева, Н.Г.Горбунова, Г.А.Брыкина, В.И.Козенкова, А.А.Анарбаев, Б.Абдулғозиева, Б.Х.Матбобоев, Г.П.Иванов ва бошқалар) томонидан ўрганилган, уларнинг асарларида бу муаммо бўйича қўплаб материаллар тўпланган. Ушбу асарларнинг танқидий ўрганилиши эса Фаргона водийси шаҳарсозлиги бу давларда маълум тадрижий (эволюцион) тараққиёт йўлини босиб ўтганлигини кўрсатади. Бироқ бу тадқиқотларда урбанизацион жараён муаммолари, одатда, иккинчи даражали бўлиб, қисман ўрганилган. Оқибатда бир қатор масалалар ўз ечимини топмаган.

Жумладан, шаҳарсозликнинг илк шаклланиш хусусиятлари; деҳқончилик хўжалиги ривожи ва ирригация иншоотларининг урбанизацион жараёнларга таъсири; ҳар бир тарихий давр учун алоҳида хусусиятли бўлмиш ёдгорликнинг ўз давридаги воҳа ёки маълум савдо йўллари тизимида жойлашган ўрни; Фаргона шаҳарсозлигига диний тафаккурнинг аҳамияти; водий шаҳарсозлигининг тадрижий тараққиётини қўшни регионлар билан таққослаш, ўзига хос жиҳатлар ва умумийликларни аниқлаш шулар жумласига киради.

Тадқиқотларимиз давомида Фаргона урбанизацион жараёнлари қуийдагида даврлаштирилди: 1) илк шаҳарлар даври – мил. авв. XII – IV (III) асрлар; 2) антик давр шаҳарсозлиги – мил. авв. IV – мил. IV асрлар; 3) ўрта асрлар даври шаҳарсозлиги – V – XIII асрлар.

Илк шаҳарлар даври (Чуст ва Эйлатон маданиятлари) бўйича умумлашма хulosалар олдинги тадқиқотчилар натижаларини янги археологик қазишмалар билан солишириб ўрганиш жараёнида олинди. Чуст маданияти унинг асосий тадқиқотчиси томонидан мил. авв. XII – VII асрлар (сўнгти бронза даври) билан белгиланади, бироқ у бу давр қадимиyllашиши мумкин деб айтган (Заднепровский, 1962. С.70). Бу фикр кейинчалик қисман радиоуглерод таҳлили (мил. авв. XX – XIV ва IX



– VIII асрлар) ва спектрал анализ натижалари (мил. авв. XIV – VII асрлар) билан тасдиқланди (Заднепровский, 1997. С.77; Рузанов, 1999. С.34). Ҳозирги вақтгача Чуст маданиятига оид 80 дан ортиқ ёдгорликлар аниқланган, бироқ фақатгина иккитасида, яъни Дағварзин (25 га) ва Чуст (4 га) ёдгорликларида тўлақонли археологик тадқиқотлар олиб борилган.

Муаллифнинг бевосита иштирокида археологик қазишмалар Чуст маданиятининг марказий шахри Дағварзинда 2003 – 2005 йилларда бўлиб ўтган. Ёдгорлик Андижон вилоятининг Жалақудук туманида жойлашган бўлиб, майдони 24 га, замонавий ер сатҳидан 3 – 5 м баланд. Кўлга киритилган топилмалар бизнинг Дағварзин шахри унинг барча фаол даврларида муентазам кенгайиб ва таъмиrlаниб тургани ҳақидаги фаразларимизни тасдиқлади (Абдуллаев, 2005, 2007).

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Дағварзин шахри тарихий топографияси уч босқичдан иборат бўлганлиги аниқланди (Абдуллаев, 2007; Абдуллаев, 2010; Матбабаев, Абдуллаев, 2011). Одатда, Чуст манзилгоҳлари табиий мудофааланган (бир томондан сув ҳавзаси, бошқа тарафдан ботқоқликлар билан ўралиб, фақатгина бир томондан кириш имкони бўлган) дарё ёки сой дельталарида жойлашарди ва асосий мудофаа иншоотлари шу йўл устида туриши мантиқан тўғри эди. Дағварзиндаги дастлабки манзилгоҳнинг ўтроқ аҳолиси Қорадарёнинг қадимги дельтасида жойлашган (Заднепровский, 1962. С.11), бу анъана бошқа ёдгорликларда ҳам кузатилиди.

Биринчи босқичда 2 гектардан каттароқ майдон атрофи ўзаро боғлиқ уйлар билан айлана шаклида ўралиб (Абдуллаев, 2005. С.132), ташки тазииклардан муҳофазаланган аҳоли деҳқончилик ва хонаки чорвачилик билан ҳаёт кечирган.¹ Кейинчалик бу қўргон уйла-

¹ Бир-бирига зичлаб қурилган уйлардан айлана шаклида қўргонлар барпо килиш Яқин Шарқнингprotoурбанизацион даврига оид ўтроклашаётган кўчманчиларда аниқланган (Батағсилроқ каранг: Абдуллаев, 2010а; 2010б; Abdoollayev, 2010).

рининг ташки деворлари йўналишида мудофаа деворлари билан ўралиб бўлғуси шаҳар аркига (D-II)² айлантирилган. Аркнинг дарвозаси унинг жануби-шарқий қисмида, яъни шаҳарнинг «асосий яшаш» ҳудуди (D-I) билан боғланган. Аркнинг дарвозасидан унинг марказий майдонига қадар ер сатҳига уч қатор шағал тўшалган (Заднепровский, 1971. С.401), бироқ унда диний марказ вазифасини ўташи мумкин бўлган маҳобатли бино қолдиқлари топилмаган.

Ўтроқ ҳаёт тарзи ва у билан боғлиқ хўжалик равнақи аҳолининг демографик ўсишига ҳамда дастлабки қўргон атрофида (асосан жануб ва жануби-шарқда) янги қўргонларнинг³ пайдо бўлишига олиб келди. Натижада қўшимча 18 гектар майдонда уй-жойлар қурилган. Қабилалароро уруш ҳавфи янги қўргонларни ўз ичига олган мудофаа деворлари қад кўтаришига сабаб бўлди. Демак, иккинчи босқичда шаҳарнинг «асосий яшаш» қисмидаги мудофаа девори арқдан ташқаридаги янги қўргон уйларининг ташки деворлари йўналишида ўралган (Матбабаев, Пардаев, Абдуллаев, 2005. С.66).

Узок муддат шаҳарнинг «ҳайвонлар сакланадиган» қисми (D-II) ботқоқликлар билан ҳимояланган, бироқ маълум давр ичиди, таҳминимизча, хўжалик юритиш фаолияти таъсири ва Қорадарёнинг шимол томонга табиий силжиши сабабли ботқоқликлар аста-секин курий бошлаган ҳамда кўчманчи қабилалар босқини ҳавфи ортганлиги туфайли учинчи босқичда бу ер ҳам асосан тупроқ уюми (лўмбоз), қисман хом гиштили мудофаа деворлари билан ўралган.

Тадқиқотларимиз натижасида қуйидаги хуносаларга келдик:

² Шаҳар қисмлари уларнинг очилиш вақтида тадқиқотчи Ю.А. Заднепровский томонидан белгиланган, шу сабабли улар ўзгартирмаган холда келтирилмоқда.

³ Бу ерда уйлар эмас, айнан қўргон иборасини ишлатишимиизга сабаб шундаки, D-I, яъни шаҳарнинг «асосий яшаш» қисми жануб томони замонавий қабристонга айлантирилган ва 2004 иили даля тадқиқот ишлари вақтида янги қабр очилаётганида эни 1,2 метрдан калинроқ пахса девор аниқланган, фикримизча, кадимда у Чуст маданиятига мансуб қабила уруғига тегишли қўргон девори бўлган.



1) шаҳар атрофи мудофаа деворлари (D-II қисмидан ташқари) ва аркнинг ички девори қурилиши аҳоли даҳаларининг ташқи деворлари йўналишига бўйсунган. Гарчи дастлабки қўргон (кейинчалик арқ) маълум режага асосланган бўлса-да, Далварзиннинг қолган қисмлари дарё дельтасининг рельефи бўйлаб аҳолининг демографик ўсиши натижасида келиб чиқадиган зарурат туфайли кенгайганилиги сабабли шаҳар трапеция шаклига эга бўлган (8-расм);

2) дастлабки ташқи мудофаа деворлари шаҳарнинг шимоли-ғарбий (D-III) қисмida фундаментсиз қад кўтарган. Бу девор уч бор қайта таъмирланган, ваҳолонки, бу кўрсаткич D-II қисмнинг шимолий девори учун бир босқич, D-I қисмнинг шарқий девори учун икки босқичга эга бўлган;

3) D-I қисмнинг шарқий деворини барпо этишда турли қурилиш материаллари (пахса, хом ғишт, гувала) ва қурилиш услубларидан (фақат пахса ёки ғишт билан, уларнинг комбинацияси, лўмбоз, жуфт ғишт деворлар оралигини тупроқ ва қурилиш материаллари синиқлари билан тўлдириш) фойдаланилган;

4) D-II қисмнинг атрофи D-I ва D-III қисмлардан кўра кечроқ мудофаа деврлари билан ўралган;

5) D-II қисмнинг мудофаа деворлари лўмбоз тупроқ асосида қурилишининг сабаби унинг ўй ҳайвонлари сақлаш жойи ва дастлаб атрофи ботқоқликлардан иборат бўлганлигидир;

6) шаҳарнинг фақаттина D-I ва D-III қисмлари учун умумий шимолий мудофаа деворида блокли пахсадан фойдаланилган;

7) кейинги антик ва ўрта аср шаҳару қўргонларининг муҳим қисмини ташкил қилган маҳобатли биноларнинг асоси бўлмиш тагкурси (платформа-стилобат) Фарғонада сўнгги бронза даврида пайдо бўлган.

Чуст маданиятига доир яхши ўрганилган кичик шаҳарча харобаси шу ном билан аталган, Наманган вилоятининг Чуст шаҳри ёни-

да жойлашган, майдони 4 га. Унинг ҳам уч томони сой ва ботқоқлик билан ўралган, фақат шимоли-ғарбидаги 1,5 га майдонда мудофаа тизими бўлган.⁴

Биздан олдинги тадқиқотчиларнинг (Спиршевский, 1963; 1972) асарларини танқидий ўрганиш асосида қуидагиларни айтиш мумкин:

1) Чуст шаҳрининг асосий мудофаа иншоотлари ушбу маданиятнинг ривожланган даврида барпо қилинган;

2) қурилишда пахса ва хом ғиштдан фойдаланилган, бироқ лўмбоз асосида тикланган деворлар топилмаган;

3) қадимий меъморларнинг маҳаллий рельеф имкониятларидан тўла фойдаланишга интилиши туфайли мудофаа иншоотлари такомиллашиб борган;

4) синиқ чизиқли мудофаа девори бурилишлари асосида манзилгоҳ рельефи турган, бироқ айнан шу тасодиф душманга ён томондан бериладиган зарба кучайтирилишига олиб келган бўлиши мумкин, айнан шу ҳимоя услуги кейинчалик тўрт бурчакли буржларнинг яратилишига замин яратгандир;

5) диаметри 10 – 11 м бастионсифат айланда иншоотнинг мавжудлиги кейинги даврларда шаҳар ва қўргонларда кенг тарқалган дарвозаолди хоналари ва буржларининг Фарғона водийсида пайдо бўлганини тасдиқлади.

Сўнгги бронза даврида Чуст маданиятида рўй берган урбанизацион жараёнлар, бир томондан, аҳолининг демографик ўсиши, қолаверса, хўжалик асосини ташкил қилувчи деҳқончилик ҳудудини кенгайтириб бориш зарурати билан боғлиқ бўлган. Мазкур жараёнларни ўргангандан тадқиқотчининг фикрига кўра, бу давр аҳолиси асосан дарёларнинг қадимги ўзанларидаги воҳаларда истиқомат қилган, чунки ўша давр суғориш технологияси имкониятлари бу ўзанлардан узоқлашмаган ҳолда деҳқончилик қилишга шароит

⁴ Бу мудофаа тизими ҳакида қуидаги адабиётларда батафсил маълумот берилган Абдуллаев, 2006; 2007; Матбабаев, Абдуллаев, 2011.



яраттан. Тадқиқот натижаларига кўра, Чуст маданияти ёдгорликлари Фарғона водийсининг шимоли-ғарбидан жануби-шарқига-ча узунлиги 230 км келадиган энли ҳудудда жойлашган, унда 15 та гуруҳ воҳалари мавжуд бўлганлиги аниқланган (Заднепровский, 1988. С.120).

Улардан энг яхши ўрганилганлари Фоба-Косонсой (маркази Чуст – 4 га, жойлашган майдони – 1000 км²), Ўзган (маркази Дехқон – 5 га, майдони – 250 км²) ва Қорасув (маркази Хўжамбог – 4 га, майдони – 300 км²) воҳалари киради. Воҳа ёдгорликларининг асосини майдони бир гектардан камроқ бўлган тепаликлар ташкил этган. Воҳа ва ёдгорликлар гуруҳларининг оралиғи 20 – 30 км ни ташкил этган. Ёдгорликлар сони, гарчи улар катта ҳудудни ўз ичига олса-да, шимоли-ғарб томонга қараб сийраклашиб борган. Агар Қорасув воҳасида 12,5 км² га битта ёдгорлик (жами 24 та) тўғри келган бўлса, Ўзган воҳасида (жами 12 та) бу кўрсаткич 20 км²ни ва Фоба-Косонсойда (жами 12 та) 85 км²ни ташкил қиласган (Заднепровский, 1981. С.24 – 26). Бу ҳолат, биринчи навбатда, ўша давр сугориш технологияси ёрдамида дехқончилик қилишнинг чекланган имкониятлари билан, иккинчи тарафдан, маданият марказидан (Далварзиндан) узоқлашиш ва этник жиҳатдан яқин бўлмаган кўчманчи Қайроққум маданияти соҳиблари тазиики остида қолганликлари билан боғлиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Илк шаҳарсозлик даврининг иккинчи босқичи фақатгина Эйлатон ёдгорлиги билан белгиланади. Гарчи водийнинг бошқа жойларидағи антик ва ўрта асрлар ёдгорликларининг қуи қатламларида Эйлатон даврига оид сопол намуналари аниқланган бўлса-да, шаҳар ёки қўрғон қолдиқлари топилмаган. Бу шаҳарнинг таснифига кўра баъзи тадқиқотчилар Эйлатон ёдгорлигини кўчманчи маданият соҳибларига тегишли деб изоҳлашади. Эйлатон маданияти иборасини фанга олиб кирган тадқиқотчи Ўш вилоятидаги илк те-

мир даври ёдгорликларини ўрганиш жараёнида бу маданиятга оид қабр-қўргонлардан бошқа манзилгоҳ топа олмагач ўз хulosаларида Эйлатон-Шўрабошот номини қўллаган (Заднепровский, 1960. С.169). Қулончоқ қўрғонини тўла ўрганиб чиқсан бошқа тадқиқотчи фикрига кўра, Шўрабошот маданияти соҳиблари маълум вақт Оқтом-Қўнғай (Эйлатонга яқин) маданияти вакиллари билан бирга умргузаронлик қиласганлар (Гаврющенко, 1970. С.19). Бу ҳолат бошқа тадқиқотчига Эйлатон ва Шўрабошот маданиятлари бир вақтда яшаган (Иванов, 1999. С.19) деб хulosса чиқаришга асос бўлган. Бизнинг Кўштепа-2 ёдгорлигида олиб борган тадқиқотларимиз натижаси ҳам бу икки маданият соҳиблари камида мил. авв. IV – III асрларда бирга мавжуд бўлганлигидан далолат бермоқда (Абдуллаев, 2016. Б.11; 2016. Б.60). Ҳозирда, Эйлатон маданиятидан фарқли ўлароқ, Шўрабошот маданиятига оид шаҳар ва қўрғонлар сони 50 дан ортиқ (Заднепровский, 1994. С.42).

Бу мунозараларга тўла изоҳ бериш алоҳида тадқиқот вазифаси, шу сабабли юқорида белгиланган йўналишда давом этамиз. Эйлатон харобаси Андижон вилоятининг Избоскан туманида, Қорадарёнинг қадимий ботқоқли этагида жойлашган.⁵ У тўртбурчак буржлар билан кучайтирилган икки қатор мудофаа деворларига эга бўлиб, ташқи шаҳар майдони 200 га, ички шаҳар майдони 20 га эди. Эйлатон, Чуст маданияти шаҳарларидан фарқли ўлароқ, паралелограм шаклида курилган. Шаҳарнинг арк қисми бўлмаган.

Эйлатонда фойдаланилган қурилиш техникаси ва материаллари Чуст маданияти меморчилиги билан қатор ўхшашликларга эга:

- 1) қурилишда гувала, хом гишт (мудофаа деворлари) ва пахсадан (уй-жойлар) фойдаланилган;
- 2) мудофаа иншоотлари лойдан қилинган пойдевор устига қурилган;

⁵ Ҳозирги кунда Эйлатон ички шаҳрининг шарқий ва гарбий деворлари сакланган (Абдуллаев, 2014. С.243).



3) гиштлар чок бостириб урилган;
4) мудофаа деворлари иккита параллел гиштли деворнинг (ташқи қисми текис, ички қисми эса тартибсиз) оралигини, одатда, гувала ва хом гишт парчаларини лойга қоришириб тўлдириш орқали бунёд этилган.

Маълумки, Эйлатонликлар Чуст маданияти соҳиблари сингари асосан дәхқончилик билан шуғулланганлар. Шунга қарамай, бу маданиятлар шаҳарларининг ҳажм ва шаклида анчагина фарқлар бўлган. Бироқ Эйлатонлик меъморлар нафақат ўзидан олдинги маданият соҳиблари тажрибаларидан фойдаланганлар, балки уларда шакланаётган бъязи мудофаа тизимига доир ғояларни (буржларни) амалда кўллаганлар. Шу билан бирга, Эйлатонликлардаги режали мудофаа деворларининг қурилиши улар атрофида хандақ қазилганидан далолат беради, чунки Ўрта Осиёдаги бошқа қадимий шаҳарлар тарихида ҳам бундай ўхшашлик бўлган (Воронина, 1964. С.42).

Шундай қилиб, Чуст ва Эйлатон маданиятларини Фарғона шаҳарсозлиги эволюциясининг икки босқичи деб аташ мумкин. Уларда нафақат ўзига хослик ва умумийлик, балки ривожланишдаги кетма-кетлик аниқланган: 1) Далварзиндан фарқли ўлароқ, Эйлатон шаҳри ягона муҳандислик режасига асосан барпо этилган, бироқ унинг арқ қисми бўлмаган. Эҳтимол, бу сиёсий ҳаётда қўчманчилар мавқеи ортиб, бошқарув уларнинг қўлига ўтганиданdir (Горбунова, 1984. С.102); 2) иккала босқич мудофаа деворлари монолит қилиб қурилган. Агарда Далварзинда асосан пахса, қисман хом гиштдан фойдаланилган бўлса, Чуст ва Эйлатонда кўпроқ хом гиштдан фойдаланилган. Иккала босқич шаҳар иншоотларида қисман гувала кўлланилган. Бу эса маданиятларнинг кетма-кетлигидан далолат беради; 3) иккала босқичда ҳам тўғри тўрт бурчакли ва тамғалangan хом гиштлардан фойдаланилган. Бироқ Чуст маданияти соҳиблари хом гиштларининг ҳажми орасида катта фарқ бўлиб (Далварзинда 53 – 55 x 27 – 38 x 8

– 13 см, Чустда 30 – 60 x 27 – 28 x 5 – 8 см), таркибига сомон қўшилмаган ва қирралари аниқ эди. Эйлатон хом гиштлари деярли бир хил ҳажмли (40 – 46 x 39 – 40 x 8 – 9 см), таркибида сомон бор, қирралари аниқ чиқмаган, шу сабабли улар кўпроқ эзилган гувалага ўхшайди; 4) Далварзин ва Эйлатон мудофаа деворлари даги ўхшашлик уларнинг қўшдевордан иборатлиги, унинг ичи қурилиш чиқитларини (пахса ва хом гишт парчаларини) қалин лой билан қоришириб тўлдирилганида. Бундай мудофаа деворларини қуриш услуби сўнгги ўрта асрларгача сақланиб қолган; 5) тўртбурчак буржларнинг шаклланиш жараёнини ҳам Далварзин, Чуст ва Эйлатон шаҳарлари мисолида қўришимиз мумкин. Далварзинда фақаттинга дарвоза олдида деворнинг бўртиб чиққан жойи аниқланган бўлса, Чустда синиқ чизиқли айланма деворида келгуси тўртбурчак буржлар қўриниши аниқланган. Ниҳоят, Эйлатонда тўртбурчак буржлар мудофаа деворларининг таркибий қисмини ташкил қилган; 6) Чустнинг илк дарвозаси ўнг томонида бастионсимон иншоот қурилган бўлса, Эйлатон ичи шаҳрининг шарқий дарвозаси икки томондан буржлар ҳимоясида бўлган ва ўнг буржда дарвозаолди хонаси топилган.

Юқорида келтирилган маълумотларни умумлаштирусақ, Фарғона шаҳарсозлиги сўнгги бронза ва илк темир даврларида маълум тадрижий тараққиёт босқичларини ўтаб, келгуси даврда мукаммал шаҳарларнинг вужудга келиши учун асос яратган. Гарчи бу даврларда шаҳарсозлик маданиятининг тামал тоши қўйилган бўлса-да, Фарғона водийсининг деярли барча ҳудудларини қамраб олган урбанизацион жараёнлар антик даврда амалга ошади.

Антик давр шаҳарсозлигининг тадрижий ривожи ҳақида 2000 – 2005, 2012 – 2016 йилларда ЎзРФА Археология институти Андижон отряди Мингтепа⁶, Сарвонтепа, Чордона,

⁶ 2012 – 2016 йилларда ўзбек – хитой халқаро археологик экспедицияси олиб борилган.



Күштепа-2 ёдгорликлари ва Оқтепа микрово-ҳасида олиб борган қазишма ишлари натижалари ҳамда олдинги тадқиқотчилар (Бернштам, 1946; 1952; Заднепровский, 1960; 1962; 1985; Гаврющенко, 1970; Салтовская, 1971; Горбунова, 1977; 1983; 1984; 1985; 1987; 1991; 1994; Горбунова, Козенкова, 1974; Горбунова, Оболдуева, 1988; 2002; Абдулгазиева, 1988; Шигин, 1984) изланишлари маълумот беради.

Бу давр урбанизацияси ўзига хос бўлиб, унинг характерли хусусиятлари илк (мил. авв. IV – I асрлар) ва сўнгти (I – IV асрлар) антик давр босқичларида ажralиб туради.

Илк босқич шаҳарсозлик маданияти тўғрисида Шўрабошот, Қорадарё ва Мингтепа шаҳарлари, Қулунчоқ ва Кўштепа-2 мудофаа қўрғонлари, Хўжамбоғтепа ва Мирзаолимтепа ёдгорликларида кўлга киритилган маълумотлар орқали билиш мумкин.

Шаҳарлар, одатда, тўртбурчак шаклга эга бўлиб, атрофи буржлар билан кучайтирилган монолит мудофаа деворлари билан ўралган. Кўпинча шаҳар қуриш учун икки-уч томондан сой, ботқоқлик ёки жар кўринишидаги табиий ҳимояга эга жойлар танланган. Қолган жойда эса мудофаа деворлари қурилиши жараёнида уларнинг олд томонидан сунъий хандақлар барпо этилган. Ҳарбий-стратегик жиҳатдан шаҳарлар воҳага кириш-чиқиши йўлларини назорат қилиш имконини берувчи тепаликларга қурилган. Бунга ёрқин мисол қилиб Қорадарё шаҳрини олиш мумкин. Унинг арки тўртбурчак шаклида бўлиб, ташки деворлари қалинлиги 3 м, лекин улар буржлар ва камончилар шинаклари билан кучайтирилмаган. Аркнинг шаҳар юзидан 10 м баландликда жойлашганлиги тадқиқотчиларга уни ҳукмдор қароргоҳи деб белгилашга имкон берган (Заднепровский, 1960. С.146). Гарчи камончилар шинаклари мил. авв. II асрда Мингтепада аниқланган бўлса-да, Фарғона водийсида кўп тарқалишга улгурмаган.

Мил. авв. IV – I асрлар урбанизацияси тараққиёти бевосита мил. авв. 1-мингийиллик

ўрталарида водийда кенг кўламда ирригация иншоотлари барпо этилиши билан боғлиқ (Береналиев, 1975. С.154; Заднепровский, 1991. С.192 – 195; Заднепровский, 1991. С.195 – 196; Матбабаев, Машрабов, 2011. С.68). Натижада ҳар бир янги ирригация иншооти бўйларида бир неча ўнлаб манзилгоҳ ва қўрғонлар барпо этилган. Тадқиқотларимизга кўра (Абдуллаев, 2016а; 2016б), кучли мудофаага эга бўлган қалъалар каналлар бўйида ҳар 4 – 5 км да қурилиб, уларга шу ҳудудга зарур сув тақсимотини назорат ва мудофа қилиш вазифаси юқлатилган. Албатта, бундай кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари, бир томондан, аҳолининг демографик ўсиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, давлатчилик равнақи билан белгиланган. Демак, Довон давлатининг шаклланиш даврини ҳам мил. авв. IV – III асрлар билан белгилаш ҳақиқатга яқинроқ. Тўгри, бу ҳақда яна бир фарғонашунос хитой манбаларида маълумот бўлганлигини айтиб ўтган (Матбобоев, 2002. Б.10), бироқ айнан қайси манбадалигини кўрсатмаган.

Илк антик босқич учун ёдгорликлар сони аниқ белгиланмаган. Айрим маълумотларда Шўрабошот маданиятига оид ёдгорликлар 50 дан ортиқ деб кўрсатилган бўлса, баъзиларида фақатгина Шаҳрихонсой бўйида 40 та ёдгорлик аниқлангани айтилган. Ваҳлонки, бу каби сув иншоотлари у қадар катта узунликка эга бўлмаса-да, бир неча ўнлаб қурилганлиги тасдиқланган (Береналиев, 1975. С.150).

Юқорида келтирилган ҳолат олдинги даврларда фақат табиат инъом этган кичик воҳалардагина эмас, балки анча кенг ҳудудда деҳқончилик билан шугулланиш имконини берган. Зоро, бу иншоотларнинг узунлиги бир неча 100 м дан 100 км гача борган (Береналиев, 1975. С.151 – 157; Матбабаев, Машрабов, 2011. С.68). Бу эса, ўз навбатида, шаҳарсозлик кўламини кенгайтириб, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар ясаган. Қолаверса, мазкур ҳолат эски воҳа мудофаа тизимларини янада му-

раккаблаштириб, уларнинг ўзаро боғланишини мустаҳкамлади. Фикримизча, бу даврда шаҳарлар шаклланиши ҳам айнан воҳа мудофаа тизимларини такомиллаштириш орқали савдо йўлларининг хафсизлигини таъминлаш туфайли равнақ топган.

Аҳамиятлиси шундаки, бу даврнинг деярли барча сунъий сугориш иншоотлари асосан Шўрабошот маданиятига оид ёдгорликлар жойлашган ҳудудда аниқланган. Шу билан бирга, Мингтепа ёдгорлигига асосан қизил ангобли сопол идиш парчалари топилганиги⁷ Довон давлатининг шаклланишида бевосита Эйлатон маданияти соҳиблари ва кўчманчи қабилаларнинг иштирокини (Горбунова, 1984. С.102) шубҳа остига қўймоқда ёки у ҳали фанга номаълум давлат асосида бунёд бўлганлигига ишора қўймоқда. Энг асосий хуросалардан бири шундаки, агар давлатчиликнинг шаклланиши бевосита кенг кўламдаги ирригация иншоотларини барпо этиш билан боғланса, демак, бу давлатнинг пойтахти ҳам водийнинг айнан шарқий қисмida бўлган.

Ҳозирда тадқиқотчилар томонидан бу давр ёдгорликлари Фарғона водийсининг энг кўп ўзлаштирилган шарқий қисмини эгалланганлиги таъкидланади. Бу ерда, хитой солномаларига (Шицзи) кўра, 70 та шаҳар бўлиб, давлат сарҳадларида зоооо аҳоли истиқомат қилган (Бичурин, 1950. С.149, 186). Водийда антик даврга оид 1000 дан ортиқ ёдгорлик аниқланган (Заднепровский, 1985. С.306). Энди ҳар бир шаҳарга 10 тагача қишлоқ ёки алоҳида уй хўжалиги тўғри келишини инобатга олсак, бу даврда 700 – 800 ёдгорлик бўлган дейиш мумкин. Бундан илк антик даврда урбанизацион жараёнлар кенг кўламда кечганлиги ва қайдаражада шаҳарсозлик ривожланганлигини тасаввур қилиш мумкин. Ўша даврнинг иқтисодий-сиёсий марказлари сифатида майдони жиҳатидан энг йириги саналмиш Шўрабошот

(70 га) ва Мингтепа (42 га) шаҳарларини келтириш мумкин.

Антик даврнинг иккинчи босқичи (I – IV асрлар) Фарғона урбанизацияси тарихида алоҳида ўринга эга. Дарё ва каналларнинг бошларида сув тақсимлаш иншоотларида маҳсус қалъа-қўргонлар барпо этилиб, улар деярли сўнгти ўрта асрларгача ўз фаолиятини тўхтатмаган. Археологик тадқиқотларда I – IV асрларга оид иншоотлар қолдиқлари аниқланган (Давидович, 1966; Шигин, 1984), бироқ мантиқан уларнинг шаклланиши мил. авв. IV – I асрларда бошланган дейиш тўғрироқ. Шу билан айнан иккинчи босқичга оид зоо дан ортиқ⁸ ёдгорлик аниқланганлиги ҳисобга олинса, Довон давлатининг аҳолиси ҳам бир неча бор кўпайганлигини билиш мумкин.

Бу босқич учун шаҳарларнинг деярли барча асосий элементлари топилган: кучли ҳимояланган арқ; камончилар галереяси (шинак) ва буржлар билан кучайтирилган мудофаа деворлари; дарвозаолди мудофаа иншоотлари; ташқи девор олдидаги хандаклар; воҳадан тоғларгача уланиб борган сигнал буржлари (Абдуллаев, 2004. С.47). Бу давр ёдгорликларидан энг муқаммал ўрганилганлари Мингтепа, Каламиштепа, Сартепа, Косон ва Оқбура шаҳарлари, Биловуртепа, Арктепа, Ашт, Қуюқтепа ва Қўштепа-2 кўргонлари, Каркидон воҳаси комплекси ҳамда Оролтепа кичик қўргонлари. Уларнинг кўпчилигини бирлаштирувчи жиҳат аркларининг хочсимон режа асосида қурилишидир. Антик даврнинг иккинчи босқичида, биринчисидан фарқли улароқ, қўшимча мудофаа элементлари пайдо бўлиши билан бирга арклар режаси мураккаблашади, бироқ улар кичик қўринишга эга бўлган. Масалан, водийда ўрганилганлари ичида энг каттаси ҳисобланган Мингтепа арки ҳажми Ўрта Осиёдаги бошқа йирик ша-

⁷ Қизил ангобли идишлар факат Шўрабошот маданиятига оид ва Эйлатонда учрамайди (Заднепровский, 1960а. С.42; Горбунова, 1977. С.53).

⁸ Тадқиқот натижаларига кўра, факат Андижон вилоятида антик даврнинг иккинчи босқичида 240 ёдгорлик аниқланган (Абдулгазиева, 1995. С.46).



ҳарлар (Тупроққалъа, Афросиёб, Далварзин, Эски Термиз Канка ва б.) аркидан 3 – 5 баробар кичик бўлган (Абдуллаев, 2006).

Фарғона шаҳарсозлигига бошқа тарихий-маданий регионлардаги сингари диний дунёқараш ва унинг айрим мезонлари катта ўрин эгаллаган. Тадқиқотларимизга кўра, сўнгги бронза давридан антик давр якунига қадар шаҳарсозлик маданиятида бино ва иншоотларнинг шакллари (таснифи) маълум диний мезонлар билан боғлиқ бўлган. Бу иншоотларнинг айланана ва квадрат (тўртбурчак) шакллари орқали қадимий меъморлар диний дунёқарашнинг негизи бўлган осмон ва ернинг ўзаро таъсири, боғлиқтигини тасвирлашга ҳаракат қилишган. Бу шакллар дастлаб Евроосиёнинг Ўролдан Енисей дарёсига қадар кенг ҳудудда тарқалган Андроново маданиятига оид қабр-қўрғон иншоотлари ва айланана шаҳарларида аниқланган (Абдуллаев, 2013). Андроново маданияти дунёқарашини кўрсатувчи айланана ва квадрат феномени Тоҷикистоннинг Бишкент водийсидаги Тулхор қабр-қўрғони (мил. авв. XIII – X асрлар) очилганида ҳам кузатилган. Эркаклар майити олдида квадрат, аёллар майити олдида айланана алтар барпо этилган, лекин улар бирга дафн қилинса, алтарлар ҳам икки хил бўлган. Баъзи тадқиқотчilar фикрича, қўшқабрларда алтарлар ўrniga тош плиталардан дунё чархпалаги маъносини англатувчи хоч (свастика) рамзи қўйиларди (Берентьев, 1981. С.8). Бироқ бошқа тадқиқотчи хочни қўёш тимсоли деб ҳисоблаган (Мандельштам, 1968. С.106 – 107). Шундай қилиб, айланана ва квадрат шакллари Андроново маданияти соҳиблари учун коинотнинг ўзига хос модели бўлган, улар фалакнинг марказий ўқи ҳисобланиб, борлиқ унинг атрофида айланган (Зданович, 2003. С.7).

Бу рамзлар Ўрта Осиёнинг кўплаб иншоотларида ўз аксини топган. Масалан, Қўйқирилганқалъа, Хатра ёки Ктесифон. Сосонийлар даврида оташпарастларнинг айланана шаклдаги иншооти «дунё маркази» саналиб, бутун

дунё ҳокимияти тимсолини англатарди (Берентьев, 1981. С.14).

Фарғонадаги Далварзин шаҳрининг арки айланна режасига эга бўлган. Гарчи водийнинг сўнгти бронза даврдаги аҳолиси келиб чиқиши ва маданиятига кўра турлича бўлишига қарамай, шаҳарлар режасининг айланадан квадратга ўтиши Андроново маданиятидаги шундай жараёнлар билан ўхшаш (Абдуллаев, 2010. С.65 – 66).

Антик даврда водий шаҳарсозлигига Бишкент ёдгорлигидагидек айланани квадратга жойлаштириш орқали ифодаланган соляр (қуёш) рамздан фойдаланилган. Бунга Биловуртепа-2, Арктепа ёдгорликларини мисол қилиб олишимиз мумкин. Албатта, бундай режали иншоотлар кам учрайди, бироқ манзилгоҳларнинг умумий планировкасида айланана ва квадрат комбинацияларига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, сўнгги антик даврга оид Андижон вилоятидаги Оқтепа микровоҳаси тадқиқ қилинганида зоо гектардан кўпроқ ҳудудда 20 та ёдгорлик аниқланган. Уларнинг марказидаги Юмалоқтепа (диаметри 70 м) айланана шаклида бўлиб, атрофидаги тепаликлар тўртбурчак шаклида эди. Марказий Юмалоқтепа ҳали тўла ўрганилмагани учун унда ҳам хоссимон комбинациялар бор деб таъкидлаш кийин, бироқ воҳа иншоотлари қурилишида қадимий диний тасаввурларга асосланган коинот модели қурилган бўлса ажаб эмас.

Хулоса қилиб айтганда, шаҳарлар ривожига қадимги аҳолининг диний қарашлари катта таъсир кўрсатган, бу ҳолат сўнгги бронза давридан сўнгти антик давргача ўрганилган ёдголикларда кузатилади. Кейинги ilk ўрта асрлар даврида зардуштийлик дини кенг тарқалган бўлиб, меъморий иншоотлар ҳам ўзига хос ва олдингиларидан фарқли эди. Бу давр иншоотлари ҳам бевосита диний қарашларга асосланганлиги аниқланган, бироқ бу бошқа тадқиқот мавзусидир.

ҚАДИМГИ ФАРГОНА ДАВЛАТИНИНГ ИЛК ПОЙТАХТИ ҲАҚИДА

Аблат ХҮЖАЕВ,
тариҳ фанлари доктори

Қадимги Фарғона давлатининг пойтахти қаерда жойлашганлиги ва қандай номланганлиги тарихимизда кўпдан бери мунозарали бўлиб келаётган масалалардан бири хисобланади. Кейинги даврда бу масалага янги маълумотлар ва таҳлиллар асосида анча аниқлик киритилганига¹ қарамай, жавобга муҳтож саволлар йўқ эмас. Шу боис ушбу масалага яна бир бор тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Маълумки, мавзуга доир ёзма манбалар орасида қадимий Хитойда битилган расмий тарихий асарларда сакланиб қолган маълумотлар муҳим илмий аҳамиятга эга. Буни жаҳон илм аҳли эътироф этиб келмоқда. Лекин унга шубҳа билан қарайдиганлар ҳам топилади.

Милоддан олдин ва милоднинг дастлабки асрларида битилган Хитой манбаларида қадимий Фарғона давлатининг пойтахти сифатида иккита шаҳар номи тилга олинади. Буларнинг бири Юан-чэнг (宛城, замонавий ўқилишда Ван-чэнг, русча транскрипцияда Вань-чэн), иккинчиси Кивэйшеан (замон. ўқ. Гуйшан 贵山) хисобланади. Биринчи шаҳар илк бор мил. авв. 90 йили ёзиб тугалланган «Тарихий хотиралар»да («Шижи»), иккинчиси эса милодий I асрда битилган «Хан [сулоласи] тарихи»да («Ханшу») учрайди. Шундан маълумки, қади-

мий Фарғона давлатининг илк пойтахти Юанчэнг бўлган.

Биринчи навбатда изоҳлаб ўтмоқ жоизки, Юан-чэнг (Ван-чэнг) топонимидағи «чэнг» (城) иероглифи баланд ва мустаҳкам деворлар билан ўралган шаҳар маъносини англатади. Ўтмишда мазкур иероглиф бундай деворлар билан ўралмаган шаҳарларга нисбатан қўлланилмаган.² Шунга кўра айтиш мумкинки, Юан-чэнг топоними шаҳар номи бўлмиш Юан ва деворлар билан ўралган шаҳар маъносини англатувчи икки сўздан ташкил топган.

Юан-чэнг топонимининг биринчи қисми бўлмиш Юан (Ван) атамасининг замонавий ва қадимги ўқилишларини Фарғона ёки бошқа бир маҳаллий ном билан таққослаш, яъни идентификация килиш қийин. Лекин унинг маъносига эътибор берсак, ушбу хитойча атама Паркона (араблар келганидан кейин Фарғона) топонимининг таржимаси эканлигига амин бўламиз. Чунки қадим замонда атрофи тоғлар ёки баланд тепаликлар билан ўралган, ўрта сатҳи текис ва нисбатан пастроқ шаклдаги, яъни косанинг тубига ўхшайдиган жойни хитойлар «юан» деб аташган.³ Кейинчалик таом ейиш учун ишлатиладиган коса ҳам ван (юан) деб номланган. Паркона сўзи ҳам тоғлар ёки баландликлар ўртасидаги текислик маъносини англатган.

¹ Қаранг: Хўжаев А. Фарғона Хитой манбаларida (қадимий ва илк ўрта аср ёзма ёдгорликларидан таржималар). – Тошкент, 2013; Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар (Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар). – Фарғона, 2013 ва б.

² Ханой дазидян (Хитой тили ва ёзувининг катта лутати). 8 жилд. – Чэнгду, 1986 – 1990. 1-жилд. – Б.438.



Қадим замонда хитойлар хорижий юртларга тегишли ер номларини иложи борича ўз тилларида ёзиб қолдиришга интилишган. Чунки Паркона сўзини тўла транскрипция қилиш учун 4 та иероглиф ишлатиш керак бўлар эди. Хитойлар учун бу мураккаб бўлиши билан бирга тил одатларида тўғри келмасди. Мил. авв. II аср ўрталарида, яъни Хань империяси элчиси Чжанг Чян Фарғонага келган замонда хитой тилида Паркона сўзининг маъносини акс эттирувчи иероглифнинг борлиги уни таржима қилиб ишлатишда қўл келган. Хитой манбаларида маҳаллий топонимларни уларнинг маъносига қараб таржима қилиб ишлатиш мисоллари кўп учрайди. Тангритоф атамасини улар Тян-шан деб таржима қилиб олишгани шулар жумласидандир.

Паркона топонимини транскрипция қилиб ишлатиш одати IV – V асрларда юзага келган. Шунинг учун шянби деб номланган, қадимги Хитойнинг шимолида яшаган ва келиб чиқиши туркийларга бориб тақаладиган халқ томонидан ташкил этилган Шимолий Вэй (Бэй-Вэй, 336 – 534 йилларда мавжуд бўлган) хонлиги тарихида (Вэшу) Паркона атамаси Фейэрханна деб транскрипция қилинган. Бундай анъана илк ўрта асрларда яшаган хитой сайёхлари асарларида кузитилади.

Хитой манбаларида Паркона шахри, яъни Юан-чэнг қадимги Фарғона давлатининг ilk пойтахти бўлганлигини кўрсатувчи маълумотлар кўп. Улардан айримларини исбот сифатида келтириш мумкин:

1) «Шижи»даги «Фарғона тазкираси»да: «Лунгтоу (Бугур)⁴ [шахри]ни ишғол қилишнинг иложи бўлмади. Бу ердан тўғри юриб Юан-чэнгга етиб борилди» (偷頭不下... 自此而西平行至宛城)⁵, – деб ёзилган;

2) ушбу манбанинг иккинчи бир жойида: «... хукмдор шахри Юанда (Ванда) қудук йўқ, ичимлик суви шахар ташқарисидаги оқар сувдан тортиб келинган экан» («宛王城無井汲城外流水»)⁶, – деб ёзилган маълумот «Ханшу»даги «Чжанг Чян ва Ли Гуангли тазкираси»да: «Юан шахрида қудук йўқ, ичимлик суви ша-

хар ташқарисидаги оқар сувдан тортиб келинган экан» («宛城中無井汲城外流水»), – деб баён этилган. Бу мисолда хукмдор маъносини англатган «ванг» иероглифи қисқартирилган. Иккала мисолни таққослаганимизда «Юан-чэнг» (Паркона шахри) қадимий Фарғона давлатининг хукмдори жойлашган шаҳар эканлиги англаради;

3) «Ханшу»нинг «Чжанг Чян ва Ли Гуангли тазкираси» деб номланган бобида: «Шу жойдан [Лунтоу / Бугурдан] ғарб сари юриб Юан-чэнгга 30 минг лашкар етиб борди. Юан [шахри] лашкарлари қаршилик кўрсатди» (自此而西行至宛城兵到者三萬宛兵迎擊)⁷, – деб зикр этилган. Ушбу тазкира Н.Я.Бичурин ва Н.В.Кюнер таржималарида учрамайди;

4) 646 йили битилган «Да Танг Шиуюй жи» («Буюк Танг даврида ғарбий юртларга қилинган сафар хотираси») номли ва Ҳиндистонда 17 йил яшаб Хитой пойтахти Чанъянга қайтиб келган будда дини роҳиби Сюанзанг қаламига мансуб сафарномада қуйидагилар ёзилган: «Вэйшу (Вэй [сулоласи] тарихи)даги Пуолуона, Суйшуда Пэйхан, Да Тан Шиуюй жида Фэйхан деб аталган, унинг хукмдори турадиган шаҳар Фейэрханнадир» (魏书 称破洛那, 随书作拔汗, 大唐西域记作怖捍, 其王都费尔汗那).⁸ Таъкидлаш жоизки, ушбу маълумотдаги Пуолуона, Пэйхан, Фэйхан давлат, Фэйэрханна эса пойтахт номининг хитойча транскрицияларидир. Шаҳар номини акс эттириш учун 4 та иероглифдан фойдаланилган.

Юан-чэнг топоними қадимги Фарғона давлатининг пойтахти ва хукмдор турадиган шаҳар эканлиги 1066 – 1084 йилларда ёзилган «Зичжи тунгжян» («Хукмдорларга сабок берувчи воқеалар баёни»)⁹, 1190 – 1200 йилларда битилган «Тунгжян жиши бэнмуо» («Мухим тарихий воқеалар баёни»)¹⁰ каби манбаларда ҳам кўп бор тилга олинади.

Шундай экан, кўпчиликда нега «Шижи» ва «Ханшу» асарларидаги Юан-чэнг (Паркона шахри) топоними манбавий асос бўлган Н.Я.Бичурин таржималарида акс эттирилмаган деган савол туғилиши табиийдир. Бу масалани ўрганиб чиқиш ва аслият билан мазкур олим таржималарида

⁵ Сима Чян. Шижи (Тарихий хотиралар) // Эршиси ши (24 тарих). 1-жилд. – Б.1145.

рини солиштириш натижасида маълум бўлдики, у Юан-чэнг топонимини «резиденция даваньская», «даваньская резиденция» деб ўтирган. Айрим ҳолларда давлат номи бўлган «Дайюан» (Даван Буюк Паркона маъносини англатади) билан шаҳар номи бўлмиш Юан-чэнг атамасини бир хил қилиб «Давань» деб таржима қилган. Натижада Юан топоними алоҳида бир шаҳар номи эканлиги билинмай қолган.

Масалан, аслиятда: «Бугурда (Лунгтоуда) Хан қўшинлари қаршиликка учради ва бу ерда бир неча кун давомида жанг бўлди, қаршилик кўрсатганлар қириб ташланди. Шундан сўнг Хан қўшинлари ғарб томонга қараб қаршиликсиз юриб борди, Юан-чэнгга (Паркона шахрига) 30 минг нафар Хан лашкарлари етиб борди. Юан (Паркона) лашкарлари Хан армиясига қаршилик кўрсатдилар. Лекин Хан лашкарлари ўқ-ёй отиб уларни мағлуб қилдилар. Юан (Паркона) одамлари [қалъя] ичига чекиниб, унинг девори устига чиқиб олдилар», – деб баён этилган. Аслиятда ушбу маълумот куйидагича келтирилган: «至龠頭龠頭不下 攻數日屠之 自此而西平行 至宛城漢兵到者三萬人 宛兵迎擊漢兵 漢兵射敗之 宛走入葆乘其城».

Н.Я.Бичурин матнни куйидагича таржима қилган: «Когда армия подошла к Луньтоу, то город сей не хотел сдаться, почему после осады, продолжавшейся несколько дней, был взят и || вырублен. Отселе до резиденции даваньская армия спокойно продолжала путь. Китайских войск пришло туда еще не более 30000, как даваньцы выступили дать им сражение; но китайцы одержали верх, и даваньцы, укрыввшись в город, вступили на городские стены».¹² Бунга ўхшаган мисоллар Н.Я.Бичурин таржималарида кўп учрайди.

Шунинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, Н.Я.Бичурин таржимасида Юан-чэнг (宛城 – Паркона шахри) сўзи «резиденция даваньская» деб ўтирилганлиги сабабли бу сўз шаҳар номи эканлиги билинмай қолган.

Н.В.Кюнер ҳам «Шижи»даги Фарғонага оид бобни рус тилига ўтирган ва янги шарҳлар билан бойитган. Аммо бу олим ҳам Дайюан

(Давань – Буюк Паркона), Юан (Вань – Паркона) ва Юан-чэнг (Паркона шахри) каби топонимларнинг иероглифларини уларнинг замонавий ўқилиши билан транскрипция қилган ва улар ўртасидаги фарқни била олмаган. Аслиятда кўп марта учрайдиган «Юан» топонимини таржима қилишда унинг олдига да (буюк, катта) сўзини қўшиб «[Да]вань», «[Да]ванды» деб ишлатган. Баъзан «Юан» топоними тушириб колдирилган.

Бунга исбот тариқасида талайгина мисоллар келтириш мумкин. Масалан, юқорида айтилган «Юан-чэнгга (Паркона шахрига) 30 минг нафар Хан лашкарлари етиб келган» (至宛城漢兵到者三萬人) деган хабарни Н.В.Кюнер: «Китайских войск, достигших города, было 30000 человек»¹³, – деб таржима қилган. Бу мисолда «Юан» (Паркона) топоними тушиб қолган. Натижада тажовузчилар қайси шаҳарга етиб келганлиги номаълумлигича қолган. Бу таржимадан фойдаланганлар учун эса душманнинг етиб келган жойини тахмин қилишдан бошқа илож йўқ. Агар олимнинг таржимасида «город» сўзидан кейин «Юан» топоними қўшилганида, Хан қўшинларининг етиб келган жойи айнан Паркона шахри эканлиги кўринар ва аслиятдаги маъно аниқ берилган бўлар эди.

Яна бир мисол. Аслиятдаги «Хукмдор шахри Юанда қудук йўқ» («宛王城無井») деган маълумот Н.В.Кюнер асарида: «В столице [Да]вань не было колодцев», – деб таржима қилинган.¹⁴ Бу таржимада ҳам аслиятнинг маъноси аниқ берилмаган. Унда хукмдор шахри «Юан» (Паркона) деб номланганлиги кўринмай қолган. «Юан» топонимига ўзидан «да» (буюк) сўзини қўшиб уни «Давань»га айлантирган.

Бир қарашда Н.Я.Бичурин ва Н.В.Кюнер таржималаридаги ушбу хатолар кичик камчиликларга ўхшайди. Аммо унинг илмий тадқиқот ишларига кўрсатган салбий таъсири ниҳоятда катта. Олимларнинг таржимасидан фойдаланганлар, албатта, қадимий Фарғона давлатининг пойтхати «Юан» («Ван»), яъни Паркона бўлганлигини англай олмаганлар.

¹⁴ Кўрсатилган манба. – Б.125.



Аслиятдан келтирилган мисолларнинг уйгурча таржималарини ҳам ўрганиб чиқдик. Уларда Юан-чэнг топоними «Парфона шахри» деб ишлатилган.¹⁵

Афсуски, хитой манбаларидан Юан-чэнг, яъни Паркона шахрининг ўрни ҳозирги қайси шаҳарга тўғри келишини билиб олиш қийин. Аммо «Шижи»да «[Хан лашқарлари] шахарни қамалга олиб, 40 кун давомида унга ҳужум қилиб ташқи шаҳарни (вайчэнг 外城) бузиб ташлади»¹⁶ деган маълумот бор. Демак, бу жойда уруш бўлганлигидан дарак берувчи буюмлар, Хан империяси қўшинларининг қуроллари топилиши керак. Шунга асосланиб археологлар ушбу шаҳар ўрнини аниқлаши мумкин.

Кейинги пайтда кўп янгиликлар муаллифи бўлган археолог олим Абдулҳамид Анорбоев Ахсикентда топилган шаҳар қолдиқларига асосланиб қадимги Фаргона давлатининг пойтахти айнан шу жойда бўлган деган фикрни ўртага ташламоқда.¹⁷

Олимнинг таъкидлашича, Ахсикент ми-лоддан аввалги III аср охири – II аср бошларида ташкил топган ва 40 гектарга яқин майдонда жойлашган шаҳардир.¹⁸ Ахсикент харобаси қадимий Фаргона давлатининг пойтахти Паркона шахри (Юан-чэнг / Ван-чэнг宛城) бўлиши мумкин. Бу жойда хитойларга тегишли қурол-яроқ қолдиқлари топилса, мазкур хulosha яна ҳам мустаҳкамланиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки Хан қўшинларининг қаттиқ ҳужумига дуч келган жойда жанглардан нишоналар – металдан ясалган ва хитойларга тегишли қуроласлаҳа қолдиқларининг колмаслиги мумкин эмас. Эҳтимол, бундай ашёвий далиллар археологларни кутаётгандир.

Хитой манбаларидаги Гуйшан топоними

551 – 554 йилларда битилган «Вэйшу» («Вэй [сулоласи] тарихи») ва 640 – 643 йил-

¹⁶ Сима Чян Шижи // Эршиси ши. 1-жилд. – Б.1145.

¹⁸ Анарбаев А.А. Еще раз о локализации столичных городов Ферганы (Давань-Дайюань) и некоторые спорные вопросы, связанные с ними // O'zbekiston arxeologiyasi / Археология Узбекистана. №12010. – С.66.

ларда битилган «Бэйши» («Шимолий [сулолалар] тарихи») каби асарларда: «Луона давлати қадимги Дайюан (Даван) давлатидир» (洛那国故大宛国也)¹⁹, – деб аниқ ёзилган. Шунингдек, «Паркона давлатининг (Дайюан-гуо) пойтахти Кивэйшиан шаҳридир» (замон. ўқ. Гуйшан-чэнг 贵山城), – деб кўрсатилган.²⁰ Кивэйшиан атамасини ифодалаган икки иероглиф айрим хитой шеваларида Кивейсан деб ҳам талаффуз килинади. Шундан келиб чиқиб уни Фаргона водийсидаги Кувасой ёки Косон топонимлари билан таққослаш мумкин эди. «Шиой диминг каолу» (Фарбий мамлакатлар топонимикасига оид тадқиқотлардан лавҳалар) номли асарда Гуйшан Косонга тўғри келиши айтилган.²¹ Бироқ ушбу шаҳарларда пойтахтга хос қадимий шаҳар қолдиқлари топилганича йўқ. Қолаверса, айрим хитой олимларининг тадқиқотларига кўра, 1040 – 1060 йиларда ёзилган «Танг [сулоласи]нинг янги тарихи»да («Шин Тангшу») учрайдиган «Кэсай» (Kesai 渴塞), 1368 – 1371 йиларда битилган «Юан [сулоласи] тарихи»даги («Юанши») «Кэсай» (Kesai 柯塞) топонимлари Кивэйшианнинг турлича ёзилишидир.²² Қадимий ёзма манбалар билан шуғулланган йирик хитой олими Чэн Чжунгмяннинг (岑仲勉) ёзишича, Кивэйшиан шахри Шижян (қадимги ўқилишда Сиейкиан / Sieikian 西鞬) деб ҳам номланган ва у Ахсикентга тўғри келади.²³ Бу фикрнинг тўғри эканлигини Шижяннинг қадимги ўқилиши Сиейкиан (Siei-kian) бўлганлиги тасдиқлайди. Чунки Сиейкиан Ахсикент топонимининг биринчи бўғини Ax тушириб қолдирилиб, сикент шаклида қисқартирилиб, хитой ёзуvigа мослаштирилган транскрипцияси эканлиги яққол кўриниб туради. Шунга кўра, Кивэйшиан (Кивейсан, Гуйшан) Ахсикентга тўғри келади.

Шижян (Сиейкиан) шахри Ахсикентга тўғри келиши «Шиой диминг каолу» («Фарбий мамлакатлар топонимикасига оид тадқиқотлар-

¹⁹ Ли Яншоу. Бэйши (Шимолий [сулолар] тарихи) // Эршиси ши. 11-жилд. – Б.13849(1293).

²⁰ Вэй Шоу. Вэйшу (Вэй [сулоласи] тарихи) // Эршиси ши. 8-жилд. – Б.9701(1319); Ли Яншоу. Бэйши // Эршиси ши. 11-жилд. – Б.13849(1293).

²¹ Шиой диминг каолу (Фарбий мамлакатлар топонимикасига оид тадқиқотлардан лавҳалар). – Пекин, 2008. – Б.334.

дан лавҳалар») номли йирик асарда ҳам таъкидланган. Унда Ахсиент топоними Akhwsi kath шаклида ёзилган.²⁴

Шижян шахри пойтахт бўлганлиги ҳақида 1044 – 1060 йилларда ёзилган «Шин Тангшу»да («Танг [сулоласи]нинг янги тарихи») аниқ маълумот мавжуд. Чунончи, ушбу манбада: «Нингюан (寧遠)²⁵, аслида, Баханна (拔汗那 – Паркона)²⁶ ёки Рохан (鐵汗 – Паркона), Вей [сулоласи] даврида Пуолуона (破洛那 – Паркона) деб номланган.²⁷ [Танг сулоласи-нинг] пойтахтидан²⁸ 8 минг ли (4608 км) нарида жойлашган. [Фарғона хукмдори] Норин дарёси (Чжэнчжу-хэ)²⁹ шимолида жойлашган Сиейкян (Sieikian / Шижян 西鞬) шахрида туради. [Фарғонада] 6 та йирик, 100 та кичик шаҳарчалар мавжуд»³⁰, – деб ёзилган.

Шу жойда таъкидлаб ўтиш жоизки, «Шин Тангшу»даги Фарғонага оид маълумотни Н.Я.Бичурин «Нингюань» деб таржима қилган ва бу айнан Фарғонанинг хитойча номи эканлигини айтмаган. Шу боис «Нингюань» деганда Фарғона ҳақида гап кетаётганлиги билинмай қолган.³¹ Таржимада «Баханна» деб ўқилган иероглифлар «Бо-ханна» кўринишида ифодаланган. Бу хато эмас, чунки «ба» иероглифи (拔) бо деб ҳам ўқилган.

Хитой манбаларидаги Эрши шахри қаерга тўғри келади?

Илгари нашр этилган мақолаларимизда айтиб ўтилганидек, айрим муаллифлар Хан империяси томонидан Фарғонага юборилган қўшинларнинг қўмондони Ли Гунглига «Эрши жиангжюн» (貳師将军 – Эрши қўмондони маъносини англатади) унвони берилганлиги ва унга Эршидаги отлардан олиб келиш вазифаси юкландигига асосланиб ушбу шаҳар қадимий Фарғона давлатининг пойтахти бўлган деган фикрга келганлар.³² Бу масала юзасидан

²⁷ Ушбу маълумот «Шин Тангшу»нинг Фарғонага оид қисмига бағишланган уйғурча таржимада көлтирилмайди [Оу Янгшю, Сунг Чи Янги Тангнома. – Урумчи, 2010. – Б.972].

²⁸ Чжэнчжу-хэ (真珠河) – хозирги Норин дарёси (Налин-хэ 那林河). У Naryн деб ҳам номланган [Шиший диминг каолу. – Б.1163]. Чжэнчжу-хэ иероглифларининг маъноси «ҳақиқий марварид» демакдир.

²⁹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений.. – Алматы, 1998. – С.332.

амалга оширган тадқиқотларимиз³³ натижасида ушбу фикр асоссиз эканлигига амин бўлдиқ. Чунончи, биринчидан, хитой манбаларидан Эрши қадимий Фарғона давлатининг пойтахти эканлигини кўрсатадиган биронта сўз учрамайди. Иккинчидан, «Ханшу»нинг Фарғонага юборилган хитой лашкарлари бошлиғи Ли Гуанглига бағишланган қисмида Эрши зотли отлар бокиладиган жой эканлиги ва бу ерга биринчи марта юборилган Хан армияси етиб бора олмаганлиги, иккинчи марта эса Хан қўшинлари қадимги Фарғона давлатининг пойтахтига юборилганлиги аниқ айтилган.

Бунинг далили сифатида қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин.

1. Юқоридаги таржимада айтилганидек, «Шижи»нинг «Фарғона тазкираси»да элчи Чжанг Чян билан бирга бориб қайтганлар Хан императорига «Юан (Фарғонанинг) зотли отлари» Эрши шахрида экан» (宛善馬在貳師城), лекин Хан элчиларини уларга якин йўлатмас экан деб айтганлиги ёзилган. Ушбу тазкиранинг иккинчи бир жойида император Фарғона мамлакатининг зотли отларига қизиқиб қолганлиги ва паҳлавон Чэ Лин бошчилигига элчилар гурухини юбориб, уларга олтин ва олтиндан ясалган отхайкалчаси эвазига Фарғона хонидан Эршидаги зотли отлардан беришни сўраш вазифаси топширилганлиги зикр этилган. Унинг учинчи бир жойида 104 или Ли Гуанглига Юанга (Фарғонага) юриш қилиш ва Эрши шахрига бориб, у ердаги зотли отлардан олиб келиш вазифаси юкландигиги (伐宛期至貳師城取善馬), шу муносабат билан Хан императори унга «Эрши қўмондони» (жянгжюн) унвонини берганлиги ёзилган.³⁴

2. Хан қўшинларининг Фарғонага қарши килган биринчи юриши юкорида айтиб ўтилган Юйчэнг-чэнг (Ўзган) шахрига хужум қилиш билан тугаган. Чунки Шарқий Туркистон

³³ Ходжаев А. О сведениях древнекитайских источников о государстве Фергана (Дайюань) // Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда (История Узбекистана в материальной культуре и письменных источниках). – Ташкент, 2005. – С.160 – 165; Ўша муаллиф. К этимологии топонима Дайюнь (Давань) в китайских источниках // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда (История Фергана в новых исследованиях). – Фергана, 2009. – С.135 – 140; Ўша муаллиф. Эрши қадимий Фарғонанинг пойтахти бўлганми? // O'zbekiston tarixi. 2010. №2. – В.63 – 74.



шахарларидан ўтиб бу жойга етиб келиш қиин бўлганлиги сабабли Ли Гуангли қўшинлари кўп талафот кўрган. У атига бир неча минг нафар чарчаган ва егулик етишмаслиги туфайли ҳолдан тойган лашкарлари билан Юйчэнг-чэнгга етиб келган. Шаҳарни тўла эгаллаб олиш қийин кечганлиги боис Эршига юриш қилишдан воз кечган.³⁵

3. Хан империяси Ли Гуанглини иккинчи марта Фарғонага қарши уруш қилишга юборганида унга 60 минг кишидан иборат қўшин, уларнинг сафари ва егулиги учун етарли дараҷада қорамол, қўй, от ва бошқа жониворлар ҳамда дон ғамлаган.³⁶ Бу гал уларга Эршига эмас, балки тўғри пойтахт бўлмиш Юан-чэнг (宛城) шахрига ҳужум қилиш топширилган. Хан хоқони ушбу шаҳарни босиб олиб, мамлакатдаги барча отларга эга бўлиш режасини амалга оширишни буюрган.³⁷

4. «Шижи»даги Фарғонага оид маълумотларда «Эрши» сўзи «Эрши қўмондони» («Эрши жянгжюн») маъносида ишлатилган мисоллар кўп учрайди. Буни факат асл матнда ишлатилган хитой ёзувларидан билиб олиш мумкин. «Фарғона тазкираси»нинг уйғурча таржимасида бу масаланинг ечими тўғри то-пилган.³⁸

5. Ушбу манбада Ли Гуангли бошлилигига «Юан-чэнгга (Паркона шахрига) 30 минг нафар Хан лашкарлари етиб келган» (至宛城漢兵到者三萬) деган аниқ қўрсатма бор. Мазкур юриш ҳақида қуидагилар баён этилган: «Хан қўшинлари ўқ-ёй отиб мудофаачилардан устун келдилар. Фарғоналиклар (юнликлар) шахар ичига кириб олдилар. Аслида, «Эрши қўмондони» қўшинининг бир қисмини «Юйчэнг-чэнг»га (郁城 – Ўзганга) юбормоқчи бўлган эди, бироқ у фарғоналиклар бирор-бир ҳийла ишлатиб колишидан қўркиб бу фикридан қайтди ва лашкарлари билан тўғри «Юан-чэнг»га (Паркона шахрига) қараб йўл олди. Ушбу шаҳарга етиб келгач шаҳарга кирадиган сувни бошидан тўсиб қўйди. Шундай бўлса-да, бу шаҳарнинг қалъаси мустаҳкам бўлганлиги туфайли уни 40 кундан ортиқ қамал қилди. Шу вақт давомида шаҳарга кўп марта

хужум қилиб, аранг қалъанинг сиртки деворини бузиб, унга кириш имкониятига эга бўлди.³⁹ Охирида ханликлар фарғоналиклар билан тинчлик битимини тузишга ва шу ердан орқага кайтишга мажбур бўлишди. Босқинчилар иккинчи юришда ҳам «Эрши»га боришмади». Бу воқеа таржимада аниқ келтирилади.

6. Эрши зотли отлар боқиладиган жой бўлган. Демак, шаҳар атрофидаги табиат шунга мос яйловлардан иборат эди. Ўз тадқиқотимизда уни Ўш билан таққосладик. Шунинг учун хитой манбаларида Эрши қадимий Фарғона давлатининг пойтахти эди, у ерда уруш бўлган деб айтишга ҳеч қандай асос йўқ.

Келтирилган маълумотлар асосида хулоса қилиб айтиш мумкинки, хитой манбаларида учрайдиган Юан-чэнг (宛城) топоними икки сўздан иборат бўлиб, унинг биринчиси – Юан Парконанинг хитойча таржимаси, иккинчиси – чэнг эса атрофи деворлар билан ўралган шаҳар демакдир. У «Буюк Паркона» маъносини англатувчи, қадимги хитой манбалари тили билан айтганда, Дайюан (Даван) давлатининг пойтахти бўлган. Уни Ахсикентга таққослаш мумкин. Бироқ бу хулосага асосланганимизда нега Хан қўшинларининг қаттиқ зарбасига учраган бу жойда ҳанузгача хитойларга тегишли ва металдан ясалган курол-аслаҳа қолдиқлари топилмаган деган савол жавобсиз қолмоқда.

Шу билан бирга, Андижон қадимий шаҳарлардан бири бўлишига қарамай, унинг номи юқорида тилга олинган манбаларда учрамайди. Бу ҳолат, балки, Хан қўшинларига тегишли ва металдан ясалган курол-аслаҳа қолдиқлари Андижон худудидан топилиб қолар деган тахминнинг пайдо бўлишига туртки бермоқда.

Хитой манбаларидаги Эрши шаҳри Ўшга тўғри келади, уни қадимги Фарғона давлатининг пойтахти бўлган деб ҳисоблаш тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Бу ерга Хан қўшинлари етиб бориб уруш қилмаганлиги фикримизни тасдиқлайди.



СОМОНИЙЛАРНИНГ ТАНГАЛАРИДАГИ РАМЗЛАР

Шамсиддин КАМОЛИДДИН,
тарих фанлари доктори, Тошкент давлат
шарқшунослик институти профессори

Айрим маълумотлар шундан далолат беради, сомонийларнинг Фарғонадаги аждодлари ислом динини қабул қилишдан олдин буддавий ёки монийлик динига эътиқод қилганлар. Сомонийлар буни доим ёдда сақлаб юрганлар ва тангалардаги рамзларда ифода этганлар. Хусусан, Нуҳ ибн Асад (274 – 279/887 – 893 йилларда ҳукм сурган) Фарғонада зарб эттирган мис тангаларнинг орқа томонида доира ичига жойлаштирилган квадрат, унинг ичида кичикроқ доира, унинг ичида эса 6 япроқли гул ёки 6 қиррали юлдуз шакли тасвирланган [www.zeno.ru: #48398].



Бир-бирининг ичига жойлаштирилган доира, квадрат, гул ёки юлдуз шаклари асосий буддавий рамзлардан бири ҳисобланган мандаланинг кўринишлариданdir.



Самарқанддаги ЎзР ФА Археология институтида 359 (969 – 970) иили Мансур ибн Нуҳ ва унинг ўғли Аҳмад ибн Мансур номидан уларнинг Фарғонадаги ноиби Қилич ал-Ҳожиб Аҳмад ибн Али томонидан зарб қилинган мис танга (фалс) сақланади [Культура и искусство II: 102].



Мазкур танганинг олд томонида анъанавий буддавий мандала сурати туширилган бўлиб, у буддизмнинг VIII – IX асрларда Хитой, Тибет, Марказий Осиё ва Шарқий Туркистонда кенг тарқалган Махаяна, Важраяна ва Тант-



ризм қаби шимолий мактаблари таълимотларида қабул қилинганд. Таркибида 8 япроқли гул расми туширилган бу мандала дунё тузилишининг рамзи ҳисобланган, шунингдек, Будданинг тимсоли бўлган.



Шарқий Туркистонда топилган қадими туркий кўлётмалардаги маълумотларга кўра, мандала сехрли ва тилсимли доира ёки шакл бўлган [Древнетюркский словарь: 336].


367 (977 – 978) йили Фарғонада Мансур ибн Нуҳ номидан зарб этилган мис танганинг олд томонида ҳам шунга ўхшаш мандала сурати туширилган. Лекин унда 8 япроқли гул ўрнига 6 қиррали юлдуз (гексаграмма) тасвирланган [www.zeno.ru: #42536]. 359 (969 – 970) йили Фарғонада зарб этилган айрим мис тангаларда мандала ичидаги 8 япроқли гул ўрнига арабча ёзувлар жойлаштирилган [www.zeno.ru: #25061, #42257, #43703, #44088].



349 (960 – 961) йили Фарғонада Мансур ибн Нуҳ номидан зарб этилган мис танганинг олд томонида айланасига икки қатор араб ёзуви, уларнинг ташқи, ички ва чекка томонларида ҳамда орасида эса узлуксиз ва нуқтали чизиклар жойлаштирилган. Танганинг ўрта қисмидаги квадрат ичига киритилган доирача, унинг атрофида эса 4 та кичик доирачалар тасвирланган [www.zeno.ru: #36115].



Бир-бирининг ичига жойлаштирилган турли элементлардан ташкил топган доира шакллар ҳам мандаланинг кўринишларидан бири ҳисобланади.



380 (990 – 991) йили Ўзганда Нуҳ ибн Мансур номидан зарб этилган мис танганинг олд томонида нуқтали чизиқлардан ташкил топган учбурчак шакл (триантгл), унинг 3 томонида араб ёзувлари тасвирланган. Учбурчакнинг ички қисмидаги бўшлиқда ҳам арабча ёзув бор [www.zeno.ru: #45853, #42488, #42489].

Шунга ўхшаш учбурчак шакллар қораҳонийлар зарб этган мис тангаларда, шунингдек, Мисрда мамлук ҳукмдорлари чиқарган мис тангаларда ҳам бор [www.e-bay.com].



Бу шакллар ҳам мандалани эслатади – учбурчак ичига жойлаштирилган 6 япроқли гул, унинг ичида эса кичикроқ учбурчак ичига жойлаштирилган 6 қиррали юлдуз мавжуд.


401 (1010 – 1011) йили Ахсикентда Наср ибн Али номидан зарб этилган мис тангада учбурчак шакл ўрнига 3 япроқли гул тасвирланган бўлиб, у ҳам мандаланинг бир кўришидири.



367 (977 – 978) йили Фарғонада Нуҳ ибн Мансур номидан зарб этилган мис танганинг олд томонида квадрат ичига жойлаширилган доира, унинг ичида эса 6 қиррали юлдуз (текстаграмма) ичига жойлаштирилган доира тасвирланган [www.zeno.ru: #42536].




Буддизмнинг Тантризм мактабида гексаграмма шакли мандаланинг асосий кўринишларидан бири бўлиб, Нара-Нарайана илоҳининг тимсоли ҳисобланади. Гексаграмма 2 та учбурчақдан ташкил топган бўлиб, уларнинг 6 та қирраси Шива ва Шакти илоҳларининг 6 та кўринишини билдиради.



378 (988 – 989) иили Ўзганда Нуҳ ибн Мансур номидан зарб этилган мис танганинг орқа томонида квадрат ичига жойлаштирилган ромб, унинг ўртасида эса одам (?) қиёфаси тасвириланган [www.zeno.ru: #36724].



Геометрик шаклдаги рамзлар (кўп қиррали шакллар, доира, квадрат ва уларнинг бир-бiri билан уйғуллашуви ва ҳ.к.) коинотнинг тузилишини вертикал ва горизонтал йўналишиларда, макон ва замонда ифода этган. Бу рамзларда коинот борган сари «кичрайиб», охир-оқибатда ер, мамлакат, шаҳар, маҳалла, қаср, ибодатхона ва, ниҳоят, мақбарани англатган [Топоров 1991: 272].



Геометрик шакл рамзи туширилган илк танга Нуҳ ибн Асад (274 – 279 (887 – 893) йилларда ҳукм сурган) томонидан зарб этилган. Лекин бундай рамзли тангаларнинг кўплаб зарб этилиши Мансур ибн Нуҳ (350 – 365 (961 – 976) йилларда ҳукм сурган) ва унинг ўғли Нуҳ ибн Мансур (365 – 387 (976 – 997) йилларда ҳукм сурган) даврига тўғри келади. Буддавий ва монийлик билан боғлиқ бундай рамзлар шу даврда сомонийларга қарашли бўлган Тохаристон вилоятida (Балх, Кобул, Фазна, Фарван) ҳам зарб этилган. Бу иккала вилоятда исломдан олдин йирик буддавий ва моний ибодатхоналари фаолият кўрсатган. Сомонийларнинг исломдан олдинги аждодлари ҳаёти ва фаолияти ҳам айнан шу икки вилоят билан боғлиқ эди. Бундай исломий рамзларнинг сомонийлар тангаларида пайдо бўлиши уларнинг бувайҳийлар билан қарама-қаршилигига боғлиқ бўлиши мумкин. Маълумки, шиа мазҳабидаги бувайҳийлар 334 (945) иили Бағдодни эгаллаб, сунний мазҳабидаги аббосий халифаларнинг ҳукмронлигини чеклаб қўйдилар. Улар ўзларини сосоний шаҳаншоҳларнинг меросхўрлари деб эълон қилиб, айрим файриисломий, зардуштий анъаналар ва маданий қадриятларни тиклай бошладилар. Сомонийлар халифаликнинг шарқий қисмида сунний мазҳабидаги энг йирик ҳукмдорлар бўлиб, аббосийлар уларга ёрдам сўраб мурожаат қилганлар. Бу файриисломий рамзларнинг сомоний ҳукмдорлар тангаларида пайдо бўлиши айнан шу қарама-қаршилик билан боғлиқ эди.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, сомонийларнинг аждодлари ислом динини қабул қилишдан олдин зардустийлик динига эмас, балки буддавий ва монийликка эътиқод қилганлар. Гарчи сомонийлар мусулмон бўлсалар-да, аждодларининг диний эътиқоди ҳақидаги маълумотларни хотирада сақлаб юрганлар ва уларнинг рамзларини тангаларда ифода этганлар.



НАУЧНЫЕ КОНФЕРЕНЦИИ ПО ИСТОРИИ ВОССТАНИИ ТУРКЕСТАНЦЕВ ПРОТИВ ЦАРИЗМА

(На материалах Ферганской долины)

Ташманбет КЕНЕНСАРИЕВ

Сто лет тому назад происходило крупное восстание народов Средней Азии против самодержавии царской России. Это историческое событие столетней давности играло огромное историческое значение для народов не только Центральной Азии, но и целого региона, включая и Кавказ, России от Урала к юго-востоку. Начавшись в начале июля 1916 г. волна восстания прокатилась по всей Средней Азии: современных территорий Узбекистана, Казахстана, Кыргызстана, Туркменистана и Таджикистана.

Только с апреля 2016 г. было проведено несколько международных научно-практических конференций, посвященных этой важной исторической дате. Ниже даем краткий обзор тем конференциям, в которых ученые высказывались о причинах, начале, ходе и характере восстания 1916 г., в особенности его Ферганского очага.

Восстание 1916 г. народов Средней Азии против самодержавия началось 4 июля 1916 г. в Ходженте (Таджикистан), которое продолжалось в течении июля по всей части Ферганской долины.

Международная научно-практическая конференция, которое проходило 16 – 17 апреля 2016 г. в Баткентском государственном университете называлась «**Ферганский очаг**

национально-освободительного восстания 1916 г.: Исследования и новые подходы, посвященной 100-летию национально-освободительного движения народов Центральной Азии, начатое 4 июля 1916 г. в Ходженте». Конференция имела широкую программу на 16 – 17 апреля 2016 г. с посещением города Ходжент. В ней принимали участия ученые более 30 человек из России, Турции, Таджикистана и Кыргызстана. Среди них были доктор исторических наук, профессор В.Бутанаев из Хакасии (г. Абакан, Россия), доктор исторических наук, профессор С.Г.Скobelев (г. Новосибирск, Россия), доктор исторических наук, профессор О.К.Каратеев (г. Кастамона, Турция), доктор исторических наук, профессор Х.Х.Халжураев, директор музея Бабаджана Гафурова (г. Ходжент, Таджикистан), доктор исторических наук, профессор Н.Т.Рахимов (Ходжентский государственный университет, г. Ходжент), кандидат исторических наук, доцент А.Одинаев (г. Ходжент, Таджикистан), ученые из Бишкека, Оша, Жалал-Абада, Таласа, Нарына и др.

Обсуждались широкий спектр вопросов, ход которого координировал Председатель фонда «Мурас» при Президенте Кыргызской Республики, Президент Международного объединения «Кыргыз Тарых Коому», доктор ис-



торических наук, профессор Т.К.Чоротегин. Он подчеркнул, что восстание 1916 г. народов Центральной Азии против колониальной политики царизма является яркой страницей Туркестана в борьбе за свободу, независимость и прогресс, в ходе которого кристаллизировались чувства патриотизма, братство и единение народов: кыргызов, узбеков, казахов, туркмен, таджиков и других против колониальной политики саможерхавия «разделяй и властвуй». Уроки этого движения должны служить светлому будущему, единению и интеграции всей Центральной Азии.

Среди проблем конференции, которые вызывали научные интересы участников были такие вопросы, как: восстание 1916 г. как важный компонент борьбы народов национальных окраин против колониальной политики России (В.Я.Бутанаев, С.Г.Скобелев), восстание 1916 г. и проблемы так называемого «пантуркизма» (О.Каратаев), Ходжент накануне восстания 1916 г. и ходжентские события как важная политическая школа (Н.Т.Рахимов и А.Одинаев), политика «русификации» как важная предпосылка восстания 1916 г. (д.и.н., проф. Т.Кененсариев), вопросы изучения проблем об основных очагах восстания 1916 г. в советско-киргызской и постсоветской историографии и основные этапы дискуссий о восстании кыргызов 1916 г. (д.и.н., профессора Ж.Жакыпбеков и Б.К.Абытов), новые архивные данные о восстании 1916 г. (проф. К.Молдокасымов), проблемы изучения Ферганского очага восстания 1916 г. и его особенности (проф. Э.А.Авазов), Колониализм и восстание (доцент Г.Анарабаева), «Большая игра» в Центральной Азии и восстание 1916 г. (доцент Ж.Омбурова) и т.д. Многие докладчики обратились на проблемы хода Ферганского очага восстания, в том числе Лейлекского, Баткенского региона, а также отражение события в народном фольклоре, этнопедагогике.

После каждого доклада развернулась живая дискуссия, где вырабатывались новые подходы к постановке вопроса, имеющей научные значения. Международная научно-практическая конференция на базе БатГУ

достигла цели и показало насколько глубокие и широкие уроки событий столетней давности на будущее поколение.

Не менее интересной была международная научно-практическая конференция в городе Ош, на базе Ошского государственного университета, которая проходила 18 – 19 апреля 2016 г. под названием: «Историческая борьба народов Центральной Азии на пути к восстановлению независимых государств».

Состав участников этой конференции в основном оставался прежним, однако, вместо Таджикской делегации приняли участие другие ученые городов и вузов Юга Кыргызстана. В отличие от конференции в БатГУ, где тематика была направлена конкретно Ферганскому очагу восстания 1916 г., в Оше постановка вопроса была значительно шире. Поскольку многие восставшие, в особенности кочевое население Севера Кыргызстана, а также казахи Среднего и Старшего Жуз, в ходе восстания провозглашали так называемых своих «ханов» в качестве главарей восстания и эта особенность отражало идею «возобновления прежних независимых государственных образований», ошская конференция обратила свое внимание к общей проблеме борьбы народов Центральной Азии на пути к независимости и считало восстание 1916 года одна из стержней на этом пути.

Широкие дискуссии вызывали доклады профессора Т.Кененсариева об основных причинах восстания 1916 г. Ученый исходил из того, что вопрос о причинах восстания 1916 г. в Туркестане, в том числе Кыргызстане является важной проблемой. Ее актуальность повышается и тем, что в настоящее время вызывает дискуссию среди исследователей, в особенности между российскими и кыргызскими учеными. Анализ имеющейся литературы и источников позволяет найти более тридцати разных причин восстания 1916 г., которые по своим содержанием характеризуются как основные, так и второстепенные. Эти причины можно делить на четыре группы: политические, социально-экономические, идеологические и внешние.



Однако, часть российских ученых, в том числе и даже официальные лица в последнее время придает большое значение внешнему фактору, как один из важных, основных причин восстания 1916 г. К внешнему фактору они относят: некую роль турецкой и германской пропаганды, деятельность агентуры указанных государств в особенности в Семиречье; действия китайских анархистов партии «Геляо» и т.д. Т.Кененсарiev на основе архивных документов доказывает несостоительность попыток некоторой части российских ученых, которые намереваются показать, что «внешний фактор» в восстании 1916 г. сыграл «весьма важную роль» в подготовке восстания.

Доклады профессора ОшГУ Т.Д.Кадырова об оценке восстания 1916 г., профессора С.Смадиярова об особенностях выступлений сельского населения уездов Ферганской области Туркестанского генерал-губернаторства, в которых проживали кыргызы и кипчаки, д.и.н., профессора Б.Абытова о потер кыргызского населения в ходе движения, профессора Ж.А.Дуйшеева о вкладе в изучения восстания 1916 г. профессор К.Усенбаева и другие темы вызывали живую дискуссию.

По концу конференции был проведен круглый стол, где затрагивались самые разные моменты восстания 1916 г. Особенno интересны были вопросы, в которых обсуждались проблемы значение религии в восстания, в особенности то что, 19 июня по 19 июля 1916 г. был период Рамазана, многонациональный состав участников Ферганского очага восстания, попытки некоторых участников восстания установить связь с северными побратьями, случаи попыток бегства некоторых кыргызских родов Алая в Синцзянь, почему Ферганский очаг восстания 1916 г. не принял широкий размах, как на севере Кыргызстана, хотя бы как Джизакские события июля 1916 г. и т.д. Ученые констатировали необходимость широчайшим образом скрупулезно изучать все нюансы Ферганского очага восстания 1916 г. с привлечением новых документов, в особенности местного происхождения.

Серия научно-практических конференций на Юге Кыргызстана продолжалась в мае 2016 г. В частности 23 мая 2016 г. был проведен круглый стол по проблемам восстания 1916 г. на базе Университета Экономики и бизнеса г. Жалал-Абада. Участвовали в круглом столе ученые из Бишкека, городов Ош и Жалал-Абад, а также самая главная делегация в составе 15 чел. из Кызыл-Суйского автономного района СУАР (КНР), которые приехали на автомашинах через Иркештам на конференцию в Жалал-Абадский государственный университет, посвященной наследию крупного китайского манасчи Жусупа Мамая, которая проходила 20 мая 2016 г. Китайская делегация живо интересовалась проблемам восстания 1916 г., в особенности о судьбах народов Ферганской долины, оказавших в Китае после подавления восстания.

Живой интерес вызывали сообщения китайских ученых Анвар Ашым уулу, Амантура Абдурасула, Зайира Жумаш уулу, которые рассказывали о событиях, участниках восстания 1916 г., оказавших в Текесе, Аксу и других частях СУАР после бегства во время «Великого Исхода» зимой 1916 – 1917 гг. Факты о том, что некоторые кыргызы из тех событий, до сих пор проживают в СУАР подталкивают историков еще более глубже изучить судьбы повстанцев столетней давности.

На основе материалов конференций в БатГУ, ОшГУ, ЖАГУ и УЭП был опубликован сборник по названию «100 лет национально-освободительному восстанию, которое прогремело на всю Центральную Азию» (Отв. ред. Т.К.Чоротегин. – Бишкек: MaxPrint, 2016. – 340 с.) с иллюстрацией. В двух разделах собраны более 70 докладов и сообщений, освещавших разные аспекты восстания 1916 г.

Мы выше дали краткий обзор только часть проделанных научных работ, материалы которых касались в основном Ферганского очага Великого восстания 1916 г. Публикация будет продолжена...



1916 ЙИЛГИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҚЎЗГОЛОНИ ТАРИХИДАН

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,

Андижон давлат университети профессори,
тариҳ фанлари доктори

Аҳрорбек ОТАХОНОВ,

Андижон давлат университети
тариҳ факультети 4-босқич талабаси

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов «**Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир**» номли асарининг «**Тарих – бамисоли қўзгу**» бўлимида шундай ёзади: «*Тарихимиздаги оғриқли даврлардан ҳам хулоса чиқариб яшашимиз керак. Эртага бизнинг ўрнимизга келадиган ёшлар ана шу тарих ҳақиқати билан қуролниши лозим. Чунки ҳеч бир соҳада ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодгина буюк давлат барпо этиши мумкин. Нега дегандা буюк давлат қуриш учун маърифатли, тарихни, ҳаётни чуқур биладиган, ундан сабоқ чиқара оладиган одамлар керак.*».¹

Ҳа, бу ҳақиқатни барча-барчамиз тан олишимиз лозим. Бугунги кунда нафақат ёшлиаримиз, ҳаттоқи ёши улгайган ватандошларимизнинг аксарияти тарихимизнинг оғриқли даврлари, фожиалари, халқимиз бошига тушган мусибатлар, аждодларимизнинг турли босқинчиларга, мустамлакачи ҳукмдорлар зулмига қарши олиб борган матонатли кураши, ана шу тарихий жараёнларда мислсиз қаҳрамонлик намойиш этган, юртимизнинг шу бугунги баҳтли ва фаровон ҳаётини қўл-

га киритиш учун жон олиб, жон берган, ўз ортидан оммани эргаштира олган буюк сиймоларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида тўлақонли тасаввурга эга эмаслигидан хижолат тортамиз. Айниқса, подшо Россияси даврида халқимиз бошидан ўтган фожиали воқеаларни етарли даражада очиб беролганимиз йўқ. Шундай тарихий воқеалардан бири 1916 йилдаги мустамлака Туркестонда Россия самодержавиесига қарши кўтарилиган халқ қўзголонидир. У ниҳоятда катта тарихий аҳамиятга эга бўлиб, мазкур заминда биринчи бор халқ оммаси томонидан ярим асрлик Россия мустамлакачилигига қарши кўтарилиган кенг кўламдаги халқ ҳаракати эди. У кутилмаганда, бирон-бир тайёргарликсиз бутун Туркестон сарҳадида кўтарилиган, ўлкадаги барча аҳолини ўз гирдобига тортган, турли этнос ва халқларни умумий душманга қарши курашга бирлаштирган. Қўзголоннинг асосий сабаби ҳақида турфа фикр ва қарашлар мавжуд. Айтиш мумкинки, унинг муайян иқтисодий ва сиёсий сабаблари бўлган. 1916 йилги фожианинг бевосита иштирокчиси Г.И.Бройдо маҳаллий аҳоли билан тўқнашишнинг ташаббускори подшолик маъмуриятидир, у сунъий йўллар билан ҳар хил иғволарни ишга солиб маҳаллий халқнинг кўтарилишига олиб келди деган фикрни илгари суради. Нима бўлганда

¹ Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б.117.



ҳам, деярли ярим асрлик чоризм мустамлақачилиги даври тарихида маҳаллий аҳоли биринчи бор «оқ подшо»нинг буйруқларига қарши чиқди. Қўзғолон, энг аввало, подшолик маъмуриятига қарши қаратилган эди. Аммо ундан оз сонли маҳаллий аҳоли маъмурияти ҳам жабр кўрди.

1916 йили маҳаллий аҳолининг қўзғолон кўтаришига асосий сабаблардан бири император Николай II нинг 1916 йил 25 июндаги «Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолини ҳаракатдаги армия жойлашган районларда мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш ишларига жалб қилиш» ҳақидаги фармони бўлди. Унга кўра, Туркистон ўлкасидаги рус бўлмаган 19 ёшдан 49 ёшгacha жами 250 минг эркакни фронт ва фронт ортидаги ишларга сафарбар қилиш кўзда тутилган. Бу буйруқдан сўнг Туркистон ўлкаси ҳарбий ҳолатда деб эълон қилинди. Буйруққа жавобан айрим жойларда тартибсизликлар юзага кела бошлади. Мардикорликка олишнинг мақсадини тушунтириш ўрнига рус маъмурияти маҳаллий аҳолини кўрқитишга қаратилган буйруқлар чиқарди, уларда чор Россияси армиясининг куч-кудрати мадҳ этилди. Шу ўринда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Александр Иванович Гиппиус буйруғи аҳамиятли. Буйруқнинг бутун даҳшатини тасаввур қилиш учун ундан мана бу парчани келтирамиз: «Объявляю туземному населению, что в Ферганскую область уже прибыли войска с артилерией. Распоряжение этими войсками поручено единолично и самостоятельно мне, военному губернатору. Присланных войск с избытком достаточно не только для того, чтобы усмирить всякую бесчинствующую толпу, но и для того, чтобы разрушить и сравнять с землей всякие поселения, а в городе всякий квартал и даже целый туземный город, где впредь, начиная с сегодняшнего дня, возникнут такие же беспорядки, какие до сего времени происходили почти во всех городах и во многих местах Ферганской области» (Маҳаллий аҳолига шуни маълум қиласманки, Фарғона вилоятига ҳозирнинг ўзида қўшин артиллерия

билан келди. Бу қўшинга фармойиш бериш шахсан менга, ҳарбий губернаторга топширилган. Юборилган қўшин шу даражада қўпки, у жамоат тартибини бузაётган ҳар қандай оломонни тинчлантириб қўйишигина эмас, шу бугундан бошлаб Фарғона вилоятининг қўплаб шаҳар ва манзилгоҳларида ҳозиргача кузатилган тартибсизликлар юз берган тақдирда ҳар қандай манзилгоҳ, қишлоқни, шаҳарда эса ҳар қандай маҳалла, ҳатто бутун бир маҳаллий шаҳарни вайрон қилиш ва ер билан яксон айлаш қудратига эга).

А.И.Гиппиус мурожаатининг сўнгидаги фақат тартибсизликларни келтириб чиқараётган шахсларни эмас, балки бутун бир қишлоқ ёки жамиятга даҳлдор шахсларнинг ҳам ҳарбий дала суди орқали қаттиқ жазога тортилиши, агарда аҳоли томонидан тартибсизликларни бошлаган кишиларни ушлашга ёрдам берилмаса, «масжид ва мадрасалар ер билан яксон қилиниши» айтилган. Аммо бу қўрқитувчи буйруқ кор қилмади. Аксинча, 1916 йил 25 июндаги мардикорлар олиш тўғрисидаги фармонга қарши Фарғонада подшолик Россиясига қарши кучли халқ қўзғолони юзага келди, тобора кучайиб ва кенгайиб борди. Бундан ваҳимага тушган ҳарбий губернатор Александр Гиппиус ўзининг аввалиги тактикасини ўзгартириб «халқ ишончини қозониш» ва «подшо амрини тинч йўл билан бажариш» учун ҳаракат қилиш пайига тушган. А.И.Гиппиус 15 июля «Фарғона вилояти хабарлари»да аҳолига ўзининг мурожаатини намойишкорона тарзда араб имлосида, ўзбек тилида берди. Унда губернатор мардикорлар давлат томонидан тўла-тўқис таъминланиши, одамлар ўзлари ўрнига бошқа кишини ёллаб юборишлари ҳам мумкинлигини айтилган. У Тошкентта қуидагича илтимоснома юборган: 1) темир йўлни қўриқлаш учун 1000 та аскар ва рус посёлкаларини ҳар эҳтимолга қарши ҳимоя қилиш учун 1 дружина юбориш; 2) уезд приставлари ихтиёрига 600 казак жўнатиш; 3) вилоятни ҳарбий ҳолатда деб эълон қилиш; 4) ҳарбий губернаторга бош қўмондон ҳуқуқини бериш. А.Гиппиус водийда кўтарилган қўзғолонга қисман ўзи



ҳам сабабчи бўлганидан пушаймон еб, ғалаёнлар диний ва сиёсий заминга кўчиши хавфи борлигини юқорига маълум қиласди. 17 июлда рўза тугаб, 18 июлда ҳайит з кун давом этилишини эслатиб, бу кунлари «тўполон чиқиши учун жуда қулай» эканлигини уқтириб, подшо фармонини айнан Фарғонада қўллаш имконсизлигини ёзишга мажбур бўлади. У маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқиб подшо фармонига ўз билганича тузатиш ва чекинишлар киритажаги, бундан мақсад йирик тартибсизликларга йўл қўймаслик экани ҳақидаги телеграмманинг бир нусхасини Тошкентга, иккинчи нусхасини эса Петербургга, бош штабга юборади. Бу генерал ён босишилар, қисман чекинишлар, ҳатто Қуръони каримни ишга солиш билан қўзголон чиқармасликка уринган. 23 июлда ҳарбий губернатор Намангандаги жоме масжидида йиғилиш ўтказади. Унинг буйруғига мувофиқ Наманганинг обрўли кишиларидан 700 – 800 киши фахрли шахслар билан биргаликда масжидда тўпланишади. Бундай йиғилишлар Фарғонанинг бошқа шаҳарларида ҳам ўтказилади. Йиғилишларда Гиппиус бошига салла ўраб, елкасига тўн ташлаб Қуръондан суралар ўқиёди. Лекин ҳар қандай уринишлар натижка бермаслигига кўзи етгач охирги чорани қўллайди. Вақтдан ютиш мақсадида 27 июлда подшо фармони ижросини тўхтатиб туриш ҳақида кўрсатма беради. Бундай дадил ва қалтис ишни асослаб зўравонлик ишлатилса, «исёнга доим мойил» ва «ҳамиша ғазовот руҳи уфуриб турадиган» Фарғонада аҳоли қисман тогларга чиқиб кетишига, қисман қароқчилар тўдасига қўшилишига, асосан диний ва сиёсий шиор остида очиқчасига кўтарилишига сабаб бўлиши мумкинлини уқтиради. Гиппиус олий қўмондонликка Туркистон рус давлати учун қудрат манбаи бўлиб қолиши учун шундай қилингани маъқуллигини айтади. Аммо марказ унинг далилларини қабул қilmай, ҳатто фармонни бузишда ва мусулмонларга ён босища айблаб вазифасидан бўштади. Ўрнига ўтакетган шовинист, калтафаҳм полковник П.Иванов тайинланади. У зудлик билан фармонни

бажариш ҳамда очиқдан-очиқ ҳарбий жазолар қўллашга киришади.²

Биринчи бўлиб Хўжандда 1916 йил 4 июлда подшо фармонига қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди. Ҳукумат унга қарши куч ишлатди, маҳаллий аҳоли оломонини ўққа тутди, ўша куни кечкурун 200 аскар казаклар бўлинмаси юборилди. Аҳолининг кўчага чиқиши тақиқлаб қўйилди. Аскар ва зобитлар ҳарбий ҳолат ҳақидаги фармонни бузганларни жазоладилар. Аммо Хўжанд аҳолиси мардикор беришдан қатъян бош тортди. Хўжандда юз берган бу воқеа Туркистонда қўзғолон бошлинишига асос бўлган эди.

Самарқанд вилоятида қўзғолон 5 июлдан бошланди. Ургут шаҳрида тўплланган оломон пристав (маҳаллий полиция бошлиғи) канцелярияси атрофида тўпланиб, мардикорликка олинганлар рўйхатини йўқ қилди. 8 июлдан қўзғолон бутун Туркистонга кенг ёйилди.

9 июлда ғазабга келган Андижон шаҳри халқи норозилиги қўзғолонга айланди. Эски шаҳардаги жоме масжиди майдонида бошланган ғалаён иштирокчилари «Скобелев» кўчаси (ҳозирги «Навоий» шоҳкўчаси) бўйлаб йўлга чиқади. Оломон Гултепа майдонида (ҳозирги вилоят ҳокимлиги жойлашган манзил) уезд бошлиғи Ю.А.Бржезицкий билан учрашади. Полковник Ю.А.Бржезицкий Андижоннинг жоме масжидида қўзғолончиларга подшоҳ фармонининг маъно ва мақсадини тушунтиришга уринади. Бу ҳақда у юқорига юборган ахборотида шундай ёзган: «*Бугун жоме масжидида императорнинг олий фармонини аҳолига эълон қилдим ва тушунтирдим. Аммо мадрасанинг ёш ўқувчилари: «Мардикорликка бормаймиз», – деб бақиришди. Улар бу ҳаракатлари билан оломонни қўзгатиб юбордилар, менинг тинчланинглар деган сўровим таъсир этмай, оломон бақиришни давом эттириди. Аввал мен уларга тарқалишини буюриб, кейин ўзим гарнizon бошлиги ҳузурига бориб, ундан қўзғолонни бостириш учун ҳарбийларни юбориши-*

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида / Тузувчилар Х.Содиков, Р.Шамсутдинов, П.Равшанов, Қ.Усмонов. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.417 – 418.



ни сўрадим. Тахминан 500 кишилик оломон «Скобелев» шоҳқўчаси бўйлаб юрди. Мен эса уларни Гултепа майдонида учратдим. Халқ уруши харажатларини тўлашга рози эканлиги, лекин мардикорликка боришга қаршилигини айтди. Мендан одамларни фронтга олмасликни талаб қилдилар. Акс ҳолда, ҳозир барча элликбоши ва мансабдорларни ўлдиришларини айтдилар».³³

Жоме масжидидаги оломон, айниқса, мадраса талабалари қаршилик билдириб, мардикорликка бормасликларини изҳор этишади. «Обрўли» шахслар халқни тинчлантироқчи бўлишади, лекин уларга сўз бермайдилар. Оломон уезд бошлиғидан мардикорликка олмаслик ҳақида тилҳат беришини талаб қиласди, акс ҳолда, қирғин, қирпичноқ бўлади деб кўрқита бошлайди. Уезд бошлиғи Ю.Бржезицкий «Скобелев» кўчаси орқали янги шаҳарга отда чопиб бориб ҳарбий кучларни ёрдамга чақиради. Оломон тўлқини борган сари кучая бошлайди. Натижада Эски шаҳарда Янги шаҳардан келган полициячилар билан йирик жанг юз беради, унда 14 киши оғир яраланади, улардан Сайдазим Мақсадов, Саидиброҳим Тўраев, Абдуқодир Ҳамроқулов ҳалок бўлади. Оғир ярангандардан 8 киши: Абдуллажон Холматов, Мулла Максадқори уста Эшонбоев, Носир Абдураҳмонов, Мамасодик Рўзибоев, Мулла Хорун мирза Азизхўжаев, Абдужалил Нодиров, Ҳожимат Ҳасанбоев, Усмонжон Мамараҳимов шаҳар қасалхонасига ётқизилади. Кўзғолон иштирокчиларидан Абдусаттор Ҳакимжонов, Маматали Абдукаримов, Мамажон мулла Отаконов, Жўрақори Зулунбоев, Тожибой Мамажонов, Адҳам Янгелдин (татар), Ашурали Исмоилбоев, Акбар Умарбоев, Мулла Абдулҳақ Алиев, Абдужаббор қори Рўзибоев, Юсупжон Тошпўлатов, Остонқул Юсуфбоев, Соли Аминов, Юсупохун ҳожи, Мухаммад Шарифхўжаев Андижон қасалхонасига ётқизилади.⁴

10 июлда Олтинкўл бўлимига қарашли Даъварзин қишлоғида кўзғолончилар бўлим

³³ Исмоилова Ж. Фаргона водийсида миллий озодлик курашлари. – Тошкент, 2003. – Б.36.

⁴ История Андижана в документах и материалах (1876 – 1917 гг.). Том первый. – Ташкент: Шарқ, 2012. – С.450 – 451.

бошлиғи Мулла Ҳакимбек Мулла Рўзибеков ва унинг ҳамроҳларидан Темирбой Пайғамбарқулов, Каримжон Абдуваҳоб Хўжаевни ўлдирадилар. Уезд бошлиғи Бржезицкий Фаргона ҳарбий губернаторига рапорт йўллаб, Даъварзин қишлоғидаги бутун аҳолини ўлкадан ташқарига кўчириб юборишни, уларга тегишли ернинг бир қисмини (483 десятина) мусодара этиб ўлдирилганлар оиласига чек қилиб беришни, қишлоқнинг қолган қисмига кўчиб келган русларни жойлаштиришни сўрайди.⁵

Избоскан тумани аҳолиси мардикорликка олишда Тошкент янги шаҳари ташаббус кўрсатиб, намуна бўлган тақдирдагина биз мардикор берамиз деган талаб қўйган.

Балиқчи тумани аҳолиси, хусусан, Хўжаобод, Кўштепа қишлоқларида катта оломон элликбошилардан оиласалар бўйича олинган рўйхатни беришни талаб этган, улар йўқ қилиб юборилган. Элликбошилар зўрға қочиб қутулганлар.

Барча тартибсизликлар юз берган қишлоқлардаги аҳоли кўп ҳолларда оила-оила бўлиб мулк-мулкини олиб бошқа қишлоқларга кўчиб кетган.

Андижон уезди бўйича муҳофаза бўлими материалларида номи келтирилган Ротмистр Фридманнинг разведка хабарида Андижон шаҳрига яқин Ёрбоши қишлоғида «маҳаллий мулла ва кекса оқсоқол сарт» русларни уркалтак-суркалтак қилиш тўғрисида тарғибот олиб бораётгани қайд этилган.

Андижон уезди бошлиғи Бржезицкий Фаргона ҳарбий губернаторига йўллаган хатларидан бирида ўлкага «жуда кўп фойда келтирган» подшолик Россиясига қарши «унинг қадр-қимматига етмайдиган», «кўрнамак», «нонкўр» маҳаллий аҳоли қўзғолон кўтарди деб барча эшонларни ўлкадан кўчириб юборишни, маҳаллий судлар, мадрасалар ва мактабларни ёпиб қўйишни, ҳамма жойда ҳарбий дала судлари ташкил қилишни, тартибсизликларни келтириб чиқараётган ёки марди-

⁵ Рысколов Т. Восстание туземцев Туркестана в 1916 году. Очерки революционного движения в Средней Азии. Сборник статей. – М., 1926. – С.8 – 9.



№ 1 Андижанъ, пятница 1-го июля 1916 года. № 24388

ОТКРЫТА ПОДПИСКА

НА БОЛЬШУЮ КРАЕВУЮ ГАЗЕТУ

„Туркестанский Голосъ“

выходящую въ г. Андижанъ, Ферганской обл., ежедневно, кроме дней послѣпраздничныхъ.

„Туркестанский Голосъ“ ставить своей цѣлью служеніе культурнымъ и экономическимъ интересамъ Туркестанскаго края въ содѣствіе развитию широкой самодѣятельности мѣстного населения.

Въ цѣляхъ быстрого и всесторонняго освѣдомленія своихъ читателей о событіяхъ внутренней и вѣнчанной жизни и о ходѣ военныхъ дѣйствій, „Туркестанскій Голосъ“, помимо телеграммъ Петроградскаго Телеграфнаго Агентства, будетъ ~~иначе~~ печатать телеграммы собственныхъ ~~корреспондентовъ~~ изъ Москвы и Петрограда.

Жизнь Туркестанскаго края будетъ освѣщаться на столбцахъ „Туркестанскаго Голоса“ ~~корреспондентами~~ изъ всѣхъ крупныхъ пунктовъ края, телеграммы ~~собственныхъ корреспондентовъ~~ изъ Ташкента и другихъ городовъ Туркестана и ~~телефонограммы~~ изъ городовъ Ферганской области.

Широко будетъ поставленъ ~~тузилъ~~ (сартовскій) ~~ткань~~, а также отдѣльно ~~экономическої жизни~~ (хлопковая и фондовая биржа, сельское хозяйство, торговля и промышленность).

Подписка на газету принимается:

Въ Андижанѣ—въ конторѣ газеты (Николаевскій проспектъ, д. Айрапетова, рядомъ съ О-мъ Взаимного Кредита) и въ писчебумажномъ магазинѣ и типографіи И. Я. Иванова.

Въ Ташкентѣ—въ писчебумажномъ магазинѣ „Дѣтскій Миръ“ А. Г. Ходзыко, Пушкинская, 26.

Въ Конандѣ—въ писчебумажномъ магазинѣ М. В. Поликарпова, по Розенбаумскому проспекту.

Въ Скобелевѣ—въ аптекарскомъ магазинѣ Гордона.

Въ Ошѣ—въ помѣщеніи О-ва потребителей.

Редакторъ-издатель А. А. ЧАЙКИНЪ.



корликка одам бермаётган манзилгоҳ, овул, қишлоқларни таг-туғи билан йўқ қилиш ке-раклигини айтган.⁶

Қўқон уездининг Аравон бўлимида қўзғолон 8 июлда бошланган. Бу уездда маъмурият ва маҳфий полициянинг бўлим бошқарувчилари томонидан аҳолидан пора олиб мардикорлар рўйхатидан ўчириб, уларнинг ўрнига бошқаларнинг номи ёзиб қўйилгани аниқланган. Бундай ҳолатлар халқ оммасининг газабини янада ошириб юборган.

Янгиқўргон (волости) бўлими Шайхлар қишлоғи имоми 9 июлдан 10 июлга ўтар кечаси ибодат либосида оқ отга миниб Бачқир волости қишлоқларини айланиб аҳолидан элликбошиларни уйларидан тирик ёки ўлик ҳолда топширишни талаб этган. Шундан сўнг бу эшон бошчилигига оломон волост бошқарувчисининг идорасини яксон этиб, барча қоғозларни парчалаб йўқ қилганлар.

Маҳфий полиция хабарида айрим аҳоли, маҳаллий фуқаролар Бухоро ва Қашқарга кетиб қолаётгани, яхудийлар рус шаҳар ва қишлоқларига кўчиб келаётгани, II Давлат Думасининг Туркистондан сайланган собиқ аъзоси Солижонов халқ қасосидан қўрқиб Қўқон шаҳрининг рус қисмига кўчиб ўтгани қайд қилинган.

Скобелев уездининг Эски Марғилон шаҳридаги йигинда 10 мингга яқин киши тўплланган, улар қаторида кўплаб аёллар бўлган. Улар мардикорликка олишга қарши норозилик билдирганлар. Намойишчилар полициячилардан бир нечтасини ўлдирганлар. Шундан сўнг қўзғолон уезднинг бошқа волостларига ҳам тарқалган.

6 июлда Наманган шаҳридаги масжидда 600 нафарга яқин маҳаллий обрўли кишилар тўпланишган. Бу ерга уезд бошлиғи Крошков келиб, шахсан ўзи мардикорликка олишининг моҳиятини батафсил тушуниради, аммо йигин аҳли унга қулоқ солмай тарқалиб кетади.

Наманган шаҳрида 11 июлда мардикорликка одам беришга норозилик билдирган маҳаллий аҳоли тўпланади. Тўқнашув юз бериб, оқибатда 12 киши ҳалок бўлган, 38 киши яранган, 16 киши ҳарбий судга берилган. Қўз-

ғолон вақтида бошқа жойларда ҳам бир қанча одам ўлдирилган.

Тез орада қўзғолон Фарғонанинг Кетмонтепа, Чотқол, Тўққиз Тўра ҳудудлари ва Ўш уездиди бўйича ҳам тарқалди.

Жиззах воқеаларидан ва ҳарбий судлардан сўнг генерал Куропаткин камроқ «марҳаматли» бўлиб қолган эди ва Фарғонадаги тартибсизликлар иши юзасидан кўплаб одамлар қатл этилган, сургунга юборилган, турмага ташланган.

Бир вақтлар Россиянинг Фарбий Хитойга уюштирилган ҳарбий ҳаракатларида қатнашган Каспийорти вилоятининг собиқ ҳарбий губернатори А.Н.Куропаткин генерал-губернатор этиб Тошкентга юборилди.

Шу вақтда Андижон шаҳрида биринчи бор рус тилида чиқа бошлаган «Туркестанский голосъ» газетаси саҳифаларида 1916 йилги мардикор олиш воқеаларига катта ўрин берилган. Газетанинг 1916 – 1917 йиллардаги сонлари тахламаси ҳозирда Россия давлат кутубхонасининг Химки шаҳрида, Санкт-Петербургдаги Россия миллий кутубхонасида сақланмоқда. «Мерос» жамоат фонди 2016 йил сентябрда ўша газета тахланмаларининг электрон нусхасини Андижонга олиб келди.

Туркистон генерал-губернатори А.Н.Куропаткиннинг 20 августда Туркистон аҳолисига қарата қилган мурожаатида подшо ҳазратларининг буйруғи билан у мардикорликка олишни белгилаш тартибини аниқлаш, мардикорликка кимни олиш, кимни олмаслик ҳуқуқига эгалиги, Туркистон армияларига бош қўмандонлик қилиш ваколатига эгалиги қайд этилади. Мардикорликка олиш тартиблари «Туркестанский голосъ»да эълон қилинади. Буйруққа кўра, Сирдарё вилоятидан 60000, Самарқанд вилоятидан 32407, Фарғона вилоятидан 51233, Еттисув вилоятидан 43000, Каспийорти вилоятидан 13830 киши мардикорликка олинадиган бўлди. Буйруқда «пахта етказадиган жойлар манфаатини ҳимоя қилиш» мақсадида Фарғона, Самарқанд, Сирдарё вилоятларидан 40000 кишини қисқартириш кўрсатилган. Куропаткин буйруққа маҳсус йўриқномани илова қилган. Унга кўра, фронт ортидаги ишларнинг

⁶ Рысколов Т. ... – С.10.



тури, характери, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, Каспийорти вилояти туркманларининг «текин жасоратли» полки уруш олиб бораётган армия сафида иштирок эттаётгани, фронт ортида қурол билан ҳимоя хизматини ўтаётганлиги, Помир тумани ва Хўжанд уездининг Матчи волости, Самарқанд уездининг Фалгар ва Искандар волостида яшовчи рус фуқаролари мардикорликка олинмасликлари, қолган маҳаллий аҳолидан мардикор олиш ҳақидаги подшо ҳазратларининг фармонини кечиктирмасдан ижро этиш талаб қилинишига алоҳида ургу берилтган. Ҳар бир мардикор қишки ва ёзги кийим-бошга, идиш-товоқ, асбоб-анжомга эга бўлиши кўрсатилган. Мусулмончилик қоидаларидан келиб чиқиб мардикорликка олинаётганларни оммавий эмас, балки якка тартибда тиббий кўриқдан ўтказиш белгилаб қўйилади. Мардикорлар таркиби ўнлик, юзлик, мингликлардан иборат бўлиб, уларни «ўнбоши», «юзбоши», «мингбоши» бошқарган. Уларнинг қайси маҳалла, гузар, даҳданлиги кўрсатилган. Мардикорларга хизмат кўрсатадиган имомлар, мирзалар, таржимонлар, новвойлар, қассоблар, сартарошларнинг ҳам исм-шарифи, яшаш манзили кўрсатилган. Йўл давомида озиқ-овқат билан таъминлаш, мардикорларга 1 рублдан, юзбошиларга 2 рублдан, ўнбоши ва мирза, таржимонларга 3 рублдан, муллаларга 2 рублдан берилиши кўрсатилган.

Йўриқномада кимлар мардикорликка олинмаслиги ҳам кўрсатилган: 1. Волост, қишлоқ, овул, жамоат бошқармаларидағи мансабдор шахслар. 2. Маҳаллий аҳолидан чиққан полиция амалдорлари. 3. Имомлар, муллалар ва мударрислар. 4. Бирор даражадаги амали бўлган маҳаллий кишилар. 5. Оқсуяклик мақомига ва наслий фахрий фуқароликка эга бўлганлар. 6. Туркман текин полки ёки бошқа ҳарбий қисмларда хизматда бўлганларнинг акалари, ўғиллари, жиянлари. 7. Рус, маҳаллий яхудийлар, эроний ва афғонлардан одам ёллаш ман этилган.

Таниқли давлат ва жамоат арбоби Турор Рисқулов Туркистон генерал-губернатори А.Н.Куропаткинни ақлли «империалист»,

маҳаллий аҳоли руҳиятининг билағони деб таърифлаб, бундай чор ҳукумати вакиллари маҳаллий аҳоли учун ниҳоятда хавфли эканини таъкидлаган. Мардикорликка олинаётган ишчилар мол-мулкини унинг қийматини тўлаш шарти билан мажбурий равишда давлат ихтиёрига олиш бошлаб юборилади. Шунингдек, ўзи учун бошқани ёллаб мардикорликка юбориш имконияти туғилади. Маҳаллий маъмуриятнинг иштирокисиз пул билан мулксиз одамни ёллаб мардикорликка юбориш ҳукумат учун қулай эди.

Туркистон ҳалқига мардикорликка олиш ишлари мутлақо кутилмаган ҳол бўлди. Маҳаллий аҳоли дарҳол сергак тортиб, у ёки бу йўл билан подшо буйруқларига бўйсунмаслик йўлини тута бошлади. Бу табиий ҳол эди. Чунки 200000 дан зиёд аҳоли узоқ жойга, қонли уруш майдонига ташланадиган. Уларнинг соғ-саломат қайтишларига ишонч йўқ эди. Шу боис мардикорликка олиш маҳаллий аҳолининг чоризмга қарши умумий қўзғолон кўтаришига олиб келди. Устига-устак, ҳалқ ярим асрдан буён мустамлакачилик азобини тортаётганди. Иқтисодий зулм шу қадар кучли эдики, тирикчилик қилишнинг деярли имкони қолмаганди. Мустамлакачиларнинг зулми, камситиши, диний қадриятларни топташи туфайли мазлум ҳалқнинг сабр-косаси тўлганди.

Хуллас, подшо ҳукуматининг мардикорликка олиш сиёсатига қарши бутун Фарғона ҳалқи (ўзбеклар, қирғизлар, тожиклар, уйғурлар ва бошқа этник гурӯҳлар вакиллари) қўзғолон кўтарилиб. Бироқ ҳамма жойда қўзғолон чор қўшинлари ва казаклар томонидан шафқатсизларча бостирилди. Чор ҳукумати барibir мардикорликка олиш сиёсатини амалга оширди.

А.Н.Куропаткин 1916 йил 28 августда бутун Фарғона вилояти бўйича мардикорликка олинадиганлар миқдорини белгилаб берди. Унга кўра, Андижон уезди бўйича 10600 киши мардикорликка олинадиган бўлди. Шундан Андижон уездининг Ёрбоши волостидан 871, Ҳакан волостидан 816, Олтинқўл волостидан 498, Балиқчи волостидан 908, Жалақудук волос-



тидан 340, Кўрғонтепа волостидан 466, Ойим волостидан 656, Қорасув волостидан 497, Қўқонқишлоқ волостидан 887, Майгир волостидан 427, Избоскан волостидан 284, Андижон шаҳридан 1082 киши фронт ортидаги ишларга сафарбар қилиниши кўрсатилган.

А.Н.Куропаткин мардикор олиш қандай амалга оширилаётганлиги, маҳаллий аҳолининг бу тадбир ҳақидаги фикри, ҳис-туйгулари билан танишиш, олдиндан халқни огоҳлантириш, қўрқитиш, қандай қилиб бўлмасин фронт ва фронт ортига мардикорлар юборишини таъминлаш учун шахсан ўзи во-дийга келади. «**Туркестанский голосъ**» газетасининг 1916 йил 8 сентябрдаги 54-сонида **«А.Н.Куропаткинъ въ Андижане»** номли мақола чиққан. Унда А.Н.Куропаткин Андижон вокзалида вагондан тушиб халқ вакиллари билан учрашиши тафсилоти берилган. Учрашувда у қўзғолонда иштирок этган, ҳозирда қамоқда ётганлардан товоң пулларини ундириш қандай кечайдигани суриштиради, аҳолидан олинаётган маблағларни тежаш, фронтга ёрдам беришни маҳаллий судяларга вазифа қилиб топширади. Айни вақтда, аҳолининг иқтисодий турмушини ростлаш кераклигини ҳам айтади. Ўзи билан поездда олиб келган автомобилга ўтириб эркаклар гимназияси томон йўл олади. Бу ерда меҳмон шарафи учун Зафар арки жуда чиройли қилиб безатилган эди. Бу ерда шаҳарнинг обрўли кишилари, элликбошилар, маҳаллий аҳоли сафтortиб турган. Уларнинг бир қисми олдиндан тайёрланган арзномаларини кўлида ушлаб турганлиги акс эттирилган. Йигин атрофини ҳарбийлар ўраб олишган эди. Биринчи сафда шаҳар хўжалик бошқармаси вакиллари, жумладан, шаҳар депутатлари: В.О.Куровский, Д.Е.Евстафьев, Миали Умарбоев, шаҳар меъмори М.И.Томошевский турган. В.О.Куровский⁷ губернаторни табриклаб, бундан 15 йил муқаддам А.Н.Куропаткин Андижонга

келганидан бери жуда катта ўзгаришлар рўй берганлигини билдириб, шу даврда аёллар ва эркаклар гимназияси очилгани, телефонлаштириш, электрлаштиришга эришилгани, саноат ҳайрон қоларли даражада ўсгани, ҳозирда Андижонда 50 та пахта тозалаш, ёғ ишлаб чиқариш ва бошқа заводлар мавжудлигини, 5 та банк ишлаб турганлигини, шаҳар бюджети деярли 200 миллионга етганини, шаҳарнинг бундан бўён кенгайишига мавжуд бошқарув шакли халақит бераётганини, шу боис шаҳар депутати сифатида яқин келажакда шаҳарда ўзини ўзи бошқариш тизими жорий этилишини айтиб, бу борада губернатордан ёрдам сўраган. Шунингдек, армани, яхудий, татар жамиятлари вакиллари ҳам сўзга чиқишиган. Эски шаҳар маҳаллий аҳолиси, мударрислар билан мулоқот ўтказилади. Маҳаллий аҳоли номидан Нажибхон Махсум Қозикалонов сўзлаб, губернаторни кутлайди. А.Н.Куропаткин Туркистоннинг забт этилиши ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай деган: «Бундан 41 йил аввал биз Андижон деворлари остида уруш олиб борганмиз.⁸ Ўшанда сизлар бизнинг душманларимиз эдингиз ва ҳалоллик билан ўз бурчингизни ижро этгансизлар. Кўлингиздаги қуролни ташлаб, сизлар бизларга қардош бўлдингиз. Узоқ вақт Туркистон осмони мусаффо

⁸ У чиндан ҳам 1876 йил 1 – 8 январь кунлари Скобелев дивизиясида штаб бошлиги сифатида Андижонни забт этишида катта хизмат кўлган. Шаҳар мудофаачиляридан 20 минг киши ҳалок бўлганини эътироф этсак, бундай катли омда Куропаткиннинг ҳам улуши борлигини ҳис киласиз. Унинг бешафқатлик билан шаҳарни остин-устин килгани хўжатларда акс эттирилган. У Отчиқмас тепалигидан Эскилик маҳалласи ва шаҳар деворларини, унинг орқасидан кишлекларни, «Бобо Саъдиддин» кабристонини, Гултепа, Бозор ва Ўрдани артиллерия билан ўқса туттани, бир вактнинг ўзида 4 та штурм килувчи колоннани Гултепага олиб бориши жараёнида кўчаларни, шаҳар деворларини вайрон қилиб Хўтанариқ орқали чиқиш учун 2 та кўпrik қургани, зовур кавлаб, дараҳтларни кесиб, шоҳ-шаббларни кўлга киритиб шаҳар мудофаачиларига кучли талофат этказгани маълум. Ўша фожиадан 41 йил ўтиб А.Н.Куропаткин Андижон ҳалкини кўрқитиш, мардикор олиш кампаниясига карши турмаслик, подшо ҳазратлари фармонини каршилик кўрсатмасдан бажариш, тинч йўл билан мардикорларнинг фронт ва фронт ортидаги ишларга юборилишини назарда тутиб ўзининг нималарга қодир эканлигини намойиш этган эди. Ўша вақтдаёқ Андижоннинг Янги шаҳар қисмida кўчалардан бирига унинг номи кўйилган, «Куропаткин» кўчасида шаҳар депутати, шаҳар хўжалик бошқармаси бошлиги, врач Владислав Осипович Куровский яшаган. Қаранг: Шамсутдинов Р., Исҳоков А. Андижон тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Шарқ, 2013. – Б.143 – 146; История Андижана в документах и материалах (1876 – 1917 гг). – Ташкент: Шарқ, 2012. – С.248 – 250.

⁷ А.Н.Куропаткин 1898 – 1903 йилларда ҳарбий вазир бўлганида Андижонга келгани ҳақида гап бораётир. 1898 йилги Андижон кўзғолони бостирилгач С.М.Духовской Туркистонга янги генерал-губернатор этиб тайинланган ва у Санкт-Петербургга, ҳарбий вазир А.Н.Куропаткинга кўзғолон ва унинг оқибатлари ҳақида ахборот бериб турган.



ХРОНИКА.

Высылка изъ края. По распоряжению генераль-адъютанта А. Н. Куропаткина, отданному имъ на вокзалъ во время приема представившихся лицъ, высылается изъ края туземецъ Рузы Ахунъ-Назарбаевъ, крупный андижанскій заводчикъ.

Причина высылки—предъявленное Назарбаеву въ Скобелевскомъ окружномъ судѣ обвинение въ двойномъ взысканіи по векселю.

Жалоба сартовъ. Вчера, при приемѣ ген.-адъют. А. Н. Куропаткинымъ депутаций близъ зданія мужской гимназіи, предсѣдателемъ ташкентскаго туземнаго комитета мѣстнымъ жителемъ У. А. Ходжаевымъ отъ имени группы туземцевъ была подана жалоба на дѣйствія администраціи Андижанскаго уѣзда.

Эзоқ ишлар бизлар тинч ва дўстона яшадик. 18 йил муқаддам Андижон осмонида биринчи булут пайдо бўлди (Бу ерда меҳмон 1898 ишлги Андижон қўзголонини назарда тутмоқда – Р.Ш., А.О.), кейин яна тинчлик қарор топди. Эндиликда булутлар жуда қуюқлашиди, бироқ, худога шукрки, у ёришиб бормоқда. Рус ҳукумати биринчи марта 40 йил ичida сизларга мурожаат этиб, ёрдам курсатишни илтимос қилмоқда. Мен ишонаманки, сизлар осоишти ва тартиб билан ишчилар (мардикорлар – Р.Ш., А.О.) берасизлар.

Таниқли тараққийпарвар Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев Андижон уезди аҳолиси номидан маҳаллий маъмуриятнинг кирдикорлари ҳақидаги шикоятни губернаторга топширади. Шунда А.Н.Куропаткин: «Хатдагилар ҳақиқатми?» – деб Асадуллахўжаевдан сўрайди. Жавобан у шундай деган: «Бу шикоятда

нимаки ёзилган бўлса, ишонаманки, мутлақо ҳақиқатдир». А.Н.Куропаткин шундай дейди: «Сизга ишона бошляпман. Суриштириб чиқиш учун икки зобитни қолдираман». Шу заҳотиёқ шикоят бошқа шикоятлардан ажратиб олиниб, генерал Давлетшинга узатилади: «Бу шикоят билан танишиб чиқинг, кейин ўқиш учун менга берасиз». Убайдуллахўжа Асадуллахўжаевдан сўнг арзномалар ушлаб турган ўнлаб қўллар ҳавога кўтарилади.

Аризалар қабул қилишни тугатиб А.Н.Куропаткин черков майдони сари йўл олади. Бу ерда 2-Сибир 1-ротаси, 5-Сибир полки батальони, маҳаллий соқчилар ротаси, 100 аскар, оренбурглик 50 киши, ураллик отлиқ казаклар саф тортиб турган. Бу ерда Андижоннинг барча ўкув юртларидағи ўқувчилар ҳам саф тортишган эди. Куропаткин қўшин ва ўқувчиларнинг олдидан ўтиб, улар билан саломлашиб, сўнгра ҳарбий черков томон юзланади. Бу ерда черков мулозими В.Невоструев табрик сўзи айтади. Шундан сўнг қўшинлар Эски шаҳар сари йўл олади. Улар билан бирга А.Н.Куропаткин ҳам боради. Фаргона йўлидаги қўприк олдида фронтга юбориладиган мардикорлар ўз юзбошилари ва мирзалари билан саф тортиб турган эди. Генерал-губернатор улар билан саломлашгач мардикорларнинг сафар аслаҳанжомлари билан танишиб, совқотиб қолмаслик учун иссиқ буюмлар олиш кераклигини айтади. Мардикорларни кўздан кечириб Куропаткин автомашинада Эски шаҳарни айланиб чиқади. Кейин вокзалга бориб бу ердан соат 11:30 га яқин ўшга қараб йўл олади. Шу вақтда генерал-губернаторнинг шахсан ўзи қидирув эълон қилган Рўзиохун Назарбоев (андижонлик йирик тадбиркор, тириклигигидаёт Эски шаҳардаги маҳаллалардан бирига унинг номи қўйилган, ҳозирги Алишер Навоий номидаги истироҳат богини қурдирган – Р.Ш., А.О.) ҳам шу жойда бўлган. Генерал-губернатор унга қаратади: «Сизнинг ўлкада бўлишингизни заарли деб биламан ва подшо номидан буни сизга ман этаман», – деган. Газетанинг шу сонида мана бу «Хроника» берилган:

(Давоми келгуси сонда)



ИСТИҚЛОЛ МҮЖИЗАСИ

Абдураҳмон ИСҲОҚОВ,
журналист

2016 йилнинг 22 июнь куни янги бунёд этилган Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўл линияси ҳамда Қамчиқ туннели расман очилди. У Фаргона водийсидаги Андижон, Фаргона, Наманган вилоятлари билан Тошкент шаҳри ва мамлакатнинг бошқа ҳудудлари ўртасида темир йўл қатновини йўлга қўйиш имконини берди.

Фаргона водийси Ўзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаётида муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳудудлардан биридир. Унинг иқлим шароити пахта, буғдой, пилла, мева, узум, полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун қулай. Мамлакатнинг етакчи сув артерияларидан бири бўлган Сирдарёнинг асосий ирмоқлари – Қорадарё ва Нориннинг водийдан оқиб ўтиши бу ерда дехқончилик ва боғдорчилик учун қулай шарт-шароитлар яратган.

Бу ерда қадимданоқ қишилиқ жамияти ривожланганлигини Далварзинтепа, Эйлатон, Ахсикент, Мингтепа, Сарвонтепа, Кўштепа сингари археологик объектларда олиб борилган қазиашма ишлари тўла тасдиқлади. Ушбу ҳудуддан ўтган Буюк ипак йўли Шарқ билан Фарни бир-бирига боғлаб турган. Унинг ёқасида бунёд этилган карvonсаройлар эса савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик ривожига, янги шаҳарларнинг пайдо бўлишига хизмат қилди. Шундан кўриниб турибдики, барча тарихий босқичларда йўллар элларни, юртларни, давлатларни, қитъаларни бир-бири билан боғлаб турувчи муҳим коммуникация тармоғи ҳисобланган.

Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олгач асосий эътиборни қандай қилиб бўлмасин ушбу

ҳудудда етиштириладиган арzon пахта хомашёсини марказга ташиб кетишга қаратди. Ўша пайтда Фаргона водийси энг кўп пахта етиштириладиган ҳудудлардан бири эди. Шу боис зудлик билан бу ерга темир йўл ётқизиш ҳаракати бошланди. 1899 йили Урсатьевск (ҳозирги Ховос) станциясидан Тошкентта ва Фаргона водийсига (Андижонгача) темир йўл ётқизилади. Қурилиш ишларига 2 та темир йўл батальони ҳамда аҳолидан 13 минг киши жалб қилинади. Шундан сўнг водийнинг пахта етиштириладиган ҳудудларини транспорт қатнови билан таъминлаш мақсадида икки босқичдан иборат ички темир йўл қурилиши амалга оширилди. Натижада 1912 – 1915 йилларда Фаргона ҳалқа темир йўлиниг Қўқон – Наманган (91 км) ва Наманган – Андижон (172 км) участкалари, Андижон – Қўқонқишлоқ (20 км), Андижон – Чинобод (40 км) темир йўллари қурилди.

1926 йилдан 1935 йилгача бўлган даврда Фаргона – Қизилқия, Андижон – Тентаксой, Асака – Шаҳрихон, Қорасув – Ўш, Жалолобод – Қўкёнғоқ, Учқўргон – Тошкўмир йўналишлари бўйича поездлар қатнови йўлга қўйилди. Бундан мақсад, юқорида таъкидланганидек, Фаргона водийсида етиштирилган арzon пахта хомашёсини Россияга осонгина ташиб



кетиши ҳамда марказдан бу ерга тайёр маҳсулот келтириш орқали катта фойда кўришдан иборат бўлган (Қаранг: Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Шарқ, 2013. – Б.168 – 169).

Ўзбекистон, жумладан, Фарғона водийси шўролар даврида ҳам арzon хомашё базаси бўлиб қолаверди. Илгаригидек пахтани марказга ташишда чор Россияси даврида қурилган темир йўлларга асосий транспорт воситаси сифатида қаралди. Шу боис темир йўлларни реконструкция қилишга, мавжуд инфратузилмани ривожлантиришга катта эътибор берилди. Бу пайтга келиб Фарғона водийси ҳудуди янги ташкил қилинган учта республикага – Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистонга бўлиб ташланди. Чегараларни белгилашда ва йўллар чиқаришда ўта маккорона сиёsat юргизилиб, ҳар учала республика иқтисодий жиҳатдан бир-бирига тобе қилиб қўйилди. Бу, энг аввало, йўл-транспорт коммуникациясида кўзга ташланади. Битта республиканинг у бурчидан бу бурчига бориш учун албатта иккинчи бир давлат ҳудудини кесиб ўтиш керак бўларди. Атайн ўйлаб тоғилган бундай чалкашликлар мамлакатлар

ўз мустақиллигини қўлга киритгач қатор ноқулаликларни, жиддий муаммоларни келтириб чиқарди. Водийдан Тошкентга йўл олган юқ ва йўловчи поездлари қўшни давлат ҳудудига кириш-чиқишидаги чегара ва божхона расмиятчиликлари боис соатлаб, ҳатто кунлаб қолиб кетарди. Натижада кўп вақт йўқотиларди. Вагонларнинг туриб қолиши республика иқтисодиётига, мавжуд корхона ва ташкилотларга катта молиявий зарар келтиради. Бу товар таннархининг ортишига ҳам олиб келарди.

Ана шундай мураккаб бир шароитда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан дастлаб Қамчик довони орқали ўтадиган автомобиль йўли барпо этилди. Натижада қўшни давлатларни четлаб ўтган ҳолда фақат Ўзбекистон ҳудуди орқали Фарғона водийсига қатнаш имконияти юзага келди. Шундан сўнг водийни мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан боғловчи темир йўл линиясини қуриш вазифаси кун тартибиiga қўйилди ва бу борада ҳам республиканинг биринчи Президенти И.Каримов шахсий ташаббус кўрсатди.



2013 йилнинг апрель ойида Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этган республиканинг биринчи Президенти Ислом Каримов Фарғона водийсини мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан боғловчи Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли қурилиши режалаштирилаётганлигини, насиб этса, 2016 йили водийга поездлар қатнови йўлга кўйилишини маълум қилди. Ўшанда ушбу хушхабар нафақат андижонликларни, балки бутун водий аҳлини ниҳоятда қувонтирган эди.

Орадан кўп ўтмай, 2013 йилнинг 18 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли қурилишини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги тарихий қарори эълон қилинди. 2013 йилнинг октябрь ойида бошланган темир йўл қурилишида Хитойнинг «China Railway Tunnel Group» компаниясидан жалб қилинган минг нафардан зиёд ишчи-мутахассислар, Ўзбекистоннинг уч минг нафардан ортиқ темирийўлчилари, уч юз нафардан зиёд электр монтажчилар иштирок этишди. Юқори малакали қурувчилар 32 ой мобайнида мураккаб иқлим шароити – ёзги иссиқ ва қишки совуқда фидокорона меҳнат қилишди ва бу ўз натижасини кўрсатди.

Узунлиги 123,1 километрдан иборат бўлган Ангрен – Поп темир йўлининг Қамчиқ довонидан ўтадиган қисмида 19,2 километрлик туннель қазилди. Бу ерда 43 миллион куб метр тупроқ ишлари бажарилди, 16,3 миллион куб метр қазиш ва портлатиш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, 285 та инфраструктузилма шахобчалари қурилди, тоза ичимлик суви қувурлари ётқизилди, 2,1 километр масофада 15 та темир йўл кўприклари барпо этилди, уларнинг ўртача баландлиги 25 метрни ташкил қиласди. Бундан ташқари, ушбу масофада 4 та станция, 4 та разъезд, 2 та вокзал, 2 та подстанция қурилди. Кенг кўламдаги ушбу лойиҳа доирасида темирийўлчилар учун умумий қиймати 1 миллиард 635 миллион сўм бўлган ўнга яқин тураржой бинолари ҳам қадростлади.

2016 йилнинг февраль ойида темир йўл туннелини қазиш ишлари якунланди. Шу йилнинг 27 май куни икки томондан тортиб келинган рельслар бир-бири билан туташтирилди ва янги темир йўл бўйлаб Ангрен станциясидан Поп станциясига қадар дастлабки синов поезди ўтди. Бу Ўзбекистоннинг катта галабаси эди.

2016 йилнинг 22 июнида Тошкентдаги Ўзэкспомарказда ўзбек-хитой ҳамкорлигининг иирик истиқболли лойиҳаси – электрлаштирилган Ангрен – Поп темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикасининг Раиси Си Цзиньпин иштирок этишди. Сўзга чиқсан Ўзбекистон раҳбари ушбу иирик лойиҳанинг амалга оширилиши мамлакатимиз учун катта ютуқ, улкан тарихий воқеа эканлигини таъкидлади.

Қурилиш жараёнида Ўзбекистон ва Хитой қурувчилари, мұҳандислари ва мутахассислари ҳамжиҳат бўлиб меҳнат қилишди. Ушбу иншоот ҳалқаро талабларга тўла жавоб беради, дунё миқёсида ҳам улкан лойиҳа ҳисобланади. Ангрен – Поп темир йўлининг очилиши юк ташишда вақт ва маблагни тежайди, мамлакатнинг юк ўтказиш самарадорлигини оширади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин маҳсус тутгмачани босиб, «Ўзбекистон» йўловчи поездининг Қамчиқ туннелидан ўтишига рухсат берувчи семафорни ишга туширишиди. Сардаладан биринчи бор йўлга чиқсан поезд Қамчиқ туннелини 16 дақиқада босиб ўтиб, Чодак қишлоғидан чиқди. Йўловчилар орасида «China Railway Tunnel Group» компанияси раиси Юй Баолин ва «Ўзбекистон темир йўллари» акционерлик жамияти раиси Очилбой Раматов бор эди.

Қамчиқ довони бўйлаб денгиз сатҳидан 2200 метр баландлиқдан ўтган мазкур темир йўлнинг ишга туширилиши Фарғона водийси вилоятларини мамлакатимизнинг бошқа



ҳудудлари билан боғлаш имконини беради. Шу билан бирга, у янги Хитой – Марказий Осиё – Европа халқаро темир йўлиниңг мұхим бўғинига айланади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, фақат 2016 йилнинг ўзида ушбу темир йўл орқали 600 минг йўловчига хизмат кўрсатилади. Унинг тўла фойдаланишга топширилиши натижасида 1,5 мингта янги иш ўрни яратилади. Умуман олганда, Қамчиқ темир йўл туннели қурилиш ишларининг мураккаблиги бўйича **жаҳонда 8-ўринни**, узунлиги бўйича **13-ўринни**, МДҲ мамлакатлари ичida **1-ўринни** эгаллайди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрами арафасида, яъни 2016 йилнинг 27 август куни қайта реконструкциядан чиқарилган Андижон темир йўл вокзалига Тошкентдан биринчи бор йўлга чиққан «Ўзбекистон» йўловчи поезди кириб келди. Унда Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон, Фарғона ва Наманганд вилоятлари фаоллари, мәҳнат фахрийлари, қурилишда фаол иштирок этган темирйўлчилар бор эди. Мәҳмонлар карнай-сурнайлар садоси остида тантанали равишда кутиб олинди. Бу ерда ўтказилган тантанада сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари Ботир Зокиров, Андижон вилояти ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятига тўхталиб, Ангрен – Поп электр-

лаштирилган темир йўли орқали йўловчи поезди қатновининг йўлга қўйилиши водий аҳолиси ва мәҳмонлари учун катта қулайликлар яратганлигини эътироф этдилар.

Тадбир иштирокчилари қайта реконструкция қилинган Андижон темир йўл вокзалида йўловчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишиши. Шаҳардаги янги қурилган қўғирчоқ театри, қиличбозлик мактаби ҳамда ёш оиласаларга мўлжалланган «Камолот» уйларини

бориб қўриши. Ўтказилган тадбирларда янги ишга туширилган темир йўл линияси асрлар оша яшайдиган ноёб иншоот эканлиги қайта-қайта таъкидланди.

Бундай кенг кўламдаги лойиҳанинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини, унинг юқ ташиш қобилиятини оширди. Қолаверса, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги иқтисодий-сиёсий алоқаларни янада мустаҳкамлади. Эътиборли жиҳати шундаки, Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўлини барпо этилиши Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг энг сўнгги истиқболли лойиҳаларидан бири бўлиб қолди. Ушбу лойиҳанинг ижроси учун у катта куч ва мәҳнат сарфлади. Чунки у Фарғона водийсини ва водийликларни ниҳоятда севарди, ҳаётининг деярли ҳар бир кунини уларнинг қувончи ва ташвишларига шерик бўлган ҳолда ўтказарди.

Келгусида Эргаштом довони орқали Ўзбекистон билан Хитой ўртасида энг қисқа темир йўлни барпо этиш режалаштирилган. Бу икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлади.

Бир сўз билан айтганда, Фарғона водийсини Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари билан боғлаган Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли истиқтол мўъжизаси сифатида тарихга мангу муҳрланиб қолди.

ҚУРМОНЖОН ДОДХОХ ФЕНОМЕНИ

Қурмонжон додхоҳ фаолиятининг иккинчи даври (1862 – 1876)

Ташманбет Кененсариев,
Қирғизистонда хизмат кўрсатган маориф
ходими, тарих фанлари доктори, про-
фессор

Давоми. Боши ўтган сонда

Қурмонжон додхоҳ – жамоат арбоби

Маълумки, 1862 йилнинг кузида Худоёрхон Амир Музаффар ёрдамида яна Қўқонни эгаллаб, тахтни қўлга киритади. Хонликда нотинчлик ҳукм сурарди. Алимбек додхоҳнинг ўлимига аза тутган Олайнинг бўйсунмас қирғизлари Ўрда учун катта хавф тугдираётганди. Қурмонжон додхоҳ, бошига тушган мусибатга қарамай, жунбишга келган халқни тинчтиб, ҳудудни мардонавор туриб бошқарди. Лекин марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида Бухоро амири Музаффар ва Худоёрхон қирғизларнинг аралашувидан фойдаланиб қолмоқчи бўлишади. Ана шу мақсадда уларнинг сарбозлари қилич кўтариб Ўшга боришади ва Моди қалъасини ишғол қилишади. Ушбу экспедициянинг мақсади хонликнинг шарқий ҳудудларини мустаҳкамлаш, вафот этган Алимбек ўрнига муносиб номзод топиш ва шу орқали қирғизлар орасида хон ўрдаси учун сиёсий таянч яратишдан иборат бўлган.

Кутилмаганда Қурмонжон ва Ўш беги Жарқинбой (Қурмонжоннинг тутинган ўғли, Алимбекнинг укаси Бекмуроднинг ўғли) чақирилмаган меҳмонларни нон-туз билан кутиб олади. Қурмонжон ҳамда бийларнинг бир қанчаси Амир Музаффарнинг мақсадини ту-

шунгач, додхоҳ унвонини Қўқон хонлигининг шарқий қисмида яшаган қирғизларнинг бош қўналгаси – Ўш шаҳри ҳокими Жарқинбойга беришни таклиф қилишади. Бироқ Жарқинбой ушбу таклифга кескин рад жавобини беради. Буни отасининг беваси Қурмонжон ҳали ҳаёт бўла туриб унинг йўлини кесиб ўтолмаслиги билан изоҳлайди. Бу Қурмонжоннинг эри Алимбек билан бирга Андижон вилоятини бошқарган йиллари шаклланган юксак обрў-эътибори тан олиниши эди. Жарқинбойнинг бу қарори қирғиз бийлари Ўсмон, Ўмирбек, Акимбой ва бошқалар томонидан маъқулланади. Тоғликларнинг азму қарори Ўрда ҳаётини яхши билган Музаффарни янада ҳайратлантириди. Чунки у ерда даъвогарлар юқори лавозимни эгаллаш учун керак бўлса бир-бирини ўлдиришгача боришарди.

Шундай қилиб, мусулмон урф-одатларига зид ўлароқ Қурмонжонга додхоҳ деган шарафли унвон берилади, унга ёрлиқ ва совғасаломлар топширилади. Мусулмон аёлининг шариат, давлат бошқаруви тизими қонун-қоидаларига зид ҳолда Ўрта Осиёдаги исломнинг асосий таянчи бўлган Бухоро амирининг қўлидан додхоҳ унвонини олиши Ўрта Осиё, қолаверса, бутун ислом Шарқи учун кутилмаган иш бўлди. Марказий Осиё тарихида бундай воқеа биринчи бор юз бериши эди. Бу туркистонликлар учун ҳам, маҳаллий аҳолининг урф-одатларини фақат салбий томондан қабул қилишга одатланган рус ҳукмдорлари учун ҳам янгилик бўлди.¹

Ўгай онасининг фойдаси учун ўзига мерос бўлиб қоладиган додхоҳ унвонидан воз кеч-

¹ Кененсариев Т. Қыргызстандын XIX кылымдын 50 – 70-жылдарындағы саясый онугуси. – Бишкек, 2009. – С.140 – 141.



ган Жарқынбай дастлаб Андижон, 1864 йилдан эса Ўш ҳокими этиб тайинланади.²

Шундан кейин Қўқонда тинчлик бўлмади. Қирғизларнинг янги пешвоси – Марғилон беги мулла Алимқул атрофига йигилган қирғиз ва қипчоқлар 1863 йилнинг июнида яна Қўқонни эгаллашди. Ҳудоёрхон иккинчи бор Бухорога қочиб боришига тўғри келди. Алимқул 9 июль куни тахтга собиқ хон Маллабекнинг 23 ёшли ўғли Султон Сайдидни ўтқизади. Ўзи эса ёш хоннинг ваколатини олиб «регент» (оталик) вазифасини бажаришга киришади. Ўша пайтда Алимқул бор-йўғи 34 ёшда эди.³

Алимқулнинг марказий ҳокимият тепасига келиши қирғизларнинг Қўқон хонлигидаги сиёсий мавқеи юксалишини билдиради. Шу кундан бошлаб у хонликдаги бутун ҳокимиятни ўз қўлига олди. Амалдаги хонлик бошқаруви эса таназулга юз тутди. Алимқул 1862 – 1865 йиллар мобайнида давлат мустақиллигини генерал М.Г.Черняев бошчилигидаги рус босқинчиларининг қақшатқич ҳужумларидан ҳимоя қилишига тўғри келди. У маъмурий ислоҳотларни амалга оширди. Чегараларни мустаҳкамлади. Қўшин ҳолатини бироз яхшилади. Қашқар воқеаларига аралашди. Бироқ рус босқинига қарши кураш унинг асосий вазифаси бўлиб қолаверди. Хонликка тегишли Авлиёта ва Чимкент бўсағасида бўлиб ўтган ҳарбий тўқнашувларда Алимқул ўзининг иқтидорли қўмондон эканлигини кўрсатди. Ушбу жанггоҳларда ғалабани ҳам, мағлубиятни ҳам тотиб кўрди. Унинг кўрсатган жасорати ҳақида афсоналар ва қўшиқлар яратилди. «Амирлашкар Алимқул» деган шарафли номга сазовор бўлди.

Генерал М.Г.Черняев армиясининг бостириб кириши Тошкентни қўлга киритиш билан якунланди. 1865 йилнинг 9 май куни Тошкент яқинида руслар ва Алимқул бошчилигидаги Қўқон сарбозлари ўртасида қақшатқич жанг юз берди. Ушбу жангда яраланган Алимқул мардларча ҳалок бўлади. У 10 май куни Тош-

кентдаги «Шайхонтоҳур» қабристонига дафн этилган.⁴

Кўшин бошлигининг вафот этиши қўқонликлар орасида саросима уйғотди. Қирғиз ва қипчоқ отлиқлари жангни ташлаб қирғиз қўшини командирларидан бири бўлган Бекмамат бошчилигига Қўқонга қайтиб келади. Қолганлар Тошкентда икки гуруҳга бўлинишади. Улардан бири русларга таслим бўлишини тақлиф қиласа, иққинчиси янги қўшин тузиб, жангни давом эттириш кераклигини билдиради. Бундай қулай вазиятдан фойдаланган М.Г.Черняев шаҳарни эгаллаш ҳақида буйруқ беради. Шундай қилиб, руслар 1865 йилнинг 14 – 17 май кунлари Тошкентни қўлга киритишади.

Бу пайтда Қўқонда ҳокимият алмашади. Қирғизлар Шоҳрухбийнинг зурриёди бўлган 16 ёшли Худойқулбекни тахтга ўтқазишади. У тарихда Белбоқчи хон номи билан яхши танилган. Янги хон ўзини қўллаб-қувватлаб турган қирғизлар билан Тошкентта ҳужум қилишга тайёрланади. Ҳокимиятдан четлатилган собиқ хон Султон Сайдид Бухоро амири Музаффарга ёрдам сўраб мурожаат қиласи. Музаффар Султон Сайдидни чақиртириб, уни йўқ қилиш ҳақида яширин буйруқ чиқаради. Ўзи эса 1865 йилнинг 15 июлида Худоёрхон билан бирга Қўқон атрофига қўшин бошлаб боради. Шу йилнинг ёз ва куз ойларида қирғиз жангчилари билан Музаффар ва Худоёрхон сарбозлари ўртасида қатор тўқнашувлар юз беради. Ниҳоят, куз ойида Худоёрхон учинчи бор тахтга ўтиради.

Шундай бир вазиятда Қўқон хонлигининг шарқий қисмида яшовчи қирғизлар Қурмонжон доддоҳнинг маслаҳати билан кураш усулини ўзгартиришади. Қаршилик кўрсатишдан тўхтаб, бийларини Худоёрхон ҳузурига таъзимга юборишади. Қурмонжон доддоҳнинг ўзи ҳам кузатувчилар ҳамроҳлигига Ўрдага келади. Хон онаси Ёрқинойимнинг маслаҳати билан Қурмонжонни ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олади ва унинг доддоҳ увонига

² Кененсариев Т. Курманжан датка // Курманжан датка. – Ош, 1991. – С.9.

³ Кененсариев Т. Алимқул аталық. – Ош, 1999. – С.72.

⁴ Мухаммед Салих Кори Ташкенти. Новая история Ташкента. Рукопись №7791. Институт Востоковедения АН Узбекистана // Ташкентцы и Россия. – Ташкент, 1965. – С.147, 151, 154.

ва Олайни бошқаришга муносиб эканлитини тасдиқлайды. Тошкент яқинида руслар билан бўлиб ўтган жангда ўлган Жарқинбойнинг ўрнига Қурмонжон доддоҳнинг тўнгич ўғли Абдуллабекни Ўш ҳокими этиб тайинлашга қарор қиласди.⁵

Худоёрхоннинг қирғизлар билан муносабатида иккиёқламалик кузатилади. У ўттиз йилга яқин давом этган ҳукмронлиги даврида кўп бор қирғизларга таянган. Қирғизлар орасида ўсиб, тарбияланганлиги боис уларнинг таъсиридан чиқиб кета олмасди. Худоёрхоннинг замондошлари ёзганидек, унинг нутқида, хатти-ҳаракатларида ва одатларида қирғизларга хос белгилар сезилиб турган. У шаҳар ҳаётини ёқтиргмаганлиги сабабли доимо тоққа интилган. Шунинг учун йилнинг катта қисмини ўзининг кўчма қароргоҳида ўтказган. Кўп вақтини бургут ва този итлар иштирокидаги овга сарфлаган. Қирғиз томонидан бўлган қариндошлари унинг ҳаётида сезиларли ўрин эгаллаган. У онаси Ёрқинойимга катта ҳурмат билан қарап, ҳар бир кунни Ўрдада онаси учун қурдирган чодирга кириб, унга таъзим бажо келтиришдан бошларди. Ёрқинойим қирғизларнинг тарафини олган пайтларда хон онасининг раъйини сира қайтармаган. Шунга қарамай, саройдаги ҳокимият учун кечган зиддиятлар пайтида у тоғликларга қарши чиқишга ундан сарой аъёнлари томонига ўтиб кетди.

Ўша йиллари хоннинг онаси Ёрқинойим билан Қурмонжон доддоҳ ўртасидаги муносабат Алимқул давридагидан кўра кўпроқ мустаҳкамланди. Икки аёл тез-тез хат ёзишиб турарди. Асосий мавзу, албатта, сиёсатга йўналтирилган бўларди. Қурмонжон доддоҳ Ёрқинойимни деярли ҳар йили йўқлаб турарди. Бир-бирига совға-саломлар жўнатиш одат тулага кириб қолганди.

1867 йили Ёрқинойимнинг вафот этиши Худоёрхон билан қирғизлар ўртасидаги муносабатни янада чигаллаштириди. Хон севимли

⁵ Кененсарiev Т. Кыргызстандын XIX кылымдын 50 – 60-жылдарындагы саяси онугуусу. – Бишкек, 2009. – С.192; Молдокасымов К. Курманжандын коз жашы. – Бишкек, 1991. – С.7.

кишисини, яқин маслаҳатчисини йўқотганидан кўп азият чекди.

XIX асрнинг 70-йиллари бошида Ўрдада ҳукм сурган сиёсий кураш, юзага келган кескин зиддиятлар ҳамда солиқ юкининг ҳаддан зиёд оширилиши қирғизларда Худоёрхонга нисбатан нафрат уйғотди. Шу тарзда аҳолининг кенг қатлами орасида хонга қарши кайфият уйғотиш учун етарли асос юзага келди. Бу халқ ҳаракатига айланиб кетиши мумкин эди.

Қурмонжоннинг 60-йиллардаги фаолияти ўш билан чамбарчас боғлиқ. У бу ерга тез-тез келиб турарди. Алимбек доддоҳнинг ўлимидан кейин ҳам у Оқ Ўрданинг бекаси бўлиб қолаверди. Қурмонжон доддоҳ узоқни кўра биладиган ҳукмдор сифатида Ўшнинг қирғизлар учун катта аҳамиятга эгалигини яхши тушунарди. Худди илгаригидек Хитой томон йўналган Буюк ипак йўлининг битта шахобчasi айнан Ўш орқали ўтарди. Унинг ўзи ҳам Ўшдан унча узоқ бўлмаган Ороке қишлоғидан чиққанди. Кейинги воқеалар шуни кўрсатадики, у Ўшда, шаҳарликлар ва яқин атрофдагилар орасида катта ҳурмат-эътибор қозонади. 1871 йили Кўқон хонлигини кезиб, Олай ва Помирда бўлган таниқли сайёҳ А.П.Федченко қайд этганидек, Қурмонжон доддоҳ «катта мартабага эга, бизнинг йигитларимиз у ҳақда катта ҳурмат-эътиром билан гапиришади».⁶

Рус босқинчилари томонидан Фарғона водийси бўйсундирилгунга қадар ҳам бир қанча рус саёҳатчилари Қурмонжон доддоҳ ҳақида билишарди, айримлари ҳатто унинг қароргоҳида ҳам бўлишган. Турли йилларда Кўқон хонлигига Шафгаузен-Шенберг Д.Н.Шауфус (1868), А.П.Хорошхин (1868), табиатшунослар Иванов ва И.И.Краузе (1868 – 1869), В.В.Верешагин (1869), саёҳатчилар К.В.Струве (1870) ва А.П.Федченко (1871), европалик ориентологлар Друцкий, Адамоли (1871), шунингдек, инглиз жосуси Мажид (1865) бўлишган.

Қурмонжон доддоҳ шуҳрати ҳали руслар келмай турибоқ нафақат Фарғона водийсига,

⁶ Федченко А.П. Путешествие в Туркестан. Т.1. Ч.II. В Кокандском ханстве // Известие Общества любит. естеств., антропол. и этногр. при Московском унив.-те. Т.XI. Вып.7. – СПб., 1875. – С.96.



балки бутун Марказий Осиёга кенг ёйилган. Ўша пайтда Қўқон хонлигига, айниқса, унинг шарқий ҳудудида таъсир кучи юқори бўлган бошқа биронта шахс топилмайди. Рус сайдечлари Бухоро амири Музаффар, Қашқар хони Жақипбек, Қўқон хони Худоёрхон Қурмонжон доддоҳга алоҳида ҳурмат билан қараганликлари ҳақида ёзишган. Улар ҳар йили доддоҳнинг ҳузурига қимматбаҳо совғалар билан маҳсус элчилар юборишган. Ўлкани бошқариша доддоҳнинг ўғиллари унинг ишончли ёрдамчилари эди. Катта ўғли Абдуллабек, унинг укалари Мамитбек, Ботирбек, Асанбек, Қамчибек, ҳатто кичик ёшдаги невараси Мирзапаёз кўчманчи элнинг суюкли фарзандлари ҳисобланышган.⁷

Қурмонжон доддоҳлик вазифасини йил давомида сидқидилдан бажаришга одатланган. Куз, қиши, баҳор ойларида Ўш ва Модида яшаса, ёз ойларида Олай яйловларига чиқиб кетарди. Кичкинагина Фулча қишлоғига Қурмонжоннинг ёзги қароргоҳи бўлган. Бу ер том маънода кўчманчилар тўпландиган марказга айланган. Олайга, унинг ҳузурига бойкамбағал бирдек арз-дод билан келаверарди. Кимдир адолат излаб борса, яна кимдир маслаҳат ёки йўл-йўриқ илинжида қадам босарди. Айримлар эса тириклиқ чоғидаёқ афсонавий шахсга айланган ушбу аёлни ўз кўзи билан кўришга ошиқарди.

Қурмонжон доддоҳнинг тақдирида ва унинг фаолиятида 1873 – 1876 йиллардаги ҳалқ ҳаракати алоҳида ўрин тутади. Ушбу ҳаракатнинг мудҳиш оқибатлари қирғизларнинг кейинги тақдирини белгилаб, уларни Россия империяси таркибига қўшиб юборди. Ушбу сиёсий жараёнда Қурмонжон доддоҳ ҳалқ билан бирга турди, унинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлди, оғир дамларда кишиларга тўғри йўл топишга кўмаклашди.

Маълумки, 1867 йилнинг 11 июлида маркази Тошкент шаҳри бўлган Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилади. 1868 йил 29 январь куни генерал-губернатор К.П. Кауф-

ман бошчилигидаги Туркистон ўлка ҳукумати билан Қўқон хонлиги ўртасида шартнома тузилади.⁸ Қўқон хонлиги XIX асрнинг бо-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб фақат Фарғона водийси билан чегараланиб қолади. Хонлик ҳазинаси эса Қирғизистон шимоли ва Қозоғистон жануби тобелиги пайтидаги-дек катта молиявий маблагни талаб қиласарди. Шундай бир шароитда Худоёрхон солиқ сиёсатини кучайтиради. Бу ҳалқ орасида, айниқса, қирғизлар ўртасида кескин қаршилики келтириб чиқарди.

Дастлаб Фарғона водийсининг турли бурчакларида майдада қўзголонлар юз бера бошлади. Улар орасида Олай водийси ғаллаёнларнинг асосий ўчоги бўлиб қолди. 1872 йили Олайдада: «Қалъани эгаллашди ва уни қўриқлаётган доддоҳ ўз сарбозлари билан кутилмаганда ҳужум уюштирган қирғизлар томонидан ўлдирилди», – деб ёзилади манбаларда.⁹ Бу ерда Қизилқўрғон ёки Сўпиқўрғон қалъалари ҳақида сўз кетаётган бўлиши мумкин. 1871 – 1872 йилларда рўй берган кичик қўзғлонлар кўплаб манбалар ва тадқиқотларда тилга олиб ўтилган.

Энг йирик ҳалқ ҳаракати эса 1873 йили бошланди. 1873 – 1876 йиллардаги исён тарихда «Ҳалқ ҳаракати», «Қўқон қўзғолони», «Пўлатхон қўзғолони», «Қурмонжон доддоҳ қўзғолони» номлари билан маълум. Сўнгги тадқиқотларда у иккита даврга ажратилади: 1) 1873 йилнинг баҳоридан 1874 йилнинг кузиғача; 2) 1875 йилнинг баҳоридан 1876 йилнинг охиригача.¹⁰

Қўзғолоннинг биринчи даври Фарғона кўчманчилари орасида Худоёрхонга қарши қаратилган ҳалқ ҳаракатидан бошланди. Қўқон хонлигининг ички ҳолатини кузатган К.П. Кауфман Қўқон хони буйруғи билан аҳолидан йиғиладиган оғир солиқтар ҳақида, ўлпончиларнинг очқўзлиги тўғрисида ёзади.

⁷ Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России (60 – 90 гг. XIX в.). – М., 1965. – С.311; Кененсарив Т. Кыргызстандын Орусияга қаратылыши. – Бишкек, 1997. – С.167.

⁸ Костенко Л. Экспедиция в Алайские горы // Русский инвалид. 1876. №239.

¹⁰ Карант.; Кененсарив Т. Кыргызстандын XIX қылымдын 50 – 70-жылдарындағы саясый онтууусу. – Бишкек, 2009. – С.204.



Буларнинг барчаси 1873 йили бошланган халқ қўзғолонларига сабаб бўлди.¹¹

Манбалар ва тадқиқотларга асосланган ҳолда халқ ҳаракати дастлабки даврининг тўртта ўчоғи мавжудлигини кузатиш мумкин. Кўзғолоннинг Олайдаги ўчоғи ҳақида қисқа-ча тўхтамоқчимиз. Март ойи охирида ўлпончиларнинг бу ерга келиб (ҳозирги Қадамжой, Новқат, Олай районлари худуди) аввалгига қарагандা уч ҳисса кўп солиқ тўлашни талаб қилишгани қўзғолоннинг Олайда алангланиб кетишига сабаб бўлди. Кўчманчилар солиқ йиғиб бериш учун уч кун муҳлат сўрашади. Бироқ ўлпончилар бу шартга кўнмай, аҳолидан керакли солиқни кечиктирмасдан, зудлик билан йиғишини талаб этишади. Бунга қадар ўлпончиларни қўриқлаб келган сарбозлар қаршилик кўрсатган бир неча кишини «гаров»га олиб, уларни «тинчтиш» учун Кўқонга олиб кетишини мўлжаллашган эди. Қирғизлар ёрдамга келишади: улар ўлпончилар бошлиги ва унинг тўрт нафар ёрдамчисини ўлдириб, йиғилган ўлпонни аҳолига қайтариб беришади. Ушбу тўқнашувда қўзғолончилардан 6 нафари ҳалок бўлади.

Афсуски, манбаларда ушбу воқеанинг аниқ жойи қўрсатилмаган. Фақат у Ўшнинг жанубида қирғизлар орасида ва Андижонда содир этилгани ёзилади. Ушбу ҳаракат Олайдан Боткентгача бўлган тоғли ҳудудларга тез тарқалади. Кўзғолонга қипчоқтарнинг қўшилиши йирик исённинг юзага келиш хавфини туғдиради. Манбаларда, шунингдек, қўзғолон раҳбарлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилмаган. Шу нарса маълумки, ўша пайтда Олайнинг энг обрўли ҳукмдори бўлган Қурмонжон доддоҳ дастлаб қўшилмаслик сиёсатини олиб боради. Бироқ ўша пайтда Ўш бегининг хизматида бўлган ўғли Абдуллабек ҳаракат бошланган пайтдаёқ қўзғолончиларга қўшилиб кетганди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўша пайтдаги қўзғолон хонликка қарши қаратилмаган. Чунки қирғизлар Фарғона водийсида истиқомат қилувчи ўзбеклар, тожиклар қатори хонликни миллий давлатчилик рамзи, кўрини-

ши сифатида эътироф этишган. Шунинг учун қўзғолоннинг асосий тифи, Россиянинг Ўрта Осиёга уюштирган ҳарбий босқинини маълум даражада оқлаш мақсадида бўлган рус ҳамда маҳаллий тарихчилар ёзганидек, давлат асосларига эмас, балки Худоёрхоннинг халқ-қа қарши сиёсатига қаратилган эди. Шунинг учун қирғиз, ўзбек ва бошқа миллат вакилларидан иборат кўплаб маҳаллий амалдорлар қирғизларнинг ичкилик қанотидаги бўстон уруғидан бўлган Исҳоқ Ҳасан ўғли Пўлатхоннинг (1842 – 1876) умумий раҳбарлигидаги қўзғолончилар сафига қўшилади. Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг кўплаб тадқиқотчilarи ушбу тарихий воқеага илгари ҳам, ҳозир ҳам шундай нуқтаи назардан ёндашишади.

Худоёрхон қўзғолонни бостириш учун сипоҳлардан иборат катта жазо отрядини юбориб, «юзлаб эмас, минглаб қирғизлар қа қипчоқларни қириб ташлаш» ҳақида буйруқ беради.¹²

Хоннинг жазо отряди келаётганини эшитган қирғизлар сипоҳлар йўлини тўсиб чиқишиади. Қирғизларнинг 20 мингга яқин оиласи ва қипчоқларнинг 10 минг оиласи қўрқувдан тоғнинг юкори қисмидаги Қирлик ва Ҳазрати Қашқар довон ҳудудига қочади. Кўзғолон тўхтамайди. Жазо отрядининг Кўқондан келган йўлбошчиси Абдураҳмон Офтобачи исёнчиларнинг талабини «тушунган одам» бўлиб, «қон тўкилмаслиги учун уларни хон билан келишиш»га чақиради. Кўзғолон келиб чиқсан барча ҳудудлар вакиллари Аҳсидаги Қутлуғ Саид Шер доддоҳ бошлигидаги 40 нафар қирғиз ва қипчоқ бийларидан иборат делегацияни музокара олиб бориш учун хон саройига юбориш ҳақида қарор чиқаришади. Бироқ Худоёрхон исёнчилар вакилларини ҳатто эшитишни ҳам истамайди, қайтага, уларнинг бошини олишни буюради.¹³

40 нафар бийнинг ваҳшиёна ўлдирилиши қўзғолончиларни баттар жунбишга келтиради. 1873 йилнинг июнида 10 минглаб қирғиз ва қипчоқ исёнчилари Фарғона пойтахтига қараб юришади. Кўплаб аҳоли пунктлари

12 ¹² Санкт-Петербургские ведомости. 1874. №268.

13 ¹³ ЦГА РУ. Ф.715. Оп.1. Д.58. Л.177.



уларнинг кўлига ўтади. Ўтроқ яшовчи аҳоли исёнчиларга хайрихоҳлик билдириса-да, ушбу ҳаракатнинг фаол қатнашчисига айланмайди. Бу воқеалардан сўнг Қурмонжон доддоҳга кутиб туриш учун ҳеч қандай баҳона қолмади. У ҳам ўғиллари билан қўзғолончиларга қўшилди. Қурмонжон доддоҳ бошқа қўзғолон ўчоқлари: Аҳси (Исҳоқ Ҳасан ўғли Пўлатхон), Икки сув ораси (Мамир Мерган ўғли), Фарғонанинг жануби-гарби (Мамирбой, Ўрозали, Мулла Ашир) билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қилди. Агар бунинг үддасидан чиқса, уларнинг ҳаракатини бир жойдан туриб бошқаришни режалаشتирганди.

Кўзғолончилар тезда Ўш, Аравон, Учқўргон, Булоқбоши, Наманган, Чуст, Андижон, Сўх ва бошқа шаҳар-қишлоқларни эгаллаб олишди. Уларнинг аҳолиси исёнчиларга қўшилди, маҳаллий беклар эса қочишни ихтиёр қилишди. Қўзғолоннинг кенг авж олиши хон қўшинлари орасида саросима келтириб чиқарди. Руслар тасарруфида бўлган Хўжанд уезди бошлигининг ахборотида шундай ёзилади: «*Кўқонда яна қўзғолон бошланди. Барча қирғизлар ва қипчоклар хон зулмига қарши исён кўтаришиди. Кўқон армияси Андижонни тарк этди. Худоёрхоннинг қаерга яширганлиги номаълум*». ¹⁴

Кўзғолончилар йирик аҳоли пунктлари ва шаҳарларни эгаллаб, маълум натижага эришган бўлсалар-да, улар 1873 йилнинг кузида Абдураҳмон Офтобачи бошлилигидаги хон қўшинларининг доимий босими остида тоқقا чекинишга мажбур бўлишди. Ўшнинг жанубий районлари, Андижон, Ботқент ва Олайни қамраб олган ушбу қўзғолоннинг негизи Олай қирғизлари эканлигини англаган Худоёрхон 1973 йилнинг кузида Олай тоғидаги қалъаларни мустаҳкамлашга киришди. Дараутқўроннинг коменданти Исмоил тўқсабога Кўқондан яхши қуролланган отлиқ қўшин юборилди. Уни мустаҳкамлаш катта аҳамиятга эга эди.

Фарғона водийсининг шарқий, шимоли-шарқий ва жануби-гарбий қисмларини эгаллаган халқ ҳаракати 1874 йили ҳам давом

¹⁴ ¹⁴ ЦГА РУ. Ф.1. Оп.34. Д.278. Л.26 – 30; ЦГА РУ. Ф.715. Оп.1. Д.58. Л.178 – 180.

этди. Қўзғолоннинг иккинчи босқичига Исҳоқ Ҳасан ўғли Пўлатхон раҳбарлик қилди. Абдимўмин, Мамир, Мамирбой, Ўрозали, Мулла Ашир, Саранчи бий ва бошқалар қаторида Абдуллабек Алимқул ўғли ҳам бор эди. У Пўлатхоннинг яқин сафдоши сифатида қўзғолон тугагуница (1876 йилнинг ёзигача) исёнчиларнинг олдинги сафида бўлди. Қурмонжон доддоҳ эса Олайда туриб воқеаларни кузатди, қўзғолончиларнинг бошлиқларига ўз маслаҳатлари ва йўл-йўриқларини бериб борди. Кўплаб манбалар ва фольклор материаллари ана шундан шоҳидлик беради.

Хон сиёсатига қарши қаратилган халқ қўзғолоннинг иккинчи даври (1875 – 1876) босқинчиларга қарши ҳаракатга айланиб кетди. Ушбу қўзғолоннинг мақсади Худоёрхонни тахтдан тушириб, унинг ўрнигаadolatli хонни ўтқазиш эди. Ушбу мақсадга эришилди ҳам. Халқ сайлаган Исҳоқ Ҳасан ўғли икки марта Кўқон хони деб эълон қилинди (1873 йилнинг баҳорида Сафед булоқ, Аҳсида ¹⁵ ва 1875 йилнинг 27 сентябрида Андижондан узоқ бўлмаган Бўтақора қишлоғида) ¹⁶.

1875 йилнинг июлида Худоёрхоннинг руслар томонга қочишидан ва шу йилнинг август ойида рус армиясининг Кўқонга бошлаган ҳужумидан сўнг қўзғолончилар рус босқинчиларига қарши кураш олиб боришига тўғри келди. Шу тарзда бу Фарғона халқининг Россия империясига қарши қаратилган миллий озодлик ҳаракатига айланиб кетди. Фарғона водийсида истиқомат қилувчи ўзбеклар ва қирғизлар ушбу ҳаракатнинг асосий йўналтирувчи кучига айланди. Унинг кўлами шу қадар кенг эдики, буни фақат қирғизлар ҳақидагина келтирилган битта манбадан ҳис этиш мумкин. Бироз аввал, яъни 1873 йилнинг ноябрида Хўжанд уезди бошлиғи барон

¹⁵ ¹⁵ Азиз бин Мухаммад Риза Маргинани. Таснифи Гариф. Рукопись института Востоковедение Академии наук Узбекистана. – С.115. Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. – Ташкент, 1973. – С.78, 282.

¹⁶ ¹⁶ Корытев Н.П. Самозванец Пулат-хан // Ежегодник Ферганской области за 1902 г. – Новый Маргелан, 1903. №1. – С.26; Галузо П.Г. Национально-освободительное движение в Средней Азии // Революция в Средней Азии. – Ташкент, 1926. Вып.2. – С.111; Кененсариеv Т. Қыргызстандын XIX кылымдын 50 – 70-жылдарындағы саясый онтугуусу. – Бишкек, 2009. – С.263.



Р.И.Нольде номига құзғолончилардан хат келіб тушади. Унда ушбу құзғолонда қирғиз ва қипчоқларга мансуб 42 та уруғ ёки 132500 та оила қатнашаёттандырылған мәдениеттегі маңыздылықтың қорының қалыптасуынан көрсеткіштіктердің бірі болып саналады. Агар ұлттың қызынан 42 та оила (тутун) үртатача 4-5 кишиден иборат бўлганида, құзғолончиларнинг умумий сони 530 – 650 минг кишига етади.¹⁷ Бизнингча, бу ерда бироз ошириб юборилган. Чунки ўша пайтда бутун Фарғона вадийиси бўйича шунча қирғиз ва қипчоқ яшамаган. Аслида, бунга турклар, ўзбеклар, чалақозоқлар, қорақалпоқлар ва бошқа ярим кўчманчи ҳаёт тарзи кечирадиган миллатлар ҳам киритилган бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, келтирилган маълумотлар ушбу ҳаракатнинг кўлами нақадар кенг бўлганлигини кўрсатади.

Қурмонжон доддохнинг ўғиллари рус жазо қўшинлари билан бўлган барча йирик жангларда иштирок этишади (Маҳрам, Қўқон 1875 йил август, Марғилон, Асака, Ўш, Ўзган сентябрь, Андижон октябрь, Наманган ноябрь, иккинчи бор Андижон, Асака, Учқўргон январь). Пўлатхон томонидан Қўқон шахри коменданти (беги) этиб тайинланган Абдуллабек 1875 йилнинг октябрیدан 1876 йилнинг январь ойи охиригача шаҳарни Худоёрхоннинг ўғли Насриддинбек қўшини ҳужумларидан ҳимоя қилғанлиги ҳақида маълумотлар бор. К.П.Кауфман Насриддинбекни вақтингчалик таҳт меросхўри деб ҳисобларди.¹⁸ Абдуллабек зо январь куни шаҳарни ташлаб чиқади ва Асака, Марғилон шаҳарларида рус жазо отрядидан енгилган Пўлатхон қўшинининг қолган қисмига бориб қўшилади. Февраль ойи бошида Пўлатхон Олай тоғларига қочади. Абдуллабек эса яна қўшин тўплаб босқинчиларга қарши курашиб мақсадида ўз қишлоғига кетади.

Қўқон хонлиги 1876 йилнинг 19 февралидә давлат сифатида тугатилди. Айнан шу куни подшо Александр II нинг Россия таҳтига ўтирганлигининг 22 йиллиги муносабати билан хонликни тугатиш ва унинг ўрнида Тур-

¹⁷ Плюсских В.М. Киргизы и Кокандское ханство. – Фрунзе, 1977. – С.312.

¹⁸ ЦГА РУЗ. Ф.715. Оп.1. Д.66. Л.213 – 214; Кененсариев Т. Кыргызстандын XIX қылымдан 50 – 70-жылдарындагы саясий онгууусу. – Бишкек, 2009. – С.304.

кистон генерал-губернаторлигининг Фарғона вилоятини ташкил этиш тўғрисидаги фармони имзоланади.¹⁹ Тақдир тақозоси билан айнан шу куни Исҳоқ Ҳасан ўғли Пўлатхон Олай тоғларидаги қўлга туширилади.

Олай ва Ўшда нотинчлик ҳукм сурарди. Абдуллабек Пўлатхоннинг қатл маросимида қатнаша олмади. Ушбу қатл 1876 йилнинг 1 марта Марғилонда қўпчиликнинг кўз ўнгидаги ижро этилди.

Қон тўкиш эвазига Қўқон хонлигини эгаллаган М.Д.Скобелев 1876 йилнинг 2 марта расмий равишда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори вазифасини бажара бошлади. У биринчи кунданоқ ҳалқни тинчлантиришга ва қатъий интизом ўрнатишга киришди. Асосий вазифаси эса Қурмонжон доддоҳ ўз ўғиллари билан фаол қатнашган қўзғолоннинг асосий ўчоғини йўқ қилишдан иборат бўлган. Скобелев 23 февраль куни Г.А.Колпаковскийни Ўшни «бостириш» учун юборади. Ўшда Пўлатхоннинг сафдошлари йиғилган бўлиб, шаҳарнинг ён-атрофида яшовчи аҳоли русларга қарши кайфиятда эди. Уларнинг биринчи қаторида Қурмонжон доддоҳнинг ўзи, ўғиллари Абдуллабек, Асанбек, Пўлатхоннинг яқин кишиси Валихон Тўра, шунингдек, қирғиз бийлари Ўмирбек, Сулаймон турарди. Кичик тўқнашувлардан сўнг Абдуллабек кучлари Гулчада тўпланди. Шу тарзда Қурмонжон доддоҳнинг ёзги қароргоҳи қўзғолон штабига айланди.²⁰

Февраль – март ойларида Ўзган, Гулча атрофида ҳамда Олай тоғларидаги маҳаллий аҳамиятта эга тўқнашувлар содир бўлди. Абдуллабек иккита жазо отрядини мағлуб этишга эришди. Уларни рус ҳукумати хизматига ўтган беклар – Бекжон ва Саримсоқхўжа бошқаряётган эди. М.Д.Скобелев ушбу жазо отрядларининг тор-мор қилингандығы ҳақидаги хабарни Ўшга келган пайтда эшитади.

Абдуллабек, Валихон тўра, Ўмирбек, Сулаймон удайчи, Таниқул понсад ва бошқалар

¹⁹ ЦГИА РФ. Ф.1291. Оп.82. Д.3. Л.1 – 2; ЦГВИА РФ. Ф. ВУА. Оп.1. Д.6886. Л.30 – 31.

²⁰ Омурзакова Т. Курманжан датка: Доор. Инсан. Ишмердуулук. – Бишкек, 2002. – С.121.



адигей, ўлжүк, күкча, сарт уруғларидан иборат 1,5 минг нафарга яқин ҳимоячиларни тўпладб, Ғулчадан 25 чақирим жанубда жойлашган Жанириқ дарасида ҳимоя учун қулай жой танлашади. Улар бу ерда уч қатор тошқўргон билан тўсилган қалъя барпо этишади. Пастки дарадаги лагерда Қурмонжон доддоҳ жойлашган эди. Абдуллабек қўшини биронта тўп ёки қуролга эга бўлмаган. Пилта милтиқлар ҳам етишмасди. Ана шу сабабли ҳимоячилар асосан қилич, ойболта, найза ва чўқморлар билан қуроллантирилган.

Бўйсунмас қирғизларни Жанириқ дарасида узил-кесил тор-мор келтиришни мақсад қилган М.Д.Скобелев кучли отряд тайёрлайди. Жанг 25 апрелда бошланиб, куни бўйи давом этади. М.Д.Скобелев қалъани жанг билан олиши буюради. Дастреб ҳимоя қалъаси эгалланади. Штурм билан иккинчи ва учинчи тўсиқлар ҳам йўқ қилинади. 150 нафарга яқин одамини йўқотган ҳимоячилар сел бўлиб ёғилаётган ўқларга дош беролмай чекинишга мажбур бўлишади. Аммо ҳеч ким таслим бўлмайди. Манбаларга қараганда, бор-йўғи 3-4 киши асир тушибди, улар ҳам оғир ярадор эди. ²¹

Жанириқ дарасида бўлган жангдаги мағлубият Олай қирғизларига кучли таъсир кўрсатди. Абдуллабек эса ушбу жангдан қейин ҳам тек туролмади. Яқин кишилари билан баланд тоғли Қизилорт ва Кўксув яйловларига яшириниб, май ойи охирида Қорагулжа ва Ўзган томонларга қараб юради. Кичик гуруҳларга бўлинган ҳимоячилар Олай тоғларининг у ербу ерида учраб турарди. Абдуллабек қўшини июль ойининг биринчи ярмида 2 минг чақиримдан ортиқ йўл босиб ўтди. Уларга Пўлатхоннинг яқин сафдошларидан бири, ўтрок ҳолда яшовчи Фарғона аҳолисининг пешвоси Абдукаримбек келиб қўшилади. М.Д.Скобелев Олай ҳимоячиларини узил-кесил тугатиш учун генерал-губернатор К.П.Кауфманнинг розилиги билан «Олай ҳарбий-илмий экспедицияси»ни тайёрлайди. Ушбу экспедиция зиммасига Олай тоғ ёнбағирларидаги фойдали қазилмаларни излаб топиш, зарур ҳарбий-

стратегик маълумотларни тўплаш вазифаси юклатилади. Бироқ унинг асосий вазифаси қаршилик кўрсатиш ўченини узил-кесил йўқ қилишдан иборат эди. Разведка ишларини юритиш ва ҳимоячилар билан музокаралар олиб бориш учун хонликнинг шимолидан Шабдон Жонтой ўғли ўз йигитлари билан таклиф қилинади.

М.Д.Скобелев экспедиция иш бошламасидан аввал, яъни 21 июль куни Абдуллабекка Шабдон Абдураҳмон орқали хат юборади. Хатда унинг таслим бўлиши ҳақида шарт қўйилган эди. ²² Генерал бир пайтнинг ўзида Олай қирғизларига нома тарқаттиради. Унда кимда-ким бўйсунишни истаса, қўзғолончиларни ушлашга кўмаклашса, оқ подшо томонидан унинг авф этилиши маълум қилинганди. Ҳарбийлар, олимлар, топографлар ва маҳаллий аҳоли вакилларидан иборат экспедиция Олайга 22 июлда жўнаб кетган бўлса, генерал-губернаторнинг экспедиция ташкил қилиш ҳақидаги буйруги анча кечикиб – 26 июль куни чиқади.

Олай экспедицияси уч йўналиш бўйлаб ҳаракатланади. Биринчи гуруҳ полковник Витгенштейн бошчилигида Попон, Шот, Турук довони бўйлаб ҳаракат қиласди. Иккинчи гуруҳ подполковник Вардер ва капитан А.Н.Куропаткин раҳбарлигига Учқўргон ва Исфайрам йўналиши бўйлаб боради. Асосий, учинчи гуруҳ эса М.Д.Скобелев ва М.Е.Ионов бошчилигида Ўш – Ғулча – Сўпикўргон йўналиши бўйича Чўнг Олай томонга йўл олади. Ҳар уч гуруҳнинг Чўнг Олайда учрашиши режалаштирилади. Жазо амалиётининг қандай кечишига қараб кейинги тадбирлар белгилаб олиниши керак эди. Ҳар бир гуруҳга йўл кўрсатувчи сифатида маҳаллий аҳоли вакиллари киритилади. Масалан, таниқли Шабдон ботир 40 нафар йигити билан М.Д.Скобелев гуруҳида бўлган.

Скобелев 26 июль куни Сўпикўргонга етиб борган пайтда Абдуллабекнинг укаси Асанбек унга акасининг жавоб хатини топширади. Унинг ҳамроҳлари орасида М.Д.Скобелев томонидан 21 июнь куни хат билан Абдул-

²¹ 1876 йил 25 апрелда Жанириқ дарасидаги жангларнинг бориши ҳақида маълумот. Қаранг.: ЦГВИАР. Ф.1396. Оп.2. Д.97. Л.56 – 64.

²² ЦГВИАР. Ф.1396. Оп.2. Д.97. Л.154.



лабекка юборган Шабдон Абдураҳмоннинг кичик укаси йўқ эди. Афтидан, Абдуллабек уни гаров сифатида олиб қолган. Абдуллабек ўз хатида генералга «миннатдорчиллик» билдиради, аммо оқ подшога бўйсунишни истамаслигини маълум қиласди. Шунингдек, ўз номасида босқинчилик сиёсатини амалга ошириш учун авом халқни алдаганлиқда айблаб, сўнгти қони қолгунча русларга қарши курашишга тайёр эканлиги ҳақида ёзади. Хатнинг охирида шундай жумлалар бор эди: «...Агар Сиз тинчликни хоҳласангиз ва берган ваъдаларингизнинг бажарилишини истасангиз бу ишни Шабдон ботирга топширинг, биз унга розилик билдирамиз. Шабдон қандай ўйлаган бўлса, шундай бўла қолсин. Тўғриси, бу ўзингизга ҳавола. Яна бир гап: агар Шабдонни Ўш уездидага қолдирсангиз, у бу ерда тинчлик ўрната олади деб ўйлаймиз». ²³

Хатнинг мазмуни Абдуллабекнинг дипломатик қобилиятини, билимини тасдиқлаб турибди. Табиатан мағрур, тўғрисўз ва соғ қалб эгаси бўлган Абдуллабек мавжуд ҳолатни тўғри баҳолай олди. Мағлубиятга учраши аниқ бўла туриб ўз халқининг келажагини ўйлади.

М.Д.Скобелев Абдуллабекка сўзсиз таслим бўлишини талаб қилиб яна хат ёзади. Бироқ Абдуллабек 31 июлда ўз одамлари билан Чўнгсув дарёси орқали Қашқарга ўтиб кетади.

М.Д.Скобелевнинг Олай қирғизларига йўллаган чақириғи тоғлиқ аҳолига деярли таъсир кўрсатмади. Улар Абдуллабекни ушлаб беришни ҳатто хаёлларига ҳам келтиришмади.

Қурмонжон доддоҳ июнь воқеалари пайтида Қашқарга ўтиб кетганди. Бироқ у ерда тинч яшай олмади. Қашқар амири Ёқуббек (1877 йилнинг июнида вафот этган) Қурмонжон доддоҳнинг ўз ҳудудида бўлишини унчалик хушламайди. Шунинг учун Қурмонжон доддоҳ талон-торож қилинган шахсий чорваси ва буюмларини олиб ўз яқинлари билан яна Олайга кўчиб келади. Бу ерда «Олай экспедицияси» ҳаракат қилаётганини эшигтгач Афғонистоннинг Помирига йўл олади.

Генерал Скобелев гуруҳида фаолият юрит-

²³ ЦГВИАР. Ф.1396. Оп.2. Д.97. Л.154.

ган майор М.Е.Ионов 29 июль куни Қурмонжон доддоҳнинг изидан бориб, уни деярли асир туширади. Қурмонжон М.Е.Ионовнинг генерал М.Д.Скобелев билан учрашиш ҳақидаги тақлифига рози бўлади. Шундай қилиб, у кенжа ўғли Қамчибек, невараси Мирзапаёзни ёнига олиб, бийлар ҳамроҳлигига Чўнг Олайнинг Арчали ҳудудида турган М.Д.Скобелев лагерига тушиб келади.

Генерал М.Д.Скобелев Қурмонжон доддоҳнинг келиши муносабати билан катта дастурхон ёзади. Доддоҳ асир ҳолатида бўлишига қарамай, обрўсида туради. Ўзининг доно сўзлари билан генерални шунчалик ҳайратга соладики, М.Д.Скобелев рус ҳукуматига юборган рапортида Қурмонжонни «Олай маликаси» сифатида таърифлайди. Музокаралардан сўнг Қурмонжон доддоҳ рус ҳукуматига бўйсунишини билдириб, ўғилларини қайтаришга ва олайликларни рус қарамлигига ўтишга кўндиришга розилик билдиради. Генерал маросимдан сўнг Қурмонжон доддоҳга олтин суви юритилган идиш совға қилиб, унга парчадан тикилган тўн кийдиради.


Қурмонжон пешонага битилган тақдирни ўзгартириб бўлмаслигини яхши тушунарди. Россия билан курашиш энди бефойдалигини англаб, рус тобелигини қабул қиласди. Абдуллабекка қайтишини сўраб хат йўллайди. Бироқ Асанбек билан Мамитбек қайтади, холос. Абдуллабек эса бўйсунишдан қатъий бош тортади. Маълум вақт ўтгач Афғонистон Помирига қочиб ўтади ва 1876 йилнинг кузида Кобулдан Маккага кетаётган пайтда йўлда вафот этади.

«Олай ҳарбий-илмий экспедицияси» Россия томонидан Фарғона водийсини бўйсундиришнинг сўнгги босқичи бўлди. Шу билан чор Россияси Жанубий Қирғизистонни тўла эгаллади. Унча аниқ бўлмаган маълумотларга кўра, Олай қирғизларининг 17380 та оиласи рус тобелигини қабул қиласди. Улар ҳисобига Гулча, Оқбура, Новқат волостлари ташкил қилиниб Ўш уездидаги таркибига киритилган.


*(Мақоланинг бу қисми рус тилидан
Абдураҳмон Исҳоқов таржимасида берилди).*



Ўиҳдаги таҳти Сулаймон масжидидаги А.Е.Снесарев, унинг
йўлдоши инглиз А.Гамилтон ва рафиқаси Евгения Зайцева.
А.Гамилтон фотоси, Снесарёвлар оиласи архивидан



Ўиҳдаги Тахти Сулаймоннинг умумий манзараси.
Снесарёвлар оиласи архивидан.



А.Е.Снесаревнинг Туркестондан кетиши. 1904 йил ноябрь.

Бу ноёб тарихий суратларни биз Москвага қилган илмий сафаримизда Россия Фанлар академияси Россия тарихи институти китоб магазинидан харид қилинган ва 2015 йили Санкт-Петербургдаги Нестор-История нашриётида нашр этилган М.К.Басхановнинг «У ворот Английского могущества. А.Е.Снесарев в Туркестане 1899 – 1904» номли китобидан кўчириб бермоқдамиз.

Таҳририят



ЖҮРАБЕК ТҮРАБЕКОВ

Ўзбекистон Коммунистик (большевиклар) партияси Марказий Комитети котиби Акмал Икромовнинг И.В.Сталин, В.М.Молотовга 1937 йил 15 июля Тошкентдан йўллаган 1263/ш-сонли шифр телеграммасида барча ўзбек ходимларини текшириб чиқиб, Ўзбекистон халқ комиссарлари совети раиси бўлиши мумкин бўлган икки ўртоқни танлаб олдик, уларни партиямизга ва унинг сталинча Марказий Комитетига сўзсиз садоқатли деб ҳисоблаймиз деб ёзилган: «Биринчи номзод ўртоқ Болтабоев (Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг учинчи котиби), 1927 йилгача ишлаб чиқаришда меҳнат қилган, давлат ишида тажрибага эга, бир йил округ ижрокоми раиси бўлган, икки йил Марказий контрол комиссияси раиси ва Ишчи-дехқон инспекцияси халқ комиссари ҳамда сўнгти уч йилда Тошкент шаҳар партия комитетининг котиби бўлган.

Иккинчи номзод ўртоқ **Тўрабеков**. У ҳам 1925 йилдан раҳбарлик ишларида – бир йил окружком котиби бўлиб ишлаган, 1931 йилдан 1934 йилгача Ўзбекистон Марказий контрол комиссияси раиси, бир йил Москвада ўқиган, яқинда Тошкентта қайтган...

Ўртоқ Тўрабеков жуда саводли, бироқ қизиқон ва у салобатли бўлишни ўрганиши лозим».

Ушбу хатни олган Сталин СССР ички ишлар халқ комиссари Н.И.Ежовга Ўзбекистон раҳбариятида ўзгариш қилиш тўғрисида кўрсатма беради. Н.И.Ежов 1937 йил 17 июля Тошкентга ички ишлар халқ комиссари Н.А.Загвоздинга мана бу телеграммани йўллади: «Зудлик билан ҳар томонлама учинчи котиб Болтабоевни ҳамда Марказий контрол комиссияси раиси Тўрабековни текширинг. Қатъиян текширилган ва аниқланган барча материалларни ўртоқ Сталинга хабар қилиши учун шошилинч менга юборинг. Материалларни тўплаш, текшириб чиқишини қатъиян маҳфий тартибда амалга оширинг».

И.В.Сталин 1937 йил 2 авгуустдаги 1167-сонли шифр телеграммани Тошкентга Ўзбекистон КП Марказий Комитетига йўллади. Жумладан, унда Тўрабековни Халқ комиссарлари

совети раислигига кўтаришга уриниб кўринг дейилган.¹

Сталин, Акмал Икромов, Николай Ежов назаридаги бўлган бу миллий арбобнинг ҳаёт ўюли, тақдири ҳар бир юртдошимизни қизиқтириши табиийдир. Унинг раҳбарлик фаолияти асосий саналари интернетда қўйидагича таърифланган. Уни айнан келтирамиз:

«ТЮРАБЕКОВ (ТЮРЯБЕКОВ) Джура Ходжабекович (1897 – 1938) узбек. Окончил 3-месячные курсы политграмоты (1921).

Член Компартии с апреля 1919. С 16 лет работал по найму. В 1919 – 1920 г. чернорабочий на железной дороге г. Ходжент. В 1921 – 1922 г. организатор союза бедноты «Кошиб», зав. отделом пропаганды Костокозского райкома ВКП(б), волостной заготовитель. В 1923 г. районный продовольственный инспектор, парторганизатор райкома партии. В 10.1924 – ? зав. административным отделом Ходжентского уездного исполнкома и, одновременно, ответственный секретарь Ходжентской старо-городской партиячайки. В ? – 02.1927 г. член партколлегии Самаркандинской областной Контрольной комиссии. В 02.1927 – 03.1929 г. пред. Ходжентской окружной КК-Рабоче-крестьянской инспекции. В 07.1929 – 07.1930 г. ответ. секретарь Андижанского окружкома ВКП(б).

С 22 июля 1930 г. зав. Распределительным отделом ЦК КПУ. 21 марта – 4 июня 1934 г. зав. отделом руководящих парторганов ЦК КПУ (отозван с работы в СНК). С 4 июня 1934 г. зав. отделом советско-торговых и финансовых органов ЦК КПУ.

28 июля 1937 г. утвержден бюро ЦК КПУ 1-м заместителем пред-ля СНК Узбекистана. 2 августа 1937 г. утвержден бюро ЦК КПУ председателем СНК Узбекистана. 5 сентября 1937 г. решением бюро ЦК КПУ на него временно возложены обязанности секретаря ЦК КПУ. (фактически исполнял обязанности первого секретаря ЦК КПУ после арестов А.Икрамова и Цехера.)

23 ноября 1937 г. решением бюро ЦК КПУ «вы-

¹ Қатағон қурбонлари (1938 йил февраль – сентябрь). Бешинчи китоб / Масъул мухаррир Р.Т.Шамсутдинов, тузувчилар Р.Шамсутдинов, X.Қурбонов, Ж.Расулов, У.Бекимметов. – Тошкент: Шарқ, 2009. – Б.з – 5.



вести из пленума ЦК и из партии, как разоблаченного врага народа».

28 марта 1938 г. Сталин, Молотов, Каганович, Жданов, Ворошилов утвердили представленный НКВД СССР «Список лиц, подлежащих суду Военной коллегии Верховного Суда СССР по Узбекской ССР», санкционировав наказание по 1-й категории, т.е. расстрел (он в этом списке №119). Член ЦК КПУ (с 03.1929)».²

2016 йил 8 сентябрда Москва шахрининг Большая Дмитровка кўчаси 15-уйда, 5 қаватлик кўркам бинода собиқ КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти қошидаги марказий партия архиви, ҳозирги Российский Государственный архив социально-политической истории – РГАСПИда сақланаётган ВКП(б) Марказий Комитети Ўрга Осиё бюроси фондининг тўртингчи рўйхатидаги 696-сонли ишда Жўра Тўрабековнинг 1923 йил сентябрда ёзилган автобиографияси, шахсий варақаси, 1925 йил 15 марта унга берилган тавсифнома³ билан танишдик.

Жўра Тўрабеков 1897 йили Самарқанд области Хўжанд уездидан ишчи оиласида туғилган, ўзбек, 16 ёшгача отаси қарамогида бўлган, сўнгра 1921 йилгача темир йўлда ишчи сифатида меҳнат қилган, шу соҳа бўйича курсларда ўқиган, кейинчалик «Кўшчи» уюшмасида ташкилотчи сифатида 1922 йилгача фаолият кўрсатган, 1923 йилдан партия ташкилотчиси лавозимида хизмат қилган, мусулмон мактабида ўқиган. 1919 йили партия сафига ўтган, 1917 йил февраль инқилобигача ҳеч қандай жамоат уюшмаларида иштирок этмаган, судланмаган, қамоқ-қа олинмаган. 362877-сонли шахсий варавада ижтимоий аҳволи ишчи, 1914 йилгача ўқиган, кейинчалик қора ишчи бўлганлиги, з ойлик сиёсий маълумот курсини тутатгани, 1919 йил 1 апрелда Хўжанд станцияси вокзали партия ташкилотида партияга қабул қилингани, шундан сўнг 1922 йилгача Хўжанд уезди Костакўз райони партия комитетида пропаганда бўлимнинг мудири, Кўшчи союзи ташкилотчиси, 1923 йилдан шу волост партия ташкилотида ташкилотчи лавозимида ишлагани, 1922 йил 16 июнидан Хўжанд уезд-шаҳар партия комитети ташкилий бўлим мудири, 1924 йил октябр-

дан Хўжанд уезди ижроия комитети маъмурий бўлими мудири, Хўжанд Эски шаҳар партия комитетининг масъул котиби бўлгани айтилади. 1924 йил октябрдан Хўжанд уезд партия комитети маъмурий бўлим мудири вазифасида хизмат қилган. Хўжанд уезд-шаҳар партия комитети масъул котиби томонидан 1925 йил 15 мартаидан Жўра Тўрабековга берилган тавсияномада шундай ёзилган: «Ўртоқ Тўрабеков ишчи оиласидан чиққан, маъмурий ишларни ҳозирча тўла ўзлаштирганича йўқ, яқинда волост кўламидаги хизмат вазифасидан озод қилинган. Уезд кўламида амалий иш олиб бориш учун ўқиши зарур, сиёсий жиҳатдан кам саводли, сиёсий жиҳатдан чиниқсанлиги кўриниб турибди, большевизмдан оғиб кетиш хавфи йўқ, ташкилотчилик қобилиятига эга».

1927 йил 16 февралдаги партия конференциясида Жўра Тўрабеков Самарқанд област партия комитети контрол комиссияси раиси, 1929 йил мартаидан Ишчи контрол комиссияси вакили ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, 1930 йил июлигача Андижон округ партия комитетининг масъул котиби лавозимида самарали меҳнат қилган. Кейинги раҳбарлик фаолияти интернет маълумотларида келтирилган боис такрорлашни лозим кўрмадик.

Москванинг Любянка майдонига яқин жойда жойлашган Россия Федерацияси Федерал хавфсизлик хизмати марказий архивида биз танишган ҳужжатда СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат хавфсизлиги бошқармаси 8-бўлим бошлиғи, давлат хавфсизлиги катта майори Цесарский имзоси билан сиёсий бўро аъзоларига танишиб чиқиб, тасдиқлаш учун СССР Олий суди ҳарбий коллегияси судида кўриб чиқиладиган шахслар рўйхати Ўзбекистондан биринчи категория бўйича 155 киши, иккинчи категория бўйича 10 киши келтирилган. 1938 йил 28 март санаси кўйилган бу рўйхатга И.В.Сталин, В.М.Молотов, Л.М.Каганович, К.Е.Ворошилов, А.А.Жданов имзо чекканлар. Мазкур рўйхат ҳозирда Россия Федерацияси Президенти архивида сақланаётган 383 рўйхатдан биридир. Рўйхатда ўзбекистонлик 165 кишининг фақат исми ва фамилияси кўрсатилган, холос. Ана шу рўйхатдагилардан бири 119 рақам остидаги Жўра Тўрабековдир.

² [www centrasia ru/person2.php?st=1097228599](http://www centrasia ru/person2 php?st=1097228599)

³ 3 РИСТДА. Ф.62. Оп.4. Д.696. Л.283, 286, 287, 288.



АБДУҚОДИР ЎРОЗБЕКОВ

Қардош Қирғизистоннинг биринчи Президенти, забардаст олим Асқар Ақаевнинг «Қирғиз давлатчилиги ва «Манас» халқ эпоси» асарида қирғиз давлатчилиги тарихида муайян ўрин туттган сиймолар қаторида Фарғона водийси фарзанди Абдуқодир Ўрозбековнинг ҳам номи қайд этилган. Жумладан, асарда мана бу сатрлар бор: «1924 йили қирғиз автономияси эълон қилингач вазият тубдан ўзгарди. Ўш ўшандада йирик округнинг маркази, 1939 йилдан ҳозиргacha Ўш вилоятининг маркази бўлиб қолди. Бу ерда кўпчиликка маълум қирғиз сиёсий ва давлат арбоблари Абдуқодир Ўрозбеков, Тўрабой Қулатов ва Ишҳоқ Рассоқовлар дунёга келди».¹

Марғилон уезди Охна қишлоғида таваллуд топган қирғиз миллатаға мансуб, касби новвой бўлган Абдуқодир Ўрозбеков чор Россиясининг мустамлакачилик истибдодига қарши фаол курашчилардан бири эди. Подшо салтанати қулагач аввал муваққат ҳукumat, кейинчалик советлар ҳокимияти учун хизмат қилиб, пировардида большевиклар амалга оширган сиёсий қатагон қурбони бўлган бу инсон катта ҳаёт йўлини босиб ўтган. Ахир у 10 йил давомида Қирғизистон давлати раҳбари сифатида фаолият кўрсатган эди. 1927 йил 7 март кечасида Советлар саройи мажлислар залида Абдуқодир Ўрозбеков тантанали равишда Қирғизистон Автоном Совет Социалистик Республикаси Советларининг биринчи таъсис қурултойини очган. Сўнгра Фатъянов Қирғиз автоном обlastини Қирғиз Автоном Совет Социалистик Республикасига ўзгартирганлиги тўғрисидаги декларацияни эълон қиласди. Қурултойда Абдуқодир Ўрозбеков бир овоздан Қирғизистон АССР Марказий Ижроия Комитетининг раиси этиб сайланади. Ўша йили 10 ноябрдан 13 ноябргача Жалолобод шаҳрида Марказий Ижроия Комитетининг иккинчи сессиясини А.Ўрозбеков очади. Сессия бежиз чақирилма-

ган эди. Қирғизистоннинг жанубида ер-сув ислоҳотини ўтказиш, республика ҳукумати фаолияти ҳақидаги ҳисбот, бюджет, жорий ишларни кўриб чиқиши масалалари кенг кўрилган. 27 ноябрда Қирғизистон МИҚ ва Халқ комиссарлари совети «Ер-сув ислоҳоти тўғрисида» декларация қабул қиласди. Унга кўра, 1927/1928 хўжалик йилида Ўш ва Жалолобод кантонларида ер-сув ислоҳоти амалга оширилди. 1928 йил 13 март ҳолатига кўра, республика аҳолиси қирғизлардан ташқари 116436 нафар руслар, 109746 нафар ўзбеклар, 64128 нафар украинлар, 8063 нафар уйғурлар, 6004 нафар дунгандар, 4902 нафар татарлар, 4994 нафар немислар, 2589 нафар сартқалмиқлар, 2667 нафар тоҷиклар, 1766 нафар қозоқлардан иборат эди.²

Қаттол тузум сабаб минглаб бошқа кишилар қатори омма етакчиси, халқ ҳурмат-эҳтиромини қозонган Абдуқодир Ўрозбеков ҳам пировардида 1937 – 1938 йиллардаги мудҳиш «Қулоқлар операцияси», «Катта террор»нинг

қурбони бўлган. Унга қарши 20-йиллар охири – 30-йиллар бошида ёқ фитначилик сиёсати ва амалиёти қўлланилган. ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Ўрта Осиё бюросининг раиси, яхудий миллатига мансуб Исаак Израилович Зеленский бошқа миллий арбобларга қарши сиёсий фитначилик қилишда, миллий кадрларни бир-бирига қайрашда, миллатлараро низолар түғдиришда устаси фаранг эканлиги мана ҳозирда маълум бўлмоқда. Абдуқодир Ўрозбеков қирғиз халқининг оқсоқоли сифатида, Йўлдош Охунбоев эса ўзбек халқининг оқсоқоли сифатида кенг халқ орасида танилган сиймолардан эди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам Марғилондан эди. Подшоҳлик Россияси даврида ҳам улар бир-бirlарини яхши билишган, ўзаро фикрдош, маслақдош бўлишган. Уларнинг яқинлиги ҳар

¹ Ақаев А. Қирғиз давлатчилиги ва «Манас» халқ эпоси. – Бишкек, 2003. – Б.487.

² К вопросу государственного строительства советского Кыргызстана 1924 – 1937 гг. Сборник документов. – Фрунзе: Кыргызстан, 1974. – С.144 – 165.



Абдуқодир Ўрозбеков



Үш округи Аравонбура райони. 1932 йил август.

Үнгдан: 1. Йўлдош Охунбобоев. 2. Абдуқодир Ўрзебеков. 3. Михаил Иванович Ус (район ижрокоми раиси). 4. Жўрахон Зайнобиддинов (район ёшлар союзи раҳбари). 5. Шоир Маҳмуд Раҳмон. Колхозчилар, қишлоқ аҳли билан учрашганларидан сўнг бир тиёла чой устида сұхбат.

иккала қардош республикадаги ўзбеклар билан қирғизларнинг умумий манфаат йўлида ҳамжиҳат ишлашлари ва яшашлари учун асос бўлган эди. Йўлдош Охунбобоев Марғилонга қарашли з та қишлоқ, Абдуқодир Ўрзебеков Ўш округига қарашли Аравонбура районига қарашли з та қишлоқ мисолида социалистик мусобақа уюштиришган. Қишлоқлардаги колхозларни ҳар жиҳатдан ривожлантиришга қаратилган дастур зо банддан иборат бўлган. Мусобақа якунига бағишилаб маълум вақтда учрашувлар бўлиб, уларда мусобақа натижалари аниқланарди. Шундай йигилиш 1932 йил августида Ўш округи Аравонбура районидаги қишлоқлардан бирида ўтказилган. Ўша йигилиш манзараси фотомухбир томонидан суратга олинган. Улардан айриларини ҳавола қўлмоқдамиз. Расмларда Йўлдош Охунбобоев, Абдуқодир Ўрзебеков, район, қишлоқ фаолларидан бир гуруҳининг мусобақага бағишиланган умумий йигилиш, камтарона дастурхон устида ўтириши акс эттирилган.

Турли миллатларнинг мана шундай ўзаро алоқа ва ҳамкорлигини кўролмай, бундай тадбирларга сиёсий тус бериб, маҳаллийчилик, миллатчилик тамғаларини босиб, миллий кадрларни камситиш, хўрлаш, амалидан маҳрум этиш, ҳатто қатағон қилиш амалиёти қўлланилган. ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси раиси Исаак Абрамович Зеленский, кадрларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўлими мудири ўринбосари Исаев томонидан Фрунзе области ижрокоми раислигига берилган тавсифномада Абдуқодир Ўрзебеков ишчи оиласидан, новвой, русча ва қирғизча ўқиши ва ёзишини яхши билмаслиги, ҳозирда Қирғиз области ижрокоми раиси лавозимида ишлаётгани, бу лавозимдаги ишни уddyдалай олмаётгани, омма ўртасида обргуға эга эмаслиги, шахсий ҳаётда шуҳратпарастликка мойил экани кўрсатиб ўтилган.³



**ОТЗЫВ НА ПРЕДСЕДАТЕЛЯ ФРУНЗЕНСКОГО ОБЛИСПОЛКОМА
ТОВ. УРАЗБЕКОВА АБДУКАДЫРА**

Тов. Уразбеков Абдукадыр член партии с 1918 г. из рабочих, булочник, самоучка, может читать писать по русски и читать по киргизски, плохо развит. С 1918 г. на ответ. сов. работе в должностях: председателя райревкома, С.Х.Комитета, волревком, зав. окрзамотдела, ответ. секретарь окружкома. В настоящее время работает Председателем Киргизского облисполкома. На посту председателя Об.ИКа с работой справится не может и недостаточно авторитетен для масс, склонен к излишествам в личной жизни.

Председатель СРЕДАЗБЮРО ЦКВКП(б)	(Зеленский)
Зам. зав. орграспредом	(Исаев) ⁴

Шахсий ишдаги бошқа тавсифнома, шаҳодатнома, тақризларда А.Үрөзбеков ижобий баҳо-ланган.⁴

Абдуқодир Үрөзбеков 1925 йил апрелдан 1927 йил мартағача Қарақирғиз обласи ижрокоми раиси лавозимида фаолият күрсатди. 1927 йил 12 мартдан 1937 йил 16 сентябрға қадар, яғни ҳибсга олингунicha аввал Қирғизистон АССР, кейин Қирғизистон ССР Марқазий Ижроия Комитети Президиуми раиси лавозимида, яғни 10 йил давомида Қирғизистон Республикасининг давлат раҳбари сифатида ишлади. СССР Олий суди ҳарбий коллегияси 1938 йил октябрида Қирғизистон пойтахти Фрунзе шаҳрида ўзининг сайёр йигилишини ўтказади. Йигилиш бошқа бир гурух Қирғизистоннинг партия ва давлат раҳбарлари қатори Абдуқодир Үрөзбековни отувга ҳукм қиласди, ҳукм ўша куни ижро этилган.

Қуйида ҳозиргача эълон қилинмаган унинг қисқача таржимаи ҳолини ҳавола этмоқдамиз.

АВТОБИОГРАФИЯ

Члена ВКП(б) с 1918 г.
Абдукадыра Уразбекова.

Социальное положение – батрак. Национальность – киргиз. Родился в 1889 году в Ферганской области Маргеланского уезда. Якусек-Бостонск волости, селен. Охне (Ўхна қишилогидаги бўстон қабиласида тугилган – Р.Ш.). Родители занимались хлебопашеством. Общие условия в селе были тяжелые, отец имел лишь 2 танана земли, а дополнительно на пропитание семьи добывал чайрикерством. Отец умер в 1898 году, оставив меня 9-ти летним мальчиком. После этого мать и отчим переехали в Маргеланскую волость, сел. Шура, где я с 1898 г. работал чайрикером у Хакимбая Назармухамедова до 1908 г. Когда умер отчим в том же году я поступил учеником в булочную мастерскую в Скобелеве, через 6 месяцев стал мастером и проработал с 1908 до 1912 г. Из Скобелева переехал в Коканд и работал там по своей профессии булочной мастерской и Капкаева мастером до 1915 г. Затем переехал в Андижан и поступил в Турецкую пекарню. В это время принимал участие в бунте с демобилизованными солдатами против мобилизации на европейскую войну 1916 г. Бунт был подавлен начальником уездного управления с несколькими десятками жандармов. За участие в этом бунте хозяин направил меня, чтобы ему не было неприятностей в свою мастерскую в г. Скобелев, где работал у гр. Янулова до 17 г.

В январе месяце 1917 г. я вел среди рабочих агитацию за повышение зарплаты, а также представление дня отдыха, за что был арестован по распоряжению губернатора Иванова на 2 суток, однако, все наши требования были удовлетворены.

Во время февральского восстания мною было организовано с участием некоторых товарищей, а именно Шакирова, Лепешкина и Шибланова и др. так называемая секция пекарей, а также ряд других ремесленных секций. Все эти мелкие секции в последствии вышлились в одну общую союзную

1 ³ РИСТДА. Ф.62. Оп.4. Д.697. Л.147.

2 ⁴ РИСТДА. Ф.62. Оп.4. Д.697. Л.143, 146, 148, 149.



организацию, так называемая Ферганский союз мастеровых, рабочих и служащих в 1916 г. где я был избран членом правления.

В старой армии не служил, в школе не учился, а лишь занимался дома, могу читать и писать по-русски, а также на своем родном языке.

На политкурсах не обучался, в партию вступил в 1918 г. 6 августа в Ферганскую группу большевиков в г. Скобелеве. В других партиях не состоял. Во время Октябрьского переворота был в г. Скобелеве, принимал участие в борьбе против Шураслама, был избран членом от профсоюзов в Ферганский областной совет солдатских, рабочих депутатов, где принимал активное участие, а также был членом Президиума уездного исполнительного комитета Маргеланского уезда. В 1919 г. поступил в Красную гвардию, вел военную службу и одновременно организовал 1 Шуринскую, Ак-Арыкскую селхозкоммуну, а также мною была организована ячейки коммунистов. Организовал вооруженную самоохрану от басмачества в окрестностях г. Ферганы. Был руководителем выше указанных организаций до 20 августа 1920 г.

С 1920 г. я был назначен председателем Чимионского районного революционного комитета, а затем избран председателем того же райисполкома, где принимал участие против басмачеств.

С моим участием было отбито от курбашей Куришрата и Алияра один пулемет и несколько винтовок и лошадей, убито ряд видных курбашей под руководством бригады Ушакова. Под моим руководством было ликвидировано басмачество до 1-го октября 1921 г. Затем я был отозван председателем Первой сх Шуринской коммуны, где я прослужил до 18-го марта 1922 г. и был одно время пред. волревкома Якусек-Бастонской волости и зам. ответ секретаря Чимионского райкома ВКП(б), где я прослужил до июля мес. 1922 г. Вместе с этим я был назначен уполномоченным по борьбе с басмачеством, а также уполномоченным по снабжению Красной армии, за какое время было мною отбито от басмачества достаточное количество оружия, сдано в ГПУ. 14-го июля 1922 г. был назначен пред. Чимионского райревкома, где выполнял ряд поручений заданий по борьбе с басмачеством до 11 августа 23 г. Оттуда был переведен зам. предрайревкома Уч-Курганского района для урегулирования ненормальностей в работе, где работал до декабря 23 года затем я был выбран председателем Мархаматского райисполкома и был членом угорисполкома, где служил до конца ликвидации басмачества. На 7-й годовщине Октябрьской революции был награжден райкомом КПТ, райисполкомом, 1-райкомом С/Кошки за заслугу золотым трудовым значком 30 декабря 1924 г. и был отозван Ошским окрревкомом и окружкомом ВКП(б), как киргизский работник я был назначен зав. Ошским окрзметодом, после чего я был избран ответственным секретарем Ошского окружкома ВКП(б). 12 марта 1925 г. на прошлой партконференции и был членом Президиума окрисполкома. В том же году в апреле мес. был избран членом Исполбюро обкома ВКП(б) и был избран председателем Областного исполнительного комитета Киргизской автономной обл.

Также являюсь членом Фрунзенского городского совета, а на XII съезде был избран членом ЦИК СССР 3-го созыва. Уразбеков.

Верно: Секретарь учетно подотдел Киробкома ВКП(б).⁵

Таҳририят аъзоси профессор Тошманбет Кененсариев илтимосимизга кўра Абдуқодир Ўрзбековнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўнгги вақтда Қирғизистонда эълон қилинган асар ва мақолалардан айримларини тақдим қилган. Уларнинг рўйхатини қуиди келтирамиз:

1. Бекмурзаева Гулжамал, доцент Ошского технологического университета. «Некоторые штрихи к портрету Абдыкадыра Орозбекова – государственного деятеля кыргызского народа».

2. Бекмурзаева Гульжамал Койчубаевна. «Абдыкадыр Орозбеков – государственный деятель». Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук по специальности 07. 00. 02. – Отечественная история. г. Бишкек, 2010 г.

3. Бекмурзаева Гульжамал Койчубаевна. «Абдыкадыр Орозбеков – государственный деятель кыргызского народа».

3 ⁵ РИСТДА. Ф.62. Оп.4. Д.697. Л.144 – 145.



МИЛЛИЙ БОШҚАРУВ УЧУН КУРАШ ЛАВҲАЛАРИДАН

1917 йил 15 – 22 ноябрида бўлиб ўтган ўлка ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари совети-нинг учинчи съездидан расмийлашган Туркистон ҳукумати таркибида маҳаллий миллат вакилларидан биронта ҳам вакил бўлмаганини ҳатто большевиклар арбобларидан бири Д.И.Манжара тан олган: «Туркистон ҳукуматининг биринчи таркибига биронта ҳам ўзбек, туркман, қозоқ ёки қыргиз киритилмаганини съезд қатнашчилари орасида муносаб номзодлар йўқ деган баҳона билан оқлаш мутлақо асоссиздир». Ваҳолонки, шу съездда маҳаллий миллат вакилларидан 50 га яқин киши қатнашган. 1918 – 1920 йилларда Туркистон Компартияси Марказий Комитети И.О.Тоболин, А.Ф.Солькин, П.А.Кобозев томонидан бошқарилган, Туркистон Марказий Ижроия Комитети раислиги лавозимида П.А.Кобозев, В.Д.Вотинцев, А.А.Казаков, И.А.Апин бўлган, Туркистон халқ комиссарлари совети раислиги лавозимини эса Ф.И.Колосев, В.Д.Фигельский, И.Е.Любимов, Я.Э.Рудзутак эгаллаган.

Бундай ноҳақлик Туркистон вилоятларида ҳам бўлган. 1917 йил 6 – 7 декабряда Скobelев шаҳрида бўлиб ўтган Фаргона вилояти советларининг тўртинчи қурултойида большевикларнинг маҳаллий миллат кишиларига шовинистик руҳда қараши ҳокимлик қилган. Мусулмон аҳолисига ишончсизлик съездда шу даражага етдики, Андижондан вакил бўлиб борган Ҳаққул Ҳусанбоев: «Съезд қарори бир гурӯҳ мусулмон вакиллари учун унчалик тушунарли эмас», – деб қайтадан овозга қўйишни таклиф этганида унга қарши Реутов: «Мусулмонларга ҳеч қандай резолюцияни тақдим этишнинг ҳожати йўқ, чунки улар, барибир, тушуниб этишмайди», – деб жавоб қилган. Бундай ҳолат Андижон, Наманган, Кўқон, Ўш, Марғилон уезд съездларида ҳам юз берган. Уездлар советларининг раиси лавозимида Андижонда Д.С.Урюпин, Кўқонда Е.Г.Бабушкин, Ўшда А.Г.Аношин, Марғилонда Шебланов, Наманганда Хохлов

сайланган. Қолаверса, бу советлар таркибида арман дашноқлари талайгина эди. Шу боисдан Туркистон АССР Халқ комиссарлари совети раиси, миллати поляк В.Д.Фигельский 1918 йил 8 декабрда ҳозирги Бобур майдони орқасидағи собиқ темирийўлчилар саройидаги Андижон шаҳар коммунистлари йиғилишида қилган маърузасида Андижон, Наманган, Кўқон советлари таркибида дашноқлар борлигини кескин танқид қилган, уларни тез орада советлардан қувиш, советларга арман ишчиларидан жалб этиш кераклигини айтган. Ўлка аҳолисининг 95 – 96 фоизини маҳаллий миллат вакиллари ташкил этгани ҳолда, уларнинг вакилларини бошқарув тизимиға жалб қилмаслик, уларга ишончсизлик билдириш учига чиққан шовинистик сиёsat эди. Туркистоннинг миллий тараққийпарвар кишилари, миллат сарварлари уюшган мусулмон советларининг саъй-ҳаракати билан 1917 йил 26 – 29 ноябрь кунлари Ўлка мусулмонлари советининг тўртинчи қурултойи Кўқонда ўтказилди ва унда Туркистон мухторияти ҳукумати ташкил этилди. Бу ҳукумат қонуний, демократик, миллий давлат эди. У бор-йўғи икки ярим ой умр кўрди. Большизвиклар уни бешикдалиги чоғидаёқ бўғизлаб ўлдириллар. Фаргона ўт ичиди қолди. Кўқон шаҳрининг ўзида 10 минг одам ўлдирилган. Бу фожиага нафақат Ўрта Осиё, ҳаттоқи хорижий мамлакатлар ижтимоий-сиёсий арбоблари ҳам ачиниш билан қараб, Туркистон халқи манфаатини ёқлаб чиққанлар. Афғон-ҳинд миллий озодлик ҳаракати арбоби, профессор Муҳаммад Баракатулло 1919 йил 7 майда В.И.Ленин қабулида бўлганида бошқа масалалар қатори Туркистон мухторияти масаласи ҳақида ҳам фикр юритган. Чунки М.Баракатулло Москвага бораётib Тошкент ва бошқа шаҳарларда бўлган, Туркистондаги фожиани ўз қўзи билан кўрган. В.И.Ленин билан сухбатда Туркистоннинг оғир қисматини бартараф этишга қаратилган мулоҳазаларини билдирилган. Шун-

В. Секретно.

РАСШИФРОВАННАЯ ТЕЛЕГРАММА.

Из Ташкента 18/XX 1833/1103 435 19/12 9.00

получена 19 декабря 19. 15.50 расшифрована 20/12/19

4772

/Исправленное повторение/

МОСКВА НАРКОМИНОДЕЛ ЧИЧЕРИНУ для дешифрования и
вручения Ц И К Р К П СТАСОВОЙ

да Ленин ундан ўз мuloҳазаларини ёзиб беришини илтимос қилган. 9 майда М.Баракатулло Туркистонга ёрдам бериш зарурлиги ҳакидағи фикрини ёзма равищда Ленинга йўллаган. Ундан парча келтирамиз: «Ўртоқ Ленин билан учрашган пайтда мен унга Шарқ бўлнимининг мудири ўртоқ Вознесенский ҳамда Туркистон мухтор вакили ўртоқ Юсупов¹¹ иштирокида Марказий Осиёнинг кенг мусулмон оммасини Совет ҳокимияти томонига оғдириш, мусулмонларнинг Туркистондаги рус ҳокимиятига азалий ишончсизлиги ва совет бошқарувининг моҳиятини, вазифаларини тушунмаслик оқибатида келиб чиқадиган қайгули воқеалардан ўзимизни асраш учун нималар қилиш кераклиги борасидаги ўзимнинг самимий фикрларимни билдиридим.

Комил ишонч билан айтаманки, тавсияларим орқа томонни мустаҳкамлаш учун Афғонистон, Ҳиндистон ҳамда Эронда инглизларга қарши фаол ҳаракатлар бошлангунга қадар амалга оширилиши зарур.

1. Туркистонда этнографик негизда ҳақиқий мухторият ўрнатиш зарур. Бунинг учун Туркистон жумҳурияти тўқғиз ички мухтор вилоятдан иборат бўлиши керак: 1. Кавказор-

¹¹ Собир Мухаммедович Юсупов Бухоро ва Асакада меҳнат қилган. 1917 йил майдан большевистик партия аъзоси бўлган, раҳбарлик лавозимларида ишлаган. 1918 йил майда Туркистон советларининг 5-съездиде Москвада РСФСР ҳукумати хузуридаги Туркистон мухтор вакили сифатида сайланган, 1918 йил 6 июля Россия советларининг 5-съездиде вакил бўлиб қатнашади. У Фаргона водийси шаҳарларида бўлиб, мусулмон аҳоли ўртасида катта тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борган. У Ленин хузурига исталган пайтда кириш хукуқига эга бўлган, Россияни Туркистон билан, Москвани Тошкент билан боғлаб турища мухим ўрин тутган, большевикларнинг айёrona сиёсатига ишонган, лекин ҳаёті давомида ана шу сиёсатдан кўп азобланиб, 1928 йилик хор-зорлиқдан вафот этган. Унинг рафиқаси Зухра Юсупова ҳам Ленинни кўрган Шарқ аёлларидан бири эди.

ти. 2. Самарқанд, Амударё бўлими билан бирга.
3. Сирдарё. 4. Фаргона. 5. Еттисув. 6. Тўргай. 7. Оқмўла. 8. Семипалатинск. 9. Кутий Урал, Букеев ўрдаси билан.

2. Мусулмон аҳолининг руслардан анча кўплиги туфайли мазкур вилоятлар советлари таркибида ҳеч бўлмаганда мусулмонларнинг руслар билан тенг даражада киришига йўл қўйиш; комиссарларнинг ҳам ярми мусулмонлардан бўлиши керак.

3. Ҳар бир вилоят ўзининг ички бошқарувида мухтор бўлиши керак.

4. Туркистоннинг марказий бошқаруви ва Туркистон Марказий Ижроия Комитети тенг таркибда тузилади; ярми рус, ярми мусулмон.

5. Ҳозирги пайтда тузилган Туркистон ишлари бўйича комиссия беш кишидан эмас, ўн кишидан иборат бўлиши керак, айни пайтда, вакиллик нисбати ҳам сақланиши зарур; беш рус ва беш мусулмон (кейингиларнинг сафига сарт, туркман, қирғиз ва бухоролик тожик – Р.Ш.) кириши лозим.

6. Шу ишнинг бошида нодонлик туфайли ёки ёвуз ташвиқот оқибатида аксилиниқилобий ҳаракатларда иштирок этган Қўқон аҳолиси ва туркистонлик ерли аҳолига афв инъом этиши зарур. Қўқонга мазкур афвдан аҳолини (ерли дехқонлар назарда туттилмоқда – Р.Ш.) хабардор этши ҳамда сўнгги бошпанасидан ҳам айрилган жабрдийдалар ўртасида тарқатиши, вайрон қилинган хўжаликни тиклаш учун бироз пул маблагини (бунинг учун зарур маблаг, фикримча, ўн миллион сўмни ташкил қиласи) тақсимлагани маҳсус шахс юборилиши керак.

7. Юқорида тилга олинган барча тадбирларни, иложи бўлса, ўртоқ Ленин ҳамда Сталиннинг Марказий Осиё мусулмонларига муро-



жаати тарзидә тантанали эълон қилиши зарур. Бу улкан таассурот уйготади ва мусулмонларга кўрқинч тугдирадиган, уларнинг қалбидаги Совет сиёсатининг самимилигига ишончсилик ургуни сочадиган империалистик фитналарга бутунлай барҳам беради.

Юқорида баён этилганларни қараб чиқишингиз ва умумий иши манфаати йўлида чора-тадбирлар белгилашингизни илтимос қиласман.

М.Баракатулло 1919 йил 9 май, Москва».²

Кейинчалик бу таклифларга Ленин қандай муносабат билдирганини тасаввур этиш қийин. Лекин 1919 йил июнида РКП(б) Марказий Комитетининг Туркистон раҳбариятига йўллаган радиограммасида бундан бўён ўлка марказида, жойларда партия, совет ва хўжалик органларига кадрлар танлаш, белгилаш, қўйишда пропорционаллик (мутаносиблиқ) асосида иш кўрилиши талаб этилган. Аммо бу радиограмма ўша вақтдаги маъсул раҳбарлар: А.Ф.Солькин, А.А.Казаков, К.Е.Сорокин томонидан ҳаётта татбиқ қилинмаган, ҳужжат иш столи ғаладонида қолаверган. Айни шу ҳужжат жорий этилмаганинг жонли гувоҳи Н.Хўжаев эди. Тошкент партия ва совет дружинаси раиси Низомиддин Хўжаев бу сирни очиб ташлаган. Шу сабабдан у ёниб турган Фарғона области инқилобий комитетига раис этиб юборилган. У бу лавозимда водийдаги сиёсий-ҳарбий можаро, тантликтарга барҳам бериш борасида самарали фаолият кўрсатган. Андижон, Наманган, Ўш, Марғилон ва Кўқонда «босмачилар» бошлиқлари билан сулҳ тузиш учун музокаралар олиб борган. Водийда ҳам шовинистик унсурлар «қизил империализм сиёсати»ни олиб бораётган эди. Бу ҳолатни ҳатто Турккомиссия, Туркбюро раҳбарларидан Ш.З.Элиава, Я.Н.Рудзутакнинг 1919 йил 17 декабрда Тошкентдан Москвага йўллаган шифрланган мана бу телеграммасидан ҳам билса бўлади:

№5. В целях оздоровления партийных и советских учреждений представляется крайне необходимым выслать из Туркестана целый ряд лиц. Высылаемые направляются в распоряжение ЦК при удостоверениях. Ставим Вас в известность относительно лиц высланных до настоящего времени: Казакова и Сорокин,

первый бывший председатель Турцика, председатель Турсовкому. Пребывание в Туркестане людей, имя которых связано с самыми свирепыми гонениями на мусульман и целым рядом нелепейших мероприятий в области всякого рода национализаций и конфискаций делает немыслимой какую бы то ни было работу среди местного населения. В условиях центра они, вероятно, будут подходящими работниками. Личная их честность не вызывает сомнений, чего нельзя сказать о Кобозева. Роль Кобозева в Туркестане пока нам выяснена. По предложению Голощекина, находящегося в Фергане высланы Котенко и Ихзалев – обычные типы примазавшихся к Соввласти. Никакого доверия не заслуживают; арест их замене высылкой во избежание лишнего шума. Кобозев вел политику наусьживания одной партии части партии на другую; Кандидатура его в члены ВЦИК считаем безусловно неприемлема, Юветкин, бывший председатель Ново-Бухарского горкома специализировался в надругательствах над Бухарскими евреями, которых пачками арестовывал без всяких оснований. Предстоит высылка председателя Кушкинского совдепа Желтикова, о котором от авганского правительства поступила жалоба в покровительстве пограничным разбойникам угоняющим авганский скот. Из грабленного скота часть поступала разбойникам, часть в непосредственное владение Желтикова. Жалоба имеет достаточно оснований. О дальнейших высылках будем ставить в известность.

*Ташкент 17-го декабря 1919 г. №1507
Элиава, Рудзутак.³*

Москвадан келган «десантчи» раҳбар ходимлар билан эндиғина етишиб чиқаётган миллий кадрлар ўртасида ихтилоф келиб чиқиши туфайли бир вақтнинг ўзида ҳар икки томон Москвага, Ленин ҳузурига борган. Ленин ҳар икки томонни тинглаган. Жумладан, Низомиддин Хўжаев билан сўнгти суҳбат мазмунидан келиб чиқиб В.И.Ленин ундан панисломизм тўғрисида умумий маълумот ёзиб беришни талаб этган. Н.Хўжаев бундай ҳужжатни тайёрлаб Ленинга тақдим қиласган. Мазкур ҳужжат ҳозиргача эълон қилинмаган. Чунки унга

² РИСТДА. Ф.5. Оп.1. Д.65. Л.31 – 32.

³ РИСТДА. Ф.5. Оп.2. Д.323. Л.1.

**Низомиддин Хўжаев –**

1919 – 1920 йилларда Фарғона вилоят инцилобий комитети раиси, Туркистон АССР МИҚ раиси ўринбосари

«мутлақо маҳфийлик тамғаси» босилганди. Шу ҳужжатни мана энди тўлалигича эълон қилиш имконига эга бўлдик. Уни айнан келтирамиз:

О панисламизме

**Дорогой вождь Мирового Пролетариата,
тov. ЛЕНИН.**

4574

Во исполнение выраженного Вам пожелания, я вкратце излагаю ответы на вопросы о панисламизме, влиянии духовенства на массы, о средствах борьбы с таковыми и о существовавших и существующих политических течениях и расколах в них на Востоке.

Ислам, основанный в 594 году христианской эры, существует 1336 год. За отсутствием в Исламе рукополагаемого духовенства, каждый мусульманин обращается без всякого его посредничества самолично к Богу в отличие от христианина, имеющего посредника в лице священника.

Священная книга ислама – Алькоран, составленной со слов пророка Магомета на арабском языке. Изучение его по старому методу длится для мусульман Туркестана от 20 до 40 лет, исчерпывая средства к жизни на «Вакуфа» – заповедных имуществах и получая случайные подарки во времена свадеб и похорон. Не более 20% учащихся усваивали арабский язык настолько, чтобы могли стать мударисами-преподавателями высшей школы или же имамами в мечетях.

Имам-священник в мечети ведет службу – «намаз» по-арабски и, абсолютно не понимая смысла, даже сам, не объясняет совершающим «намаз» мусульманам. Таково было положение во времена ханов и продолжалось 56 лет во время русского царствования.

В период ханского владычества, вдаваясь в загробную жизнь, насилием заставляли молиться иходить в мечеть. Насилие это отвратило народ от религии и он, избавившись от нуждений после завоевания края русскими, стал отыывать от молитв иходить в мечеть, только ходят для вида раз в неделю по пятницам. Кроме молитв на непонятном арабском языке, в мечетях не произносились и не произносятся никакие проповеди духовно-нравственного содержания.

Добавок к этому ислам требует перед каждой молитвой ежедневно пять раз совершать полное омовение, что было установлено в жарком климате Аравии для гигиены: Туркестанский же бедняк лишен возможности благодаря климату зимы, после утомительного труда исполнять предписанное шариатом омовения для моления и совершать поэтому молитвы не может, и большинство обходится без них, и таким образом ислам постепенно пал, его остаток вился в невежественный, не культурный фанатизм, и к тому неоднократное объявление священной войны в той или иной стране Востока на почве экономического завоевания не давали никаких результатов, что доказывало мусульманам беспочвенность панисламизма.

При капиталистическом строе империалистами и европейскими миссионерами создавалась фантазия о так называемом панисламизме и борьбе с ним, но фактически даже в Турции не было ни одной панисламистической организации, стремящейся к объединению мусульман на этой почве. Доказательством этого может послужить личная фантазия Абдулгамида для сохранения своего престола при поддержке реакционного духовенства и в 1909 году 31 марта (край султана Абдулгамида с духовенством, победа над ними младо-турков⁴, стремящихся к культуре и прогрессу).

⁴ Гап тарақкийпарварлар, жадидлар ҳакида бормоқда. Туркиядаги «ёш турклар» таъсирида Бухоро амирлигига «Ёш бухороликлар», Хоразмда «Ёш хиваликлар», Туркистонда эса «Ёш сарлар» ташкилотлари юзага келган. Советлар замонидаги қараша ва ташкилотларга фақат салбий жиҳатдан қаралган, уларга қарши шафқатсиз кураш олиб борилган (Р.Ш.).



1905 и 1906 г. в Туркестане среди мусульманского населения появилось молодое такое же прогрессивное течение, каковое приступило к борьбе с невежеством и фанатизмом мулл, открывая новометодные мактабы-школы по европейскому типу преподавания и издавая газеты и журналы, и параллельно вела подпольную политическую работу для свержения Николаевского режима (молодое течение носили название «джадиды»).

В феврале 1917 года при свержении Николаевского режима молодое прогрессивное Туркестанское течение, овладев народной массой и свергнув влияние духовенства вместе со старым строем, оказалось у власти и ввело двух своих представителей – Чокаева⁵ и Асадулту Ходжаева⁶ – во временное правительство Туркестана.

Выборная кампания в городские думы по четыреххвостной системе дала возможность впервые в Ташкенте организоваться реакционным фанатичным «улемистам» – духовенству, которые через думу своим большинством повели в жизнь закрытие 25-и новометодных школ-джадидов, каковые были ещё открыты молодым Туркестанским течением до Февральской революции. Обострение между этими двумя течениями доходило до того, что в Коканде во время выборов было убито несколько человек толпою улемистов с буржуазией, представителей из трудящихся молодого течения.

Для борьбы с духовенством и приставшими к нему черносотенными элементами (губернатор Лыкошин, Аранский, Булатовы и Першины) после Октябрьской революции, согласно провозглашению Вами лозунгов самоопределения национальностей, 27-го ноября 1917 года молодое Туркестанское демократическое-революционное течение объявило Туркестан автономным, образовало автономное правительство в Коканде.

Вскоре после образования автономного демократического правительства, духовенства в Ташкенте выступило против такового с протестом не признания и в это же самое время существующая в Ташкенте кучка людей под названием Советской власти выступила вооруженной силой против него, безоружного, и, разрушив город Коканд, разогнало правительство.

После ликвидации автономного правительства, основное революционное молодое течение раскололось на автономистов, левых-эс-эрзов и коммунистов. Коммунисты этого течения распустили организацию «улемистов» – духовенство, а левые эс-эрзы постепенно в течение 8-и месяцев были поглощены коммунистами, часть автономистов-националистов членов правительства скрылась за пределы Туркестана, остальная часть в силу амнистии 5-го съезда Советов Туркестана стала постепенно принимать участие в Советской работе. За два года Советского строительства туземные коммунисты и трудящиеся Туркестана, находясь в ужасе голода, экономической разрухи, эпидемии, оторванности от Центра, непоколебимо совместно с европейскими рабочими отражали нападения контрреволюционеров со всех сторон на Туркестан.

И в Ташкенте в январе 1918 года (в январе 1919 – Р.Ш.) когда была контрреволюция во главе с народным комиссаром по военным делам Туркестанской Республики «коммунистом Осиповым» подняла свою голову для свержения Советской власти в Туркестане и в подавлении такого первого ночью выступила старо-городская туземная коммунистическая партийная дружина во главе с председателем старо-городского совета Низаметдином Ходжаевым.

Что касается настоящей Туркестанской действительности, она такова: Ферганский фронт развился из шайки разбойников 35 человек, как-то: Мадамин, Иргаш и другие, оперирующие в Фергане два года, и, вместо того чтобы быть ликвидированным давно, развертывается в Ферганский фронт в несколько тысяч штыков, благодаря поддержке их даинаками, кулачеством русского крестьянства Джаларабада и неправильного ведения политики «коммунистами» – колонизаторами Туркестана.

По официальным сообщениям, Ферганский фронт был ликвидирован, но теперь противник с красными орденами снова против нас и опять тот же злополучный Ферганский партизанский фронт, и этот враг вырезывал и опять будет вырезывать туземных коммунистов⁷ и Советских работников потому, что красноар-

⁵ Мустафо Чўқаев.

⁶ Таникли жадидчи Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев.

⁷ Ўзбеклар, қирғизлар, қозоқлар, тојиклар, туркмандар, корақалпоклар подшо Россияси даврида ва совет ҳокимиятининг дастлабки давларида туземлилар деган умумий ном билан атаб келинган (Р.Ш.).



мейцы и дашинаки уничтожали под видом разбойников мирных жителей, изнасиловали женщин, разрушили 26 деревень. Например, в Узгене уничтожили 1500 человек и за два года войны в Фергане нет итогов военных добыч – пулеметов, винтовок и т.д.

Для характеристики Вам сообщаю о дашинахах в Фергане: некто Абрам (армянин красноармеец) вырубил шашкой 87 человек безоружных мусульман. В местности Кува т. Мартын 47 человек, вообще, о дашинахах кому не известно. При таком создавшемся положении в Фергане военным Фердинизии назначается коммунист «армянин» Саков, вопреки протеста тов. председателя Турцика по политическим соображениям (Н.Ходжаев – Р.Ш.) – это доказывает, во-первых, отношение Туркомиссии к ответственным работникам – туземцам в качестве только переводчиков; во вторых, из этого можно понять всю Туркестанскую действительность, положения ответственных работников на местах.

Восточные коммунисты не могут не видеть из этого неправильное ведение политики через колонизаторов по проведению идей коммунизма на Востоке, не доверяя им, лишает поле правильной деятельности в привитии в жизнь восточных трудовых масс идей коммунизма и уничтожения невежественного фанатизма и РКП не в силах будет бороться без восточных коммунистов в уничтожении других не коммунистических течений вплоть до фанатизма. Поэтому, если восточные коммунисты не будут иметь широкого поля, то ответственность перед историей и мировым пролетариатом за своевременное развитие Социальной революции на Востоке нести не могут.

Насилиям есть конец, чаша терпения наполнилась до крайности.

Информируя Вас и приводя факты, прошу обратить внимание на правильное ведение политики по отношению к трудовым массам Востока, в частности Туркестана.

**С коммунистическим приветом.
Уполномоченный Крайкома
Туркестанской
Тов. председателя Турцика и
Член Туркестанской Полномочной
делегации⁸: Н.Н.Ходжаев**

⁸ РИСТДА. Ф.5. Оп.1. Д.1444. Л.1 – 4.

Ленин сўраган панисломизм ҳақидаги гоя бутун советлар ҳокимиятининг мусулмонларга бўлган сиёсатида кенг қўлланиб келинган. Ўзбекистон ССР ташкил этилган 1924 йилдан бошлиб большевиклар республика миллатлари ўртасида низо, нифоқ, зиддият, фитна тугдириш мақсадида панўзбекизм деган тұхматдан иборат иборани ишга солишган. Масалан, ОГПУнинг ВКП(б) МҚга 1928 йил 31 майда йўллаган «Ўзбекистондаги сиёсий кайфият тўғрисида»ги маъруза хатининг иккичи бўлими «панўзбекизм» деб аталган. Унда мана бу сатрлар бор эди: «Помимо того, что панузбекизм довольно ярко проявляется в вопросе коренизации, его тенденции не менее ярко проявляются и во взаимоотношениях узбеков к нацменьшинствам. Здесь зарегистрирован ряд фактов, говорящих за то, что узбекские националистические круги стремятся к обузбечиванию нацменьшинства коренных народностей, что находит свое отражение и на деятельности советского аппарата и, особенно, на деятельности народного образования, причем наиболее сильно это проявляется в отношении таджиков...»⁹


Москвадан, Ленин томонидан Туркистонга юборилган, чекланмаган ҳуқуқтарга эга бўлган Турккомиссия, Туркбюордан иборат ваколатли органлар ходимлари маҳаллий миллий арбобларни менсимасдан, уларни бошқарувга жалб қиласдан иш кўрганлигини Н.Хўжаев очиқ-ойдин мамлакатнинг биринчи раҳбарига айтишга журъат эта олган эди. Унинг фикрлари нақадар асослилигини тасдиқлайдиган ҳужжатлардан бирини келтирамиз. РКП(б) Марказий Комитети Туркистон бюроси аъзоси Р.Сафаровнинг Тошкентдан 1921 йил 15 сентябрда Москвага, РКП(б) МҚга юборган мана бу шифрли телеграммасини айнан келтирамиз:

Перед шестым съездом компартии Туркестана рядом заявлений в Туркбюро и Цека РКП. Попытался предотвратить вынесение разногласий в Туркбюро на съезд. Тем не менее это случилось, съезд вошел в суждение этих разногласий и на выборах Цека компартии Туркестана конкурировало два списка, один предложавшийся Томским и Петерсон, другой мной

⁹ ЦК ВКП(б) и национальный вопрос. В двух томах. Книга 1. 1918 – 1933 г. – М.: РОССПЕН, 2005. – С.189 – 190.

и Котоловым. Прошел полностью наш список и съезд совершенно определенно выразил свое отношение к колебанием Томского и Петерса. Уже на съезде их поведение давало основания предполагать об известном сотрудничестве их с колонизаторской группой, однако, можно было надеяться, что на основании решений съезда Томский и Петерс по крайней мере сойдутся с нами на согласительной линии при условии их лояльного отношения к решениям съезда. На самом деле в практической работе Туркбюро и Турккомиссии проводимой Томским

даря отсутствию здравой политической линии у Туркбюро и непрерывным шатаниям в сторону колонизаторства Томского и Петерса. Туркбюро в современном своем виде как тесный орган существовать может, поскольку Томский и Петерс останутся в Туркбюро. Я прошу Цека освободить меня от обязанности члена Туркбюро, считая, что для дела будет лучше если в Туркестане одновременно будет проводится одна политика, хотя бы и плохая, чем десять хороших, но совершенно не скроенных друг с другом. Подробный материал шестого



сразу же сказалось полное отсутствие на деле к иной политической линии и плана и нежеланием на деле осуществлять принятые съездом решения. Томский не признал даже нужным принять какие-либо меры, хотя бы в форме заявления Туркбюро, против той Кронштадско демагогической кампании по срыву решение шестого съезда, которую проводил опираясь на бывшие левые эсеровские элементы. Дороже..... (бир нечта сүз ўчиб кетган) районе отношения с работниками создались такие плохие каких не было ни при одном составе Туркбюро. Авторитет Туркбюро подорванный провалом предложений председателя Туркбюро Томского на съезде дальше ещё более подрывается его поведением полным склоном в сторону колонизаторов при создавшемся положении мое участие в Туркбюро чисто формальное, с другой стороны я не могу нести ответственность за ту дезорганизацию, которая происходит во всех областях вплоть до борьбы с басмачеством, благо-

съезда мною направлен три недели тому назад на имя тов. Ленина. Ещё раз прошу решить вопрос о моем отзыве принимая во внимание, что уже в течении полутора лет я нахожусь здесь в крайне своеобразной и напряженной обстановке, а так же и застоя. Прошу Цека два месяца отпуска для писания книги «О революционных проблемах на Востоке» уже начатой. НР 4304/С – 13 сентября.

ЧЛЕН ТУРКБЮРО ЦКРКП САФАРОВ
Расшифровала ПАПЕРНОВА
Расшифровала 15/IX.1921 г. в 13 час 50 мин.
и подлинную сжег. ПАПЕРНОВА.¹⁰

Үрта Осиёни «миллий белгиларга қараб» бўлиб ташлаш гояси 1920 йилнинг бошидаёт Турккомиссия раиси Я.Э.Рудзутак (1887 – 1938) ташаббуси билан илгари сурилган. Туркистонда Москвадан юборилган Турккомиссиянинг маҳаллий аҳолига нисбатан шовинистик сиёса-

¹⁰ РИСТДА. Ф.5. Оп.2. Д.85. Л.5 – 6.



ти ва амалиётига акс садо сифатида Турор Рисқулов, Низомиддин Хўжаев ва бошқа миллий арбобларнинг ўша Турккомиссия фаолиятини тўхтатиб қўйишдан иборат талаблари қўйилган эди. Айни вақтда, «Турк халқлари компартияси», «Турк халқлари республикаси» ташкил этиш гоялари ўртага ташланган эди. Туркистон фронти қўмондони М.В.Фрунзе В.И.Ленинга йўллаган хатида Туркистон Компартиясининг бешинчи конференциясида миллий оғмачилар зўрлиги билан «Турк компартияси», «Турк республикаси» тузиш ҳақида хато қарорга келганини маълум қилган. Бундан хавотирланган Ленин ҳақиқий ҳолатни англаш мақсадида 1920 йил май – июнда Турккомиссия аъзолари Я.Э.Рудзутак ва Ш.З.Элиавани чақириб олади. Шунингдек, Турккомиссияни тугатишни талаб қилиб Москвага келган миллий арбоблар билан ҳам учрашиб уларнинг фикрларини тинглайди. Шунда В.И.Ленин у билан суҳбатда иштирок этаётган Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети раисининг ўринбосари Низомиддин Хўжаевдан панисломизм ҳақида ёзма маълумот ёзib беришни талаб қилган. Афтидан, Ленин туркистонлик миллий арбоблар панисломизм гояси билан заҳарланган, шу боис бунинг олдини олиш учун чора-тадбир кўриш зарур деб билган. Аслида, панисломизм ва пантуркизм тушунчалари Россия ва Англия империалистлари томонидан XIX аср охири – XX асрда сунъий тарзда ўйлаб топилган эди.

1898 йили чоризмга қарши кўтарилиган Андижон қўзголонини панисломчи ҳаракат деб сунъий баҳолашган. Бу қўзголон ваҳшийларча бостирилгач, Андижонга 1898 йили келган янги генерал-губернатор С.М.Духовский 1899 йили Тошкентда нашр этилган «Ислам в Туркестане» номли маҳсус маъruzасида Россия империясидаги мусулмонларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги кучайганлигини хаспўшлаб мустамлакачиларни панисломизмга қарши курашга даъват этган.

В.И.Ленин 1920 йил 13 июнда Турккомиссия қарори лойиҳасини шахсан кўриб чиқиб, ўша пайтдаёқ Туркистонни «Узбекия», «Киргизия», «Туркмения» ва бошқа этник гуруҳларга бўлиш, бунинг учун уларнинг этнографик харитасини тузиш зарурлигини кўрсатган. 1920 йил 22 июнда устомонлик билан: «... республикани

з қисмга бўлиш олдиндан ҳал қилинмасин», – деб огоҳлантириб ҳам қўйган. Большевиклар Туркистонда бу ғояни амалга ошириш учун шошилинч чоралар ҳам кўришган. Туркистон МИК ҳузурида ўзбек, туркман, қирғиз ва бошқа миллий бўлимлар тузилган. 1921 йил 13 марта РКП(б) МК ва ТКП МК ижроия бюроси томонидан «Қирғиз бўлими тўғрисида низомнома» (қозоқ бўлими) тасдиқланган, қирғиз бўлими Туркистон МИК ҳузурида ташкил этилган. Фарғона область Ижроия Комитети ҳузурида «Фарғона қирғизлари» (қора-қирғизлар – Р.Ш.) бўлими ҳақида низом ишлаб чиқилган. 1921 йил 13 майда Туркбюро ва Туркистон Компартияси Ижроия бюроси қарори билан Туркистон МИК ҳузурида Ақмал Икромов, Собир Юсупов, Иномжон Хидиалиев, А.Мавлонбеков, Саъдулла Хўжаевдан иборат ўзбек бўлими, Қ.Отабоев, Авазбоев, Курбон Саидов, Хонов, Сафаровдан иборат туркман бўлими ташкил топган. Бундай жараён Бухоро ва Хоразм республикаларида ҳам кечган. Мазкур республикалар МИК ҳузурида туркман, қорақалпоқ, қозоқ, тоҷик ва бошқа миллий бўлимлар ташкил этилган.¹¹ Бу жараён аввалдан Ўрта Осиё халқларини миллий-этник жиҳатдан бўлиб юбориб, уларнинг ҳар бирини алоҳида бошқаришни кўзлаб қилинган дастлабки саъй-ҳаракатлар эди. Бу ҳаракат 1924 йилга келиб кун тартибига кўндаланг қўйилди ва уни амалга оширишга астойдил киришилди. Бироқ миллий арбоблар бу сиёсатга қарши ўз фикрларини илгари сурғанлар. Масалан, узоқ ва катта тарихга эга бўлган Хоразм ва Бухоро давлатлари шу ном билан сақланиб қолишлари керак, тарихда Турон ва Туркистон номи билан аталиб келган ҳудуд эса Туркистон номи билан қолиши мақсаддга мувофиқ, ҳеч бўлмаса, Бухоро, Туркистон, Хоразм республикаларини Ўрта Осиё федерациясига бирлаштириш керак деб чиқканлар. Яна бирлари эса Туркистон автоном совет республикасидан ўзбеклар давлатини, туркманлар давлатини, қирғизлар давлатини, тоҷиклар давлатини тузиш билан кифояланиш зарур деб билгандар. Фарғона водийсининг жуғрофий, иқтисодий, тарихий, маданий ва бошқа омилларидан келиб чиқиб РСФСР таркибида Фарғона автоном

¹¹ Шамсутдинов Р.Т. Становление и развитие Советов в Средней Азии (1917 – 1925 гг.): Проблема общего и особенного. Дисс... докт. ист. наук. – М., 1987. – С.303 – 305.



совет социалистик республикасини тузиш кераклигини айтганлар ҳам бўлган. Ўрта Осиёдағи этник гуруҳларнинг маълум қисми марказ тақдим этган Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишини ўтказишида миллий-этник омилга эътибор бермасликни илгари сурганлар. Ҳатто академик В.В.Бартольд ҳам Ўрта Осиёда миллий чегараланишини ўтказишида, миллий давлатларни тузишида миллатлар номи билан эмас, ҳудудлар номи билан иш кўриш зарурлигини таъкидлаган. Чунки Ўрта Осиё тарихида миллат номи билан аталган давлатнинг ўзи ҳеч қаҷон бўлмаган. Бундай фикрларни билдирганлар асоссиз равишида панисломчи, пантуркчи, буржуа миллатчиси, миллий оғомачи деган тамғалар остида таъқиб остига олинган.

Ўрта Осиёдаги жадидчилик, «босмачилик» ҳаракатларининг асосий мафкураси, сиёсати панисломизм ва пантуркизмдан иборат деган нотўғри тушунча ҳам илгари сурилган. Шу боис Ленин Туркистоннинг миллий арбобларидан бири, Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети раисининг ўринбосари, большевик Низомиддин Хўжаевдан айёрлик билан панисломизм ҳақида маълумот беришни талаб этган. Низомиддин Хўжаев эса Ленинга ёзган хатида панисломизм империалистлар томонидан ўйлаб топилган уйдирма эканлигини рўйрост асослаб берган.

Москванинг зўрлиги билан, маҳаллий миллат вакилларининг истакларига қарама-қарши Ўрта Осиё халқларининг давлатчилиги тарихида ҳеч кўлланилмаган, миллий-этник белгига қарамай давлат тузилмалари ташкил этилганлиги анъanasига хилоф равишида Бухоро, Туркистон, Хоразм давлатлари негизида миллатлар номи билан янги республикалар ташкил этиш орқали уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида қилиб бошқариш кўзланган. Бўлиб ташлаш орқали Ўрта Осиёдан етишиб чиқсан ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз, токиқ, қорақалпоқ, уйгур халқларига мансуб миллий арбоблар сафини бўлиб юбориш марказ учун айни муддао эди. Бу миллий арбобларнинг аксарияти «большевикча марказ»нинг йўл-йўриги, буйруғи, кўрсатмаларига бўйсунмаслик, миллий манфаатни ҳимоя қилиш даражасида анча гоявий-сиёсий, мафкуравий жиҳатдан шаклланганди. Марказ зўравонлик, шовинист-

тик йўл билан, маҳаллий, миллий манфаатларни менсимасдан, уларнинг ҳақ-ҳуқуқи билан ҳисоблашмасдан Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишини ўтказиши маъқул кўрди. Масала юқоридан туриб ҳал қилинди. Бунда ҳар уч республикадаги аҳоли истаклари инобатта олинмади. 1924 йилнинг июнь – октябрь ойларида жойларда миллий чегараланиш юзасидан аҳолининг йиғинлари бўлиб, ўша йиғинларда улар ўз мулоҳазаларини билдириб, юқори органларга мурожаат қилганлар. Бу турдаги ҳужжатлар архивларда сақланиб қолган. Лекин уларга маҳфийлик тамғаси ёпиширилган, СССР парчалангач, ана шу маҳфийлашган ҳужжатлардан фойдаланиш имконияти туғилди. Улардан фақат айримларини келтирамиз.

1924 йил августда Ўш уезди Ичкилик волостидаги ўзбек, қирғиз ва тоҷиклардан 2250 кишининг умумий мажлиси Туркистон МИҚдан Ўзбекистонда Марғилон уездидаги қолишлиарини илтимос қилган. ¹²

УДОСТОВЕРЕНИЕ

Дано сие тов. Казиеву в том, что последний избран представителем от населения гор. Оша на общем митинге состоящегося от 26-го августа с.г. с целью ходатайством перед высшими органами Соввласти об оставлении гор. Ош за Узбекской республикой. При чем как угоркомпартия так и тов. Казиев неоднократно отвергали такое мнение населения, мотивируя, что члены партии ни в коем случае не могут участвовать в вышеуказанном деле, но вопрос национального размежевания будет обсужден по партийной линии где и участвуют члены партии узбеки, а население не было удовлетворено к такому ответу, категорически настаивали поехать тов. Казиеву благодаря чему как уполномоченный К.К. так и угоркомпартии были вынуждены согласиться требованием населения и потому дастс. настояще удостоверение тов. Казиеву. ¹³

Яна бир ҳужжатни келтирамиз:

**ЦККПТ. копия. ЦКПТ. копия Ср.
Азбюро РКП и Ферганск. обкому КПТ и
Андижанскому угоркому КПТ.**

¹² РИСТДА. Ф.62. Оп.2. Д.109. Л.58.

¹³ РИСТДА. Ф.62. Оп.2. Д.109. Л.60.



ПРИГОВОР

1924 года 23 августа мы ниже поименованный 1647 юрто владельцы трудовые узбеки проживающий в пос. Джал-Абад составляли настоящий приговор в том, что нас перечислим в Узбекск. респуб. т.к. мы все занимаемся земледелием, наше хозяйство тесно связано узбеками.

Если только неувдовлетворите нашей просьбы и присоедините нас к Кара-Киргизскую автономную область, то мы вынуждены будем переселиться кто куда, в Узбекскую республику. Мы не можем допустить, чтобы над нами господствовали люди, которые по своему укладу жизни, как экономики, так и социальной жизни совершенно общего ничего с узбеками не имеют. При том в Джалаал-Абаде приобладающее большинство узбек.

Чтобы исполнить нашу просьбу и договориться высшими органами со своей стороны уполномочиваем: 1. Сабир-Ходжи Юнусова. 2. Халь-Ходжи Мухаммед-Аминова.

Подписались 240 человек.

Этих подписей удостоверяют с приложением печати. Председатель 1-квартала Таджидой Дарвишев. С-Коичи. 2. Фазилов.

Председ. 2-кв. А.

Ходжабеков. С-Коичи. ¹⁴

Ҳатто Туркистан Республикаси Халқ комиссарлари совети раиси Недирбай Аитацов бундай илтимослардан кўпини РКП(б) МК секретари И.А.Зеленскийга ҳавола қилган. Жумладан, 1924 йил 23 августа 12308-сонли мана бу хатни юборган.

«Совет народных комиссаров ТССР при сем препровождает на ваше рассмотрение два приговора дехкан Кара-Киргиз Найманской и Ичиликской волости Маргеланского уезда Ферганской области, кои категорически возражают против отделения их от Маргеланского уезда и присоединения к одному из округов Кара-Киргизской республики.

Председатель Совета Народных комиссаров ТССР (подпись). ¹⁵

Хуллас, Ўрта Осиёда миллий чегараланиш сиёсати ва амалиёти фақат ва фақат РКП(б) МК ҳамда унинг Ўрта Осиёдаги ваколатли органи – Ўрта Осиё бюроси томонидан амалга оширилган.

¹⁴ РИСТДА. Ф.62. Оп.2. Д.109. Л.44 – 142.

¹⁵ РИСТДА. Ф.62. Оп.2. Д.109. Л.57.

РКП(б) МК сиёсий бюроси 1924 йил 5 ноябрда «Марказий Комитетнинг Ўрта Осиё бюроси масалалари»ни кўриб чиқиб шундай қарор қилган:

«А.а) Ўзбекистон Компартияси секретари қилиб ўрт. Вл.Иванов тасдиқлансан;

б) МК Ўрта Осиё бюроси ихтиёрига ўртоқ Хидиралиев, Эшонхўжаев ва ходим Г.Дунаев ўлка газетасига муҳаррирлик қилиши учун хизмат сафарига юборилсан;

в) ўрт. Эшонхўжаев ва Вл.Иванов МК Ўрта Осиё бюроси таркибига киритилсан;

г) Сиёсий бюронинг 1924 йил 30 октябрдаги 24-қарорининг 32-банди ўзгартирилиб, ўрт. Межлаук МК Ўрта Осиё бюроси аъзоси қилиб тасдиқлансан.

Б. РКП МК пленумининг умумиттироқ советлари съездини қолдириши тўгрисидаги қарори муносабати билан МК Ўрта Осиё бюросига областлар ва республика партконференциялари ҳамда советлар съездлари чакирилиши муддатини қайта кўриб чиқиши топширилсан.

В. а) Бутунўзбек қурултойининг чакирилишигача ўрт. Файзулла Хўжаев, Исломов, Рахимбоеv, Порсо Хўжаев, Ризаев, Султон қори, Гольдберг, Вл.Иванов, Хидиралиев, Манжара, Сайджонов, Булатов, Лукъянов ва Гозиевдан иборат Ўзбек революцион комитети тасдиқлансан;

б) МК Ўрта Осиё бюросига РКП МК тасдиғидан ўтказиш учун Революцион комитетни тўлдириши ҳуқуқи берилсан.

*Марказий Комитет секретари
И.Сталин». ¹⁶*

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, Ўрта Осиёда ташкил этилган Ўзбекистон, Туркманистан, Тоҷикистон АССР, Қорақыргиз автоном областларидан иборат бу тузилмалар давлат бўлиб шаклланмаган (давлатта ўхшаш тузилмалар эди). ¹⁷


Журналнинг навбатдаги сонида Ўрта Осиёдаги миллий давлат чегараланиши тарихини янгича талқин этишга оид ҳужжат ва материаллар, қарашлар эътиборингизга ҳавола қилинади.

¹⁶ РИСТДА. Ф.17. Оп.3. Д.473. Л.1.

¹⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б.61.



АРИЗА ВА ХАТЛАРДА ИНСОН ТАҚДИРИ



ЗАЯВЛЕНИЕ

Настоящим заявляю, что я с 1912 – 1913 года исполнял общественные работы и в особенностях с 1917 г. по 1919 год несмотря на все встречающиеся препятствия и на объявление бойкота со стороны баев и духовных лиц участвовал в новометодных школах. В 1919 году вступил в ряды РКП, а когда Фергана переживала трудные дни и гражданскую войну, я исполнял всякие возложенные на меня обязанности, несмотря на препятствия парторганами. В каких работах я не был: в советских, партийных, военных и др. Обязанности которых я исполнял в эти периоды по причинам плохих жизненных обстоятельств и по наследственным причинам я был обременён разными болезнями. И мне приходилось вследствие этих болезней лежать несколько месяцев подряд. Но когда я был в состоянии работать я не бросил их и работал. С 1922 г. я не брал ещё отпуска и в этом году я взял на два месяца отпуск и лечился, получая материальную помощь со стороны парторганов и совучреждений. После истечения отпуска я приступил снова к работам. С наступлением зимы ухудшились мои болезни и окончательно заболел, когда я приехал на 4-ю Чрезвычайную сессию УзЦИКа в г. Самарканде. Главным образом, только что переставший болеть геморрой снова начал болеть и началось кровотечение. Снова начали болеть конечности мои, вследствие хронического ревматизма, а также легкие, страдающие каттаром верхушек. Возвратясь 4-го декабря в г. Наманган из 4-ой Чрезвычайной сессии УзЦИКА я обратился к доктору. Доктор дал совет избегать верховую езду, по возможности бросить на некоторое время все работы и ходить два раза в день в амбулаторию. Выдал удостоверение к очередной врачебной комиссии, куда мне нужно было обратиться. Несмотря на все это и сознавая все ответственности лежащие на мне я ходил в учреждение выполнять срочные дела. Утром в 9 часов 9-го декабря когда я дома лежал, меня вызвали по телефону в угорком КП Уз, в



10 часов утра я был уже там. Зам. зав. орготдела угоркома КП Уз подал мне телеграмму такого содержание «Угорком КП Уз немедленно отправить Шахимарданова в г. Андижан Катценель-Богим». Мне предложили немедленно получить командировочные документы и ехать в тот же день в г. Андижан, но почему и зачем я не знал. Я сейчас же на обороте телеграммы написал, что по причинам моей болезни не могу ни куда выехать. Я пришел домой и стал думать, наверно меня вызвали на работы земельной реформы. В тот же день я написал заявление в Феробком КП Уз, содержание которого было таково: «Что если Вы вызываете меня телеграммой в Андижан на работу земреформы, то прошу назначить меня в Наманганский уезд или же в какуюнибудь близкую волость Андижанского уезда, так как в настоящее время болею и мне необходимо лечение и потому место работы должно быть по возможности ближе к какому-нибудь врачуебному пункту». Приложил удостоверение от врача и отправил в том же деле в Феробком КП Уз. Отправил и стал ждать ответа. До 13-го декабря было никакого ответа, но вдруг 13-го декабря я получил телеграмму следующего содержания: «В виду того, что Шахимарданов отказался ехать в г. Андижан объясня им, что если они вызвали в г. Андижан на работы земреформы, то пусть назначает меня в Наманганский уезд или же в какую-нибудь близкую волость Андижанского уезда, я был озадачен вопросом – кто отказался? По какому приказу и постановлению?»

13-го декабря я был у врачебной комиссии и она посоветовала мне не работать десять дней и выдала соответствующих документов.

14-го декабря я решил ехать в г. Коканд и узнать в Феробкоме КП Уз в чем дело. Я купил билет, но вследствие моей тяжелой болезни я был настолько слаб, что не мог выехать и билет отдал Инамджану Низамбаеву. Я поручил Низамбаеву узнать в чем дело и доложил в Феробком КП Уз о моем тяжелом положении, а сам возвратился...

...16-го декабря я опять получил телеграмму, в которой было написано, чтобы я приехал в г. Коканд для дачи объяснений в Контрольную комиссию. Только что я намеривался ехать в г. Коканд, по Контрольной комиссии вызвали в угорком КП Уз для допроса. Он допросил меня, я ему представил удостоверения о моей болезни от врача и врачебной комиссии, сказал ему, что я не отказываюсь от работ земреформы, что мне не указано место работы, т.е. волость или район, где я должен работать, и попросил его если назначат, то пусть назначат в какую-нибудь близкую волость, где я мог бы лечиться приезжая в город, так как большое расстояние обервало бы мое здоровье. Опять никакого ответа. Утром 20-го декабря я вышел на улицу и везде меня спрашивали: «Что случилось?». Я спросил их в чем дело. Они объяснили мне, что 17-го декабря Исполбюро угоркома КП Уз исключил тебя из партии. После этого я пошел в угорком. Попросил копию протокола, но они сказали, что это получу из обкома партии. Приехав 21-го декабря в г. Коканд я получил копию с протокола. Действительно, Областная Контрольная комиссия исключила меня 19-го декабря постановлением за №5 из партии. Обвинения Контрольной комиссии заключаются в том, что я, во-первых, был в 1922 году исключен из партии за не исполнение постановления обкома партии и Областной Контрольной комиссии, но был восстановлен Центральной Контрольной комиссией и оставлен в партии. Причина моего исключения была та, что я 1921 – 1922 году в Намангане, некоторые из людей, сидящих в Советских и др. учреждениях, а в особенности начальник милиции г. Намангана Ахундада Салиханджиев лил кровь невинных людей и исключительно занят был этим. Я об этом давал сведения в Центрком. Партия и в политические отделы, потому обкомпартии постановил меня поставить на работу в какой-нибудь город, как группировщика, но ввиду моей болезни я остался в г. Намангане.

После этого, ОБГПУ рассмотрело все дело и когда все оказалось ясным, то сняло с работы некоторых товарищей, а Ахундада Салиханджиева, начальника угормилиции, приговорило



к смерти. Я подал заявление в Центральную Контрольную комиссию и она оставила меня в партии, так как я не был группировщиком. В виде документа я прилагаю при всем копию с заявлением, которую я подавал в ЦКК. Во-вторых, ОКК обвиняет меня в том, что я несмотря на несколько посланных телеграмм с назначением его председателем Комиссии земреформы для работы в волости Хакуль-Абад Андижанского уезда не выехал к месту работы и отказался в этом. Главная причина, которая препятствовала к моему выезду к месту работы была болезнь, на что имеются соответствующие документы. Но ещё нужно указать, то что я кроме одной телеграммы с содержанием «Немедленно отправить Шахимарданова в г. Андижан» ничего не получил. Слова, что я неоднократно вызывался к работе не обоснование. По постановление, что я назначен на работы земреформы в Хакул-Абаде, увидел тогда, когда получил выписку из протокола, в которой было постановлено мое исключение за то, что я отказался работать, но я никогда не отказывался. Во-третьих, сказано, что Областная земельная комиссия дала выговор Шахимарданову. Но комиссия до несколько времени к этому не дала мне работы и не дала никакого выговора. Об этом только я узнал из постановления ОКК. В-четвертых, сказано, что Исполбюро угоркома КП Уз постановило Шахимарданова исключить из партии. Это действительно они так постановили. Но здесь вмешаны личные счета присутствующих на заседании Исполбюро угоркома КП Уз некоторых членов. Некоторые члены Исполбюро угоркома были под судом, и были только кандидатами партии, что по уставу и программе партии не допустимо это и об этом я высказывался когда происходил у нас перевыбор. Например, завгородделом угоркома Мавланов находился под судом. Член угоркома Дадахан Арифбаев обвиняется по 76-ой статье. А Хабибулла Кадыров после 4 дня, как был выбран, приговорен судом к 7-ми годам заключения. И много есть таких случаев. Когда будут рассмотрены подобные случаи, я могу все работу сказать и потому на основании всего вышеизложенного я заявляю свое несогласие на постановление Облконтрольной комиссии от 19-го декабря, подкрепляющее постановление Исполбюро угоркома КП Уз от 17-го декабря и прошу восстановления перед ЦККПУз Уполномоченным ЦККЦКРКП в Средней Азии ЦККЦКРКП. Принимая во внимание то, что я организовал 320 артелей батраков, подготовил батрачество к земельной реформе, я не стою против земреформы, так как я подготовлен к этому в течении трех лет.

При всем прилагаю соответствующие документы, а остальные предоставлю, когда будет нужно.

С 1912 – 1913 г. исполнял общественные работы, а в особенности во время революции, работая в парторганах и совучреждениях, находясь на басмаческих фронтах, находясь в невероятных тяжелых условиях...

... не привлекаясь никогда к ответственности, занимая ответственные посты рабоче-крестьянской республики, не давал я перед рабочими и крестьянами краснеть рабоче-крестьянской республике.

И теперь за высказанную чистую правду, за личные счеты нескольких людей, прошу Вас не исключать меня из рядов партии.

В крайнем случае прошу принять во внимание то, что в этом деле рабоче-крестьянской массы и потерял свое полное здоровье и прошу оставить меня в рядах членов партии.

С коммунистическим приветом

Член партии.

Декабря 1925 г.¹

¹ РИСТДА. Ф.17. Оп.85. Д.481. Л. 264, 264 об. 265, 265 об, 266.



ГЕНЕРАЛЬНОМУ СЕКРЕТАРЬЮ ЦКВКП(б) Т. СТАЛИНУ

9

Уполномоченного узбекского
населения Араванской волости
ТАШКУЛОВА Курбан – Хаджи.

ДОКЛАДНАЯ ЗАПИСКА

Постановлением Президиума ЦИК СССР от 4 мая с г. Араванская волость Ошского округа Киргизской АССР оставлена в составе РСФСР.

Постановление это противоречить воле большинства населения, выраженной ясно и определенно и неоднократных общественных приговорах и ходатайствах о присоединении этой волости к Узбекской ССР, оно расходиться к основами национального размежевания, требующими учета национально-культурных и экономических моментов.

Большинство населения Араванской волости составляет узбеки, резко отличающиеся по языку, культуре и быту от киргизов, основное занятие узбекских хозяйств – хлопководство. Узбекские хозяйства связаны о ирригационной системой Узбекской ССР (тракторизация, инвентаризация и др. виды агрономической помощи) представляются дехканам Араванской волости более соответствующими их хозяйственным интересам и более привлекательным, чем система, действующая поклонодческом Киргизистане о его полукочевым населением. Продукты своей промышленности узбеки Араванской волости сбываются в Узбекской ССР, ближайший экономический центр, которого находится всего на расстоянии одной перегородки, тогда как ближайший центр Киргизистана отстоит в 32 верстах. Снабжение населения Араванской волости предметами широкого потребления производится также на Узбекской ССР.

Этими мотивами и объясняются, главным образом, настойчивые неоднократные домогательства узбекского большинства населения Араванской волости о присоединении к Узбекистану. Из этих предпосылок исходила комиссия т. Петровского производившая обследование вопроса, а также и Президиум ЦИК СССР, вынесший 10 сентября 1926 г. постановление из РСФСР и присоединении к Узбекской ССР Араванской волости на современных границах.

Точка зрения Президиума ЦИК СССР в заседани 4 мая о.г. резко изменилась под влиянием доклада паритетной комиссии т. Кульбашерова.

Между тем, как явствует не прилагаемого свидетельства представителей Араванской волости, доклад комиссии т. Кульбашерова не свободен от неточностей, послуживших предпосылками неправильной оценки действительного положения вещей.

Ввиду изложенного, прошу принять зависящие меры к назначению новой паритетной комиссии для тщательного обследования излагаемого в настоящей докладной записке вопроса и о пересмотре дела в направлении удовлетворения трудящихся узбеков Араванской волости.

ПРИЛОЖЕНИЕ: 1. Протокол от 27 мая 1926 г.

2. Протокол от 7 сентября 1926 г.

3. Ходатайство жителей Араванской волости.

10/Х-27 г.

Уполномоченный жителей

Араванской волости: (ТАШКУЛОВ) ²

² РИСТДА. Ф.17. Оп.85. Д.3. Л.73 – 73 об.



* * *

Перевод с узбекского

**Тов. Сталину, т. Калинину, т. Енукидзе, уртак Файзулла-Ходжаеву, уртак Кульбашерову,
уртак Ахун-Бабаеву, уртак Икрамову, постпреду УзССР. т. Исламову, Пред. Ср. Аз. бюро т.
Зеленскому, т. Иванову.**

От жителей Араванской вол.

Ходатайство

Настоящим приветствуем наших вышеперечисленных товарищей, освободивших от угнетения население Араванской волости, дав им возможность пользоваться благами свободы.

В текущем году исполняется 10 лет торжества Октябрьской революции, как мы под красными знаменами Октябрьской революции совместно с Вами кровью защищили нашу свободу. С 1924 по 1927 г. мы подавали много заявлений с материалами ко все наши законодательные учреждения о присоединении нас к Узбекистану. Правительство наше обратило внимание на вашу просьбу и назначило для расследования этого дела Комиссию под председательством т. Петровского. Результаты обследования Комиссии т. Петровского, а также и доклады этой комиссии мы поддерживаем и просим, чтобы постановление этой комиссии от 10 сентября 26 г. было проведено в жизнь. Вслед за этой комиссией была назначена вторая комиссия под председательством т. Кульбашерова, несмотря на то, что население высказалось ему самые искренние пожелания свои, т. Кульбашеров не точно определил наши заявления, а потому мы, трудящиеся и рабочие, дехкане и камбагалы Араванской волости просим считать заключение т. Кульбашерова неточным. Все наши дела как-то: экономические, торговые, по хлопководству непосредственно связаны с Узбекистаном, а потому убедительно просим обратить Ваше внимание на наше ходатайство, удовлетворить его, присоединив нас к составу УзССР. Представител Ташкулов.

Настоящее удостоверяем:

1. Предс. Араванск. исполнкома (подпись м.п.). 2. Ижраком Дусмат Хальпа (подпись м.п.).
3. Ижраком Типа-Курган (подпись м.п.). 4. Ижраком Лянгар (подпись м.п.). 5. Ижраком Кунь (подпись м.п.).

Вышеуказанное свидетельствуется.

Ячейка Араванской волости (подпись м.п.)

10/X-27 г.

Перевел переводчик Постпредства.

УзССР

(Тукузов) ³

* * *

Секретарью ЦКВКП(б) тов. Сталину
 Предс. Совнаркома Узб ССР т. Файзулла-Ходжаеву
 Секретарью ЦИК СССР т. Енукидзе
 Секретарью Совета Национальной т. Кульбашерову.
 Пост. предст. УзбССР т. Исламову.
 Гр. Араванской волости
 Ошского округа Киргизистана
 Ташкулова Гурван Ходжи

³ РИСТДА. Ф.17. Оп.85. Д.3. Л.71 – 71 об.



ЗАЯВЛЕНИЕ

Шестнадцать тысяч узбеков находящихся в Киргизистанской Республики, на вопрос т. Кульбешерова заявляют: в 1924 г. когда они находились в ведении Узбекистана, то были обеспечены и хлебом, и скотом. В настоящее время Киргизистан ничего не даёт. В том же 1924 г. в партии состояло 52 узбеков, сейчас состоит 15. Это объясняется исключительно условиями Киргизистана. В 1925 г. сто двадцать пять узбеков подавали заявление о приеме в партию, но Киргизистанская партия ничего не ответила, чем лишила возможности вступить в нее не 125, а 500 человекам, которые изъявили было желание тоже сделаться её членами.

Тов. Кульбешеров выехал на место и спрашивал, чем занимаются узбеки и чем занимаются киргизистанцы. Узбеки говорили также, что животных, необходимых в хозяйстве не имеют, потому очень трудно вести хозяйство.

В бытность Узбекистана существовало 7 школ с количеством от 150 – 130 до 75 человек в каждой. В Киргизистане только 5 школ от 10 до 25 человек в каждой.

Дальше в Узбекистане было 275 комсомольцев, в Киргизистане в последнее время 11.

Узбеки имеют 6 тысяч десятин ваты, которую сбывают в Узбекистан, деньги получают оттуда: Узбекистан находится в 1 версте, а Киргизистан в 32 верстах. Узбекистан снабжаем пшеницей, хлопком и многими другими прод. Киргизистан не снабжаем ничем. Он во-первых находится далеко, а во-вторых плохо смотрит на узбеков. Одним словом неудобен во всех отношениях.

Поэтому, на основании вышеизложенного, которое подтверждено самими узбеками, я от имени последних ходатайствую о присоединении 16 тысяч узбеков из Киргизистана к Узбекистану.

10/X-27 г.

Уполномоченный Араванской волости
(Ташкулов) с подленым верно.⁴

⁴ РИСТДА. Ф.17. Оп.85. Д.3. Л.72 – 72 об.



Кишилик жамияти тарихини битишида шахслар ва уларнинг эсдаликлари, кундаликлари, ривоятлар ҳам муҳим ёрдамчи манбалардан ҳисобланади. Чунки Аллоҳ яратган энг буюк мӯъжиза инсондир. Жамият тараққиётини белгиловчи ҳам ана шу буюк зотдир. Инсон эсдаликлари, хотиралари тарих, маънавият, маърифат учун асосий манба эканининг ёрқин мисоли муқаддас ҳадиси шарифдир. Пайгамбарамиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг айтган сўзлари, қилган ишлари, иқрорлари тўгрисидаги ривоятлар Ислом дини ва маданиятида Қуръони каримдан кейинги манба ҳисобланади. Ҳади-


си шариф олимлари қолдирган буюк мерос мана неча асрларки Ислом ва унинг маданияти ривожига хизмат қилиб келмоқда. Чинакам тарихни яратишида тарихий шахсларнинг эсдаликлари, хотиралари ёрдамчи манба сифатида муҳим аҳамиятга молик. Шу боис бундай манбалардан самарали фойдаланиш тадқиқотчининг вазифаларидан биридир. Бунинг аҳамиятини англаган кўплаб замона ҳукмдорлари ҳам эсдаликлар қолдиршишган. Қуйида сиёсий қатагон қилингандардан бири – андижонлик Ҳуруллохон Муҳаммедовнинг эсдалигидан айрим лавҳалар келтирилмоқда.

МУҲАММАДХЎЖА МУҲИДДИНХЎЖА ЎҒЛИ ҲУРУЛЛОХОН ЭСДАЛИГИДАН



*Муҳаммадхўжа
Муҳиддинхўжа*

*Сурғундаги сурати. 1875 йилги
Андижон шаҳрида туғилган.
1941 йил 14 марта Андижонда
вафот этган.*



*Ҳуруллохон Муҳаммедов
(1921 – 2011)*



... Дадам раҳматли боғдорчиликдан ташқари тижорат ишларини ҳам яхши билгандар. Катта оилани боқиш, кийинтириш, уй-жой билан таъминлаш учун катта куч вағайрат сарф қилганлар. Дардоқда сув бўйида катта дўконлари ҳам бўлган, унда озиқовқат ва хўжалик буюмлари сотилган (1922 – 1923 йиллардаги ур-кет вақтида уни бузиб, талон-торож қилишган).

Қулоқларга қарши кураш, ер ислоҳоти, колективлаштириш, колхоз тузиш авж олиши билан Самарқанддан, Тошкентдан комиссиялар келган, «бой», «қулоқ», «шўрога ҳақсиз» деган янги «унвонлар» бериш (тамға босиш) жараёни бошланган. Катта комиссиялар тузилиб, район ва қишлоқларда бойларнинг қўлида ишлаб кетган ва ишлаётган ишчи, деҳқон, боғбон, чўпонларни қақириб келтиришган.

Биздан тортиб олинган ташқи ҳовлимизда ушбу комиссия иш бошлаган экан. Ҳар бир қақириб келтирилганга: «Сен кимнинг қўлида, қанча ва қанақа иш билан машғул бўлгансан?» – деб мурожаат қилинган. Олинган жавобдан сўнг: «Ушбу бой ишлаган ҳақингнинг ҳаммасини берганми? Бермаган бўлса, қанча қолган?» – деб савол қўйишган. Бундай савол-жавоблар бир неча кун давом этган.

Дадамиз Муҳаммадхўжага навбат келганида аҳолидан салбий жавоб олинган эмас. Аксинча, кўпчилик: «Эшон отага давойимиз йўқ, иш ҳақимизни тўла олганмиз, бу одам қўлидан келганича кўпчиликка ёрдам берган, очарчилик даврларида кўпчилик муҳтожларни ўлимдан сақлаб қолган», – деб жавоб қайтарган. Бу каби савол-жавоблар дадамиз раҳматлининг олдинроқ сургундан озод бўлишларига ҳам сабаб бўлган. «Шўрга ҳақсиз», «халқ душмани» деган тамғалардан сақланиб қолганлар. Шунга қарамай, ўз уйларига келишга рухсат тегмаган. Биргина қулоқларни йўқ қилиш сиёсати Ўрта Осиёда аввалбошдан зулм, зўрлик ва бедодлик шиори остида ўтказилди. Бу масалада ҳеч қандай аниқ кўрсатма ва қонунлар ишлаб чиқилмаган бўлиб, бевосита бу ишга масъ-

ул этиб тайинланган кимсаларнинг хоҳиш-иродасига ҳавола қилинди. Айрим батрак, саводсиз, қонун-қоида каби инсоний ҳуқуқлардан хабари йўқ, оқ-коранинг фарқига бормайдиган раҳбарлар ўз манфаатларини кўзлаб кўп одамларга озор бериб, кўп оиласарнинг гуноҳсиз сургун қилинишига, қамалишига, мол-мулклари талон-торож этилишига йўл қўйдилар.

Қулоқлар синфига кимлар мансублиги Ўзбекистонда ва бошқа республикаларда аниқ белгиланмаганлиги кўп нопок кишиларга шахсий адовати бўлган кимсалардан ўч олиш, диний эътиқоди, сиёсий қарашлари ҳукмронларга тўғри келмаганларга, норозилик кайфиятини билдирганларга қарши қўллашда жуда қўл келди.

Ўзбеклар асосан пахтачилик ва боғдорчилик билан шуғуллангани учун терим пайтида ёлланма ишчиларни камбағал дехқон ҳам ишлатишга мажбур бўлган, ўзи бир қисм маҳсулотни сотишга ҳам мажбур бўлган. Ўша ночор дехқон ҳам қулоқ бўлишдан қўрқиб шу сиёсат туфайли ўз фаолиятини кескин қисқартирганлиги маълум.

Масалан, айнан «қулоқларни йўқ қилиш» тадбири билан шуғулланган бир фаолнинг шундай сўзлари келтирилган: «Кимни қулоқ деб ҳисоблашга бизда аниқ тушунча ёки кўрсатма бўлмаган. Масала қалтис ва шошилинч ҳал қилиниши кераклиги туфайли ҳар биримиз ўзимиз «ликвидация усуллари»ни, «йўқ қилиш» кампаниясини тахминан ишлаб чиқканмиз. Аниқ кўрсатмалар йўқлиги бу ишни хоҳлаганимизча ўтказишга мажбур қилди. «Қулоқ» қилган кишиларимизнинг орасига кўпинча ўртаҳол ва камбағаллар ҳам тушиб қолар эди. Уларнинг барча мол-мулкини, коса-товогини ва пиёлаларигача олиб қўяр эдик». Ҳеч қандай «опись» қилиш, олиб қўйилган мол-мулклар рўйхатини тузиш каби ишлар бажарилмаган.

Яна бир «ликвидатор»нинг хотираси: «Тунда мени қақириб қўлимга гувоҳнома топширишиди ва тезлиқда бир манзилга «ликвидация»га боришим шартлигини айтишиди». Яъни ярим кечада, уйқусираган,



аниқ вазифа-мақсадини англамаган, кўп ҳолларда чаласавод одамни ширин уйқудан турғизиб, бечора инсонларнинг тақдирини ҳал этишга масъул қилишган.

Эшитишинг қараганда, ер ислоҳоти бошланишидан олдин дадам раҳматли ўша пайтдаги Ўзбекистон раҳбари Йўлдош Охунбобоев номига ариза ёзиб, етмиш фоиздан ортиқ ер ва мол-мулкларини ўз ихтиёрлари билан давлатга топширганлар. Катта оила-ни боқиши мақсадида қисман энг зарур мол-мулкларини олиб қолганлар. Шунга қарамай, дадам раҳматли ва яна 10 кишини Андижонда суд қилишиб, 6 йилга Архангельскка сургун қилиш ҳақида ҳукм чиқаришган. Улар орасида 70 га яқинлашиб қолган Каримбой ҳожи ҳам бор эди. Сургун қилингандарнинг ёши ўртача 55 – 60 да бўлган. Архангельсқда бу одамларни қабул қилувчилар суд қарори ва бошқа ҳужжатлар билан танишиб чиқишидан сўнг нима сабаб билан қамалиб суд қилингандарини сўрашган. Улар: «Суд ҳукмида ёзилган бўлиши керак», – деб жавоб беришган. Суд ҳукмида эса бой хўжалигида, ерида бошқаларнинг кучидан фойдаланган, аммо бирорнинг ҳақини бермаган ёки ўғирлик билан бой бўлган қаби очиқ айловлар йўқ экан.

Сургун қилингандарнинг ёши улуғлиги ва оғир жисмоний ишларга (тайгада дараҳт кесиш каби) яроқсизлигини пайқаган мутасаддилар «жисмоний ишларда ишлашга имконияти йўқ» деган баҳона билан уларни қабул қилишмаган.

Бу ҳол Архангельскдан Мурманскка олиб борилганларида яна такрорланган. У ердаги раҳбарлар ҳам нуроний мўйсафидларни кўриб, таажжубланиб қабул қилишдан бош тортишган. Бу бечора инсонлар 10 – 15 кунлаб «қизил» вагонларда кун кечириб, озиқовқат танқислиги ва бошқа қийинчиликлар билан ҳолдан тойган, касалланган. Қайтишда Ленинграддан ўтгандан кейин бир темир йўл разъездидаги вагонда Каримбой ҳожи дадамнинг тиззаларига бош кўйиб жон таслим қилган экан. Ҳамроҳлари вагондан тушиб, нима қилишни билмай, бирор тузукроқ

жойга дағн этиш тўғрисида маслаҳатлашиб туришганида узоқдан бир одам кўриниб қолади. Ўша одамни чақириб келиб ундан маслаҳат (йўл-йўриқ) сўрашмоқчи бўлишади. Худонинг кудратини кўрингки, ушбу инсон ўзбек (туркӣ) тилига тушунадиган, Ленинград атрофидаги бир қишлоқда яшовчи татар миллатига мансуб мусулмон одам экан. У одамдан илтимос қилиб, аҳволни тушунтириб: «Бу отани дағн этишга ёрдам беринг, эвазига сизга керагича пул ва марҳумнинг ҳамма нарсасини қолдирамиз», – деб илтимос қилишган. У киши анча инсофли бўлиб: «Хавотир олманглар, дағнни ислом қоидаларига кўра бажариб, сизларга хат орқали хабар юбораман», – деб ваъда берган экан.

Ҳақиқатдан ҳам бир ой ўтмай Андижонга хат ёзиб, унда Каримбой ҳожи отанинг жасади қайси мозорга дағн этилганлиги ва қабр рақами ҳақида аниқ маълумот келган. Кейинчалик Каримбой ҳожининг кичик ўғли Муҳаммад ҳожи Ленинградга бориб ота қабрини зиёрат қилиб, маърака-худойиларини ўша ерда ўтказиб қайтган.

Бу воқеа, яъни фақатгина «бой ва ёлланган ишчиларни ишлатган» деган «айб» билан ёши улуғ, бирорта хиёнат ёки жиноят қилмаган инсонларнинг ватанидан бир неча минг километр узоқдаги ўлкаларга сургун қилингани ҳатто ўзга миллатга мансуб қаҳри қотган зона ходимларини ҳам таажжублантирган экан.

Тақдирни қарангки, ўз замонасининг таникли кишиси, ниҳоятда беозор бўлган Каримбой ҳожининг ҳаёт йўли шу тарзда ниҳоясига етди, қабри ўзга юртда қолиб кетди. Биз «ҳожи бува» деб чақирган бу нуроний кишининг хонадони ҳовлимииздан 600 – 700 қадам юқорида эди ва бизнинг уй-жойимиз каби мусодара қилинган. Ҳожи бува қурдирган масжид ҳозир ҳам бор, аҳоли ундан шу кунга қадар фойдаланиб келмоқда.

Дадам раҳматли Россиядан қайтарилгач сургун муддатини Қирғизистоннинг Пишпек шаҳрида ўтаганлар...



АНДРЕЙ ВЛАДИМИРОВИЧ ТРУБЕЦКОЙ АНДИЖОНДАН МАКТУБЛАР

(Давоми. Боши ўтган сонда)

1969 йили мен илгариги бозорларни кўрмадим. Маҳаллий аҳоли энди Европа усулида кийина бошлаган эди. Миллий кийимлар эса анча соддалашибди. Янги чопонлар фақат бир хил рангдаги матодан тикилган. Дўппилар эса жонсиз машиналар чокидан чиқаётган эди. Ижобий ўзгаришларни ҳам кўрдим: шаҳарга водопровод олиб келишибди. Пахсадан қурилган эски маҳаллаларни бузиб, ўrniga замонавий уйлар қуришяпти, йўлларга асфальт ётқизишяпти. Андижонда энди тиббиёт институти ва бошқа бир қатор олийгоҳлар бор. Бу ерда яшаган руслар анча камайган. Андижон бошқа Ўрта Осиё шаҳарлари сингари кўп миллатли. Унинг туб аҳолиси ўзбеклар ва кам миқдордаги Бухоро жўҳидларидан таркиб топган. Қолганлари, яъни руслар, украинлар, татарлар, арманлар келгиндилар ҳисобланишади. 1935 ёки 1936 йили бу ерда корейслар пайдо бўлишиди. Уларни Узоқ Шарқдан мажбуран кўчириб келтиришган. Бу Сталин даври учун оддий ҳол эди. Корейсларни бутун Ўрта Осиёга, асосан, қишлоқ жойларига жойлаштиришди. Шу бўйи колхозларда яшаб келишяпти. Маҳаллий шароитга кўникишди, лекин бошқа миллатлар билан қўшилиб кетишмади. 1983 йили хотиним билан Тошкентда бўлганимда унинг бозорларида кўплаб корейсларга кўзим тушди. Улар жон сақлаб қолишган эди.

Ўзбекистонда бўлган пайтимизда у ерда ёзув ислоҳоти амалга ошаётган эди. Мамлакатда араб имлосидан лотин имлосига ўтилди. Эски шаҳардаги уйларнинг рақамлари арабча битилганлигини, маҳкама қофозлари арабча ёзилиб, рус тилига таржима қилинганлигини кўрдик. Рус мактабларида эса ўзбек тилини янги имлода ўргатишар эди. Бу борадаги ислоҳотлар шу билан якунланиб қолмади. Энди бизнинг Шарқ республикаларимиз кирилл алфавитида ёзишга ўтди. Буларнинг барчаси Совет мусулмон республикаларини хорижий мусулмон давлатларидан ажратиб қўйишга қаратилган сиёsat эди. Кавказортининг хрис-

тиан халқлари – грузин ва арманлар, Болтиқбўйи аҳолиси ўз ёзувида қолди. Бироқ маданият, халқнинг бутун бир тарихи, унинг анъаналари сақланиб қолаверади. 70-йилларда Москвада троллейбусда кетаётиб олдимда ўтирган татар ўшларининг хат ўқиётганига кўзим тушди. Ушбу хат араб имлосида ёзилган эди. 1979 йили Фрунзеда менга Тошкентда нашр қилинган Куръонни кўрсатишиди. У ҳам араб имлосида битилган эди. Ўзбекистонда ҳозир ҳам болалар суннат қилинади. Моссадаги масжидга эса мусулмон байрами кунлари одам сигмай кетади.

Энди ўзимизнинг ҳаётимиз, яшаган уйимиз, унинг эгалари ва қўшнилар ҳақида ҳикоя қиламан. Юқорида эслатиб ўтганимдек, биз дастлаб фамилияси Мирзаев бўлган бир ўзбекнинг хонадонига жойлашдик. Биринчи куни у бизга катта идишда гилос ва оқ ўрик олиб кирди. Оқ ўрик энг эрта пишадигани, ерга тўкилганида унинг қуюқ шарбати данагига ёпишиб қолади. Уйнинг сариқ сочли хўжайнини, бошқа ўзбеклардан фарқли ўлароқ, рус тилида яхши гапиради. Унинг хотини Кароматхон эса анча ёш, у фақат сўкинишдангина иборат бўлган русча сўзларни билади. Афтидан, бу сўзларни шаҳарда извош бўлиб ишлайдиган эридан ўрганиб олган бўлса керак. У ушбу сўзларнинг маъносига тушуниб тушунмай тўғри келган жойда айтаверарди.

Биз турган уй пахсадан қурилган бўлиб, томи теп-текис, поли эса лойшувоқ қилинган. Шифтга тўсин ётқизилиб, устидан қамиш босилганди. Унинг устидан эса сомон сувоқ қилинган. Уйнинг деворларини ҳам сомон сувоқ қилиб, устидан оқлаб қўйишган. Ички деворлари эса ердан бир метр тепадан тўғри бурчак шаклида чуқур ўйилган. У жуда қулай бўлиб, шкаф ва токча вазифасини бажаарди. Биз уйнинг кўча томонидаги иккита хонасини эгалладик. Орқа томонида эса уй эгалари истиқомат қилишарди. Уй ўша пайтда урф бўлган ярим айвондан иборат. Улар яшайдиган хонада қишида овқат тайёрланадиган ўчоқ бор. Ёзда овқатни ташқарига қурилган ёзги ўчоқларда пиширишади. Улар жойлашган хонанинг ўра-



сида тўртбурчак чуқурча бор, устини паст бўйли хонтахта билан ёпиб қўйишган. Уни сандал деб аташади. Қишида ана шу чуқурчага ўчоқдан чўғолиб ташланади. Сўнг хонтахтанинг устини пахта солинган кўрпача билан ёпиб қўйишади. Шундан кейин оила аъзолари сандал атрофига тўпланиб, оёқларини унинг ичига тиқсан ҳолда ўтиришади: ниҳоятда иссиқ. Бундай пайтда эшикни бемалол очиб қўйиш мумкин, ташқарида эса изгирин совуқ.

Биз томонда айвон йўқ эди. Ёзда сўкичак қуриб, томорқага экилган ошқовоқни биз томонга чиқариб қўйишади. Биз унинг соясида тушлик қилиб, шу ерда ухлардик. Ана шундай кунларнинг бирида отам Варя билан бозордан ёғоч каравот олиб келди. Ҳовлининг ичкари томонидаги сўрток остига ана шундай панжарали карават ўрнатилган. Лекин у жуда ҳам катта. Унга ўта баланд қилиб кўрпа-тўшакларни йигиб қўйишади. Искабтопардан ҳимояланиш учун кечкурун пашшахона қуриб олишади. Искабтопарлар майдада бўлгани билан жуда ҳам зарарли. Чаққани унчалик билинмайди. Бироқ унинг ўрни кейин шунчалик қичишишади, бир неча кун қон чиққунча қашлаб юришга тўғри келади. Оиласиздагилар аста-секин бунга кўнишиб кетишиди. Лекин онам иккаламиз ёз бошланди дегунча ундан қаттиқ азият чекардик.

Биз томонимизда кичкина томорқа бўлиб, ошқовоқдан ташқари бу ерга помидор, қовун ва бошқа нарсалар экиларди. Томорқанинг чеккасида ҳожатхона жойлашган. У ҳам жуда оддий тикланган: кефир идишига ўхшаб кетадиган юмaloқ хандақ қазиб, унинг устини ўртаси тешик тахта билан ёпиб қўйишган. Атрофи эса одамнинг белидан келадиган пахса билан ўралган. Хандақ тўлиши билан ёнига бошқасини ковлашади. Ҳовлининг орқа томонида боғи бор. Бу ерда ўриқ, гилос, беҳи парваришлиланади. Беҳини илгари кўрмаганимиз учун уни дастлаб олма деб ўйлаган эканмиз.

Кўп ўтмай биз қўшни ҳовлига, Фоғиржон Шарипов истиқомат қиладиган «Қизил карвон» кўчасининг 86-ийига кўчиб ўтдик ва бу уйда бир неча йил истиқомат қилдик. Опа-сингилларим ҳовлидаги алоҳида уйга жойлашишиди. Биз турган хонада овқат тайёрланадиган плита, иссиқлик бор. Уйнинг эгаси рус тилини яхши билмайди. У темир йўл депосида боғбон бўлиб ишлар

экан. Мутлақо саводсиз, шунга қарамай, партия аъзоси эканлиги бизни ҳайратга солди. Ёзиши билмагани учун менга бепул кўмир, ёғоч ёки пул олиш ҳақида тез-тез ариза ёздириб оларди. Хотини Ойимчахон ҳам рус тилини билмайди. Уларнинг иккита фарзанди бор. Қумри синглим Ирина билан тенгқур, бироз оқсаб юради. Ўғли эса энди бир ёшга тўлган.

Ота-онамиз жуда самимий инсонлар. Уларнинг яхши тарбия кўришганини айтмай қўя қолай. Ана шу сабабли маҳаллий аҳоли билан тез тил топишиб кетарди. Биз ҳам болалар билан дарров дўст тутиниб олдик. Тенгқурларимиз биринчи бўлиб бизга ўзбекча сўкинишларни ўргатишиди, ўзимизнигiga қараганда уларнинг тури кўп экан. Кўшнимизнинг ўғли Музроп ҳали танишиб-танишмай туриб: «Ленинни кўрганмисан?», «Россияда ун қанча туради?» – деб сўради. Айтиш жоизки, мамлакат 1933 йилги очарчилиқдан эндиғина қутулаётган эди. Марказда яшаганимизда Россия деган сўздан биз анча бегоналашиб қолгандик. Бу ерда ушбу сўз яна ўзгача маъно касб эта бошлади. Маҳаллий аҳолининг Россияга қизиқиши баланд эди. Ўзбеклар энг сифатли буюмга «Николайники» деб таъриф беришади. Бир куни Музропнинг отаси мени ичкарига чақириб, бир нималарни узоқ тушунтиришга ҳаракат қилди. Мен фақат «бозор» ва «қозон» деган сўзларни тушуна олдим, холос. У мени қозоннинг олдига олиб бориб, унинг қулоқларини кўрсатди-да, имоишора билан бозорга олиб боришимиз кераклигини тушунтириди. Мен олдинда, у орқада бозорга йўл олдик. Бозорга етгач қўшнимиз менга рухсат бериб, қозонда тўла турган нўхатни сотишга киришиди. Кечки пайт маҳалламида катталар пулга ошиқ отишарди. Уларнинг орасида нўхатчи тоғани ҳам учратдим. У яна имоишоралар билан мени олдига чақириб, қўллимга бир сўм тутқазди. Бу бояги меҳнатимга ҳақ экан. Шериклари эса эрталабки ишимдан бехабар, нўхотчи ўйинда ютиб олиш учун шундай қилди деб ўйлашди. Балки, шундайдир... Бу ерда ошиқ ўйнаш кенг оммалашган. Бунинг учун сўйилган қўйнинг олди тиззасидан ошигини ажратиб олишади. Ошиқ отилганида унинг бир томони тепага бўлиб тушади. Ҳар бир томони ўз қийматига эга: чижга, пука, олчи, олтова. Охиргиси энг қиммати. Одатда,



тўртта ошиқда ўйнашади. Бу ўйинда ҳеч нарса аяб ўтирилмайди, шунинг учун у жамоат жойларида қатъий тақиқланган. Бундан ташқари, гутурт отишади. Бунда қути уч хил ҳолатда ерга ётади. Энг қиммати унинг тик туриб қолиши. Болаларнинг ўйини эса худди бизнинг ошиқ ўйинимизга ўхшайди. Бунда ошиқ вазифасини ёғоч соққа ёки ёнғоқ бажаради. Ланка ўйини ҳам бор. Уни тайёрлаш учун қўй териси-нинг бир бўлаги қирқиб олиниб, орқасига танга ёки қўроғшин ёпиштирилади. Бу ланканинг ҳавода текис ҳаракатланишини таъминлайди. Уста ўйинчилар ланкани чап, ўнг оёғи, тиззасини буқкан ҳолда олди ва орқа томони билан ҳам тепа олади. Ланка ерга тушиб кетмагунча тепилаверади. Ана шундан кейингина у бошқасига ўтади. Бу ерда «чиллақ», «казаклар ва қароқчилар» ўйинларини учратмадим.

Илгари биз уйида яшаган Мирзаевнинг яқин ерда яшайдиган опаси ва иккита акаси бор эди. Опасининг эри ёзда қамоқдан чиқди. Унинг саккиз ёшли ўғли бу кувончли хушхабарни нишонлаш учун кўчага танга сочди. Болалар талашиб юриб уни битта қолдирмай териб олишди. Хўжайнимизнинг укаси Абдураҳмон мен билан tengқур бўлиб, унчалик кўзга ташланиб турмасди. Унинг акаси Ҳожи эса 25 ёшга тўлган бўлиб, шеър ёзарди. У рус тилида яхши гапи-рарди. «Ақли», «зиёли» сўзларни кўшиб гапиришни яхши кўрарди. Ўшанда рамазон ойи эди. Маҳаллий аҳоли рўза тутиб, эрталабдан-кечгача оғзига ҳеч нарса олмасди. Ҳожи биз билан тушлик қилиб бўлгач кўчага чиқиб оғзида чайнаётган гўштни кўшнисига кўрсатиб мақтана кетди: «Чўчқа гўшти еяпман!» Бу миллий анъаналарга қарши чиқиш билан баробар эди. У отам билан сұхбатлашиш учун бизникига кўп кираарди. Афтидан, уни отам эмас, балки сингилларим кўпроқ қизиқтиарди. Мен Ҳожидан исми-шарифимни араб имлосида ёзиб беришини сўраган эдим, у илтимосимни дарров бажарди. Кейин мен бу сўзларни пичоқ билан деворга ўйиб туширган эканман. Бу ишим ножӯя эканини кейин тушуниб қолдим.

Яна бир ҳолат: у Ҳожи билан боғлиқми-йўқми, мен учун мавҳум бўлиб қолди. Отам Янги шаҳардаги ресторонда мусиқачи бўлиб ишлашини, доимо ишдан кеч қайтиб онамни бозвота қилишини илгари айттан эдим. У ярим

тунда ишдан қайтаётиб Пиён бозор билан Эски шаҳарни боғлаб турувчи катта йўлдан тор кўчага бурилади. Осмонда чарақтаб турган ой ўқтин-ўқтин булутлар остига яширинарди. Бир жойга етганида отамга олдиндаги нураган девор орасидан кимдир мўралагандек бўлиб туюлади. Шунда у роялни созлашда ишлатиладиган темир қалитни ҳимояланиш учун шай қилиб қўяди. Шубҳали ерга етганида девор ортидан пичоқ кўтарган кимса унга ташланади. Отам қалитни чиқариб, у билан қароқчининг бошига солади. Йўлтўсар кутилмаган зарбадан тиззалаб қолади ва шу ҳолда кўздан ғойиб бўлади. Бу ҳодиса Ҳожининг уйидан 100 метр нарида юз берганди. Икки кундан сўнг у бошини дока билан боғлаган ҳолда уйимизга кириб келди. Нима бўлди деб сўраганимизда «яра чиқди» деб қўя қолди. Отамга ташланган шу эдими ёки бошқасими, билмай қолдик. Кўп ўтмай Ҳожи умуман бизга кўринмай қўйди.

Ўзбек маҳаллаларида онда-сонда бўлса ҳам маҳаллий аҳоли билан ёнма-ён яшайдиган рус оиласи учраб турарди. Масалан, Смутинлар оиласи Қўтган ариқнинг нариги томонида истиқомат қилган. Биз яшаган «Қизил карвон» кўчаси ҳам шу ариққа ёнма-ён жойлашган эди. Ариқда одамлар ҳам, отлар ҳам чўмилаверарди. Смутинлар оиласи инқилобдан аввал бу ерга кўчиб келган руслардан ҳисобланади. У учига чиққан пиёниста эди. Ўғлининг айтишича, илгари ички ишлар маҳкамасида ишлаган, қўлга тушган босмачиларни отиб ташлашда қатнашган экан. Ана шундай пайтда кайф, этиклари қон ҳолатда ишдан қайтарди. Шу аҳволда у Қўтган ариқдаги тор кўприкдан қандай ўтиб олганига ҳайрон қолардим дейди катта ўғли Анатолий. Фарзандлари отасини сизлаб туриб, уни ёмон кўриши мени кўп бора ажаблантирган.

Турли йилларда бизга ҳар хил тоифадаги рус оиласи қўшни бўлган. Бир пайтлар отам билан битта оркестрда ишлаган пианинчи оиласи истиқомат қилган эди. Уларни яхши эслай олмайман. Кўшни уйда сибирлик темирийўлчи, паравоз ҳайдовчиси ўз оиласи билан яшаган. Унинг семиз хотинини Сибирдаги фуқаролар урушида урф бўлган қўшиқлари орқалигина эслаб қолганман:

«Бизга ваҳиий чехлар ҳужум қилишиди,
Жондан азиз қишилогим ёндиришиди...»



Биздан бир уй нарида, маҳаллада ягона бўлган болохонали уйга Гребенышковларнинг кўп болали оиласи жойлашди. Улар ҳам Сибирдан келишганди. Оила бошлигини негадир эслай олмайман. Қизларининг бири ғоятда соҳибжамол эди. Шаҳар боғидаги ҳовузда чўмилганида, албатта, икки-учта ўзбек уни еб қўйгудек томоша қилаётган бўларди. Мендан икки ёш катта бўлган ўртанча ўғли билан дўст тутиндим. У Эски шаҳарни радиолаштириша слесарми, монтёрми бўлиб ишлаган. Бошқа қўшнилар ҳам бўлганди, бироқ ҳаммасини эслаб қолмаган эканман.

Яна ортга чекинсан.

Биз кўчиб келганимиздан кейин бир ойдан озроқ вақт ўтиб, аникроқ қилиб айтганда, 1934 йилнинг 12 июнида энг кичик укамиз туғилди. Ўзини доимо хушчақчақ олиб юрадиган отам диний китоб варақлаб унга мос исм қидира бошлади: Пуд, Комод, Африканга келиб тўхталган бўлса-да, Георгий деб исм беришди. Кейинчалик уни Готка деб атай бошладик. Готка Ўрта Осиё муҳитига биздан кўра тез мослашди. Ташқи қўринишидан ҳам ўзбекларга ўхшаб кетарди. Ёз ойларида Кўтган ариқ бўйидаги эски йўл қалин тупроқ билан қопланарди. Ёзда қачон қарасанг, болалар сувдан чиқиб, чангга буланиб ётган бўларди. Уларнинг орасида албатта Готкани учратардик. У ўзбек қўшниларимиз ҳаёти билан яшаб, уларнинг ўйинини ўйнарди, тили, феъл-атворини ўзлаштириб бораарди.

Энди яшаш тарзимиз, турмушимиз ҳақида гапирсам. Онам кунлик овқатни ҳовлидаги очиқ ўчоқда тайёрларди. Ўчоқ бир нечта гиштни таҳлашдан ҳосил қилинган бўлиб, унинг устига кастрюл, қозон ёки чойнак қўйиш мумкин эди. Остидан паст қилиб олов ёқиларди. Ўтинни бозордан сотиб олардик. Ўн дона ғўла бир сўм турарди. Шундан бўлса қерак, ҳозиргacha мен ўтинни тежаб ишлатаман. Бундан ташқари, керосинкалар (примуслар) бўларди. Керосин ҳам бозордан олиб қелинарди. Фанарное масло деб ҳам аташарди. Ўзбеклар ф ҳарфи ўрнига п ҳарфини ишлатиб панареф деб аташган. Панарефни асосан болалар сотишарди. Электр йўқ эди, ўрнига чироқ ёқишарди. Унга пилик ва панареф қерак бўлган. Бироқ радио бўларди. У орқали эрталабдан-кечгача фақат ўзбек мусиқалари бериларди, қўникишишимиз жуда

қийин бўлган. Қишида эса уйда плиткада овқат тайёрлашган. У билан уйни ҳам иситиш мумкин эди. Ёқилғи сифатида чигит пўчоги (шелуҳа) ишлатилган. Уни улгуржасига маҳаллий ёғ заводидан сотиб олиш мумкин бўлган. Пўчоқ яхши ёнарди.Faқат чириб қолишига йўл қўймаслик керак, акс ҳолда, портлаб кетиши мумкин эди. Тошқўмир ўта тақчил бўлган, ўтин ҳақида гапириш ҳам мумкин эмасди. Ичиш, овқат қилиш ва чўмилиш учун сувни Қўтган ариқдан олганмиз. Faқат қишидагина у тиниқлашарди. Бошқа пайтда лойқа бўлиб оқарди. Челакда тиндиргандан кейин ичиш мумкин эди. Айрим пайтда тушликни ёғ заводининг ошхонасидан олардик. Йилнинг исталган вақтида дастурхонимида мева-чевалар турарди.

Ўрта Осиё меваларини таърифлашга тил ожиз! Хилма-хиллиги, таъмининг мазалилиги жиҳатидан на Кавказ, на Крим, на Молдавия мевалари уларга тенг кела олади. Ҳиди бутун уйни тутиб, оғизда эриб кетадиган тилёरар қовунлар, ҳам ширин, ҳам нордон, ҳам данакли, ҳам данаксиз, оқ, қора, қизил рангларда товланувчи «келинбармоқ» узумлар, турли ҳажм, турли ранг, турли қўринишдаги хушбўй шафтолилар, шираси томиб турадиган анжирлар, олхўри, нок, гилослар шу заминда етиштирилади. Тарвузни еб бўлганингиздан кейин унинг шираси шу қадар ўткирки, ювмасангиз, бармоқларингизни бир-бирига елимдек ёпиштириб қўяди. Бир неча йилдан сўнг Москвага қайтганимда ўрта полосада етиштирилган меваларни оғзимга ололмай юрдим. Улар ниҳоятда бемаза эди.

Андижонга келганимизнинг биринчи йили, яъни 1934 йили очарчилик оқибатлари яққол сезилиб турарди. Отам маҳрум қилинганлардан эди. Ҳозир ҳеч қандай маънога эга бўлмаган ушбу сўз ўша вақтда бошқача эшитиларди. Бундай тоифадаги кишилар сайлаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилинарди. Бунинг кимга ҳам кераги бор, ўша пайтдаги сайловларнинг қандай ўтгани кўпчиликка аён. Ҳамма гап маҳрум этилган деган тамғанинг пешонага босилишида эди, худди негринг танаси қора бўлганидек. Ушбу тоифадаги кишилар паст табақа ҳисобланарди. Карточка тизими йўлга қўйилган пайтда бизга маҳрум қилинганлар учун чиқарилган карточкаларни беришган. Тўғриси, бу



бошқа карточкалардан қандай фарқ қылганини билмайман. Бироқ бизлар учун маҳсус дўкон ташкил этилган бўлиб, у шаҳарнинг биз турган жойга қарама-қарши томонида жойлашганди. Қийинчилиги шунда эдики, бир кунда ҳатто уч марта бориб-келишимга тўғри келган. Бир йилдан кейин карточка тизимини бекор қилишибди. Лекин нон учун узундан-узоқ навбатда туриш сақланиб қолган эди. Ўша пайтда, бутун Иттифоқда бўлгани каби, бу ерда ҳам «чет элликлар учун» деб ёзиб қўйилган «торгсин» дўкони очилган. Унда фақат олтин, кумуш ва валюта га савдо қилишарди. Агар Хитой консуллигини ҳисобга олмаганда, Андижонда чет элликлар йўқ эди. Олтин ва кумуш эса, яшаш қанчалик қийин бўлмасин, одамларнинг қўлида бор эди. Шунинг учун бу ерда ҳар куни савдо-сотиқ қизигандан-қизиб, одамларнинг қўлидаги нодир металларни сугуриб олишарди. Бир куни ўша торгсинни боплаб ўмаришди. Фақат бир йилдан кейингина ўғриларни ушлашган.

Биз Загорскка қараганда бу ерда тўкин яшай бошладик. Тикув машинаси, велосипед, радиоприёмник сотиб олдик. Отам велосипедга ўтириб: «Иигирма беш йилдан кейин биринчи марта эгарга ўтиряпман», – деб қувонгани эсимда. Шуни айтиш керакки, Ўрта Осиёда велосипед Россияга нисбатан кенг оммалашган. Чунки бу ерда ундан йил давомида фойдаланиш мумкин. Бунга яна бир мисол. Бир куни темир йўл вокзалига катта партияда велосипедларнинг келтирилиши бутун шаҳарни қалқитиб юборди. Кечкурундан бошлаб одамлар марказий кўчада жойлашган «Спорт товарлари» магазини ёнида навбатга туришди. Эрталабга келиб бу ерга одам сигмай кетди. Дўкон очилгач велосипед учун чеклар «Парк» кинотеатрида сотилишини эълон қилишибди. У бу ердан икки квартал нарида жойлашган эди. Кўп ўтмай чекни олиб кела бошлашди. Ярим одам шу ерда қолганди. Бир зумда тўполон бошланди. Дўкон деразалари чил-парчин бўлди. Шунда янги велосипед олгандан кўра эскисими мингган афзал эканини тушунганман. Отам ресторандаги оркестрда ишлаш билан бирга бу ердаги академик театр билан ҳам ҳамкорлик қиласарди. Оилавий архивимиизда отамнинг қўли билан ёзилган қўйидаги ариза сақланиб қолган:

**Андижон давлат
ўзбек театри директорига
В.С.Трубецкойдан**

АРИЗА

«Севги ва макр» драмаси мусиқаси учун ноналарни кўчириб олишига рухсат беринингизни сўрайман. Чунки менда унинг биронта нусхаси қолмаган.

26.07... В.Трубецкой

Отамнинг мусиқий йўналишдаги бошқа бир фаолияти ҳам бўлган. У миллати румин бўлган скрипкачи Филипп Харкоти билан сайёр оркестр ташкил этган эди. Ушбу оркестрнинг Фарфона водийсидаги фаолиятини тасдиқловчи бир қанча ёзма маълумотлар сақланиб қолган. Мана улардан бири:

**Ф.Харкоти бошқарувидаги жаз
оркестри фаолияти ҳақида**

МАЪЛУМОТ

Мазкур йилнинг 5 марта куни жаз-банд ИТР культбазасида икки марта, 6 марта куни Кувасой цемент заводи ишчилар клубида бир марта концерт берди. 6-куни кундузи болалар учун концерт ташкил этилди. Барча концерtlар муваффақият билан ўтди, артистлар яхши ижро этишиди. Тингловчилар оркестр ишидан мамнун.

Маданий тарғиботчи: Реднюк

Котиб: Пятаков

7 март, 1936 йил.

Оиламиизда отам ва Варядан ташқари Гриша ва Татя ҳам ишлайдиган бўлишди. Гриша маданият ва истироҳат боғида киномеханик бўлиб ишларди. Бироқ тез фурсатда ишни ташлаб, Тошкентта киномеханиклик курсида ўқиш учун кетди. Курсни тамомлагач уни Помир трактидаги Фулча деган жойга юборишиди. У ерда бироз ишлаб Андижонга қайтиб келди. Кўп ўтмай Андижондан 40 километр нарида жойлашган Сталинск (Шаҳрихон) район марказига кўчиб кетди. У ерда янги клуб очилган экан, Гриша шу ерга киномеханик бўлиб ишга кирди. Мен поездда, велосипедда унинг олдига бир неча марта борганман. Варя эса Андижонда яшаган уч йил мобайнида жуда кўп



жойларда фаолият юритди: қүёңчилик бўйича инструктор, чорвачилик станциясида хроно-метрчи, грен заводда йигириув цехи бригадири бўлиб ҳам ишлаган. Сўнгра шаҳар физкультурачилар советида иш бошқарувчи бўлган. Ишида 175 сўмдан 200 сўмгача маош олган.

Мана унинг ўқиши жуда қийин бўлган қораламаларида сақланган айрим сатрлар:

*Чироқнинг олдида бошингни эгиб,
Хат ёзганингда кўзларинг чақнаб
Мен сени яхши кўраман.
Сен эса на кўрдинг, на эшига олдинг,
Оҳиста шивирлаб қилган орзум.*

Ёки:

*Үйку киприкларим намлаб ўтади.
Биламан, тушимга нима киришин –
Қуёш, сен ва яна ўрмон
Ва оҳиста мени бошлаб кетасан
Тикка тушган сўқмоқ йўл бўйлаб.*

Татя қаерда ишлаганини эслай олмадим. Охирги бир ярим-икки йил ичида рабфакка қатнаганини эслайман. Отам биз келгунимизча балиқ ушлайдиган сават сотиб олган экан. У тол новдаларидан тўқилади. Ёз кунида у, Гриша, Володка ва мен балиқ овлаш учун поездга ўтириб Эски шаҳарнинг орқасида жойлашган Андижон-2 станциясига бордик. Темир йўл шаҳарни айланиб ўтар эди. Маҳаллий аҳоли ушбу станцияни Харкоп деб аташар экан. Бу қизиқ ном Андижон – Харьков сўзидан келиб чиқсан экан. Станциядан икки-уч километр нарида дарё оқади. Дарёга бориш учун дастлаб темир йўлдан юриб кўпприкка етиб олдик, сўнг қирғоқ бўйлаб ҳаракат қилдик. Йўлда пахта далалари кўринди. Ҳожатга ишлатиш учун лўппи чаноқларда турган момиқ пахталарни териб олдик. Белгиланган жойга келгач саватни сувга ташлаб ортимизга қайтдик. Эртаси куни уни текширгани дарёга Володя иккаламиз борадиган бўлдик. Кеч кириб қолганди. Саватга ҳеч нарса илинмабди. Яна сувга ташлаб ортимизга қайтдик. Бу сафар йўлимизни қўян қилиш учун шолизор оралаб кетдик. Улар тўртбурчак, учбурчак шаклида бўлиб, хажми зоҳзо метрдан ошмасди. Ҳар бири марзасигача сув билан тўлдирилган. Унинг полидан юриб кетдик. Сўнг қамишзор, ундан кейин узум экилган майдонлар ва яна қамишзордан чиқдик. Қуёш уфқка

бош қўйиб, атрофни исқабтопарларнинг ғин-ғиллаган товуши тута бошлади. Тинмай бақалар қурилларди. Бироз юриб таниш кўпприкка чиқиб олдик. Сен қиласман дейсан ўттиз, худойим қиласди тўққиз. Биз вақтни тежаймиз деб яқин йўлимизни узоқ қилиб олган эдик. Станцияга етиб келганимизда поезддан асар ҳам қолмаган экан. Қоп-қоронги тунда уйга пиёда йўл олдик. Йўл нотаниш, лекин Андижон-2 станцияси билан Эски шаҳар ўртасида бошқа йўл йўқлиги учун адашиш мумкин эмасди. Бир жойда пиёз экилган майдонга дуч келдик. Пиёз шунчалик катта эдики, улардан бир нечтасини юлиб олдик. Бироқ яқин чойхонада ўзбеклар бизни қўполлик билан тўхтатиб, қўлимиздаги пиёзни тортиб олишди. Албатта, ўзимиз айбдор эдик. Ярим тунда уйга етиб келдик. Лекин қандай қилиб иккинчи бор сават текширгани борганимизни эслай олмайман.

Шуни айтиш керакки, ўзбеклар етиштирилган барча ноз-неъматларга ўта ҳурмат билан қарайди. Ерда ётган битта дон, кичкина нон увоги ёки пахта толасини кўрса дарров кўзига суртади ва қушлар есин деб оёқости бўлмайдиган жойга олиб қўяди ёки балиқларнинг ҳақи деб сувга ташлайди. Мавсумда йўл бўйидаги дарахтларга тўкилган пахталарни солиш учун маҳсус яшиклар ўрнатиб қўйишади. Шунда бу ҳожатга ишлатадиган оддий нарса эмаслигини тушундик. Бу анъана ҳозир ҳам Ўзбекистонда сақланни қолганми, йўқми, билмадим.

Биз, болалар, отам билан икки-уч бор шаҳар ташқарисидаги сой ёқалаб сайрга чиқсанмиз. У жуда тез оқади. Айниқса, қиялик жойларда сув тиззадан келса ҳам, мувозанатни ушлаб туриш қийин. Сув белга чиқсаннида эса дарров одамни оқизиб кетади. Оқимга қарши юриб сойдан ажралиб чиқсан ариққа дуч келдик. У секин оқарди. Шуни таъкидлаш керакки, бу ердаги ариқлар суформа деҳқончиликнинг бир мўъжизаси, ҳаёт булогидир. Шаҳарга яқинлашган сари ариқлар сони кўпайиб, сойдан яна ҳам кўпроқ сув ажратиб олинади. Шу тарзда сой тобора майдалашиб боради. Сой асл ҳолида оқсан жойда эса боф, дала ва томорқалар деярли йўқ, фақат қуриган чўп-ўланлар ва янтоқзорлардан иборат тепаликлар мажуд. Андижон-сой ва Қорадарёга ўхшаш катта сув ҳавзаларида чархпалакларга кўзингиз тушиши мумкин.



Инсоният томонидан кашф этилган биринчи машина ҳисобланган ушбу чархпалақлар парракли ғилдирақдан иборат бўлиб, атрофига сопол кўзачалар ўрнатилган. Сув ғилдирак тагига тегиб, уни айлантиради. Кўзачалар сувга тўлиб, уни юқорига олиб чиқади ва тарновга қуяди. Чархпалақлар, одатда, улкан ҳажмга эга бўлади. Отам мактубларининг бирида Ўрта Осиё ариқлари ҳақида ёзган эди.

Ўзимиз яшаган ва кўрган ажойиб юрт ҳақидаги ҳикоямизни якунлашдан аввал бу ергаги диққатга сазовор бошқа жойлар, айниқса, Акмал Икромов (Ўзбекистон Компартияси МК котиби, кейинчалик халқ душмани деб айланган) номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳақида сўз юритмоқчиман. У Эски шаҳарда конструктивизм услубида қурилган катта замонавий боғ ҳисобланади. Ушбу маскан ёзги театр, ёзги ва қишки кинотеатрлар, стадион ва кўплаб павильонларни ўз ичига олган. Ҳар бири ўзига хос тарзда қурилган эди. Масалан, кулги хонасини қўрқинчли башарани ўзида акс эттирган одам калласи шаклида қуришган. Чойхона эса улкан бургут қанотлари остига жойлаштирилган. «Пиво-яхна сув» дўкони катта бочкани эслатади. Оркестр учун алоҳида жой ажратилган бир нечта рақс майдонлари ҳам бўлган. Боғ марказидан чўмилиш ҳавзаси ўрин олган бўлиб, тўғри бурчакли бу улкан яшил пиёланинг икки четига ёғочдан сувга сакраш учун қурилган миноралар ўрнатилган.

Энди ўқишим ҳақида. Загорскда 6-синфни тамомлаб, синфдан синфга ўтиш имтиҳонларини топшира олмаган эдим. Бу ерда жиддий тайёргарлик қўришга тўғри келди. Янги шаҳарнинг энг чеккасида жойлашган мактабга ёзилиб, кузги имтиҳонларга жиддий тайёргарлик кўра бошладим. Ниҳоят, имтиҳонларни яхши топшириб, 7-синфда ўқий бошладим.

Укаларим Володка ва Серёжка ўқийдиган мактаб уйимизга яқин эди. У ўзбекона қурилган бўлиб, олди айвон, шифти миллий нақшлар билан безатилган. Ушбу нақшлар кўчадан ҳам кўриниб турарди. Мазкур кўча ҳам Файзулла Хўжаев номи билан юритилган. Менинг мактабим эса инқиlobдан илгари гимназия бўлиб, у 2-сонли эди. Мактабимиз кулранг гиштдан тикланган, атрофи қалин дов-дараҳтлар билан қопланган. Шаҳарда яна битта ўн йиллик

руслаби бор эди, негадир у темирийўлчилар мактаби деб аталарди. Мактабим узоқ бўлгани учун эрталаб ёғ заводининг гудоги билан уйғонардим. Ўшандада бу баланд товушлар соат вазифасини ҳам ўтаган.

Андижонда тез-тез ер қимиirlab турарди. Ана шундай зилзилалардан бири тўлин ойчиқдан оқшомда рўй берди. Дастрраб кучли, сўнг сал кучсизроқ бўлганини ҳис қилдик. Шу вақтнинг ўзида чор-атрофни шовқин қоплади. Эски шаҳар аҳолиси қўлига кирган қозонми, кострюлми, тинмай данғиллатарди. Ўйнинг эгаси бизга катта илон ерни қимиirlатиб, энди ойга ҳужум қилаётганинги, фақат шовқинсурон чиқариб уни қўрқитиш мумкинлигини айтди. Ой юқори кўтарилиб, оппоқ рангга кириши билан шовқин тўхтади. Ер қимиirlашини маҳаллий аҳоли унинг овозига тақлид қилган ҳолда «шатир-шутур» деб атайди. Андижонда яшаган пайтимизда бундай зилзилаларнинг кўпини кўрдик. Айтишларича, энг кучли ер қимиirlаши Андижонда 1906 йили рўй берган экан. Ўшандада шаҳар бутунлай вайрон бўлган, фақат черковгина бузилмай қолган.

Еттинчи синфни муваффақиятли тамомлаб, ҳатто мукофотланган бўлсан ҳам, мени саккизинчи синфга қабул қилишмади. Бунга отамнинг иш жойидан олиб келган маълумотномаси сабаб бўлди. Унда «келиб чиқиши социализмга ёт» деб ёзиб қўйилган эди. Шундан сўнг хўжайнимиз мени темир йўл депосига жойлаб қўйиш таклифини билдириди. Отам бу таклифни қўллаб, деподан кейин техникиумга, сўнг институттага киришим мумкинлигини айтди. Паровоз депосига кирмоқчи эдим, бўлмади. Шундан сўнг вагон депосига жойлашдим. Кўп ўтмай мўъжиза рўй берди. Ўша справкага қўйилган резолюцияда наркомпроснинг розилигига кўра ўқишини давом эттиришим мумкинлиги қайд этилганди. Янги 1936 йилга ўтиб М.Б.Калинин томонидан имзоланган таълим жараёнидаги ижтимоий чекловларни бекор қилиш ҳақидаги қарор эълон қилинди.

1936 йилнинг ёзида 31-сонли янги ўрта мактаб очилди. Уни Пиён бозорига яқин ерда, Эски ва Янги шаҳар чегарасида қуришди. Унга яқин яшовчи ўқувчилар шу мактабга ўтказилди. Мен ҳам мазкур мактабнинг 9-синфига қатнай бошладим.



Отам бўш пайтида адабий иш билан шуғулланарди. У маҳаллий аҳолининг чўккалаб ўтириш одатини ўзлаштириб олди. Унинг ана шу ҳолатда ўтириб ижод қилиши кўз ўнгимдан сира кетмайди. Атрофида болалар чуғурлашса ҳам, ҳеч нарсага эътибор бермай ёзишда давом этарди. У ўзига хос табиатли инсон эди. Кўчада галифе шим, ёқаси йўқ енгил оқ кўйлак кийиб юрарди. Бошидан эса малина дўппи тушмасди.

Отам шу ернинг ҳаётидан олинган ҳикоялар ёзарди. Уларда босмачилар, чаёнлар акс эттирилган. Кўп вақтини «Совут кийган аскар» деб номланган мемуар ёзишга бағишилаган.

Опам Варяда ижодий қобилият анча барвақт шаклланди. Загорксда, айниқса, Андижондлик пайтида у жуда кўп ёзарди. Бу ерда ипакчилик тарихи бўйича ҳам кўп материал тўплаган. Опам тарихий мавзуда роман ёзишга ҳам тараффуд кўраётган эди. Бир куни отам ва Варя



уйга жуда кеч қайтишди. Мен уларнинг суҳбатини эшишиб қолдим. Отам Варяга Николай II ни Тоболскдаги сургундан қутқариш жараёнида иштирок этганини гапириб берди. Ўшандада Николай билан алоқа ўрнатишган экан. Подшо қутқариш жараёни қон тўкилишларсиз амалга оширилиши талбини кўйган. Шунинг учун заҳарли газдан фойдаланилган. Билишимча, Николай II ни озод қилишга қаратилган ҳаракатга жиддий тайёргарлик кўрилмаганлиги сабабли у натижада бермаган. Энг қизиги, отамнинг бу сири тегишли органлар учун ҳам сирлигича қолган.

Варя 1933 йили қамоқча олиниши ва сургун қилинишига қарамай, том маънодаги совет кишиси эди. У Лениннинг олти жилдлик, Маркснинг икки жилдлик китобларини сотиб

олган. 1936 йилнинг охирида унинг учун сургун муддати тугади ва Москвага кетишга тайёргарлик кўра бошлади.

Татя эса рабфақда ўқирди. Шу орада у ўта қисқа вақт Андижон театрида, сўнг қайсиadir маҳкамада чизмакаш бўлиб ишлади. Татя рабфак талабаси Леонид Якушев билан яқин муносабатда эди. Унинг қайлиғи ўқиш билан бирга грензаводда механик бўлиб ишларди. Янги бозорда, «Энгельс» кўчаси 2-уйда яшаган. Кўп ўтмай Татя унинг уйига кўчиб ўтди.

Ана шу суронли йилнинг ёзида биз Варя билан Гришани кўргани Шахрихонга бордик. Чойхонада тамадди қилгач Гришанинг қандайдир шериги билан сойга чўмилгани бордик. Ўшанда Варянинг қуёшда қорайган озгин танасини, ғамгин чеҳрасини эслаб қолганман. Кўп вақт ўтмай у бутунлай ғойиб бўлди.

Болалигимда мен Варядан кўра Татя билан инокроқ эдим. Охирги пайтда Варя билан яхши муносабатда бўла бошладим. Туғилган кунларимизда бир-биримизга совға-саломлар берардик.

Воқеликларга бой бўлган 1937 йил бошланди. Папанин бошлиқ гуруҳ самолётлари биринчи марта Шимолий қутбга қўндирилди. Чкалов, Байдуков ва Беляков Шимолий қутб тепасидан Америкага учиб ўтишди, кўп ўтмай Громув ушбу қаҳрамонликни яна қайтарди.

1937 йили ҳукуматнинг террористик сиёсатида кескин ўзгариш рўй берди. Газеталар халқ душманларининг фош этилиши ва йўқ қилиниши ҳақида тинмай хабарлар бериб турарди. Уларнинг кўпи таниқли кишилар эдилар. Ҳамма жойда Сталиннинг 1937 йил 3 марта даги ВКП(б) МКда айтган қуийдаги сўзларини тинимсиз тақрорлашарди: «Чет эл жосуслик ташкилотларининг қўпорувчилик ва жосуслик ҳаракатларини ўзида ифода этган троцкийчилар аллақачоноқ ишчилар синфининг сиёсий раҳнамоси бўлишдан тўхтаганлигини партиядош дўстларимизга тушинтиришимиз керак. Улар ишчилар синфининг манфаатини ҳимоя қиласидиган аниқ ғояга ҳизмат қилишдан тўхтаб, чет эл жосуслик органлари фойдасига ишловчи, мутлақо ғоясиз, тутуриқсиз зараркундалар, диверсантлар, жосусларга айланиб қолишиди. Замонавий троцкийчиларга қарши курашни энди баҳс-мунозара шаклида эмас, балки уларни илдизи билан қуритиш ва тор-



мор келтириш орқали амалга ошириш кераклиги тушунтирилсин».

Тегишли органларга «тушунтириш» ишларини олиб бориш учун аниқ топшириқлар берилди. Андижон НҚВД томонидан чақимчи ва сотқинлардан у ёки бу шахс троцкийчиларга алоқадорми-йўқми деб сўралиши ҳам шундан эди. Газеталарда Тухачевский, Якир, Уборевич, Корк, Путна, Прямаков ва бошқа йирик саркардаларнинг душманлиги, хоинлиги ҳақида хабарлар пайдо бўла бошлади. Отам бу фамилияларни яхши биларди, улар қизил армиянинг юқори ҳарбий бошлиқлари эдилар. Бошланган янги террорга қараб туриб отам эртага ўзини нима кутаётганини билганмикин?

Отамнинг 1937 йилдаги делосига 1 май куни ёзилган аризаси тикиб қўйилган. У шундай сўзлар билан бошланади: «Сўнгги ойларда менга маълум бўлдики, НҚВДнинг маҳаллий сектори менинг шахсимга қизиқиш билдира бошлади». Аризадан тушуниш мумкинки, органлар чақимчилардан Трубецкой троцкийчиларга алоқадор эмасми деб сўрашган. Отам ўшанда атрофика қора булутлар тўпланаётганини билган.

Аввал айтганимдек, шу йилнинг ёзида Варя Москвага кетишга тайёргарлик кўрди. Лекин у тезроқ кета қолмади. Бир қарагандан бунга ҳожат ҳам йўқ эди. Чунки 1934 йили «Россия миллий партияси» жиноий иши бўйича ўтган қирқ нафарга яқин киши органларнинг қатъий ҳисобида турган. Улар 1937 йили яна қамоқ-қа олинди, кўплари отувга хукм қилинди.

1937 йилнинг 29 июлида машъум воқеа юз берди. Нимадир бўлиб мен шаҳарга тушган эдим, узоқда оқ кўйлак ва малина дўппи кийган отамга кўзим тушди. Ўшанда уни бошқа кўрмайман деб ўйламаганман. Кечки пайт уйимизга фуқаро кийимидағи икки киши отам ва Варяни қамоқ-қа олиш ҳақидаги ордер билан келиб, ҳаммаёқни тинтуб қилишди. Уйда онам ва биз, болалар, бор эдик. Варя кундузи қаёқ-қадир кетганди. Текширувчилар асосий эътиборни хат ва қофозларга қаратишди. Ниҳоят, тинтуб тугади. Кўплаб қофозлар, асосан, отам ва Варя томонидан ёзилган хатлару ёзишмаларни тортиб олишди. Узундан-узоқ протокол тўлдириб, уни имзолатиш учун менга беришиди. Протоколда отамнинг қўлёзмалари ораси-

дан фашистлар белгиси туширилган хат тоپилганлигини қайд этишибди. Бу туҳмат эди.

Бир-икки кундан сўнг Гришанинг олдига бориб отамнинг қамалганини айтдим. Яқинда Варя билан унинг ёнига қелганимизни эсладик. Гриша ўшанда ўзини нима кутаётганини сезмаган эди.

Бўлиб ўтган воқеадан сўнг Татя қайлиги Леонид Якушев билан бизникига тез-тез келадиган бўлишди. Леонид мени грен заводга ишга жойлаштириб қўйди. Қиладиган ишим баланд минорадаги бочкага сув тўлдириб туришдан иборат эди. Бир ойча вақт ўтиб Леонид ранги оқарган ҳолда келиб, Татяни НҚВДга чақиришганини айтди. Кечга яқин маҳкамага бордик. Уни сўроқ қилишаётган экан. Узоқ вақт кутдик. Лекин қўйиб юборишмади. Ташқарига олиб чиқиб енгил автомашинага ўтиргизиши. «Бильдин» кўчаси бўйлаб турмахона томонга ҳаракатланаётган машина бир зумда кўздан фойиб бўлди. Ҳозир унчалик эслай олмайман, кўп ўтмай уйимизга турмадан чиққан бир аёл келган эди. У Татя билан битта камерада ўтирган экан. Татя ўша аёлга терговчилар отаси ва Варяга қарши ёлғон кўрсатма беришга мажбурлашганини, акс ҳолда, озодликка чиқмаслигини айтишганини гапириб берган экан.

Мен Татянинг қамоқ-қа олинганини етказиш учун Гришанинг олдига бордим. «Демак, улар менга ҳам етиб қелишади», – деди у маъюс ҳолда. Айтганидек, ҳеч қанча вақт ўтмай уни олиб кириб қўйишганлиги ҳақида хабар келди. Мен яна Шаҳрихонга бордим. Гришанинг ёрдамчи-си ҳам, клуб дурадгори ҳам қамалиш тафсилоти ҳақида жўяли бир гап айтишолмади. Чердакка чиқдим. Гриша шу ерда ётарди. У борига қаноат қилиб яшашга ўрганганлиги боис деярли ҳеч нарса оширганинди. Сочилиб ётган эски кийимлардан чиқаётган акамнинг ҳидини ҳозир ҳам унунтганим йўқ. Қайтишим жуда қийин бўлди. Велосипедда Асака (Ленинск) темир йўл вокзалига етиб келганимда дараҳтлар ортидан кетиб бораётган Москва поездидан чиқаётган тутунга кўзим тушди. Бу поезд ҳар куни Андижондан қайси вақтда жўнаши менга ёд бўлиб кетганди. Ортидан тикилиб қоларканман, ушбу поезд гўё менинг барча умидларимни, ушалмаган орзу-ҳавасларимни ўзи билан олиб кетаётгандек туюлди.




Етимликнинг ташвишли кунлари бошланди. Оиламиз бошига тушган қулфат онамни нура-тиб қўйди. У икки гапининг бирида: «Отанг энди қайтиб келмайди», – деяверарди. Кўп ўтмай янги квартирага кўчдик. У ҳам «Қизил карвон» кўчасида жойлашган эди. Куз пайти уйимизга милиционер ташриф буюриб отам ва Татяниг нарсаларини олиб кетгани келганини айтди. Қийин аҳволда яшардик. Отамнинг янги сотиб олган шими ва ботинкаси энди менга ўтганди. Онам улардан ҳеч нарса қолмаганини, виолончелни эса болалар ўрганишаётганини айтди. Шунда милиционер айёрик қилишга тушди: «Қанақасига ахир, эрингиз мусиқачи бўлса. Борган жойида тирикчилик ўтказиши керак-ку, ахир!». Биз унинг гапига лақقا тушибмиз. Кўп ўтмай «Ленин» кўчасидаги магазиннинг чанг ойналари ортига сотиш учун қўйилган виолончел, сурнай, шунингдек, отамнинг шими, ботинкаси ва катак қўйлагини кўрдик.

Анча кейин, 1938 йили, ҳукмни эшидик. Отам ва Варяни хат ёзиш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда ўн йил муддатга олис лагерга сургун қилишибди. Фақат Хрущев замонига келганидагина англадим, бундай оммавий қирғинлар Сталин ҳукмронлигининг обрўисига путур етказиши ва ишончсизлик уйғотишидан қўрқиб отилганларга шундай ҳукмни ўйлаб то-пишган экан. Чунки ўн йил ичида бу йўқолган одамларни бирор қидириб ҳам ўтирумайди. У ерда кўрибди, бу ерда учратиби деган мишишлар эса сира тўхтамаган. Акам Гриша 1947 йили Сибир лагерларидан қайтгач битта одам отамни Колим лагерларида кўрганини, у оркестрда мусиқачи эканини айтганини гапириб берди. «Хат ёзиш ҳуқуқидан маҳрум этиш»дан кутилган мақсад ҳам шу эди.

1938 – 1939 йиллар бегуноҳ одамларни оммавий қирғин қилиш даври бўлди. Уларни очиқчасига ҳам, яширин ҳолатда ҳам отиб ташлашаверарди. Ўша йилларда чиққан газеталарда халқ душманлари, фош этилган жосуслар, уларни аниқлаб берган ватанпарварлар ҳақида кўп ёзилган. Мактабимизда ўтказилган митингда ҳали бола бўла туриб маршал Тухачевский бошчилигидаги энг юқори табақадаги ҳарбийларнинг отилишини маъқуллаганимизни, уларнинг портретини дарсликлардан йиртиб ташлаганимизни яхши эслайман. Кўча, кол-

хоз ва посёлкалардан республиканинг биринчи раҳбарлари бўлган Акмал Иқромов, Файзула Ҳўжаев номларининг олиб ташланиши билан боғлиқ жараёнлар ҳам жуда қимматта тушган.

Бундай ноҳақликлар ва зўравонликлардан сўнг Иккинчи жаҳон уруши даврида власовчилар, Украина ҳарбий қисмлари, Дон ва Кубан казаклари, Туркистон легиони, татарлар, кавказликларнинг немислар томонига ўтиб кетганлигидан таажжубланиб бўладими? Илгари ҳеч қачон, ҳеч бир урушда бунақаси бўлмаган. Чунки «Ўртоқ Сталинга раҳмат!» дейдиган даврлар ўтиб кетганди. Отам, Гриша, Варя, Татя нима жиноят қилди, улар давлат учун нега хавфли деган саволни ўртага қўйишнинг ўзи мантиқсизлик. Террор ҳамма замонларда бўлган, лекин бу даврда у ўзининг энг юқори нуқтасига кўтарилиган эди.



Онам турмада ётган Гриша ва Татяга егулик ташириди. Маҳбуслар бошқа ерга юбориларкан деган гап тарқалгач онам темир йўл вокзалига чиқади. Уч ёшли Готкани кўтариб станцияга борганида оломоннинг ичида Гришани кўриб қолади. Кузатувчилар кўп бўлгани учун қорувуллар хотинларни ҳайдаб юборишади. Кейин биз Гришанинг Томскдаги лагердан ёзган хатларини ола бошладик.

Гришага ота-онасини, опа-сингилларини, укаларини кўриш насиб этмади. Фақат 10 йилдан сўнг оғир касал ҳолида «юзбиринчи» бўлиб лагердан қайтди. «Юзбиринчи» дейилишига сабаб, у Москвадан камида 100 километр нарида яшashi керак эди. Фақат 1955 йилдагина тўла окланди. Кичик Ярославлда яшаб, 1975 йили Москвада вафот этди.

Татя учун сургун ҳалокатли тутади. У ла-



гернинг бадиий ҳаваскорлик ансамблида қатнашар, гурух таркибида лагерма-лагер юриб концерт беришарди. Унинг юрак фаолиятида етишмовчилик касали бўлганлиги сабабли аҳволи ўта оғирлашади. 1943 йили уни «акт» қилишади. Яъни яшаб кетишига умид бўлмаган касал маҳбусларни «акт» қилиб, қамоқдан бўшатишган. Бундан мақсад, улар лагерда вафот этиб ГУЛАГнинг статистик кўрсаткичларини ошириб юбормаслиги керак эди. У 24 ёшида касалликдан вафот этади.

Татяning эри Леонид Яқушев сил касалига чалинганди. Татяning қамалиши уни бутунлай нобуд қиласди. 1937 йилнинг кузидаги ушбу касалликдан вафот этади.

... 1938 йили мактабни аъло баҳоларга таомладим. Олдимда иккита йўл турарди: Москва давлат университетига ёки Самарқанддаги Ўзбекистон давлат университетига кириб ўқиши. Самарқандга боришини менга математика ўқитувчимиз Мазитов таклиф қилган эди. Москвада ўқиши яхши, лекин аттестатим аъло бўлишига қарамай, шундай таржимаи ҳол билан мени ўқишига қабул қилишларига кўзим етмасди. Ниҳоят, шу йилнинг август ойи охирида онам, укаларим ва синглим Ирина билан хайрлашиб Самарқанд поездига ўтиреди. Менинг болалик орзуим амалга ошаётган эди. Бироқ жуда оғир пайтда онами ташлаб кетяпман. Оиламиздаги каталарнинг қамалганига энди бир йил бўлди, отам ва Варя эса изсиз кетишиди. Уларнинг ўрнига мен оиланинг таянчи бўлиб қолгандим. Энди эса кетяпман... Бироқ ёшликтининг ўжар худбинлиги, ўқишига ўлгудек қизиқиши ҳаммасидан устунлик қилди. Мен физик бўлишни хоҳлагандим. Кўпроқ космос, микрочастоталар дунёси қизиқтиради. Лекин Самарқандга боргач бу ерда орзуларим ушалмаслигини англашим. Янги очилган университетда ўқитиш даражаси унчалик юқори эмасди. Онамнинг Москвага яқин жойга кўчиб бориш ҳақидаги таклифидан сўнг у ердаги университетда ўқиши истаги қалбимда яна ғалаён қила бошлади. Ўқишини бирдан ташламасдан, вақтинча тўхтатиб туришга қарор қилдим. Сессияда ҳамма имтиҳонларни бешга топшириб бўлгач бўшаш ҳақида ариза ёздим. Уйга қайтгач яна онамнинг маъюс чехрасига кўзим тушди. Татя

ва Гришадан аҳён-аҳёндагина хат келарди. Отам билан Варядан ҳамон дарак йўқ. Мен Қорадарё ирригация тизимлари бошқармасининг транспорт бўлимига техник ҳисобчи бўлиб ишга жойлашдим. Номланишидан ҳам маълум, ушбу бошқарма ўта мураккаб бўлган каналлар тизимига хизмат кўрсатиш ва уларни бошқариш билан шугулланади. Ҳар куни Андижон тумани (у пайтда Андижон вилояти ташкил этилмаган эди) ҳудудидан ташқарига чиқадиган юқ автомашиналарининг тоннажилометри ва уларнинг бензин сарфи ҳисобини юритардим. Кечаси эса катталарнинг кечки мактабида физикадан дарс ўтардим. Ишда менга яхши муносабатда бўлишган. Вазифам, шоффёрлардан бири айтганидек, бир уюм қозони у ердан бу ерга олиб қўйишдан иборат эди. Бу ҳақда ёзиш унча қизиқ эмас. Фақат бир неча кишини эслаб қолганман. Омбор мудири Қўзибоев кексайиб қолганига қарамай, қаттиққўл ва хасис одам эди. Ундан ҳамма қўрқарди, у эса бундан ҳузурланарди. Ҳатто бош инженер (у бир вақтнинг ўзида директорлик вазифасини ҳам бажарган) Богатиров ҳам омборчига ҳурмат билан қаарарди. Менинг бевосита раҳбарим, инженер Клейманов юмшоқ, оққўнгил одам эди. У, одатда, очик деразадан ҳовлида турган гараж мудири Богунга қичқиради. Богун унинг чақирганини эшитмагач ноилож телефон гўшагини кўтариб қўнғироқ қиласди. Баъзан телефон рақамини териб қўйиб, дераза олдига чопқиллаб келарди Богун жойидамикин деб. Бу ҳисобчимиз Клейменовни ҳазил қилишга ундарди: «Богун, гўшакни кўтар, ҳозир сен билан телефонда гаплашман».

Биз Москвага кетишига шайланардик. Чипта олиш эса осон эмасди. Эрталаб олдиндан билет сотиши кассасига кирган эдим, шу куннинг ўзиға чипта борлигини айтишиди. Кечга бориб бутун оиламиз билан вагонга жойлашдик.

Россияга кўчиб келгач Москва давлат университетининг физика факультетига ҳужжатларимни топширдим. Аълочи сифатида имтиҳонларсиз қабул қилишди. Бироқ пешонамиизда солдат формасини кийиш ёзилган экан. Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, ҳарбий хизматга жўнаб кетдим...

АЛИХОНТУРА ОЗАРБАЙЖОН ОЛИМИ ТАЛҚИНИДА



Алихонтұра Шокирхұжаса
үглі. 1945 йыл

Шарқый Туркестон
Республикасы милий
хукуматы бошлығы

истории – РГАСПИ) бориб, советлар даврида махфийлик тамгаси остида тадқиқотчиларга берилмай келган айрим фонdlардан ана шу махфийлик тамгаси олиб ташланғани, унинг материалларидан фойдаланиш мүмкінligi-ning шоҳиди бўлдик. Ўзбекистоннинг, жумладан, Андижоннинг совет давридаги тарихи муаммолари ҳақида янги ҳужжатлар излаш билан шугулланаётганимизда шу архив кутубхонасига тарих фанлари доктори, профессор Джамиль Гасанлынинг 2015 йили Москвадаги «Флинта», «Наука» нашриётларида **«СИНЬЦЗЯН В ОРБИТЕ СОВЕТСКОЙ ПОЛИТИКИ. Сталин и мусульманское движение в Восточном Туркестане, 1931 – 1949»** номли монографияси эсдалиқ учун берилган экан. Бу асар билан танишишга тұғри келди.

Шу йил сентябрда Москва шаҳрига қылған илмий сафаримизда шаҳарнинг «Большая Дмитриевская» күчаси 15-үйда собиқ КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти марказий партия архиви, ҳозирда Россия ижтимоий-сиёсий тарихи давлат архивига (Российский государственный архив социально-политической истории – РГАСПИ) бориб, советлар даврида махфийлик тамгаси остида тадқиқотчиларга берилмай келган айрим фонdlардан ана шу махфийлик тамгаси олиб ташланғани, унинг материалларидан фойдаланиш мүмкінligi-ning шоҳиди бўлдик. Ўзбекистоннинг, жумладан, Андижоннинг совет давридаги тарихи муаммолари ҳақида янги ҳужжатлар излаш билан шугулланаётганимизда шу архив кутубхонасига тарих фанлари доктори, профессор Джамиль Гасанлынинг 2015 йили Москвадаги «Флинта», «Наука» нашриётларида **«СИНЬЦЗЯН В ОРБИТЕ СОВЕТСКОЙ ПОЛИТИКИ. Сталин и мусульманское движение в Восточном Туркестане, 1931 – 1949»** номли монографияси эсдалиқ учун берилган экан. Бу асар билан танишишга тұғри келди.

Мазкур тадқиқотда ўтган асрнинг зо-йилларида ҳозирги Шинжянг үй-түр мухтор ўлкасида СССРнинг фаоллашуви талқин этилган. Муаллиф Хитойнинг маъмурий вилоятинга нисбатан Москва олиб борган сиёсатнинг махфий томонларини очиб ташлашга, бу сиёсатнинг бош меъмори шахсан Сталиннинг ўзи бўлган лигини асослаб беришга ҳаракат қылган. Китобда хронологик изчиллик билан Шинжянг вилоятининг шимолида 1944 – 1949 йилларда бўлиб ўтган инқилобий воқеалар, мусулмон миллий ҳаракати ва Шарқий Туркестон миллий ҳукуматининг фаолияти тадқиқ этилган. Совет сиёсий, дипломатик, хавфсизлик органларининг СССРнинг Шинжянгта нисбатан олиб борган сиёсатини акс эттирган ҳужжатлар биринчи бор илмий истеъмолга киритилган. Шунингдек, АҚШнинг Архив ва ҳужжатлар миллий бошқармаси фонdlарида сақланыётган ҳужжатлар ҳам талқин этилган.

Асарнинг мазмуни, ғояси, концепцияси, долзарблигини унинг мундарижасидаги боблардан ҳам билса бўлади: 1. Шарқий Туркестонда мусулмон ҳаракати ва Москванинг Шинжянгта таъсири кучайиши (1931 – 1934). 2. Шарқий Туркестонда Совет назоратининг мустаҳкамланиши (1934 – 1939). 3. Совет –



озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru

Сталин

и мусульманское движение
в Восточном Туркестане
1931–1949

озон.ru



Шинжяңг муносабатлари инқизорзининг чуқурлашуви ва Шэн ҳукуматининг қулаши. 4. Шарқий Туркистон Республикасининг ташкил топиши (1944 – 1945). 5. Урумчи битими ва Шинжяңда коалицион ҳукуматнинг ташкил топиши. 6. Шинжяңда Советлар фаоллигининг янги түлқини ва Хитойда коммунистлар галабаси (1947 – 1949).

Алихонтұра Соғуний фаолиятига оид маълумотлар китобнинг 137-, 158 – 160-, 162-, 171-, 175 – 176-, 179-, 185 – 188-, 190-, 194-, 205-, 207 – 210-, 213-, 216 – 218-, 240-, 253-сақифаларидა көлтирилган. Бу сақифаларни ўқыган ҳар бир китобхон Алихонтұра Соғунийнинг ижтимоий-сиёсий, дипломатик, ҳарбий фаолиятига оид янгидан-янги маълумотларга эга бўлади.

Муаллиф хилма-хил ҳужжатлар асосида Шинжяңда тайёрланган ва кўтарилилган миллий озодлик ҳаракати ва унинг иштирокчилари таркибини таҳлил этган. Ҳаракат таркибида собиқ Иттифоқда таълим олган уйғур, қозоқ, ўзбек ва қирғизлардан иборат зиёлилар бўлгани, улар яширин инқилобий тўгаракларда анчадан бери фаолият кўрсатаётганлари китобда кўрсатилган. Масалан, 1943 йил охрида Алихонтұра Шокирхўжаев, Раҳимжон Собирхўжаев, Аҳмаджон Қосимий, Абдулкарим Аббосов, Абдурауф Махсум, Муҳаммаджон Махсум, Солижонбай Бобожон каби зиёлилар, мансабдорлар, руҳоният ва савдо ходимлари, Шарқий Туркистон Ислом Республикаси Бош вазирининг ўғли Собит Домулла, Мухитдин Қаноат, Зуннун Таилов, Гани Йўлдошев, Қосимжон Ганбари, Нуриддинбек Илохун, Умаржон Пирмуҳаммад ва бошқалар бўлган.

ВКП(б) Марказий Комитети сиёсий бюроуси 1943 йил 4 майдаги қарорини бажариш ва Шарқий Туркистондаги мусулмон миллий ҳаракати тўғрисида маълумот олиш мақсадида Москвада Шинжяңг бўйича мувофиқлаштириш гуруҳи тузилган. Унинг аъзолари Халқ комиссарлари советидан Алексей Косигин, Ички ишлар халқ комиссарлигидан Лаврентий Берия, совет касаба уюшмасидан Николай Шверник, ВКП(б) Марказий Комитетидан Михаил Суслов бўлган.

1943 йил майда Лаврентий Берия раҳбарлигига Шинжяңда Ички ишлар халқ комиссарлиги ва Давлат ҳавфсизлиги комитети ходимларининг тезкор кенгаши ўтказилган. Марказий разведка органлари ходимлари билан бир қаторда кенгашга Қозогистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Олтой ўлкаси разведка хизмати раҳбарлари ҳам тақлиф қилинган. Шинжяңг ва Мўғалистон шаҳарларида ҳаракат қилаётган совет резидентлари ҳам чақирилган. Шинжяңг оператив тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унда Шинжяңг резидентурасини мустаҳкамлаш, Ўрта Осиё республикалари разведка органларини тарғиботчи ва мафкурачи ходимлар билан таъминлаш, Олма-ота, Тошкент, Фрунзеда партизан отрядлари тайёрлаш бўйича курслар ташкил этиш, Шэн ҳавфсизлик органларига қарши кураш олиб бориш учун Қозогистон ва Қирғизистон ҳавфсизлик органларини мустаҳкамлаш, келиб чиқиши шинжяңглик бўлгандардан ҳарбий қисмлар тузиш кўрсатилган.

1944 йил 15 ноябрда тарқатилган маълумотлар бўйича, ҳарбий-инқилобий ташкилот, янги ташкил этилган миллий ҳукумат раҳбари Алихонтұра Шокирхўжаев бўлган. Унинг миллиати ўзбек, 1887 йили Тўқмоқ шаҳрига яқин (Боласоғун) жойда туғилган. Кейинчалик Шокирхўжаев Соғуний тахаллусини олган. Унинг отаси билимли, маърифатли бўлган, ўғиллари Олимхон ва Алихонни чуқур диний маълумот олишлари учун Яқин Шарққа юборган. Саудия Арабистонидан қайтиши билан Алихонтұра ўз таҳсилини Бухоро мадрасасида давом эттириди. Араб, форс ва турк тилларини яхши билганлиги диний билимларини оширишга кўмак берди. Илоҳиёт билан бир қаторда унда тиббиётта катта қизиқиш уйғонди, Абу Али ибн Синонинг жўшқин мухлиси бўлган.

Алихонтұра 1916 йилги чор Россиясига қарши Қирғизистон ва Еттисувда кўтарилилган миллий озодлик қўзғолонида фаол иштирок этган. Чор ҳукуматининг таъқиб-тазиқи остида Қошғарга ўтиб кетади. 1918 йили Алихонтұра Туркистонга қайтиб келади, бу ердаги фуқаролар уруши сабабли 1921 йили Фулчага келади. Ҳаж сафарини адо этиш мақсадида Қошғар орқали Макқага боришга отланади.



Аммо бунга эришолмайды, чунки Яқин Шарқ нотинч әди. 1931 йилгача Алихонтұра СССРда яшади. Ўша йили ҳибста олиниб, советларға қарши фаолияти учун 10 йил қамоққа ҳукм этилади. Бироқ қамоқ муддати тугасидан турмадан қочиб Шинжянгга келиб ўрнашади ва Гулчада диний фаолият күрсата бошлайды. Алихонтұра округ ақолисининг катта ҳурмат-әхтиромини қозонғанды. Чунки у иложиятнинг эңг яхши билағони ва Қуръони қарим билімдөні әди. Аммо Шэн ҳуқуматининг троцкийчиликка қарши бошланған қатағони туфайли қамоққа олинған ва мол-мұлқи мусодара қилинған. 1941 йили Алихонтұра қамоқдан озод қилинади, Урумчидан Гулчага келиб ўзининг диний фаолиятини давом эттиради, құзғолон бошланишидан олдинги йилларда шу юртнинг диний қозиси әди. Унинг диний фаолияти сиёсий характерга эга бўлган. У масжид ва мадрасалардаги нутқларида Гоминдан режимини кескин танқид остига олган, ақолининг хитойлар томонидан бошқарилаёттанига қарши чиқиб, одамларни бу бошқарувга қарши қурашга чақиради. 1944 йил бошларидан Алихонтұра Шинжянгдаги совет муассасалари дикқатини ўзига жалб этади. Исо Юсуф Алптегин уни шундай таърифлаган: «Алихонтұра Или ақолисининг ишончи ва меҳрини қозонған, довюрак, ўқимишли ва юқори даражада ватанпарвар бўлган диний арбобдир».

Бу ҳуқумат таркибида уйғурлардан Рахимжон Собирхўжаев, Анвар Мусабоев, қозоқ Урахон, қалмиқ Фуча, собиқ оқ гвардиячилардан Атаман Дутов қўшинида хизмат қилған Фёдор Лескин ва Иван Полинов ҳам бўлган. Ҳуқумат таркиби ҳар хил диний-этник келиб чиқишга эга кишилар әди. Улар Алихонтұра бошчилигига ислом гоялари асосида ақолини бирлаштириш сиёсатини олиб боришган.

Асарда ҳокимият тепасига қелған Алихонтұранинг 1945 йил 22 апрелда миллий армиянинг дастлабки ғалабасидан илхомланиб, бунда совет инструкторларининг күрсатган ёрдамидан хурсанд бўлиб И.В.Сталинга ёзган хати ҳам келтирилган. 11 майда Алихонтұра хати рус тилига таржима қилинған, Л.Берия, И.Сталин ва В.Молотовга топширилган. Уни айнан келтирамиз: «Создателью культуры и

равноправия всех народов, великому вождю Советского Союза шлю пламенный привет. Я и недавно освобождённые от гнёта народы Восточного Туркестана будут освобождены только при помощи Великого Советского Союза, который в этом деле окажет нам всестороннюю помощь. Тем самым мы сумеем изгнать со своей родины всех наших угнетателей. Я надеюсь, что при наличии необходимой нам поддержки со стороны Великого Союза колонизаторы будут изгнаны. Приветствуя Красную Армию и её героев, которые окончательно разгромили врагов свободолюбивых народов мира – фашистов. Все свои осталльные пожелания передал уважаемому Петру Андреевичу. Остаюсь в ожидание положительных результатов нашей с ним беседы. Так же с нетерпением жду возвращения к нам уважаемого Владимира Степановича, который окажет нам нужную помощь» (Письмо Али хана Торе Сталину. 22.04.1945 // ГАРФ. Ф.Р-9401 с/ч. Оп.2. Д.95. Л.393 – 394).

Китобда Гулчадаги ҳуқумат бошлиғи Алихонтұра советларнинг Урумчидан имзоланған келишувига қарши турган асосий куч сифатида қаралгани ҳақида янги маълумотлар келтирилган. Москвадан олинған йўриқномага кўра Алихонтұра Совет Иттифоқига келтирилиши кўрсатилган. Бу ҳақда унинг ёрдамчилари Алоиддин ва Сопур Мунир (уларнинг иккиси Гулчада узоқ яшаб қолишиган) шундай эслайди: «12 июнда биз Алихонтұра билан биргаликда Гулчадаги совет разведкасининг яширинрезиденциясидаги иккинчи сонли уйга келдик. Уй дарвозаси очилди ва Тўрани ичкарига кузатиб олиб кириб кетдилар. Маълум вақт ўтгач дарвозада бир киши пайдо бўлди ва бизларнинг кетишишимизни айтди. Биз қайтиб келдик, шундан буён биз Алихонтұрани кўрмадик ва уни қаёққа олиб кетишганини билмаймиз.

Аммо генерал Енгаров 16 июндан 17 июнга ўтар кечаси Олма-оттадан Круглов ва Абакумовга Шарқий Туркистон ҳуқуматининг собиқ раиси Алихонтұра Шокирхўжаев СССР ҳудудига олиб келинди деб хабар юборди. 19 июнда тегишили министрликлар бу ахборотни Стalin, Молотов ва Берияга етказдилар».

(Давоми келгуси сонда)

«ВОДИЙНОМА» (ТАРИХИЙ МЕРОС) ЖУРНАЛИДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН МАҚОЛАЛАРГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

1. Журнал таҳририятига тақдим этилаётган мақолага муаллиф(лар) ишлаётган муассаса раҳбариятининг йўлланма хати ва эксперт ҳайъати далолатномаси 2 нусхада илова қилинади.
2. Мақолалар ўзбек, рус тилларида ёзилиши мумкин.
3. Мақола журнал таҳририятига «Microsoft Word» дастурида («Times New Roman» шрифтида 11 ўлчамда, сатрлар ораси бир интервалда) терилган ҳолда икки нусхада электрон варианти (CD дискда) билан топширилади.
4. Мақоланинг умумий ҳажми (расм, жадвал ва диаграммалар билан биргаликда) 8 – 10 саҳифадан ошмаслиги талаб этилади. Мақоланинг бир нусхаси муаллиф(лар) томонидан имзоланади.
5. Муаллифнинг фамилияси, исми-шарифи, иш жойи, лавозими, у билан боғланиш мумкин бўлган манзил (уй ва хизмат телефон рақамлари, электрон почта) кўрсатилади.
6. Агар мақолага расм, жадвал, диаграмма, схема, чизма, турли график белгилар киритилган бўлса, улар аниқ ва равшан тасвирланган, алоҳида файлда jpg, jpeg, tif, pdf форматида бўлиши, қисқартмаларнинг тўлиқ изоҳи ёзилиши лозим.
7. Иқтибос олинган ёки фойдаланилган адабиёт сатрости изоҳи тарзида кўрсатилади. Журнал мақолалари ва бошқа даврий нашрлар учун муаллифларнинг исм-фамилиялари, мақола номи, журнал номи, йили ва сони, саҳифа рақами кўрсатилади.
8. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар таҳририят томонидан қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
9. Таҳририятга тақдим этилган мақолалар таҳририят томонидан ўрнатилган тартибда тақризга берилади. Мақола тақриздан қайтгач, агар зарур бўлса, барча савол ва эътиrozлар бўйича муаллифга қайта ишлаш учун тақдим қилинади. Мақола нусхалари қайтарilmайдi.
10. Ижобий тақриз олган мақола таҳририят томонидан қабул қилинган саналади. Журнал таҳририяти мақола матнини қисқартириш ва унга таҳририй ўзгартришлар киритишга ҳақди.